



Янги
аср
дабиёти

Чорасизлик ўпқонидан
омон қолиб, бахт чодрасини
ёпинган санъаткор қизлар қисмати

Оқ қизлар

А Б Д У Р А Ш И Д Н У Р М У Р О Д О В

Янги
аср
дабиёти



қ қизлар

А Б Д У Р А Ш И Д Н У Р М У Р О Д О В


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
Тошкент
2020

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Н – 87

Нурмуродов, Абдурашид

Абдурашид Нурмуродов. Оқ қизлар. Роман. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2020. – 288 б.

ISBN 978-9943-27-886-8

Асар қаҳрамонлари сизу бизга ўхшамаган одамлар. Ниҳоят-да аҳил оила. Шундай аҳиллик ичинда яшагинг келади. Аммо бу орзуга эришолмаймиз. Чунки улар чорасизлик ўпқонидан омон қолиб, бахт чодрасини кийган аёллар.

Улар биздан бошқачароқ фикрлашади. Сўзлари отилган ўқдай нишонни беҳато уради. Биздан анча олислаб кетган одамлар. Бунга сабаб уларнинг оломондан шахс даражасига кўтарилганлигида.

Бу аҳил оиланинг сарбони саналмиш Жумагул сиймосини сатрларда кўришимиз биланоқ яхши кўриб қоламиз. Ички дунёсидан хабардор бўлганимизда эса аёлнинг ақл-заковати, илми, истеъдоди олдида дарвешга айланамиз.

Аммо улар даврасига қўшилиб кетолмаймиз... Чунки биз уларга бегонамиз...

Ёруғ ўйлар, ширин орзулар билан гул-гул яшнаб юрган санъаткор қизларнинг ёвузлик, ваҳшийлик туфайли издан чиққан ҳаёти ҳақидаги таъсирчан ҳикояларни ўқигач, санъат аҳлига, раққоса қизларга бўлган қарашларимиз буткул ўзгариб кетади.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-27-886-8

© Абдурашид Нурмуродов, «Оқ қизлар». «Янги аср авлоди», 2020 йил.

*Ушбу асаримни кўйлаклари ша-
моли билан нафрат оловини ўчир-
ган раққоса қизларимизга бағиш-
лайман.*

Муаллиф

БИРИНЧИ ФАСА

Майсаларга бурканган дала йўлига чиққани-
мизда кун ботиш томонда қора булутлар кўринди.
Булутларга кўз қирини ташлаган ҳайдовчи:

– Ака, бу йўлдан бекор юрдик-да, – деди хавотир-
ли овозда. Мен унинг хавотирига эътибор бермай:

– Машина камқатнов йўлда юриш маза-ку. Тинч,
бежавотир кетамиз. Чор атрофингга қара, қандай
гўзал, – дея уфққа тутшиб кетган қизғалдоқларга
ишора қилдим. У менинг ҳис-ҳаяжонимга эътибор
қилмай:

– Бир вақтлар бу йўлдан юриб, иккинчи бор юр-
майман, деб қасам ичгандим, – деди асабий.

Мулойимгина, қўй оғзидан чўп олишга уялади-
ган йигитнинг гаплари менга ғалати туюлди.

– Нима гап? Нима бўлган? Очикроқ, одам ту-
шунадиган тилда гапирсанг-чи, – дедим жаҳлим
чиқиб. У гапларимни эътиборга олмагандай саво-
лимни жавобсиз қолдириб, биз томон шитоб билан
келаётган булутларга қаради:

– Хўп десангиз, мана шу кўприкнинг тагига
кирсак, – деди туйқусдан.

Унинг гапидан баттар жаҳлим чиқиб:

– Нималар деяпсан, эсинг жойидами?! Булутни
кўрдингу, худди жин чақандей бўлиб қолдинг.
Йўлда туппа-тузук келаётган эдинг-ку, – дейишим
билан:

– Илтимос, ака. Шу ерда қолайлик, – деди йиғламоқдан бери бўлиб.

Мен унинг гапидан шубҳаландим.

– Агар машинани ҳайдай олмаётган бўлсанг, ўзим ҳайдайман, – деб рулга қўлимни чўздим. Унинг кўзи қўлимга тушиб:

– Хўп-хўп, – дея газни босди. Машина бир силкиниб олдга интилди. Танингга ором берадиган намхуш ҳаводан, чор атрофнинг гўзаллигидан сархуш бўлиб, табиат билан ёлғиз қолдим.

Ҳақиқатда гўзал манзара эди. Ён томондаги тоғ чўққилари сўфининг салласидай оқ булутларга ўралган, қуйида қуёш нурида ялтираб тоғ жилғаси кўзга ташланади. Атроф кўм-кўк.

Бехос кун ботиш томонга қарайман. Қора булутлар ер билан туташиб кетгандай эди. Шамол қаршилигига учраган машина тезлиги сусайиб, мотори зўриқиб ишлай бошлади. Бирпасда осмон қора тусга кирди. Бир нохушлик бўладигандай юрагим безовта ура бошлади.

– Нима бўляпти? – дея ҳайдовчига юзландим.

Ранги бўзарган ҳайдовчи:

– Ҳозирча ҳеч нарсаси, нима бўлса, энди бўлади, – деди жаҳл билан.

Унинг авзойидан, осмоннинг қоралигидан, булутларнинг ерга тўшалганидан, шамолнинг кучайганидан кўнгилга фулу тушиб:

– Тўхтат машинани! – дедим.

– Ҳозир машинани тўхтатсак, хароб бўламиз. Бирор панароқ жой чиқсин. Бўлмаса... – дейиши билан машина нимагадир урилди. Кучли зарбдан машина ёнламасига кўтарилди. Шу ҳолатда йигирма метрлар юриб, гурс этиб ерга тушди. Қўрққанымдан:

– Нима бўлди? – деб бақриб юбордим.

– Шамол, қуюн! – деди ҳайдовчи рулга ёпишиб.

– Шамол тегмайдиган ерга ҳайда, – дедим шошиб. У йўл четига чиқиб, қуйидаги сойга тушди ва сойнинг шамолга пана бўлган томонига машинани бурди. Машинадан тушди-да, қўлимдан ушлаб, қаршимиздаги қир тагидаги камар томон бошладди. У ерга борганимизда форга ишора қилиб:

– Шу ерга кириб кутамиз. Ҳадемай қуюн бошланса, улгурмай қоламиз, – деди.

Олдин у йўл бошлади. Одам шовуридан безовталанган иккита қуён фордан отилиб чиқди. Бехос бошланган шатир-шутурдан қўрқиб:

– Тезроқ ўрмала, – деб ортидан эргашдим. Форнинг оғзини беркитиб қўйганимиз учун ичкари қоп-қоронғи эди.

Олдинда кетаётган шеригим бўғиқ овозда:

– Ака, орқага қайтинг, нафасим сиқилди, – деди.

Ортга қайтдим. Оғзи-бурни тупроққа беланиб кўриниш берди. Қайтадан биргалашиб форга кирдик. Бу сафар оёқларимиз тўрда, бошимиз форнинг оғзида эди. Икковимиз сиқилиб ётибмиз. Бироз ўтиб ер қимирлагандай бўлди. Олдин секин, кейин бизни ҳам қўшиб силкита бошлади. Мен шеригимга қарадим. Унинг кўзлари олайиб кетганди.

– Бошланди! – деди.

– Нима бошланди? – сўрадим унинг гапига тушунмай.

– Қуюн бошланди. У бизга яқинлашиб келяпти. Ичкарироқ кирайлик. Бўлмаса у бизни форнинг ичидан ҳам суғуриб олади, – дея ортга силжиди. Унга бўйсуниб мен ҳам ҳаракатландим. Шеригимнинг гапидан сўнг кўз олдимга машиналарни, уйларни, дарахтларни учириб кетувчи «торнадо» келди. Қўрқиб кетиб:

– Наҳотки! – дедим. У овозимни эшитиб:

– Ҳа-ҳа, ака, у ёмон, – дея янада ортга тисарилди. Мен ҳам эргашдим. Шу вақт гувилаган овоз

эшитилди. Овоз янада баландлашиб, биз томон яқинлашиб келарди. Юрагим тўкилгандай, гор ичида мувозанатни йўқотгандай бўлдим.

Кўзларимни юмдим. Тепамиздан нимадир ерни ларзага келтириб ўтди. Чийиллаган овоздан кўзимни очдим. Қаршимда жойини бизларга бўшатиб берган қуёнлар турарди. Беихтиёр қўлимни чўздим. Шу илтифотни кутиб тургандай иккалови ҳам бир-бир сакраб қўйнимга кирди.

Мени гор ичида кўринмас бир куч ўзига тортаётгандай туюлди. Бу куч чангалини сезган қуёнлар бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олди. Тирноқлари ботди. Аммо оғриқ сезмадим. Шунда қуёнларни маҳкам бағримга босиб, елкамни гор деворига тирадим. Кўринмас куч баттар юлқилай бошлади. Ихтиёримдан ташқарида гордан чиқиб кетгим келди. Шу хаёлда бироз олдга силжигандай бўлдим. Аммо қуёнларнинг безовта овозидан ҳушимга келиб, ортимга қайтдим ва шеригимга:

– Мени ушла. Ҳозир отилиб чиқиб кетаман, – дедим. У оёғимдан қучоқлаб олди. Аммо ваҳший куч силтаб юлқилашдан чарчамасди. Бағримдаги қуёнларнинг ҳам нафаси ўчиб қолганди.

Гор оғзи қоронғилашди. Ҳеч нарса кўринмай қолди. Аммо нималардир учиб ўтар, гувилаган овоздан қулоқлар том битганди. Бизни гордан «чиқ-чиқ» деб юлқилаётган ялмоғиз куч қулоқ пардаларини йиртишга шайлангандай эди.

Ташқаридаги аҳволни билмайман, аммо ернинг ости даҳшатли эди.

Нимадир устимиздан гулдираб ўтиб сойга қулади. Унинг ортидан яна нимадир гурсиллаб ерга тушди. Тепалик кучли зарбдан силкинди. Қучоғимдаги қуёнлар қўрқувдан овоз берди. Ўзим ҳам уларга қўшилдим. Шеригимнинг овози чиқмасди. Оёғимни маҳкам қучоқлаб олганидан унинг тириклигини ҳис қилиб турардим.

Кейин биз ётган ғор устида дев бўлса керак, гурзидай оёқларини уриб рақс туша бошлади. У айланиб, ерни тепиб, миямизни қақшатиб ўйнади. Ғор ичи титради. Кейин раққос девнинг қадамлари ғор оғзида эшитила бошлади.

– Энди ўлдик, – дея шивирладим. Шеригим тирноқларини сонимга ботирди. Ҳеч оғриқ йўғ-эй!.. Ердан яна нималардир осмонга кўтарилиди. Шунда яна биз ғор шифтига ёпишиб, муаллақ қолдик. Бу қандай ҳоллигига тушуна олмай карахтландим. Бу шовқин ғордаги ҳавони сўриб олгандай нафасим сиқилди. Очик ҳавога чиққим келди. Ғор оғзига силжий бошладим. Не кўз билан кўрай, осмонда улкан нарсалар ўйноқлаб учиб юрарди. Кўраётганларим ҳақиқатлигига иқрор бўлиш учун кўзларимни юмиб очдим. Йўқ, ўйноқлаб учиб юрганлар сароб эмасди. Тепалик устидан алақандай нарса вишиллаб учиб ўтиб, ўйнаётганлар сафига қўшилди. Улкан дарахт экан. Шохлари гир айланишидан узилиб кетди. Тана қуйисидаги томирлари улкан илондай ўзини ҳар ён ташлаб, осмонга кўтарилиб кўздан ғойиб бўлди. Худди коптокдай шакл касб қилган бодомчаларнинг шамола зарбидан ўйноқлашини кўриб турардим. Осмондан нималардир овоз чиқариб ерга гурсиллаб қулаб туша бошлади. Кўзларимга қум зарралари санчилди. Шунда беҳос қўрқув ёдга келгандай:

– Орқага! – дея бақариб, ғор оғзидан ўзимни ичкарига олдим. Қуёнлар ҳам безовталаниб қўйди. Шеригим ҳам ортга силжиди.

Буларнинг бари ҳатто тушга кирмайдиган воқеалар эди. Бир пайт ғорнинг ичига зарб билан шамола кирди. Қўрққанымдан учиб тушдим. Менинг жисмимдаги ўзгаришдан таъсирланган қуёнлар ҳам безовталанди. Шу лаҳзалар учовимиз ҳам

бир жонга айлангандай эдик. Чунки улар мендаги ҳар бир ўзгаришни ҳис қилиб туришарди.

Қанча вақт фор ичида бўлдик, эслай олмайман. Ташқарига қарашдан чўчиб, юзимни кафтларимга босиб ётавердим. Ташқарида охирги замон келгандай шамолнинг гувиллаши ва турли овозлар қулоққа чалинади.

Ўлмай туриб ўлишни ҳис қилиб турардим. Бундай даҳшатлар ҳам борлигини илк бор кўрганлигим учунми, фикрлашдан тўхтаб, табиатнинг ўйинлари олдида нақадар ожизлигимга амин бўлдим.

Бироздан сўнг ер титрашдан тўхтади. Гувиллаган овоз биздан узоқлашгандай бўлди. Аъзойи баданим, ён атрофим қум-қурумга тўлган эди. Аммо бошимни кўтаришга ҳолим келмасди. Бундай пайтда паноҳимиз қуёнларнинг уйи бўлса-да, бошингни тупроққа босиб ётиш роҳатижон туюлди. Фордан чиққим келмасди. Аммо сезгир қуёнларнинг безовталанганидан ҳушимга келдим. Ҳайвонларнинг хавфни олдиндан сезиши ёдга тушиб, бемаврид келган ажал ўтиб кетганлигини ҳис қилдим. Фор туйнугидан ташқарига қарадим. Осмонда чанг-тўзон айланиб юрар, аммо кўксимиздаги ер тинч эди. Олдга ўрмаладим. Қуёнлар қўйнимдан чиқди. Олдимга ўтиб, йўл бошлашди. Ортимдан келаётган шеригимнинг нафаси сиқилгандай:

– Ака, тезроқ чиқайлик, – деди бўғиқ овозда.

Фордан чиқдик. Олдинига ҳеч нарсага тушунмадим. Кейин тепамиздан ўтган ажал изларига кўзим тушиб кўрқиб кетдим. Ҳайдалган ер устида томири билан суғуриб олинган улкан дарахтлар сочилиб ётарди. Тоққа яқинлашиб бораётган қуюн осмонда улкан ўмров ҳосил қилиб гир-гир айланарди. Унинг узун тиллари ердаги ўт-ўланни, дов-дарахтларни домига тортиб, осмонда солланаётган ҳалқа рақсига итқитиб юборарди.

Океан ва денгизларда тўлқинлар тирик жонни даҳшатга солганидек, қуруқликдаги шамолнинг зарби ҳам ўй-хаёлларингни парчинлаб, жисмингни ломакон қаърига итқитиб юборар экан. Ҳаммамиз қўрқувдан титрар эдик. Оёғим остида турган жониворлар ҳам биздан ажралиб кетишни истамасди. Атрофга қарадим. Лаҳзалар олдинги қора булутлар ўрни оқариб келарди. Қуюн ўтган жойларда чуқур ҳайдалган излар. Офат ҳамма нарсани учириб кетган, тўрт томон худди бомба тушгандай вайронага айланган. Улкан дарахтлар қуюн ўтган йўл четида сочилиб ётарди. Менга эргашиб келаётган қуёнларни кўрганда қўрқув мендан чекинди. Тириклик улкан бахт эканлигини илк бор ҳис қилгандай ичимга илиқ нимадир югурди. Эгилиб уларни бағримга олдим. Қисқа-қисқа, тез-тез нафас олишидан улар ҳам мен қатори ҳали-ҳамон ўзига кела олмаганлигини сезиб, янада қаттиқроқ бағримга босдим. Жони оғригандай инграб қўйишди. Шеригимнинг:

– Хайрият, қуюн машинани четлаб ўтибди, – деган гапидан ҳушёр тортдим. Ортимга бурилдим. Унинг юзидаги мамнунлик аломатидан кўнгли хотиржам тортгандай бўлди. Шеригимнинг кўзи бағримдаги қуёнларга тушиб:

– Бу жониворлар ҳам кўрқиб кетишди-да. Бўлмаса улар тутқич бермасди, – дея қуёнларнинг бошини силаб қўйди. Кейин: – Энди бу хосиятсиз даладан тезроқ кетайлик, – дея машинасини олиб чиқиш учун ортига бурилди.

Ҳолсизландим. Бағримдаги қуёнларни ерга қўйдим. Улар бирпас ёнимда туришди-да, машина овозидан чўчиб яна бағримга отилишди. Мен уларнинг ҳаракатидан таъсирландим. Беихтиёр кўзимга ёш келди. Секин қуёнларнинг бошини силаб, табиатнинг даҳшати, кучи олдида заррадан

ҳам кичиклигимизни ҳис қилдим. Ана шундай фо-
жиалар ер юзининг қай бир гўшаларида бўлаёт-
ганлигини тасаввур қилиб, юрагим орқага тортди.
Киноларда, ойнаи жаҳонда бундай воқеаларни
кўриб завқланганим учун ўзимдан оғриндим. Ма-
шина сойдан чиқиб келди. Бағримдаги қуёнларни
ерга қўйдим. Улар бир-бирини қувлашиб мендан
узоқлашди. Ўрнимдан турдим. Қулоқлари ҳавода
ўйнаб, сакраб-сакраб югуриб кетаётган қуёнларга
бирпас тикилиб турдим-да, машина томон юрдим.
Ичимдан нимадир узилгандай яна ортимга қара-
дим. Улар ҳамон югуриб боришарди.

Катта йўлга чиқдик. Иккимиз ҳам сукут сақлаб
кетмоқдамиз. Қаршимиздаги йўлни тўсиб ётган
дарахтни айланиб ўтдик. Чамаси ўн дақиқа юр-
масдан, йўл четида ағанаб ётган машинага кўзим
тушди.

– Тўхта, – дедим шеригимга. У машинани йўл
четига олди. Ағанаб ётган машина томон юрдим.
Шеригим ортимдан эргашди. Машина худди ос-
мондан тушгандай ерда сочилиб ётарди. Атрофида
эса чанг-қурум босган одамлар – тўрт йигит ва бир
қиз. Уларнинг билакларини бир-бир ушлаб кўрдим.
Ҳаммасининг ҳаёт шами сўнган, кўзлари косаси-
дан чиққудай бақрайиб қотган эди. Шеригим ик-
ковимиз марҳумларнинг уст-бошларини тўғрилаб,
бир жойга тўплادик. Кўзларини юмиб қўйдим.

– Буларни қуюн учирган, – деди ҳайдовчи. Мен
ҳам унинг гапини тасдиқлаб:

– Ҳа-ҳа, қуюн учирган, – дея машина томон юр-
дим. Уларнинг машинасини очилиб қолган орқа
қисмида созандаларнинг асбоб-анжомлари қала-
шиб ётарди. Шу вақт марҳумлардан қай бирини
чўнтагидаги қўл телефони овоз берди. Шошиб те-
лефонни олдим.

Телефондан аёл киши:

– Собир, қаерда қолиб кетдиларинг? Тўй эгаси сенларни кутиб хуноб бўлиб ўтирибди, – деди жаҳл билан. Бироз ўзимни босиб олиб:

– Синглим, мен ким билан гаплашяпман? – деб сўрадим. Шунда аёл:

– Ўзингиз ким бўласиз? – деб сўради. Аёлга бу ердаги воқеани ётиғи билан тушунтирдим. У томондан йиғи овози эшитилди. Кимдир аёл қўлидан телефонни олди. Манзилни сўради. Тезда етиб келишини айтди. Бўлиб ўтган воқеалар ва бу ташвиш силламни қуритгандай жойимга ўтириб қолдим.

– Кетамизми? – ҳайдовчининг гапидан ҳушёр тортиб:

– Ташлаб кетамизми, – дея зарда билан қаршимизда ётганларга ишора қилдим. У гапимга парво қилмагандай машинаси томон юрди. Уни синчиклаб кузата бошлади. Шеригимнинг хаёли машинасида эканини ҳис қилиб ўрнимдан турдим. Ёнига бордим. Зарб билан елкасига туширдим. Бехос тушган турткидан учиб тушди. Менга қаради. Хотиржам овозда:

– Э-э-э, машинангни ҳам... сени ҳам... – деб сўқиндим. У мендаги кутилмаган ўзгаришдан довдираб қолди. Нима дейишини билмай:

– И-и-и, ака, – дея машинасидан узоқлашиб дала томон юрди. Баттар жаҳлим чиқа бошлади. Ортидан бир қадам юрдим. Аммо хаёлимга келган ёмон ўйдан чўчиб жойимда тўхтадим. Агар яна бир қадам ташлаганимда, уни бир бало қилиб қўярдим. Шайтоннинг васвасасига учмай марҳумлар ётган ерга қайтдим. Ўртада ётганига нигоҳим оғди. Сохт-сумбати келишган, оппоқ пешонасида қоп-қора сочлари тўзғиб ётарди. «Ҳофиз йигит», деб ўйладим. Унинг икки ёнида қорачадан келган йигитлар. Раққоса қизга қарадим. Юзларига сурилган упалари уни тириклик шами тарк этмаган-

дай кўрсатарди. Майин эпкин сочларини тўзғитиб ўйнатарди. Шунда шамол аллақайдан куй овозини олиб келди. Раққоса қиз ҳозир ўрнидан туриб ўйнаб кетадигандай туюлди. Аммо у ўрнидан турмади. Шунча вақт одамларга қувонч бахш қилиб келганларнинг куйлари, овозлари энди осмонларга учганлигини ҳис қилиб ортимга бурилдим. Қаршимда эса бундан бирмунча вақт илгари қалбимга куй, қўшиқ, қувонч бўлиб кириб, дилимни яйратган табиат ўз гўзаллигини йўқотиб, қорайиб ётарди. Мағрур тоғлар букчайиб, алвон лолаларга бурканган замин кексариб, вужудимга ёйилган роҳатбахш туйғуларни кимдир сўриб ташлагандай эди. Дала томон юрдим. Қанча юрдим, билмадим. Қулоғимга чалинган машина овозидан ҳушимга келиб, ортимга қарадим. Кун ботиш томондан бир машина учиб келарди.

Машинадан узун бўйли аёл тушди. Ёнида ҳайдовчиси. Улар қатор қилиб ётқизилган марҳумлар томон юрди. Аёл бизларга эътибор бермасдан, нималардир деб гапириб, ётганлар атрофида гир айлана бошлади. Кейин тиз чўкди-да, ҳар бирининг бошини бағрига босиб, дод солиб йиғлаб юборди. Унинг йиғисига дош беролмай юзимни четга бурдим. Лаҳзалар олдин менга нотаниш, аммо аёлнинг йиғиси ила жуда таниш одамларимга аза очгандай эдим. Ҳайдовчиси унинг ёнига бориб, ўрнидан турғизмоқчи бўлди. Қўлидан келмади. Шунда ёрдамга шошилдим. Икковлашиб аёлнинг туришига ёрдамлашдик. Ўрнидан турди, аммо йиғидан тўхтамади. Бехос хаёлимга келган гапни айтдим:

– Синглим, ўзингизни босиб олинг. Энди уларни бу ердан олиб кетиш ҳақида ўйлайлик.

Бегона киши далдасидан ҳайратга тушгандай менга ялт этиб қаради. Ёшли кўзлари билан бир лаҳза қараб турди-да:

– Сиз, – деди ҳайратини яшира олмай. Аёлни бироз бўлса-да ўзига келганлигидан хурсанд бўлиб:

– Ҳа-ҳа, менман, – дедим руҳим кўтарилиб. Тахмин қилган одами мен эканлигимга ишонч ҳосил қилганидан шошиб сочларини тузатди. Рўмоли билан кўз ёшларини артмоққа тугинди. Бундан лаҳзалар олдин дод солиб йиғлаётган аёл менга нигоҳи тушиши билан ўзига келиб қолганлигидан ҳайратланган ҳайдовчилар бошларини эгишди. Жиловни қўлга олишим кераклигини ҳис қилиб:

– Милиция ходимларини чақириш керак. Бўлмаса улар сизу бизни гуноҳкор қилиб қўйиши тайин, – дедим. Аёл бир сўз демади. Аммо ёнидаги ҳайдовчиси фикримга қўшилиб, телефонни олдида кимларгадир қўнғироқ қилди. Кейин:

– Муродга айтдим. Олиб келади, – деди опасига нигоҳ ташлаб. Аммо аёлдан садо чиқмади. Бошини ҳам қилиб, хўрсиниб ўтираверди. Аёлнинг ички изтиробини сезиб турганлигим учун унинг билагидан ушладим-да, марҳумлар ёнидан олиб кетдим. Йўлнинг нариги томонига ўтганимизда, қаршимизда турган тош устига ўтиришини илтимос қилдим. Ювош тортиб қолган аёл гапларимга бўйсунди. Кейин бошини қўллари билан сиқиб чуқур нафас олди. Ортимга қайтдим. Ҳайдовчи йигитдан ҳалокатга учраганларни сўрадим. Улар шу яқин атрофда яшар, қаршимиздаги тоғ ён бағридаги қишлоққа тўйга кетишаётган экан.

– Икки соатдан бери уларга қўнғироқ қиламиз. Қани биронтаси кўтарса. Хайрият, сиз телефонни олиб қолдингиз. Бўлмаса уларни кутиб ўтираверар эканмиз, – деди кўзларига ёш олиб. Мен унга бўлиб ўтган воқеани тушунтириб бердим.

Шунда у:

– Йўл-йўлакай ҳамма ёқнинг остин-устун бўлиб кетганини кўрдик. Йўл четидаги дарахтлар томи-

ри билан қўпориб ташланган. Отар-отар қўйлар ўлиб ётибди, – деди кўз ёшларини артиб.

Орадан кўп ўтмай, йўлда машиналар кўринди. Яқинлашиб тўхташди. Ҳаммаси шошиб биз томонга юрди. Улар биз билан кўришиб, марҳумлар ётган томонга юзланди. Келганларнинг барчаси марҳумларнинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари эди. Қай бири уларни қучоқлаб йиғлади, қай бири бошини ҳам қилиб турди. Ҳалок бўлган болаларнинг эгаси бордай эди. Аммо қизни ҳеч ким бағрига босмади.

Кўп ўтмай милиция ходимлари кўриниш бериб, марҳумлар атрофида тўпланганларни нари-бери суришиб, ҳалокатга учраганларга эғалик қилишди. Уларнинг ичидан капитани:

– Ким биринчи бўлиб кўрган? – деди атрофга олазарак қараб.

– Мен, – дея у томон юрдим. Унинг ҳам менга кўзи тушиши билан:

– Э-э-э, ака, сизмисиз, – дея жилмайиб қўлини узатди. Ўлганлар бир томонда қолиб, у мен билан сўрашиб кетди. Салом-аликдан сўнг: – Ака, расмиятчилик учун биз билан бирга кетасиз, – деди жилмайиб. Ер билан битта бўлиб аёл кўринди. Юзлари йиғлайверганидан бўғриқиб кетганди. Марҳумларни машинага олишди. Капитан олдимга келиб, машинасида бирга кетишимни сўради. Ортидан эргашдим. У мени олд ўриндиққа ўтқазди. Машина жойидан жилди. Шунда капитан:

– Ака, учрашган кунимизни қаранг. Мен аллақачон сиз билан бир мулоқот қилсам, деб орзуманд бўлиб юргандим. Бундай ҳолда ҳечам учрашаман, деб ўйламагандим. Тақдир-да, тақдир, – деди. Унинг гапидан таъсирланиб:

– Одамзод эртага нима бўлишини билмайди-да. Мана шу йўлга бурилганимизда ҳайдовчи норози

бўлган, мен эса уни уришиб бергандим. Унинг норози бўлганича бор экан, қуюннинг ичида қолиб кетдик. Яна йўлимизда бу кўргилик, – дедим афсус билан.

– Сизлар ҳам қолиб кетдиларингизми? Қандай омон қолдингизлар? – деди капитан ҳаяжонини яшира олмай. Мен бошимиздан ўтган воқеаларни тингловчи одам топилганидан хурсанд бўлиб айтиб бердим. Гапларимдан тани жунжиккандай:

– Худонинг ўзи бир асрабди-да. Бўлмаса бундай қуюндан омон қолиб бўлмасди. Халоскорларингизга айланган қуёнлар ҳақида бир асар ёзадиган бўлибсиз-да, – деди у. Шеригимнинг гапидан руҳланиб кетиб:

– Ҳа, албатта ёзаман. Бу кун бир умр ёдимда қолади, – дедим.

Капитан ўқимишли йигит экан. Асарларимнинг ёдимдан чиқиб кетган томонларини айтиб бериб ҳайратга солди. Унинг гапларидан анча ўзимга келиб, тириклигимга ишонч ҳосил қилиб, равон гап-ра бошладим. Боргунча бўлиб ўтган воқеалар ҳам ёддан кўтарилгандай, суҳбатимиз қизиди. Гап орасида илк бор мен билан учрашган аёл ана шу ҳофизу хонандаларнинг раҳбари эканлигини ҳам билиб олдим. Мен аёлни илк бор кўрганимданоқ, кўнгилда нимадир содир бўлгандай эди. Капитаннинг гапларидан аёл билан яна қайта суҳбатлашгим келди. Йўл-йўлакай ундан аёл ҳақида сўрадим. Шунда у:

– Опамизни созанда, хонанда, раққоса қизлардан иборат труппаси бор. Бугун ҳалок бўлган санъаткорларнинг раққосаси ҳам Жумагул опанинг қизлари эди. Опанинг уйида кам деганда ўттиз-қирқ нафар раққоса, хонанда, созанда қизлари бор. Уларнинг бир қисми тўй мавсуми билан келса, бир қисми опанинг ҳақиқий қизларига айланган. Уйдаги қизларининг ҳаммасига уй-жой қилиб берган

бўлса-да, аммо улар уйларига бир-бир бормаса, кўп ҳолларда опаникида бўлишади. Опа ҳам уларга ўрганиб қолган. Ёши ўтиб, рақс туша олмай қолганларини жойи чиқса, тўй қилиб узатиб юборади. Ўрнини ёшлари билан тўлдиради. Ўзи ҳам бир пайтлари донғи кетган хонанда, раққоса эди. Унинг кўйида не-не эр йигитлар қирпичоқ бўлишмади, дейсиз. Эркаклар опанинг ҳусни жамолига қараб ҳушдан кетишарди. Бу гўзалликнинг дастидан кўп эр-хотинлар ажрашиб кетишди. Бу оилаларнинг бузилиб кетишига опанинг хулқи сабаб эмас. Сабаб – опанинг гўзаллиги эди, – деди.

Туман милицияхонасига етиб келдик. Капитан мени бошлиқларининг олдига олиб кирди. Тўладан келган подполковник очиқ чехра билан ўрнидан туриб, мен билан кўришди. Капитан таништирмакчи бўлганди, бошлиқ:

– Акани танимайдиган одамнинг ўзи бу музофотда йўқ. Ҳаммамиз аканинг китобларини ўқиб катта бўлганмиз. Сен ишингни қилавер. Биз ака билан суҳбатлашиб ўтирамыз, – деди. Капитан қаддини ростлади-да, ортига бурилиб хонадан чиқди. Бошлиқ елкамга қўлини ташлаб, ичкари хонасига бошлади. Кенг хонада ҳамма шароит бор эди. Диван, креслолар. Ўртадаги стол устида турли хил ширинликлар. У мени тўрдаги диванга таклиф қилди. Ўтириб фотиҳа қилдим. Шунда у:

– Учрашган вақтимизни қаранг-а, – дея йўлдаги капитаннинг гапини такрорлади. Кейин: – Балки шу бахтсиз воқеа бизларни учраштириш учун бўлгандир. Бўлмаса, бир-биримиз билан учрашолмай ўтиб кетармидик, – дея пиёлага чой қуйиб узатди. Чойдан ҳўплаб жуда чанқаганлигимни ҳис қилдим. Пешма-пеш чой ичдим. Бошлиқ менинг ҳолатимни тушунгандай бошини эгиб ўтирди. Бироз ўзимга келганимни сезгандай жойидан қўзғалиб:

– Яқинда нашр қилинган «Кўк тераклар» романингизни ўқиб чиқиб жуда эзилдим. Одамнинг қилган гуноҳлари, албатта, бир кун келиб бўғзидан олишини романингизда жуда таъсирчан тасвирлагансиз. Агар шу романингизни ёнимизда биз билан бирга яшаётган ёмонлар ўқиганда нур устига нур бўларди-да. Афсус, китоб жуда кам нусхада босилган экан. Аммо жинойт билан қўлга тушганларнинг ҳаммасига китобингизни ўқитяпман. Таъсири бошқача бўляпти. Босар-тусарини билмай қолганлари ювош тортади, кексалари бошини чангаллайди, айёрлари қилган ишларини рўй-рост айтади. Асарингизнинг жинойтчиларга таъсирини кўриб, одамни уриб, қўрқитиб тарбиялашдан кўра, унинг қалбига таъсирни ошириш кераклигини англадим. Ана шундагина жинойтчиликни камайтириш мумкин, деган хулосага ҳам келдим. Аслида бундай асарларни ҳамма турмаларга тарқатиб, маҳбусларни китоб ўқишга ўргатиш керак.

Мана, яқинда бир каззоб жинойтчини қўлга туширдик. Шунча йиллардан бери биз унинг қилган жинойтларини бўйнига қўёлмай келардик. Уриб кўрдик, сўкиб кўрдик, қўрқитиб кўрдик, лекин натижа чиқмади. Шунда хаёлимга сизнинг романингиз келиб, ёнига ўзимизнинг одамлардан бирини китоб билан киритдик. Одамимиз у билан гаплашмади, ундан ҳеч нарса сўрамади. Айтганимиздай фақат китоб ўқиш билан банд бўлди. Орадан бир неча кун ўтди. Шунда каззобнинг тоқати тоқ бўлиб:

– Намунча бу китобга ёпишиб олдинг. Менга бер, – деб ундан китобни тортиб олиб, ўқигиси келмаса-да, ўқишга тутинди. Аммо орадан бирон соатлар ўтиб, бизнинг одам билан унинг роли алмашди. Энди у гапирмайдиган, шеригидан ҳеч нарса сўрамайдиган одамга айланди. Куну тун китобни ўқиди. Хатто «пон-чой бермайсанларми»,

дея камерани бошига кўтарадиган каззобнинг нон-чой ҳам ёдидан кўтарилгандай эди. Бир куни ўзим ундан хабар олай деб борсам, китобга тикилиб йиғлаб ўтирибди. Мени кўриши билан ўрнидан сакраб турди-да, худди ёш боладай:

– Ўртоқ бошлиқ, мен ҳамма айбларимга иқрорман. Нима қилсангиз қилинг, олдинги қилган ишларимни ҳам айтиб бераман, – деса бўладими. Олдин унинг гапига ишонмадим. Аммо кўзларига синчков тикилганимда ундаги руҳий ўзгаришни ҳис қилиб, ходимларимга олдимга олиб киришларини тайинладим. Олдимга олиб келишди. Қўлида сизнинг китобингиз эди. Худди китобни кимдир тортиб оладигандай маҳкам чангаллаб олган. Аввалги айёр нигоҳлари энди маънос тортганди. Хуллас, бурноғи каззобдан асар ҳам қолмаган эди. Айтилган жойга келиб ўтирди. Савол назари билан унга тикилдим. Маҳбуснинг боши қилган гуноҳларига тавба-тазарру қилаётгандай ҳам эди. Бироздан сўнг:

– Ўртоқ бошлиқ, Сўранг, ҳаммасини айтиб бераман, – деди хотиржам овозда. У ҳақидаги барча гумонларимни сўраб-суриштирдим. Ҳаммасини исботи билан айтиб берди. Бўйнига олган жиноятлари ортидан бошқа жиноятлар ҳам очилиб кетди.

Бошлиқ ўрнидан турди. Худди ҳис-ҳаяжонини босишга ҳаракат қилгандай у ёқдан бу ёққа юрди. Кейин:

– Ака, сиз ўзингиз билмаган ҳолда бизга катта ёрдам қилгансиз. Сизга алоҳида раҳматимни айтаман, деб орзуманд бўлиб юргандим. Мана бугун суҳбатини истаган одамим ўз оёғи билан кириб келиб ўтирибди. Бу ҳам Худонинг хоҳиш-ирода-си-да, – деди миннатдорчилик ҳисси билан менга тикилиб. Менга унинг гапи қаттиқ таъсир қилди. Ичимдан шундай асар ёзганлигимдан ғурурланиб ҳам қўйдим. У худди ҳаслимдан кечган ўйларни

сезгандай: – Сизлар ёзаётган китоблар бир одамга, бир оилага мансуб эмас. Улар бутун халққа мансубдир. Сизлар дунёнинг нариги бурчагида яшаётган, мутлақо бегона бўлган одамлар қалбида ҳам инсонийлик туйғуларини уйғота оласизлар. Бунинг исботини мен бир жинойтчи мисолида кўрганман. Сизга катта раҳмат, – деди ихлос билан.

Хона эшиги тақиллашидан норози кайфиятда қошлари чимирилиб:

– Киринг, – деди зарда қилгандай. Хонага бояги капитан билан раққосаларнинг энабошиси кириб келди. Аёлга нигоҳи тушган бошлиқнинг юзи ёришди. Чимирилган қошлари ёйилди. Аёл билан саломлашиб, менга ишора қилди:

– Дониёр ака. Юртимизнинг машҳур ёзувчиси, – деди хуш кайфиятда. Аёл маъюс жилмайди. Аммо бир сўз айтмади. Ана шу жилмайишда аёлнинг капитан айтгандай асл чеҳраси кўриниш берди. Тим қора қошлари, тоғликларникидек қирра бурни, мрамардай оппоқ юзи, қалин қора сочлари ва юз бичимидаги мутаносиблик бир-бирини тўлдириб, унинг гўзаллигини ошкор қилиб турарди. Аёлнинг маъюслиги ҳам гўзал эди. Менинг ҳайрат билан тикилиб турганимни сезган бошлиқ:

– Опани бундан йигирма йиллар олдин кўрганингизда гўзаллигининг кўйида қаландар бўлиб, юртимизда қолиб кетган бўлардингиз, – деди. Аёл жилмайди, юзлари қизарди, кўзлари учқун сачратиб аланга олди.

Беихтиёр унинг раққоса қиз бошида йиғлаётгани ёдимга келди. Эсладим-у, бир оз афсус қилдим. Чунки аёлни қайта кўрмаганимда, шундай гўзал сиймо қаршисидан бепарво ўтиб кетган бўлар эканман, дея энтикдим. Бошлиқ хонасига кирган капитандан миннатдор бўлиб унга жилмайиб қарадим. У ҳам кулиб қўйди.

– Опа, нима хизмат? – деди бошлиқ аёлга тикилиб. Аёл ўрнидан турди. Унинг қомати ҳам сарвдек эди. Кўйлак остидан ортиқча ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

– Менинг қизимга тиг теккизманг, ука, – деди улаблари титраб. Бошлиқ бироз ўйланиб:

– Тиббий хулоса керак бўлади-да. Биз уларни ҳужжатлаштиришимиз лозим, – дейиши билан:

– Айланай, укажон. Бир ёрдам қилинг, – деди ялингандай. Бундай кўзни қамаштирувчи, одамнинг қалбида чечаклар ўстирувчи аёлнинг ялинишидан хижолат чекиб:

– Сингилга мен учун ёрдам беринг, – дедим бошлиққа юзланиб. Шунда аёл миннатдорчилик ҳисси билан менга тикилди. Унинг жон олувчи нигоҳидан аллатовур бўлиб кетдим. Ичимдан нимадир чирт этиб узилгандай бўлди. Аёлнинг нигоҳида миннатдорчилик ҳиссидан ўзга яна сирли нимадир бор эди, назаримда. Бошимни эгдим.

– Опа, бу илтимосингизнинг асло иложи йўқ эди. Акамнинг ҳурмати учун... Тезда қизингизни олиб кетинг, – дейиши билан аёл шошилиб ортига бурилди. Шунда бошлиқ: – Эрталабдан қўйингизлар. Орамизда гап-сўз кўпаймасин, – деди. Аёл бошлиққа юзланди, кейин менга нигоҳ ташлади. Сўнг хонани тарк этди. У кетиши билан зил-замбил жисмим бўшашгандай, ҳолсизлик сездим. Аммо кўнгилда сирли умид учқунлари ёнди.

– Опага ҳужжатлаштириб бер, – деди бошлиқ капитанга юзланиб. У шу сўзни кутиб тургандай, шошиб ортига бурилди. Бошлиқ жиддий тус олди.

– Бугун оғир кун бўлди. Яна бир-икки жойда одамлар қуюнда қолиб, дом-дараксиз йўқолганмиш. Уларни топиш учун вилоятдан ҳам ёрдам кучлари сафарбар қилинган. Ҳаммамиз одамларни қидириш билан оворамиз, – деди. Шунда мен:

– Бугун кутилмаган, хаёлга келмаган воқеалар содир бўлди-да. Сизнинг ишингизга халақит бермай, – дея ўрнимдан турмоқчи бўлганимда:

– Ака, ҳозир қаерга борасизлар? Сизни ҳечам қўйиб юборгим келмаяпти. Манзилингизни айтсангиз, ишдан холи бўлишим билан олдиларингизга борардим, – деди ва: – Ҳозир, – дея кимнидир айтиб келишини қабулхонада ўтирган сержантга тайинлади. Кейин менга юзланиб: – Йўқ, ҳеч қаерга кетмайсиз. Сизни бир жойга йигитларим олиб боради. Дам олиб турасиз. Шу ишларни бир ёқди қилишим билан олдингизга ўтаман. Бугун менинг меҳмоним бўласиз, – деди самимий жилмайиб.

Кўзланган манзилга бугун боришга хоҳишим сўнганлиги боис унинг таклифига қаршилиқ қилмай рози бўлдим. Кўп ўтмай хонага:

– Чақирган экансиз, – дея бир майор кириб келди. Шунда бошлиқ:

– Ёзувчи акамиз билан кўришмайсизми? – дея мен томонга ишора қилди. Шошиб қолган майор:

– Кечирасиз, ака, – деб менга қўлини узатди.

– Қоровулларимизнинг бошлиғи Сафар, – дея йигит билан мени таништирди. Йигит жилмайиб:

– Бошлиғимиздан китобингизни олиб ўқиганман, – деди самимий. Унинг гапидан милиция ходимлари орасида анча обрў орттирганлигимни сезиб, хурсанд бўлдим.

– Мана шу йигит, ҳалиги каззоб билан камерада бирга ётиб, китобингизни ёд олган. Хотирасини текшириш учун китобингизнинг истаган саҳифасидан имтиҳон қилишингиз мумкин, – деди бошлиқ айтган гапларининг «тирик гувоҳи» қаршисида турганлигидан хурсанд бўлиб. Мен «тирик гувоҳ»га тикилдим.

– Шундай ака, шундай, – деди майор китобни ёд олганлигига ишора қилиб.

– Мендан кейин китобингизни бошқалар ҳам ёд олишган. Гапимга ишонаверинг, – деди бошлиғига маъноли қараб.

– Акамга ўша воқеаларни айтиб бериб ўтиргандим. Ҳа, айтгандай, сен меҳмонни тоғдаги боққа олиб борасан. Мен бу ердаги ишларни тугатиб, кейин ўтаман, – дея мени ташқарига бошлади. Ҳовлига чиқдик. Ҳовлида яна бояги аёлга дуч келдим. У қўлини кўксига қўйиб, бошини ҳам қилиб ёнимиздан ўтди. Ҳовлида бошлиқ мени майор билан қолдириб, ўзи машинасида қаергадир кетди. Майорнинг исми Сафар экан. Унга тикилдим.

– Ҳозир кетамиз, ака, – дея нимадир ёдидан кўтарилгандай шошиб ортига бурилди. Сафар кетиши билан рўпарадаги эшикда аёл кўринди. Мен аёл томон юрдим. Нигоҳи менга тушганда бир қалқиб жойида тўхтади. Яқинлашиб сўрадим:

– Қизимизни соат неччида чиқарасизлар?

– Соат тўққизларда. Бугун уйимда меҳмоним бўлсин, – деди ўкинч билан. Унинг «меҳмон» деган сўзидан юрагим эзилди. Бир лаҳза ўзимни йўқотгандай бўлдим. Кейин:

– Мен ҳам маросимда қатнашсам, – дедим. Бу гапимдан аёлнинг чеҳраси ёришди. Лабига ғамгин табассум эниб:

– Раҳматли Мунирахон ҳам сизнинг китобларингизни ўқиган эди. Борсангиз руҳи шод бўларди, – деди титроқ овозда. Ичимда кимдир аёл мени жуда яқиндан танишини шивирлагандай бўлди.

– Эрталаб уйингизга бораман. Ҳа, айтгандай, уйингиз қаерда? – деб сўрадим. Менинг саволимдан аёлнинг чеҳраси янада ёришиб:

– Ҳовлимни ҳамма билади. Туман марказида тураман. Раҳмат, сизга. Мен сизни худди шундай хокисор инсон деб тасаввур қилардим. Хаёлларим алдамади, – дея қўлини узатди. Аёлнинг юмшоқ,

иссиқ бармоқлари тафтидан ҳушсизланиб айтмоқчи бўлган миннатдорчилигим бўғзимда қолди. Сукут ила хайрлашдик.

* * *

Сафар олиб келган жой жуда баҳаво эди. Сой устидаги супага чиқдик. Қуйида солланиб оқаётган тоғ суви дилни яйратар, сувнинг салқин шабадасидан кўнгли равшан тортган ҳайдовчим ҳам менга жилмайиб тикиларди. Шу боис хаёлдаги сўнгги дилхираликлар чекингандай эди.

Дастурхон устидаги ноз-неъматлар қўл узатишимизга мунтазир бўлиб, қорнимиз очганлигига ишора қиларди. Ўчоқ бошида ошпазга ул-бул кўрсатмалар бераётган Сафар бироз ўтиб қўйнинг думбаси ва жигаридан тайёрланган таомни олиб келди. Биз эса дастурхондаги ноз-неъматлардан тановул қилиш билан овора эдик. Сафар пиёлаларга тўлдириб ароқ қуйди. Менга узатди. Шеригим ичмаслигига ишора қилдим. Кун билан хаёлга келмаган ишлардан чарчаганлигим боис пиёладагини охиригача ичиб юбордим. Томоқни қириб ўтган ароқ бироз ўтиб дилни равшан қилди. Чор атроф янада гўзаллашгандай бўлди. Тил-забон ҳам аллақандай қуйма гапларни топиб бийронлашди. Сафар – Сафарбойга айланди. Қўй гўшtidан тайёрланган димламани олиб келган ошпаз билан ҳам пиёлалар тўқнашди. Унинг қўли дард кўрмаслиги ҳақида анча гапларни айтиб юбордим. Хуллас, ароқнинг кучи билан бир-биримизни яқиндан таний бошладик. Орада Сафарнинг бошлиғи телефонда боролмаслиги сабабини айтиб узр сўради.

Ҳайҳотдай тоғда тўртовлон чақчақлашиб суҳбат қилар эдик.

«Кафан текин бўлса, ўлмоқ керак» деганларидек, қаршимизда ҳамма нарсa муҳайё, суҳбатдош-

лар дилга яқин, тоза ҳаво, шарқираб оқаётган сув куйига жўр бўлиб қўшиқ куйлаётган қушлар хониши. Озгина кайф таъсирида эмасмизми, гўё бу макон оддий жой эмас, жаннатга айланган эди.

Суҳбатимиз қизиб кетганидан тонг олди уйқуга кетдик. Қуёш нурлари дарахтлар шоҳида сирпанганда ўрнимдан турдим. Тоза ҳаводан дилим равшан тортиб уйғондим. Ёнимда ётганларга ҳақиқат бермаслик ниятида секин ўрнимдан туриб, тоғ суви оқиб келаётган сой бўйлаб юқориладим. Мусаффо осмон, тоғ ҳавоси... Юрган сари баҳри дилим очилиб, танамга куч-қувват кириб борарди. Бирор чақиримлар юрганимдан сўнг қаршимда катта ҳовуз кўринди. Ҳовуз суви шунчалар тиниқ эдики, сув тагидаги тошлар, балиқлар кўриниб турарди. Сувга ҳавасланиб чўмигим келди. Чўмилиб олдим.

Ортимга қайтганимда улфатларим уйғонганди. Ошпаз йигит ўчоқ бошида ивирсиб юрар, Сафар ювинмоқда эди. Биз ўтирган жойдан қуйидаги дарахтлар остида ўнлаб чорпоялар. Дарахтларнинг қалинлигидан ерга бир сиқим қуёш нури тушмасди. Улкан ўрик шоҳларида қушлар қўшиғини бошлаган. Уларнинг миттигина полапонлари шоҳдан шоҳга учишарди. Оналарининг хавфни сезгандagi овозидан ҳушёр тортишиб, у-бу томонга қараб қўяди. Бирпас томоша қилиб, ошпаз томонга юрдим. Унинг кўзи менга тушиб:

– Ассалому алайкум, ака. Яхши ётиб турдингизми? – деди самимий жилмайиб.

– Анча вақтдан бери бундай тиниқиб ухламагандим. Бу ерга мени бошлаб келганларингиз, иззат-ҳурматингиз учун раҳмат, – дедим. Сафар кўринди. Нигоҳидан унинг ҳам кайфияти аъло эди.

– Яхши ётиб турдингизми? – деди у ҳам саломлашиб. Кейин: – Бошлиқ қўнғироқ қилди. «Меҳмон-

лар дам олиб турсин, бугун кечга отамлашамиз», деб тайинлади, – деди. Унинг гапидан беихтиёр кўз олдимга кечаги аёл келди. Шошилиб:

– Ҳалиги опага унинг уйига боришимни айтгандим, – дедим. Сафар гапимга тушунмай:

– Қайси опага? – дея савол назари билан менга тикилди. Кечаги воқеани унга айтиб бердим. Шунда у:

– Опанинг уйи шу яқин орада. Ваъда берган бўлсангиз бориб келаверамиз, – дея мени сўрига бошлади. Бироз тамадди қилиб, Сафарнинг машинасида кетмоқчи бўлдик. Ҳайдовчи олдимга келиб:

– Мен шаҳарга қайтсам-чи, – деди ўзининг ортиқчалигини ҳис қилгандай. Рози бўлдим. У биз билан хайрлашиб йўлга тушди. Сафар ёнимга келиб:

– Ака, юртингиз бир қадам. Ўзимиз сизни кузатиб қўямиз. Сизни бошлиқ бир ҳафтасиз қўйиб юбормайди. Боя қўнғироқ қилганда ҳам кетиб қолмаслигингизни алоҳида тайинлади. Сиз бизнинг халоскоримизсиз. Сизнинг китобингиз орқали қанча-қанча очилмай, бўйнимизда юк бўлиб осилган жиноятларни очиб ташладик. Сизга катта раҳмат, – дея қўлини мен томон чўзди. Меҳмондорчилик беминнат эканлигидан қўнғим таскин топиб, йўлга тушдик.

...Ўтган кунларга қайтиб, у аёлни қаерда кўрганлигимни, учратганлигимни эслашга уринаман. Аммо аёл нигоҳини ўтган кунларимдан излаб тополмайман. Сафарнинг овозидан ҳушёр тортаман.

– Опанинг ҳурмати бор. Бундай опалар юртимизда кўп. Аммо ҳаммасини ҳам опа қаторига қўшиб бўлмайди. Ўқиган, олий маълумотли. Илгарилари ҳам ўйнарди, ҳам қўшиқ айтарди. Ҳозирда уйдан ҳайдалган, эридан ажрашган, ўзи ҳаётда қийналгани учунми, ёнига паноҳ истаб келганларни бағрига олган, – деди. Кейин бир нарса ёдига

тушгандай: – Ана шулар ҳақида бир асар ёзсангиз бўлмайдим. Зўр бўларди-да! Биласиз, одамларимиз санъат аҳлига бироз бошқачароқ назар билан қарашади. Агар уларнинг ичига кириб борсангиз, аминман, одамларнинг улар ҳақидаги фикрларини ўзгартирган бўласиз. Шу вақтгача бундай асар ёзилмади, шекилли, – дея менга қаради.

Шу вақтгача асариниям, ёзишиниям, дея бу савдоли ишга қўл силтаган бўлсам-да, бугун негадир янги асар ёзишга чоғлангандай эдим. Шу боис, «тўғри, улар ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган», деб Сафарнинг гапини тасдиқладим.

* * *

Аёлнинг ҳовлисида одам тирбанд эди. Бизни таниганлар йўл бошлашди. Мулланинг олдига олиб боришди. У тиловат қилди. Бош эгиб тингладик. Кейин кўрсатилган курсига бориб ўтирдик. Бир пайт кеча аёлни машинада олиб юрган ҳайдовчи йигит ёнимга келиб:

– Яхши келдингизларми? – дея биз билан сўрашиб кетди. Биздан бироз нарида саф тортиб турганларга нигоҳ ташладим. Чамаси, ҳаммаси санъаткорлар, шекилли. Таниш чеҳралар ҳам кўзга ташланарди. Сафар гап бошлади:

– Вафот қилган қизнинг онаси оқ қилиб юборган. Аллазамонлардан бери опаникида яшарди. Бу чопон кийганларнинг ҳаммаси опанинг шогирдлари, – деди қаршимиздагиларга ишора қилиб. Саф тортганлар ҳам биз томонга қараб-қараб, бир-бирлари билан шивирлашарди. Орадан бироз вақт ўтиб «сувга олди, сувга олди» деган сўз одамлар ичида оралаб, сукутга чўмди. Шунда беихтиёр «Оқ қизлар» дея шивирладим. Нечун бу сўз хаёлимга келди? Билмадим. Аммо ихтиёримдан ташқарида «Оқ қизлар» дея такрорладим. Сўнгра «бу асарнинг

номи», деган фикр хаёлга келиб, маросимнинг тезроқ тугашини, аёл билан тезроқ учрашишни истаб тоқатсизландим.

Баъзида одамнинг ўта пасткашлиги, худбинлиги ичидан қалқиб чиқишини ўйлаб, ўзимдан хафа бўлдим. Начора, мендаги худбинлик тузалмас касаллик эканлиги, бу касаллик мени тарк этган кунни ёзувчилик ҳам ташлаб кетишини билганим учун баъзида ана шунақа бемаза худбинликларим қаршисида бош эгиб тураман.

Ичкаридан аёлларнинг овози эшитилди. Саф тортган эркаклар овоз келган томонга шошиб юришди. Бироздан кейин тобутни олиб чиқишди. Ҳовлининг ўртасига қўйишди. Одамлар қиблага қараб сафланди. Мулла тиловат қилди. Тобут одамлар қўлида қолди. Ҳовлидан чиқишди. Қўлимдан ушлаган Сафар:

- Қабристонга борамизми? – деди.
- Ҳа-ҳа, борамиз, – дедим. Шунда у:
- Қабристон анча узоқда. Машинада кетайлик, – дея йўл бошлади.

Ортидан эргашдим. Юк машинасига тобутни қўйгунча кутиб турдик. Машина қўзғалиши билан биз ҳам юрдик.

Сафар айтгандай қабристон анча олисда экан. Катта йўлдан юриб, тоғ томонга бурилдик. Қаршимизда улкан тоғ. Тоғ ва қабристон орасида улкан анҳор. Тобутни кутиб турган гўрковлар уст-бошлари, юзлари чанг ҳолатда қабр раҳида туришарди. Янги қабр ёнида учта эски қабр бор эди. Қабр тошларига нигоҳ ташлайман. Учта қабрнинг қора тошларига суратлар муҳрланган. Бири аёл кишининг, иккинчиси эркак кишининг, учинчиси навқирон йигитнинг сурати эди. Сурат тагидаги ёзувларни ўқий бошлайман:

*«Сафаргул Ҳотам қизи. 1929 йилда туғилган.
1982 йилда вафот қилган.*

*Малак сиймо онамни,
Мен йўқотдим, йўқотдим,
Қалбимдаги санамни
Юзига тупроқ тортидим.
Алвидолар айтаман,
Бир кун сизга қайтаман...
Қизи Жумагул Қодир қизидан ёдгорлик».*

Иккинчи тошда шундай ёзувлар битилганди:

*«Мансур Қодир ўғли. 1918 йилда туғилган. 1988
йилда вафот қилган.*

*Мен онадан ёлғиз эдим,
Отамдан ҳам ёлғиз қолдим.
Улар энди ўтдилар,
Ёлғиз ташлаб кетдилар.
Қизи Жумагул Қодир қизидан ёдгорлик».
Учинчи қабрда шундай ёзувлар бор эди:*

*«Асқар Мансур ўғли. 1955 йил 25 августда
туғилган. 1980 йил 25 августда вафот қилган.*

*Йўқолмоқлик бор,
Йўқотиш бор,
Тополмаса, изламоқлик бор,
Излаб сизни топиб бўлмайди...
Ортингиздан бўзламоқлик бор.
Опаси Жумагул Қодир қизидан ёдгорлик».*

Чехраси Лорд Байронга ўхшаш укамга раҳмим
келди. Шундай гўзал йигитнинг қабрда ётганига
ишонмадим. Негадир ишонмадим. Ичимда бир
оғриқ турди. Ана шундай қабрлар ёнида тўртинчи
қабр меҳмонини кутарди.

Қабрга, тобутга тикилиб, беихтиёр аёлнинг исмини эсладим. Жумагул. Исмини эслашим билан барча жигарларидан айрилиб қолган аёлга раҳмим келиб, бўғзимга нимадир тиқилгандай бўлди. Ичимдан титроқ келди. Одамлардан нари кетдим. Ортимдан эргашган Сафарга қўлим билан «қол» деб ишора қилдим. Қабристон оралаб юрдим. Қайтганимда одамлар қабрга тупроқ ташламоқда эди. Мен ҳам бир сиқим тупроқ олиб ташладим. Қабр атрофида кетмон билан турганлар ҳаракатга келишди. Қисқа фурсатда намхуш тупроқ ҳиди анқиб турган янги қабр пайдо бўлди. Имом тиловат бошлади.

* * *

...Сафардан хабар келиши билан енгил тортдим. Шу кунлар ичида ўз уйимга, улкан шаҳарга сифмай қолгандим. Менга Жумагулнинг нигоҳи, сўзлари, қабристондаги юракни титратган қабр тошларидаги ёзувлар кўриниши тинчлик бермасди.

Туманда милиция бошлиғи Тоҳиржон ва Сафар кутиб олишиб, ўшанда бир тунимиз шўх-шодон ўтган бокқа бошлашди. Салқин тоғ ҳавосидан яна баҳри дилим очилиб кетди. Тоҳиржон елкамга қўлини ташлаб:

– Дониёр ака, мен сизга тан бердим. Келмайсиз, деб ўйлагандим. Келдингиз. Шунинг учун ҳам сиз ёзган асарлар одамларнинг юрагига муҳрланади-да, – деди хурсанд бўлиб. Унинг мақтовидан эриб кетиб:

– Тоҳиржон, биз ана шу халқ қалбига кириб бориб, юрагидан жой олишни истасак, албатта, уларни тинглашни ҳам ўрганмоғимиз керак. Чунки биз ёзадиган ўнлаб, юзлаб, минглаб асарлар одамлар қалбида мудраб ётибди. Ёзувчи ана шу мудраб ётган воқеаларга жон ато қилмоғи шарт. Энг буюк асарлар ҳам халқдан олинган ва бироз

сайқалланиб яна ўзларига қайтарилган. Ана шу сайқалланишда ёзувчининг истеъдоди, тажрибаси рол ўйнаган.

У менинг гапларимдан ўйланиб қолди. Ўйланганича бор эди. Чунки шу вақтгача унга бундай гапларни ҳеч ким айтмаганлиги сезилиб турарди. Бироз тамадди қилиб олганимиздан сўнг Жумагул ва унинг раққоса қизлари билан шу ерда учрашишга келишиб олдик. Шунда Тоҳиржон:

– Ака, ҳам опанинг, ҳам қизларнинг ўтган кунлари тафсилотларини тинглайсиз, ҳам уларнинг қўшиқ, рақсларини томоша қилиб дам оласиз. Орада сизни улар билан учрашиб, асар ёзмоқчилигинингизни айтгандим, опанинг хурсандчиликдан юраги ёрилгудай бўлди. Мен боғнинг этасига бу ерга ҳеч кимни киритмаслигини тайинлаб қўйганман. Қанча кун турсангиз, шунча кун улар сизнинг хизматингизда бўлади, – дея ошпазга ишора қилди. У бош эгиб, Тоҳиржоннинг гапини тасдиқлади.

Тоҳиржон билан Сафар мендан узр сўрашиб, хайрлашдилар. Бироз юргандан сўнг бошлиқ ортига бурилиб:

– Ҳа, айтгандай, опа қизлари билан ҳадемай келиб қолади, – деди. Мен унга миннатдорлик ҳисси билан жилмайиб қўйдим.

Боғ олдингисидан анча саранжом-саришта бўлиб қолгандай эди. Ўрнимдан туриб, боғни айландим. Ҳамма чорпояларга қўрпачалар ташланган, хонтахталар қўйилган. Тоғдан келаётган булоқ сувининг салқин шабадасидан дилинг яйрайди. Ўрик шохларидаги зардоли кўзга ташланади. Бу йил баҳор илиқ келиб, дарахт гулларини совуқ уришига йўл бермади. Боғдаги ҳамма мевали дарахтлар яхши ҳосилга кирган. Анҳорга яқинлашдим. Бирпас сувга тикилиб ўтирдим. Кўнгил равшан тортгандай, ўрнимдан туриб, ўчоқ бошида қозон-

га сув қуяётган ошпаз томон юрдим. Менга нигоҳи тушиши билан:

– Шўрва қилаяпман, ака. Тоҳиржон акам ўттиз кишига мўлжалланг деганди. Кеча кечқурун тоғлик чўпонлар тўртта қўчқор олиб келишди, – дея челагини олиб, булоқ бошига йўл олди.

Тоҳиржонни раққосалар учун яхши тайёргарлик кўрганини кўриб хурсанд бўлдим. «Қанийди, ҳамма жойда адабиётнинг, санъатнинг куч-қудратини ҳис қиладиган одамларнинг сафи кўп бўлса», деган ўй хаёлдан кечди.

Асли менга ҳамма шарт-шароитни яратиб кетган Тоҳиржон ҳам оддий бошлиқ эмасди. Унинг ақли, ўқимишли, палаги тоза оиладан чиққанлиги сўзларидан, қарашларидан билиниб турарди. Раҳбар фикрлай бошладими, ўша ерда тараққиёт бўлган, ўша ер гулаб-яшнаган. Бу – тарихий ҳақиқат.

Машина овозидан ҳушёр тортдим. Боғнинг кираверишига автобус келиб тўхтади.

Автобусдан чиройли кийинган аёллар бир-бирлари билан чақчақлашиб тушишарди. Бирпас уларни томоша қилдим. Биринчи бўлиб автобусдан тушган аёл қора либосда эди. У Жумагул эди. Аёлга нигоҳим тушганда безовталандим, жойимда беихтиёр тебрандим.

– Келишди. – Ошпазнинг овозидан ҳушимни йиғиб, аёллар истиқболига юрдим.

Гўзаллик либос танламаганидек, Жумагулнинг оппоқ мрамардай юзига қора либос ярашиб тушганди. Узун бўйли, қадди-қомати келишган, бошига қора дуррача ўраган, бироз бўлса-да юзига оро берган аёлга тикиламан. Ҳа, Жумагулда унча-мунча аёлда учрамайдиган ботиний гўзаллик бор эди. Бу сеҳрли гўзаллик тан билан уйғунлашиб кетганди.

Аёлнинг кўзлари менга тушди. Нигоҳларимиз тўқнашди. Бир-биримизни биладигандай эдик.

Бир-биримизни тўлдиришимизни кашф қилдик. Унинг узун, бўлиқ бармоқларини кафтимда сиқиб:

– Яхши келдингизми? – деб сўрадим. Негадир овозим хириллаб чиқди. Бу ҳаяжондан бўлса керак. У маънос кўзларини ерга тикиб:

– Раҳмат, ака! Ўзингиз омон-эсон юртингизга бориб келдингизми? Бизларни сўроқлаб келибсиз, сизни яратган Роббим сўроқласин, – деди ҳаяжон билан. Кейин Жумагулнинг ортидан келаётган қизлар билан бир-бир сўрашиб чиқдим. Боғнинг хуш ҳавоси, саранжом-саришталиги келганларнинг нигоҳини ўғирлаган эди. Шу боис уларда сўриларга чиқиб ўтиришдан кўра, боғ айланишга хоҳиш устунлик қилди. Шогирдларидаги хоҳишни сезган аёл қизларга қараб:

– Боринглар. Боғни томоша қилинглар. Бундай баҳаво жойларга ҳар куни келолмайсизлар, – дея менга ишора қилди. Таъзим қилишга шошилган шўх қизлар бошларини эгишиб, миннатдорчилик билдиришди. Кейин ҳавога ёйилган кулгилари мисол боғ ичига сочилиб кетишди.

Мен Жумагулни сўрига бошладим. Хонтахта атрофида қарама-қарши ўтирдик. Дуо қилдим. Кейин иккимиз ҳам сукут сақладик. Гапни нимадан бошлашни билмасдим, у ҳам шундай аҳволда. Хижолатли ҳолатдан бизни ошпаз йигит қутқарди. Унинг ёнимизга келганлигини ҳам билмай қолибман.

– Чойдан олинг, ака, – дея у менга пиёлани узатди. Шошиб пиёлани олдим. Жумагулга ҳам чой узатиб:

– Опа, – деди.

Аёл пиёлани ушлаётганида унинг бармоқларига, билакларига кўзим тушди. Хаёлимдан ўтган ўйдан уялиб кетдим. Кўзимни олиб қочдим. Не-не давраларда юрган сезгир аёл эмасми, хаёлимдан кечган ўйларни ҳис қилгандай:

– Сизни келади деб ўйламагандим, – деди хаёлимни чалғитиб.

– Нега? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Чунки сизнинг вақтингиз чегараланган. Сиз бораман десангиз, кутиб олувчиларингиз кўп. Биз киммиз? Биз шу қишлоқларда қўшиқ айтиб, рақсга тушадиган санъаткорлармиз, – деди маънос тортиб.

Гапимиз бир-бирига қовушаётганидан хурсанд бўлиб:

– Сиз нотўғри ўйлабсиз. Бу ердан кетдим-у шаҳарда сизларнинг хаёлингиз билан яшадим. Ҳар доим қайтишга умидвор бўлдим. Хабар келиши билан отландим. Мана, бугун қаршингизда турибман, – дедим гапим пойинтар-сойинтар чиққан бўлса-да дадилланиб.

Аёл жилмайиб қаради. Бир-биримизга тикилиб ҳўрсиндик. Ҳа, ҳақиқатан аёл ақл бовар қилмас даражада гўзал эди. Агар бундан йигирма йил илгари юзма-юз келганимда, Тоҳиржон айтганидек, бу гўзалликнинг кўйида девона бўлишим муқаррар эди. Унга тикиларканман, аёлни олдин ҳам қаердадир учратгандай бўлавердим.

Шунда аёл ўйларимни, хаёлларимни остин-устун қилиб:

– Дониёр ака, мен сиз билан бир институтда ўқиганман. Сиз филология факультетида ўқигансиз, шундайми? – деди туйқусдан.

Аёлнинг гапларидан ҳайратланмадим. Ишондим. У менинг хаёлимдан кечаётган туманли ўйларимни тарқатиб:

– Мен сиздан икки курс қуйида, мусиқашунослик факультетида ўқиганман. Ўша талабалик йиллари ҳам сиз элга танилиб улгурган ёзувчи эдингиз. Ҳар доим атрофингизда мухлисларингиз бўларди.

Шу боис улардан ортиб, бизларга қарашга вақтин-
гиз ҳам бўлмасди-да, – деди кулимсираб.

Аёлнинг сўнгги гапидан бир замонлар ёнма-ён
юрганлигимизни, аммо суҳбатдош бўла олмаган-
лигимизни ҳис қилиб:

– Ўзим ҳам сизни қаерда кўрганлигимни эслай
олмаётгандим. Ёнма-ён ўқиган эканмиз-да. Нега
ўша дамлар бир-биримизга юзма-юз келмадик-а?
– дедим афсус билан.

Жумагул менинг гапимдан таъсирланиб:

– Юзма-юз келганмиз, – дея юзига кулги инди.
Кейин чуқур хўрсиниб: – Илк баҳор кунлари эди.
Курс раҳбаримиз ўқишнинг охирида: «Эртага ҳам-
маларинг чиройли кийиниб келинглар. Машҳур
ёзувчи, шоирлар билан учрашув бўлади», деб та-
йинлади. Илк бор ёзувчи, шоирлар билан учра-
шишдан ҳаяжонланиб, ётоқхонадаги курсимиз
қизлари пардоз-андозларини жойига қўйиб, бисо-
тимиздаги кўйлаклармизни тайёрлаб тонгни кут-
ганмиз. Учрашув институтнинг катта залида бўл-
ди. Ўшанда биз ҳаммадан олдин бориб, биринчи
қаторга ўтирдик. Бирмунча вақт ўтиб, зал тала-
балар билан тўлди. «Келяпти, келяпти», деган ши-
вирдан сергакландик. Орадан кўп ўтмай институт
ректори билан биз телевизорда кўриб юрган, га-
зеталарда асарларини завқ билан ўқиган ёзувчи,
шоирлар кириб келишди. Уларнинг орасида сиз
ҳам бор эдингиз. Ижодкорлар сахнага чиқишди.
Улар билан сиз ҳам. Сизга нигоҳи тушган дугона-
ларимнинг кўзлари ёниб:

– Қаранглар, қаранглар, Дониёр ака ҳам бор
экан, – деб ҳаяжонланишарди. Қани энди сиз биз
томонга қарасангиз. Қарамадингиз. Ўшанда эъти-
борингизни тортаман деган умидда мен ҳам бир
неча бор жойимда қўзғалиб қўйдим. Аммо сиз ўз
хаёлларингиз, ўйларингиз билан банд бўлиб, ин-

тиқлик ила тикилиб ўтирган қизга ҳатто эътибор ҳам бермадингиз. Ёнимда ўтирган дугонам:

– Ўзи ёш бўла туриб, шундай катта одамлар билан ўтиришини қаранг. Чиройлилигини айтмайсизми, – деди ички титроқ билан. Шунда дугонамнинг сўзларини эшитиб қолишингиздан чўчигандай:

– Жим ўтиринг. Халақит беряпсиз, – деб биқинига тирсагим билан туртиб қўйдим.

Ўшанда мен ҳеч кимни тингламадим, фақат сизга қараб ўтирдим. Қани бир нигоҳ ташласангиз, йўқ, қайрилиб қарамадингиз ҳам. Бир пайт машҳур ёзувчи:

– Азиз фарзандларим. Сиз ўқиётган бу илм даргоҳида ҳам кўп талабалар ижод қилишади. Яқинда ана шундай истеъдодли талабалардан бири – турли газета, журналларда асарлари мунтазам босилиб турган ўғлимиз Дониёрнинг янги китоби нашр қилинди. Бу ҳикоялар тўплами «Айро тушган йўллар» деб номланган, – дея китобни қўлида баланд кўтарди. Кейин: «Ҳозирги сўзни Дониёрга берамиз. Марҳамат, ўғлим», – деб сизга қаради.

Сиз ўрнингиздан турганда гулдурос қарсаклар чалинди. Ҳойнаҳой, асосий қарсак чалаётганлар талаба қизлар бўлса керак. Сиз минбарга бориб, биз билан юзма-юз бўлганингиздагина қарсаклар тинди. Бир лаҳза ўтирганларга нигоҳ ташлаб:

– Олқишларингиз учун ташаккур! – дедингиз. Кейин минбарда ўтирганларга юзланиб: – Эътирофингиз учун катта раҳмат. Ёзганларим одамларга маъқул бўлса, бу менинг бахтимдир. Аммо ишончим комилки, мана шу ўтирган дўстларим, акаларим, опаларим, сингилларим ичида мендан-да истеъдодли, мендан-да иқтидорли ижодкорлар бор. Ана шуларнинг борлиги менга куч-қувват бағишлайди, ёзишга ундайди, – дея одамларни ўзингизга чорловчи, тинглашга ундовчи сўзлар

айтдингиз. Сўзингиз якунида мени кўргандай бўлдингиз. Ўшанда, «мени кўрди, менга қаради» деган ўй юрагимни титратган эди, – дея аёл сой бўйидаги мажнунтол томонга нигоҳ ташлади. Мен бу ҳайратли ҳикоянинг давомини тинглашга шошилгандай жойимдан кўзғалиб қўйдим. Кейин у ғамгин оҳангда: – Сиз мени кўрмаган, менга назар ташламаган экансиз. Учрашув тугаб йўлингизга пешвоз чиққанимда ёнимдан бепарво ўтиб кетдингиз. Ҳатто қайрилиб ҳам қарамадингиз, – деди маъюс жилмайиб.

Аёлга бир сўз айта олмадим. Бошимни ҳам қилганча ўтиравердим. Шунда у шўх-шодон овозда:

– Дўконларни қидириб, янги китобингизни излаб топдим. Ўша тунда барча ҳикояларингизни ўқиб чиқдим. Ҳикояларингиз ичидаги «Айро тушган йўллар»ни кўзда ёш билан ўқидим. Мен ўшанда бекорга кўз ёш тўкмаган эканман. Худди сиз башорат қилгандай, йўлларимиз айро тушган экан, – дея аёл ёнидаги сумкасини олди-да, сарғайиб кетган илк китобимни менга узатди.

Китобнинг биринчи саҳифасида шундай ёзувлар бор эди. «Синглим Жумагулнинг муҳаббати айро тушмасин. Муаллиф». Дастхат меники эди. Аммо уни ёзган кунларимни эслай олмадим. Савол назари билан аёлга тикилдим. Шунда у:

– Мен бир неча кун йўлингизни пойлаб, автобус бекатида китобингизга дастхат ёздирган эдим, – деди бундан узоқ йиллар илгари қилган ишига гуноҳкордай бошини эгиб.

Ўз ўтмишимни аёлдан тинглаб, ўтган кунлар оловида ёнардим. Шундай аёлнинг ёнидан бепарво ўтганлигимдан ҳайрон эдим. Қандай кўрмасдан ўтиб кетдим. Агар шундай бўлган бўлса, бўғзимгача гуноҳга ботган эканман-да. Менинг азобли саволларимга аёл жавоб топгандай сўзлай бошлади:

– Унда сиз ҳам, мен ҳам болалик туйғулари, болалик орзулари билан яшаганмиз. Эркакларни билмадим-у, аёллар ҳамма нарсанинг қадрини қирқ ёшдан кейин англаб етишади. Унда сизнинг атрофингизда қанча-қанча парилар парвона ва ул парилар ичида бизларга йўл бўлсин эди. Тунларни тонгга улаб ўтиришлар, китобингизни бағримга босиб ухлашларимни, сиз қайдан билгансиз, қайдан кўргансиз. Ҳаммаси мен билан яшади, мен билан бирга кетади. Яна кўнглингизга бошқа ўй, бошқа хаёл келиб юрмасин, «Бу қари кампир нималарни валдираяпти» деб. Сўзлаганларим ўтмиш, хотира. Юрагимнинг туб-тубига абадий чўкиб кетган хотиралардир. Улар қайтмайди, улар қаршимизга пешвоз чиқмайди. Улар абадий қалбимизга кўмилган. Энди биз ул қабрни очолмаймиз.

Орадан жуда узоқ вақт ўтиб кетган. Аммо бугунгача китобимни тумордай авайлаб-асраб бағрида сақлаб юрган аёлга қандай сўз айтишни билмасдим...

Узвийлиги, давомийлиги бўлмаган муҳаббат муҳаббатмиди? Балки бундай муҳаббатлар ҳаётим давомида жуда кўплаб бўлгандир. Мен уларни кўрмасдан, билмасдан ёнидан ўтгандирман. Балки мен муҳаббатга, севишга мансуб эмасдирман. Шу ўтган умрим давомида ташна қалб билан ҳеч кимга интилмадим-ку. Балки мендаги муҳаббат – ёзганларим, хаёлий қаҳрамонларимдир. Балки мен тирик одамлардан кўра уларни яхши кўргандирман, севгандирман...

Ёзилаётган асарим қаҳрамонлари мен ўйлагандай тилда гапира олмаса, уларни севиб қолишимни, уларга бор меҳр-муҳаббатимни беришимни ваъда қилиб, Яратганга ялиниб-ёлвориб нола қилардим-ку. Нола қилган тунларимнинг тонгида қаҳрамонларим бийрон тилда сўзлашиб, мени ҳай-

ратга солишарди. Ўйлаб қарасам, асарим қаҳрамонларига ўй, фикр, тил-забон беришни Яратган менга юклаган. Ҳа-ҳа, қаҳрамонларим севган, севилганларим менга омонат топширилган тилсиз-забонсиз одамлар эди. Яратганнинг кўмаги билан тил бердим, забон бердим. Кейин улар ўқувчиларимга мен ўргатган тилда сабоқ беришди. Шу сабаб тириклардан айро тушдим. Тирик жон бўла туриб, санамларни севолмадим, жуфти ҳалолим бўл, дея қўлларимни чўзолмадим. Чўзганларим бир лаҳзалик ишрат бўлди. Гар шу ишларим гуноҳ бўлса, гуноҳларим кўплаб эди.

*Мен севдим, ичимдаги париларни, санамларни,
Мен севдим, ичимдаги тетапоя гўдакларни.
Севилдим, севганларим ёлгон бўлди,
Кўнглимдаги санамларим армон бўлди,
Қирқ жонимни қирқиб борди муҳаббатим,
Сўзлайверсам лайлиларим дoston бўлди.*

Анҳор томондан шўх-шодон кулишиб, чақчақлашиб келаётган қизлар овози хаёлимни ўғирлади. Тириклигимга, одамлигимга қайтдим. Беихтиёр ўрнимдан турдим. Аёл ҳам шу лаҳзани кутиб тургандай жойидан қўзғалди. Нигоҳларимиз тўқнашди. Унинг жон олувчи маъюс кўзлари ўтмишни дoston қилганидан хижолат тортгандай эди. Жилмайиб қарайман. Кўзларини олиб қочади.

– Қизларни чақирайми? – деди шошиб.

– Йўқ. Улар бирпасга бўлса-да ўтмишидан узилиб яшасин. Ўтмишни унутиб кулсин. Шундай гулгун чехраларни яна қайта ўлдирмоқ нечун. Юринг биз ҳам боғни томоша қилиб келамиз, – дея сўридан тушиб аёлга қўл чўзаман. У қўлимга суяниб сўридан тушади. Ёнма-ён анҳор томонга юрамиз.

Қаршимиздан келаётган қизлар ҳурмат билан бизга йўл беришади.

Боғнинг қуйисига тушиб, анҳор қирғоғидаги бетон йўлакдан сув оқими бўйлаб юра бошладик. Анҳор сувининг тўлқинлари қирғоққа келиб урилиб, инжулари йўлакка сачрарди. Бироз юрганимиздан сўнг кенг далага чиқдик. Далага буғдой экилганди. Тоғ шамолидан буғдой бошоқлари эгилиб, қаддини тикларди. Даланинг ўртасида алвон тусда товланаётган лолақизғалдоқлар буғдойзорнинг келинчагидай ажиб манзара ҳосил қилиб, тушган нигоҳларни қувонтирарди.

Жумагул ҳам бу манзарага бир лаҳза тикилиб турди-да, юзига қувонч иниб:

– Чиройлилигини қаранг, – деди ёш қизалоқлардай кафтини бир-бирига уриб. Ҳа, ҳақиқатан гўзал кўриниш эди. Шунда хаёлимга келган гапни сўзлай бошладим.

– Табиат такрорланмас гўзалликни кашф қилади. Ҳали замон бирон бир мўйқалам устаси табиат яратган мўъжизани бор гўзаллиги билан бизларга кўрсатиб бера олганларича йўқ. Ношуд телережиссёрлар бир боғни, бир тоғни айланиш билан оворалар. Бугунги кунда улар шу юртнинг ҳар бир хиёбони, далалари, тоғу тошларини синчковлик билан ўрганиб, инсон қалбини ларзага солувчи мўъжизаларни, гўзал кўринишларни кинотасмаларга муҳрламоқлари керак. Бундай тасвирлар болаларимизнинг қалбида юртга, она заминга муҳаббат ҳиссини тарбиялаб, гўзал қалб соҳибларини вояга етказиши мумкин. Бежизга момоларимиз ҳомиладор келинчакларга «гўзал юзли одамларга қаранг» дея айтишмаган. Бежизга даҳо ёзувчилардан бири «гўзаллик дунёни қутқаради» дея таъкидламаган. Бу гапларда катта ҳикмат бор. Гўзаллик урушларнинг олдини олган, гўзал маликалар мамлакатлар-

ни ҳалокатлардан сақлаб қолган. Ёнингда гўзал санамлар бўлса, ўзингда буюк ишларни қилишга куч-қудрат сезасан, – дея аёлга юзланаман. У гапимни ўзига ишора эканлигини сезиб, юзлари ловлов ёнди. Тим қора кўзлари учқун сачратгандай бўлди. Жойида тўхтади. Чуқур хўрсинди. Кейин бироз нафасини ростлаб:

– Қанийди ўтган кунларимга қайта олсам. Сизнинг чўрингиз бўлишга ҳам рози эдим. Фақат сизни кўриб турсам, сиз ёнимда эканлигингизни ҳис қилсам, ўшанинг ўзи менга кифоя эди, – деди бургдойзор ичидаги лолазорга тикилиб.

– Нега? – деган бефаросат савол лабдан тўкилади. Аёл менга синчков тикилди ва:

– Мен шу вақтгача бундай сўзларни эшитмасдан улғайдим. Ана шундай ўйлар, фикрлар билан дунёни англаш мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган. Суҳбатдошларим хароб одамлар эди. Ўйлари, фикрлари хароб одамлар. Ҳаётни, яшашни, севишни, севилишни ҳайвоний ҳирсларда кўрарди. Мен ўқиган, илм олган санъаткорман. Шу сабаб ўз ижодимга санъат асари деб баҳо берардим. Одамлар менинг қўшиқларимни эшитганда, рақсларимни томоша қилганда кўзлари қувонсин, диллари яйрасин деб хаёл қилардим. Хуллас, ўз касбимга жону жаҳонимни бағишлагандим. Аммо мен санъат деб қадрлаган нарсани одамлар бошқача тушундилар, орзуларим армонга айланди. Истеъдодим маст-аластнинг нигоҳига бойланди. Кутганларим сароб бўлди. Минглаб одамлар орасида ёлғиз эдим. Ёлғизнинг ёри Худо, деганларидек, Яратганга сифиндим, тунлари нола қилиб чиқдим. Қолган ҳаётимни мана шу қизларга бағишладим. Уларни ёмон ниятли одамлардан авайлаб асрадим. Отаонасига, завжасига бегона бўлганларни бағримга олдим. Бахт эшиги очилганда ўраб-чирмаб осто-

намдан кузатдим. Мендан рози бўлиб: «Берган тугингизга раҳмат. Берган меҳр-муҳаббатингизга қуллуқ», – дея хайрлашдилар.

Улар ҳар остона ҳатлашганда юрагимда чандиқлар пайдо бўлди. Бугун ўша чандиқларнинг сони бисёр. Одамларга меҳр бердим, аммо ўзимга бир меҳрибон топмасдан, кимсасиз кўнгиш саҳросида ёлғиз тентираб, «абადий очиқ эшик» томон кетиб бормоқдаман. Шу кунларгача яшадимми, яшай олмадимми, билмайман. Ҳойнаҳой яшамаган бўлсам керак. Худди соям судралиб юргандай. Дунёнинг бир ками шу экан-да. Одамлардай яшашга интиландим. Интилган йўлларимда сароблар унди. Ҳеч қачон дилимдагини сиртимга чиқариб озорланмаганман. Аммо бугун қалб қосамдаги шаробга бир тўлқин келиб урилди, – дея илкис қадамлар билан буғдойзор оралаб, лолазор томон юрди.

Мен уни не сўз билан юпатишни билмай ортидан қараб қолдим. У лолалар қаршисида тиз чўкди. Ортидан бордим. Яқинлашганимда қўлларига кўзим тушиб, ҳайратдан қотиб қолдим. Унинг мушт бўлиб тугилган бармоқлари орасидан алвон рангли лолалар қони чакиллаб майсаларга томарди.

* * *

Қаршимда давра қуриб ўтирган раққоса қизларга қарайман. Бўлиб ўтган суҳбатимиздан сўнгра анча ўзига келиб қолган Жумагул қизларга бир-бир нигоҳ ташлаб:

– Ораларингда акамизнинг китобларини ўқиб йиғлаганларинг бор. Бугун сизларни бу борада ташрифларингизнинг боиси, ёзувчи акамиз сизлар ҳақингизда бир асар ёзмоқчи экан. Ана шу ишда кўмак беришимиз керак, – деди менга юзланиб.

Шунда қаршимда ўтирган қизлардан бири:

– Бизнинг ҳаётимиздан китоб ёзса бўлармикан? Биз бугун ёзувчи акамизнинг гап-сўзларини тинглаймиз, деб ўйлаган эдик, – деди жилмайиб.

Қизнинг бу гапидан сўнг сўзлашим кераклигини тушундим.

– Ўзим ҳақимда ҳали сизларга ҳикоя қилиб бераман. Бўлажак ҳикояларим таъсирчан чиқиши учун аввало сиз ҳақингизда бор ҳақиқатни билишим керак. Санъаткорликка ишқларингиз қандай тушди? Ёки болаликдан ҳавасларингиз бўлганми? Ана шундай саволларга жавоб олмоғим керак, – дедим.

Жумагул менинг гапларимни давом эттириб:

– Ўтган кунларингизга ёлғон-яшиқ қўшмасдан қандай кечган бўлса, шундайлигича сўзланглар. Акамиз бор ҳақиқатни билгач, ёзилажак асар ишончли чиқади, – деди. Мен аёлнинг гапини тасдиқладим. У ҳақ гапни сўзлар эди.

Қизларга мақсадимни тушунтиргандан сўнг даврани ноҳуш сукунат эгаллади. Бундан олдин гулдай очилиб турган чеҳралар, худди осмонга қора булут чиққанда гўзаллигини яширишга интилан гуллардай маъюс тортишди. Сукунатни аёлнинг ўзи бузди:

– Акам ҳар бирингиз билан алоҳида-алоҳида гаплашади. Асарида исмларингиз ўзгариб кетади, – деди қизларга далда беришга ҳаракат қилиб.

– Ҳа-ҳа, худди шундай, – дедим бошқа гапга қувватим келмай.

Жумагул мендаги ҳолатни сезгандай, бошини ҳам қилганларга зардали овозда:

– Менга ўтган кунларингни дoston қилиб фарёд чекасанлар. Мана энди айтишнинг вақти келди. Агар раҳматли Мунира вафот қилмаганида, мен акам билан учрашмаган, сизлар бу ерда ўтирмаган, у киши эса бизни излаб келмаган бўларди. Ўй-

лаб қарасам, Мунира сизларнинг оҳ-фарёдларингизни элга билдирмоқ истагида ўз жонини қурбон қилганга ўхшайди. Бу фожиа устида акам билан учрашишимиз ҳам Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан бўлди. Кўнглингиздаги армонларингизни, орзуларингизни тортинмасдан сўзланглар, – деди кўзлари қизариб. Марҳума Муниранинг исми тилга олинганда беихтиёр даврадагилар жонланиб, нигоҳларини Жумагулга қадашган эди. Унинг гапи тугаши билан қизлар бир-бирлари билан шивирлашиб олишди. Ичларида сариққа мойил, кўз қорачиқлари мовий рангдаги қиз:

– Мен айтаман, – дея ёш қизалоқдай қўлини кўтариб олдга силжиди. Унинг самимий, беғубор ҳаракатидан кўнгилга бир нур инди. Шунда қизларига синчков тикилиб турган Жумагул хурсанд овозда:

– Юринглар, биз эса боғни айланамиз, – дея ўрнидан турди. Қизлар унинг ортидан эргашди. Аёл ўрнидан тургандаги қизларнинг ҳолатини тасвирлашга ожизман. Бу шундай лаҳзалар эдики, уни қогозда акс эттириш учун мусаввир бўлмоқ керак эди. Турли элатлардан келган, бошқа-бошқа оилаларда тарбия топган, мутлақо бир-бирига бегона одамлар ана шу лаҳзаларда бир одамга, ҳаммасининг ўйлари, хаёллари, ҳатто юзлари – Жумагул сиймосига айлангандай эди.

Ёшлик соддалиги, беғуборлиги билан гўзал-да. Қаршимда ўтирган малакнинг ёқимтой чехрасидаги одамни ўзига мафтун қилувчи оний ўзгаришни бирпас қалбимга муҳрлашни истадим. Қизнинг безовталанганлигидан ҳушимга келаман. Азобланиб асл мақсадимни эслайман.

Одам, айниқса, ижодкор аҳли воқеа-ҳодисаларни олдиндан сезувчи бўлади. Менда ҳам шу хислатдан бир чимдим бўлганлиги учунми, қизнинг

ўтган кунларига назар ташлашни истамас эдим. Чунки ана шу лаҳзалардан бошлаб Жумагул айтгандай юрагимда тузатиб бўлмас чандиқлар ҳосил бўлишини ҳис қилиб турардим. Шу сабаб жароҳатланишни кечиктиришга ҳаракат қилардим. Аммо жароҳатсиз асар ёзолмаслигимни эслаб, шафқатсиз саволни қиз қаршисида тўкиб ташладим. Савол зарбидан у силкинди. Бироздан кейин ўзига келиб, оҳиста сўзлай бошлади.

– Институтни битириб туғилган юртимга қайтдим. Ота-онамга дипломимни тутқаздим. Дипломимни кўриб, уларнинг хурсандчилиги осмон бўлди. Бир-икки кун уйда дам олдим. Мактабда бирга ўқиган дугоналарим келишди. Уларнинг айримлари турли таълим даргоҳларида ўқишни тугатиб, ортларига қайтишган, баъзилари эрта турмушга чиқиб, бола-чақали бўлиб кетишган эди. Болаликдаги дугоналаринг тамасиз дўстлар-да. Суҳбатлашиб зерикмаймиз. Мактаб давридаги қизиқ-қизиқ ҳангомаларни эслаймиз. Хуллас, кунларимнинг қандай ўтаётганлигини билмасдим. Бир куни уйимизга меҳмон келди. Меҳмон менга бегона эди-ю, аммо отамни яхши танир экан. Уйга чорлаб, иззат-икромини қилдик. Орада мени ҳам чақириб қолди. Ҳайратланиб олдиларига кирганимда отам:

– Қизим, бу киши Саттор аканг бўлади. Туманимиз муаллимларининг бошлиғи. Сени ишга таклиф қилиб келибди, – деди. Шунда меҳмон:

– Синглим, мусиқа соҳасида ўқитувчилар етишмаяпти. Сизни айна шу соҳада ўқиганлигингизни эшитиб, хурсанд бўлиб келавердим, – деди самимий. Кейин: – Туманимизнинг тоғли, баҳаво Нурафшон қишлоғида катта мактабимиз бор. Ўқувчиларининг сони икки минг нафарга яқин, – деди.

Ўзим ҳам анча вақтдан бери ана шундай қишлоқда ишлашга орзуманд бўлиб юрган эдим. Ик-

киланмасдан рози бўлдим. Отам ҳам ўқитувчи бўлганлиги, узоқ йиллар қишлоқ мактабларида ишлаганлиги боис мени қўллаб-қувватлади. Мудир розилигимдан хурсанд бўлиб биз билан хайрлашди. Эртасига олдига кирдим. Тезда ҳужжатларим тайёр бўлиб, Нурафшон қишлоғидаги мактабга мусиқа фанидан ўқитувчи бўлиб тайинландим.

Қизнинг кўзида қувонч балқиди. Жилмайиб менга қаради. Кўзлари кулганда жуда ёқимтой бўлиб кетди. Хотирасида қолган энг бахтли кунини эслаганлиги сезилиб турарди. Унинг қувончидан кўнглим равшан тортди. Ана шу кўнгли равшанлигида қайғуни эсламасликни ихтиёр этгандай эдим. Шу йиллар ичида жуда кўплаб жароҳатларидан қон силқиб турган одамларни тинглаганим учун улардан зада бўлиб қолгандим. Шу боис ичимдаги одам *«Бахтли кунларидан сўзласин, бахтли кунларидан ҳикоя айласин»*, дея менга тинчлик бермасди. Бироз ўтиб қиз ҳикоясини давом эттирди:

– Илк бор ўқувчилар билан юзма-юз бўлган кунимни унута олмайман. Қандай яхши, қандай бахтиёр кунларим эди. Мен институтда рубоб чолғуси мутахассислиги бўйича ўқигандим. Рубоб чалиш билан бирга кўшиқ ҳам айтардим.

Илк дарсимга узоқ йиллар ҳамроҳим бўлган рубобимни ҳам олиб кирдим. Анча вақтдан бери мусиқа ўқитувчиси бўлмаганлиги боис ўқувчилар мени шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Болалар билан танишиб олиб, илк дарсимни мусиқа чолғуларининг инсон қалбига таъсиридан бошлаб, уни кўп қайғуларни ёддан чиқариши, кўп беморларни тузатиш қобилиятига эғалигини сўзладим. Кейин сознинг тарихидан гапириб, бу сознинг буюк созандаси устоз Маҳмудни эсладим. Чунки ўз даврида рубоб созини ундан ўтказиб ҳеч ким чала олмаган. У рубоб чалганда тингловчи хаёлот дунёсида

осмонларга парвоз қилган. Созининг нолааларидан табиат қўйнидаги жамики жонзот сукутга кетган. Ана шундай ноалар таратган сознинг танаси ҳам тутдан ясалган, дея бу илоҳий дарахтдан ясалган созлар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бердим. Улар гапларимни жон қулоғи билан эшитаётганлигидан руҳланиб, бу созни Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида дунёга келиб, халқ орасида оммалашганлигини, ана шу соз ортидан устоз Маҳмуд замонасининг тенги йўқ созандаси бўлиб дунёга танилганлигини, Султон Увайс Жалоир ҳам рубобни жуда яхши кўрганлигини айтиб, филофдан рубобимни олиб куй чалдим.

Бу хонада илк бор куй таралганлиги боис, болаларнинг нигоҳи гоҳ менга, гоҳ рубоб торларида рақс тушаётган бармоқларимга тушар, ҳайратлари учқун сачраётган кўзларида ошкор эди.

Биринчи куйни иккинчисига улаб юбордим. Ўзим ҳам ўқитувчилгимни унутиб, қаршимдаги ўқувчиларим эканлиги ёддан кўтарилиб, куй оҳангига берилиб кетибман. Куй тугаши билан эшик очилиб, мактаб директори ва ўқитувчиларнинг хонага кириб келганини ҳам сезмай қолибман. Уларни кўриб уялиб кетдим. Саломлашиб рубобимни филофига солмоқчи эдим, мактаб директори:

– Қизим, бу сеҳрли рубобингизни яширманг. Сиз куй чалишни бошлаганингизда унинг сеҳрига маҳлиё бўлиб хонадан чиқсам, ҳамма муаллимлар мен қатори куй тинглаётган эканлар. Шунда уларни эшигингиз олдида ўзим бошлаб келавердим, – деди кўзлари кулиб.

Чалган куйларим ўқитувчиларга маъқул бўлганлигидан хурсанд бўлиб, директорга миннатдорчилик билдирдим. Шунда директор шошиб:

– Ҳа-ҳа, худди шундай бўлди. Бугун ўқишнинг биринчи куни. Соат ўн бирда ҳамма ўқувчилар,

ўқитувчилар залимизга йиғилсин. Робия қизимизнинг куйларидан болаларимиз ҳам, биз ҳам баҳраманд бўлайлик, – дея ўқитувчиларни хонадан бошлаб чиқди. Директорнинг гапидан, ўқитувчиларнинг чехрасидаги қувончдан кўнглим тоғдай кўтарилиб, болаларга санъатнинг кучи, қудрати ҳақида янада тўлқинланиб сўзлай бошладим. Улар гапларимни тушундим, тушунмадим, билмайман, аммо мен сўзлашда давом этардим. Танаффусга кўнғироқ чалинганда ҳушимга келдим. Ўқувчиларим билан самимий хайрлашиб, ўқитувчилар хонасига йўл олдим. Менга дуч келган болалар ҳайрат билан қарашар, болалар каби ўқитувчилар хонасидагилар ҳам хурсандчилик билан қарши олдилар. Улар орасидаги кекса муаллим:

– Қизим, биринчи дарсинг, биринчи муваффақиятнинг билан табриклайман. Бу илк дарсинг бир умр ёдингда қолади, – деди елкамни силаб. Муаллимнинг онадай меҳрибонлик билан сўзлаганларидан янада хурсанд, шод бўлиб:

– Раҳмат сизга, – дедим ихлос билан. Кейин ўқитувчилар мени суриштира кетишди. Шундай қилиб, аҳил бир оиланинг эркатои қизига айландим, – деди ўтган кунларининг ширин хотираларидан сархуш бўлиб. – Мен ҳамон ўша кунлар ёди билан яшаб келаётгандайман. Ҳамон ўша бахтиёр, орзуларим осмонга учган кунларим қанотига осилиб юргандайман. У кунларимни қайтариб бўлмаса-да, хаёлларим билан ўша кунлар қошига қайтаман. Етолмаган, орзуингдаги кунларинг ширин бўлганидек, ўша кунларим энг унутилмас дамларим эди. Агар ўша лаҳзаларни бирпасга қайтаришнинг иложи бўлганида эди, у кунлар учун жонимни тиккан бўлардим. Аммо энди қайтариб бўлмайди, қайтмас бўлиб кетди, – деди. Сукутида ҳам армоннинг соя-

си бор эди. Хотиралардан қайтганда соя чекиниб, майин табассум билан сўзлай бошлади:

– Зал ўқувчилар билан тирбанд эканлигини кўриб ҳаяжоним янаям ортди. Директор ва ўқитувчиларни кўрган болаларнинг лабларида «келишди, келишди» деган шивир кезиниб, зални сукунат қоплади. Биз саҳнага чиқиб борганимизда қаршимда ўтирганларнинг нигоҳи менга қадалганди. Шунда директоримиз болаларни яна бир бор янги ўқув йили билан табриклаб:

– Болаларим! Бугун сизларга мусиқа фанидан дарс бера бошлаган ўқитувчимиз Робияхон Собир қизининг куйларини тинглаш учун йиғилдик. Сизлар бир неча йиллардан бери мусиқа фанини меҳнат фанига алмаштириб келдинглар. Сабаби, бу фандан ўқитувчимиз йўқ эди. Бу йил мудиримизга илтимос қилиб, Робияхонни ўзимизга юборишини сўрагандик, рози бўлди. Мана бугун олий маълумотли мусиқа ўқитувчингиз билан юзма-юз ўтирибсизлар, – дейиши билан ўрнимдан турдим.

Шунда ажиб бир ҳол юз берди. Ўқувчилар мени олқишлаб, қарсак чалиб юбордилар. Уларнинг қарсаклари ҳаяжонлантирди, кўнглимни тоғдай кўтарди. Директоримиз:

– Марҳамат, Робияхон, – дейиши билан қўлимга рубобимни олиб ўтирганлардан ажралиб чиқдим.

Менга меҳр билан тикилиб турган ўқувчиларга қараб гапиргим келди. Гапира бошладим. Нималар ҳақида сўзлаганларимни эслай олмайман, аммо сўзим сўнгида:

– Ҳали сизларнинг ичингиздан Абу Турк, Фисоғурс, Умар Хайём, Ал-Форобий, Ибн Сино, Саккокий, Лутфий, Улуғбек, Жомий, Мир Алишер Навоийдек мусиқашунос олимлар, Қутб Найчи, Ҳусайн Удий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш Али Чангийдай созандадар, Катта Моҳ, Кичик Моҳ, Моҳ Чу-

чук оналаримиздай раққосалар етишиб чиқишига ишонаман, – дея гапимни тугатишим билан ўқувчилар яна гулдурос қарсақлар билан мени олқишладилар. Қарсақлар остида рубобимни қўлга олиб чала бошладим. Рубоб торларидан учган оҳанг бирпасда ўтирганларнинг юрагига малҳам бўлгандай, қарсақлар камайиб, яккам-дуккам чалинганлари ҳам тинди. Зални сукунат қоплади. Сукунатни рубобдан таралган куй аллалаётгандай эди. Бу ҳайратли ҳолатдан, ҳамма мени тинглаётганлигидан жўшиб, бир куйдан иккинчисига, учинчисига ўтиб, бир-бирига боғлаб юбордим.

Олий даргоҳда бизга турли хил чолғу асбобларини чалишни ўргатишган бўлса-да, қўшиқ айтиш ҳам ёддан кўтарилмаганди. Мен болалигимдан қўшиқ айтардим. Ўқиб юрган пайтларимда ширали овозда куйлаганлигим учун курсдошларим ҳурмат қилишар, ўтиришларда, байрамларда давранинг тўри меники эди.

Беш-олтита куй чалганимдан кейин илҳомланиб, шўх лапарларимдан бир нечтасини айтдим. Қўшиқ айтишим билан саҳнадагиларнинг ҳайратли нигоҳи менга қадаалди. Ўқувчилар қарсақлари билан қўшиғимга жўр бўлишди. Сўнгги қўшиғимни тугатиб, мени тинглаётганларга таъзим қилдим. Саҳнадагилар ҳам, ўқувчилар ҳам ўринларидан туриб, роса мени олқишладилар. Мен эса, уларнинг меҳридан, қувончидан осмонларга учиб кетгандай эдим.

Тез орада ўқувчилар, ўқитувчиларнинг қалбига кириб бориб, қишлоқ одамларининг тўй-маъракаларида куй чалиб, қўшиқ айтиб, беминнат хизмат қила бошладим. Одамлар мени яхши кўриб қолишди. Ўзим ҳам уларга талпиниб яшадим. Бегона бир қишлоқда, бегона одамлар орасида иззат-ҳурмат топдим. Қиз чуқур хўрсинди. Кўзларини юмди.

Тасаввуримда бир қайғуни сўзлаб юборадигандай юрагим безовталанди. Сўзлай бошлади:

– Ана шундай бахтиёр кунларимда бир йигит қалбимга кириб келди. Унинг сўроқсиз қалбимга кириб келганидан аввалига ҳайратландим, кейин кўникдим, сўнг севиб қолдим. Ана шу севги ҳаётимни издан чиқарди. Ана шу севги чоҳга бошлади. Ана шу севги адои тамом қилди. Мен йўлимдан адашдим. Ундан ўзга ҳамма одам унутилди. Ундан ўзга ҳаёт йўқдек туюлди. Мен унинг қулига, асирасига айландим. Гар муҳаббат шундай жодугар бўлса, уни ҳеч кимга раво кўрмайман. Кўзларим кўр, қулоқларим кар, тилларим кесилган эди. Ҳамма чеҳраларда уни кўрардим, эшитсам, уни эшитардим, сўзлашсам, у билан сўзлашардим. Мен одам эмасдим, мен ўзлигини йўқотган, ўзлигидан воз кечган мажнуна эдим. Унинг қайғули нигоҳидан ҳаётим остин-устун бўлиб кетарди, қувончидан осмонларга учардим. Жисмим бор эди. Аммо қалбимдан ўтмишим ўчиб кетгандай телба эдим. Ўтирсам-да ул, турсам-да ул, тунлари тушларимга босириб кирарди. Йўқ, у одам боласи эмасди. У одам қиёфасидаги жодугар эди. Робия сукут сақлади. Ёқимтой юзида қип-қизил тошмалар пайдо бўлди. Акса урди. Шошиб пиёладаги чойдан ҳўплади. Чой бўғзига тикилгандай ранги кўкариб, тез-тез йўталди. Пешонаси терлади. Ёнидалигимни унутгандай, кўйлагининг енги билан юзини артди.

Бундай ҳаракатлар ўзлигини унутган дамларда бўлиши мумкин. У шундай ҳолатда ҳаракатланарди. Кейин яна пиёлани ушлади. Пиёлада чой йўқ. Шошиб чой қуйдим. У чойнак жўмрагидан тушаётган сувга бир лаҳза қараб турди. Шунда кимдир уни зарб билан ургандай илкис бир томонга қийшайди. Ҳушига келди. Лаблари титраб:

– Кечирасиз, ака. Хаёлим кетиб қолибди, – деди. Ялингандай, ёлворгандай сўзлашидан қизга раҳмим келиб:

– Кейинроқ гаплашамизми? Бироз ўзингизга келиб олардингиз, – дедим. У менга тикилиб қолди. Кўз соққалари ҳаракатдан тўхтагандай эди. Этим жунжикди. Унинг нигоҳидан бир совуқ хабар шамол эсарди.

– Йўқ-йўқ, ҳозир гапирмасам, кейин сўзлай омайман. Эшитишингизни илтимос қиламан. Фақат сиз менга ёрдам беришингиз мумкин, – деди кўзлари мўлтираб. Кейин сўзлашдан олдин юзида қувонч жилваланди. Тотли ҳислар бағрини чулғагандек, кўзларини юмди. Шивирлади:

– Илк бор у билан муаллимлар байрамида танишдим. Мен саҳнада қўшиқ айтардим. Кимлардир театр залига кириб келганида нигоҳим ўша томонга оғди. Улар уч-тўрт киши эди. Биринчи қаторга келиб ўтиришди. Мен қўшиқ куйлашда давом этдим. Қўшиқ тугади. Одамлар олқишлади. Ҳамманинг нигоҳи менда. Қарсак чалаётганларга таъзим қилдим. Шунда кимдир яна қўшиқ айтишимни илтимос қилди.

Байрамга келганларнинг бир қисми аълочи ўқувчилар бўлиб, қолганлари ўқитувчилар эди. Шу сабаб мусиқасини ўзим басталаган муҳаббат мавзусидаги қўшиғимни куйладим. Зални сукунат қоплади. Қўшиқ тугаши билан қўлида гулдаста кўтариб бир йигит қаршимда пайдо бўлди. Гулларни менга тутқазиб, қўлимни сиқиб:

– Ҳазин овоз учун раҳмат, – дея менга бир лаҳза тикилиб турди. Унинг ёниб турган кўзлари тафтига дош беролмай нигоҳимни олиб қочдим. Ўзимга келиб бошимни кўтарганимда у ён-атрофда кўринмасди. Олазарак у ёқ, бу ёққа қарадим, аммо тополмадим. Уни қайтиб учратмаганигим-

дан ичимдаги бир илинж чирт этиб узилгандай бўлди. Олдинги хурсандчилик бир ён, йигитнинг нигоҳи бир ён бўлиб сахнадан тушдим. Одамларни кўрмасдим, қутловларни эшитмасдим. У кўчада мени кутиб турибди, деган хаёлда ташқарига чиқдим. Аммо ҳеч ерда ундан дарак бўлмади. Шунда беихтиёр қўлимдаги гулдастага нигоҳим қадаалди. Гулларни силадимми, ҳидладимми, билмайман. Ичидан бир қоғоз ерга тушганда шошиб қолдим. Кейин қоғоздаги сатрларга нигоҳим оғди. Унда шундай сатрлар битилган эди:

*Бир гулни излаб оввора бўлдим,
Тополмай кўйида девона бўлдим,
Толедан нолийман бегона бўлдим.
Бегона бўлдим-а, бегона бўлдим...*

Кўнгил безовта эди, уйга қайтдим. Уйдагилар байрамим билан қутладилар. Онам хаёлланиб юрганимдан безовта бўлиб:

– Нега хомушсан, қизим? – деди елкамдан қучиб.

Чарчаганлигимни баҳона қилдим. Онам гапларимга ишонмади. Аммо ўзини ишонгандай кўрсатди. Кунни билан келган-кетганлар билан овундим. Бу овуниш тунга етаклади. Чор атрофни қоронғилик пардаси қоплаганда кўнглим безовта бўлди. Юрагим сиқилди. Ҳовлига чиқдим. Ўрик остидаги чорпояга бориб ўтирдим. Хаёлимда ўша гул кўтарган йигит жонланди. Ўзимни чалғитмоқ истадим. Аммо у қаршимга бостириб келаверди.

Тоғ ортидан ой кўринди. У яримта бўлиб, ялпайиб ётарди. Онамнинг ойнинг бундай чиқиши ҳақидаги сўзлари ёдимга тушди: «Ой ўзига тинч, элга нотинч». Уйга кирдим. Ёзув столим олдига бориб, мени безовта айлаган йигит шеърига куй басталашга тушдим. Тонгга бориб қоғозда бир

ажиб куй ва қўшиқ пайдо бўлди. Жойимга ўтиб ухлаб қолибман. Туш кўрдим. Тушимда йигит ёнимга келди. Мени бағрига босди. Юзларимни, сочларимни меҳр билан силади. Бармоқларининг иссиқ тафтидан сув бўлиб оқдим. Вужудимда аллақандай ёқимли ўзгариш бўлди. Сапчиб ўрнимдан турдим. Аммо йигитнинг бағридан ситилиб чиқиб кета олмай, бошимни ёстиққа қўйиб ҳушсизландим. Ҳушимга келганимда уни тушимда кўрганлигимни ҳис қилиб, пешонамга ёстиқни босиб, яна қайта ухлаб қолибман. Уйғонганимда қушдай енгил эдим. Онамнинг нигоҳи менга тушиб, юзига қувонч ёйилди.

– Болажоним, – дея нонуштага чорлади. Чой устида: – Ишингга ўрганиб кетдингми? – деб сўраб қолди. Онамга мактаб ҳаётидан ҳикоя қилдим. Онам хурсанд бўлди. Унинг хурсандчилиги менга кўчди. Аммо бир лаҳза ўтиб, тунги ҳолатим ёдимга тушиб, кўнглим безовталанди. Онамга:

– Дарсларимни қилиб олай, – дея шошиб ўрнимдан турдим. Столим устидаги қўшиқ ноталари ёзилган қоғозларга кўзим тушди. Беихтиёр рубобимни қўлга олиб, қўшиқ куйини машқ қила бошладим. «Чин дилдан йиғласанг, сўқир кўзга ёш келар» деганларидек, тезда қоғоздаги жонсиз асарга жон бериб, уни рубоб торларига кўчирдим. Бармоқларимга бўйсунган рубоб торларидан ғамгин бир оҳанг хонамга ёйилди.

Байрам муносабати билан берилган дам олиш кунларида куйни ҳам, қўшиқни ҳам қиёмига етказиб, кўнглим хотиржам тортди. Жонажон мактабимга қайтдим. Ўқувчиларим, ўқитувчиларим хурсандчилик билан қарши олишди. Ҳаммаси байрам кечаси айтган қўшиқларимни эслашиб, мени олқишлашарди. Аммо менинг хаёлимдан ўша кеча гул тутган йигит кетмасди. Унинг кимлигини

сўрашга тортинардим. Йўқ, орадан бир неча кун ўтмай тунлари тушларимга кирувчи сирли одамнинг кимлигини билиб олдим.

Мактабимиз ўқитувчи аёллари билан ҳар ҳафта қишлоғимиз тоғ ён бағридаги боққа бориб, ўзимиз суйган таомни ошпазга буюриб, боғнинг энг четидаги сўрига жой қилдириб ўтирардик. Ўшандай кунларнинг бирида бизларга ҳар доим бош бўлиб юрадиган аёл – математика фани ўқитувчиси Раъно опа менга юзланиб:

– Байрам куни гул узатган йигитни танидингми? – деб сўраб қолди. Мен неча кунлардан бери уни кимдан сўрашни билмай телбаланиб юрганлигимни ошкор қилишдан чўчиб:

– Йўқ, билмайман, – дедим ўзимни бепарво тутишга ҳаракат қилиб. Шунда опа:

– У йигит вилоят ёзувчилар уюшмасида ишлайди. Исми Асқар. Жуда истеъдодли шоир. Мен уни шу вақтгача бирон бир байрамда гул кўтариб, кимгадир совға қилганини кўрмаганман. Аммо у сенга гул совға қилди, – дея таажжуб ила жилмайди. Кейин ўз қизидай меҳрибонлик билан: – У йигитдан эҳтиёт бўлгин, ошиқлари кўп, – деди. Мен хўп дегандай бош иргадим. Аёл хотиржам тортди. Овқатдан сўнг аёллар қўшиқ айтиб беришимни илтимос қилишди. Илк қўшиғим Раъно опа огоҳлантирган Асқарнинг шеъри бўлди. Салқин тоғ ҳавоси юзларни силар, сўри тепасидан оқаётган сувнинг шабадаси баҳри дилингни очар эди. Мен рубобни чертишим билан аёллар бошларини эгганча тингламоққа тутинди. Чор атрофга таралган куй сеҳридан дарахт шохларида чуғурлашаётган қушлар ҳам сукутга кетгандай бўлди. Худди бу боғда мен, рубоб пардаларидан таралаётган куй қолгандай эди. Кўп куйлар чалиб, анча-мунча қўшиқлар айтиб, элнинг олқишига сазовор бўлган

бўлсам-да, бугун ўз олқишимга сазовор бўлгандай берилиб, куйиб, ёниб куйлардим. Ана шу қўшиқда севгининг, муҳаббатнинг куч-қудратини илк бор сезиб турардим. Севган одамингнинг овози ҳам, куй-қўшиғи ҳам ўзгаларнинг қалбига малҳам бўлиб, улар ҳам сенинг ҳаяжонингни, титроғингни ҳис қилишиб, сендай ҳолга тушиб қолишар экан.

Ўз куйимдан, қўшиғимдан мажнун, сархуш бўлиб, кўзларимни очганимда қаршимдаги аёллар бошларини эгиб, елкалари ерга салом бериб ўтиришарди. Куй тугади, қўшиқ тугади. Ҳаяжон билан ўтирганларга қарайман. Улар ҳам мендай ҳолатда. Бири чуқур нафас олди, қай бири хўрсинди. Ҳаммаси жим, сукутда. Сукунатни кушларнинг овози бузди.

Қиз шошиб пиёладаги чойдан ҳўплади. Бир лаҳза оқаётган сувга термилиб турди. Кейин майин овозда:

– Биз учрашдик. У мактабимизга келди. Янги китобини менга совға қилди. Китобини олиб уйга қайтдим. Шеърларини ўқий бошладим. Шеърлари ўзга олам эди. Мен бу оламни тасаввур қила олмасдим. Ҳар бир сатри ўша сирли оламдан элчи бўлиб келгандай, мени ўзи томон чорларди. Ҳали у менга ортиқча сўз айтмаган, севаман демаганди ҳам. Атиги бир даста гул ва китобини совға қилган, холос. Балки бу ҳурмат юзасидан қилинган муносабатдир. Балки мендай ёш муаллимнинг кўнглини кўтариб, руҳлантиришга қилинган ишоратдир. Аммо мен уни севиб қолгандим. Қаерларда юрган бўлса, ўша жойлардан ҳам уни рашк қилардим. Тунлари Худога нола қилиб бағримга чорлардим. Тушларимга кирган кунлари қувончимни ичимга сиғдира олмай югуриб-елардим. Ўша кунлари ўқувчиларимга, меҳрибон ўқитувчиларимга бир жаҳон бўлардим.

Мактабда, қишлоқда мени яхши кўрмаган одам йўқ эди, десам хато қилмайман. Чунки улар учун мен осмондан тушган бир малак эдим. Осмондан тушгандай эдим-у, аммо хаёлимдан бир зум кетмаган ўша йигит ҳижронида ер билан битта бўлиб ётардим. Ҳаммадан унинг нигоҳини қидирардим. Ҳаммада унинг сиймосини кўришни истардим. Аммо ундан дарак йўқ, ундан хабар йўқ. Ана шундай тунларим тонгларга уланган кун у қаршимда пайдо бўлди. Мактабимизга келди. Мен уни кўришим билан уялмай-тортинмай, ўқитувчи, ўқувчиларимни ҳам унутиб қаршисига чиқдим. Бармоқларимиз туташди. Бармоқларининг сеҳрли тафтидан ҳушим учди. Шунда у:

– Юр, кетайлик бу ерлардан, – деди маъюс оҳангда.

Мен рози бўлдим. Биргалашиб кетдик. У гапирарди, мен тинглардим. Қанча вақт қўл ушлашиб юрдим, билмайман. Аммо аҳён-аҳён қишлоқ одамларининг нигоҳларига нишон бўлганлигимни сезардим. Улар ўзгача бўлиб қолгандай. Мени ундан рашк қилишаётгандай, бегона одамни учратгандай қарашарди. Мен уларга парво қилмасдим. Мен уларни кўрмасдим. Кўрганларим фақат у эди. Катта йўлга чиқдик. Шунда у:

– Мен сени узоқ кутдим. Мен сени турли маконлардан изладим. Излаган кунларим менга орзу бўлдинг. Излаб тополмаган кунларим армон бўлдинг. Сени топганимдан бери юрагим ичимга сигмай қолган. Олдингга бориб «Мен сени излаб топдим» дея айтгим келарди. Аммо сендан қандай жавоб олишимдан чўчирдим. Шу боис шеърларимни қолдирдим. Зора, шеърларимни ўқиб, менга раҳмшафқат қилса деб. У тун туш кўрдим. Сен мени чорлар эмишсан. Тонг олди уйғониб қошингга ке-

лавердим. Тушларимга ишондим. Тушларимдан паноҳ изладим, – деди кўзларимга тикилиб.

Мен унинг гапларидан ҳушимни йўқотдим. Ўзим билмай, ўзим сезмай кўкрагига бошимни қўйдим. У сочларимни силарди. Мен эса унинг бағрига сингиб кетгандай эдим.

Ҳа, у кунларни эсласам, юрагим ёрилиб кетай дейди, – дея қиз ўрнидан сапчиб турди. Мен унинг ҳолатини тушундим. Сукут сақладим. Қиз шошиб сўридан тушди. Ариқ сувида юз-қўлларини ювди. Худди терлаб кетгандай қўйлагини силкитди. Бироз сувга тикилиб турди. Кейин илон чаққандай қўрқинчли овоз чиқариб ортига бурилди. Менга қаради. Мени кўрмади. Хаёлида ўша кунлар. Қандай кунлиги менга номаълум, аммо маълум кунлиги, маълум ўтмиши билан яшаётгандай эди. Одамнинг юзи ичида. Сўридан турганда қизнинг юзи ҳам аянчли, ҳам қўрқинчли эди. Юзини сувга чайгандан сўнг бироз ўзгарди. Менга тикилганида яна асл ҳолига қайта бошлади. Юзидаги ўзгаришдан сўрига келиб ўтиришини ҳис қилдим. Келди.

Бошини ҳам қилиб ўтирди.

Унинг ўзига келишини кутдим. Хаёлимдан «менга шу азоб керакмиди» деган ўй ўтди. Ҳа, ҳақиқатан менга керакми? Нега ҳар доим бир ташвиш устидан чиқаман. Ҳаётимда ҳеч қачон хурсандчилик билан юзма-юз бўлмадим. Ҳар доим бир тасодиф, бир фожиа ва охир-оқибат ўша фожиалар гирдобини... Кечаги куним ҳам шундай эди, бугуним ҳам, эртаман ҳам албатта шундай кечмиш. Пешонамга ёруғ кунлар битилмаганидан хафа бўлиб кетаман. Начора, қисматимда бор экан-да. Хаёлимга бир буюк одамнинг айтганлари келади: «Ижодкор ўз асарининг қули, чунки у мавзуни танлашда ҳам, уни ривожлантиришда ҳам ҳукмрон эмас, агар илҳоми келмаса, буйруқ билан ҳам,

буюртма билан ҳам, ўз ихтиёри билан ҳам ёзолмайди, чунки бу вақтда ихтиёри ўзида бўлмайди. Бинобарин ижод эркиндир ва ижодкор шахсига ҳам боғлиқ эмас», деганди. Ҳа, у донишманд минг бора ҳақ эди.

Бу юртларга келишимдан мақсад бир кишининг отаси ҳақида китоб ёзиш эди. Китобнинг қалам ҳақиғача гаплашиб қўйгандик. Аммо ўша манзилга етиб боролмадим. Тасодиф билан мана бу қисматларга рўпара келдим. Тасаввуримда ижодкорнинг асар ёзишдан ташқари юрган қадамлари ҳам ўз инон-ихтиёрида эмасдек туюлади.

– Ака.

Робиянинг овозидан ҳушимга келаман.

– Сизни ҳам қийнаб қўйдим-да. Кечиринг мени, – деди йиғламоқдан бери бўлиб. Қизнинг афтода аҳволига қараб раҳмим келди. Қўлидан ушлайман. Олов бўлиб ёнарди. Безовталаниб:

– Нима, мазангиз йўқми? Ҳароратингиз баланд, – дейман шошиб.

– Йўқ-йўқ, соппа-соғман. Аҳён-аҳёнда ўша кунлар ёдимга тушганда ҳароратим кўтарилади, – деди кўзлари қизариб.

Қизни қийнагим, бўлган фожиани тинглагим келмай уни чалғитмоққа уринаман. Аммо уни ўтган кунларидан олиб чиқолмайман. Шунда у ичимда кечаётган норозиликни сезгандай:

– Бирпас сабр қилинг. Ҳаммаси тугайди, – деди кўзларидан учқун сачраб.

Мен сукут сақладим. Хотираларини тўпламоққа интилгандай Робиянинг қошлари чимирилади. Кейин узоқ йиллар излаб юрган жавоҳирини топгандай юзида ҳайрат кезинди. Сўзлай бошлади:

– Мен мактабга бормаи қўйдим. Уйдагилардан хабар олмай қўйдим. Бироқ ўзлигимни унутиб, ўзлигимдан воз кечиб, унинг вилоят марказидаги

уйида яшадим. Биз бахтли эдик. Бундай бахтни мендан бошқа ҳеч ким кўрмаган бўлса керак. Тунлари муҳаббатдан сармаст бўлиб, тонглари туннинг тушларини кўриб уйғонаман. Ёнимда ётган бўлади. Бағрига сингиб кетаман. Ана шундай юрагим муҳаббат шаробидан лиммо-лим кунларнинг тонгида мен уни йўқотиб қўйдим. Шунча вақтдан бери кенг туюлган кулбага сизмай қолдим. У бир тунда кириб келди. Оёғида туролмас даражада маст эди. Авайлаб-асраб ётоққа олиб кирдим. Бошини ёстиққа қўйиши билан ухлаб қолди. Мен эса туни билан унинг бошида ўтириб, тонгни қарши олдим. Уни йўқотиб қўйиш ўлим билан баробар эканлигини ҳис қилиб, юрагим ёрилгудай бўларди. Аммо ўша тонг юрагим ёрилди. Унинг нурсиз нигоҳида муҳаббатим умри тутаганлигини ҳис қилдим. Шу сабаб кимсасиз йўлда ёлғиз қолиб кетгандим. Шунда у менга йўл кўрсатди. Қўлимдан ушлаб кўчага бошлади. Мен қаерга, нимага кетаётганлигимизни сўрамадим. Яратгандан сўраганларим «у ёнимда бўлсин», деган илтижо эди. Автобустга миндик. Йўлда дўкондан нималардир олди. Узоқ юрдик. Кенг далага келганимизда, шу ерда тушишимизни айтди. Тушдик. Ортидан кетавердим. Катта йўлдан бироз юргандан сўнг деҳқонларнинг чайласига дуч келдик. Чайла ёнидаги ариқдан сув оқарди. Тунги уйқусизлик, асабларимнинг таранглиги оқибатида ҳолсизланган эдим. Юзимни ювдим. Чанқоғимни босиш учун сувдан ичдим. Аммо муздай сув ҳам олов бўлиб ёнаётган юрагим тафтини боса олмади. Беихтиёр унинг ёнига келдим. Унинг ҳамон кўзлари нурсиз, нигоҳи маъносиз эди. Ичимда портлашга шай турган саволимни бердим.

– Нима бўлди?

У худди уйқудан уйғонгандай ялт этиб менга қаради. Бир сўз демади. Дўкондан олган нарсаларини тўкиб солди. Халтасининг ичида ароқ, нон, бодринг бор эди. Чайланинг бир четида турган пиёлаларни олиб ароқ қуйди. Менга узатди. Ҳозир у менга заҳар тутса ичишга тайёр эдим. Пиёлани қўлимга олдим. У ичди, мен ҳам ичиб юбордим. Бўғзимни олов куйдириб ўтди. Орадан бироз вақт ўтиб, ароқ ўз таъсирини кўрсатди. Келган жойимиз жаннатий маконга айланди. Мен унга термилдим, у менга тикилди. Жилмайди. Қувончим осмонларга учди. У яна пиёлаларга ароқ қуйди. Яна ичдик. Қайғуларим чекиниб, ўрнини қаршимдаги одам сиймоси тўлдирди. Ёнига силжидим. У бўйнимдан қучди. Сукут сақлади. Хавотирланиб унга қарадим. Юзида кўз ёшлари оқарди. Безовталандим. Сўзлай бошлади:

– Кимга кўнгил қўйсам, кимдир мени кўнгил қўйганларим бағридан юлиб олиб, ёлғизлик саҳросига итқитиб юборади. Кеча тонг мен ўз инон-ихтиёрим билан кулбамизни тарк этдимми? Йўқ! Мен ўз ихтиёримдан ташқарида, бўйнидан боғланган кул мисол кулбамдан чиқдим. Кейин қаерга бордим, ким билан ўтирдим, қандай сенинг олдинга қайтиб келдим, эслолмайман. Биласанми, мен ўз инон-ихтиёрим билан бировга кўнгил қўя олмайман. Кўнгил қўйганларимни бир ёвуз куч қалбимдан суғуриб олади.

Улкан океанлар, денгизлардаги гирдоблар ёнига яқинлашган тирик жонни ўз домига тортиб кетганидек, мен ҳам ана шу гирдоб атрофида айланиб юрган митти жонга ўхшайман. Бироз ўз хоҳишим билан ҳаракат қилишим билан ўша гирдоб домига тортишга шай турганлигини сезаман. Биламанки, яна бир қадам ташласам, домига тортиб, ютиб юборади. Мен бу гирдобдан қандай чиқиб кетиш-

ни билмайман. Билганим – ўлим. Ўзга чорам, ўзга йўлим йўқ. Мен шу тупроқда туғилганман, шу заминда болалигим кечган. Бир замонлар келганда, менинг қабрим қаердалигини билишинг учун ҳам туғилган маконимга етакладим. Бу ерда отамнинг, онамнинг хоклари ётибди, – дея кўзлари қизариб, пиёладаги ароқни ичиб юборди ва ариқдан сув олиб келишимни илтимос қилди, – дея аёлнинг юзи бўғриқди. Худди нафаси сиқилгандай юзи шишди. Кейин давом этди:

– Сув олиб келдим. У тиззасига бир қўлини қўйиб ўтирар, қўли устида дўкондан олиб келган халтача турарди. Сувни ичди. Кейин менга ғамгин жилмайиб қаради.

– Сен менинг давомчим бўлиб қолишинг керак. Сен менинг шеърларимни элга ошкор қилишинг керак. Ақлимни таниганимдан буён ҳаётга ташна бўлиб яшадим. Ҳамма жойдан қувонч, бахт ахтардим. Аммо топган қувончим қайғу, интилан бахтим бахтсизлик бўлиб чиқаверди. Мен сени жону дилим билан яхши кўрдим. Аммо ёнимдаги гирдобнинг ўпқони ҳар лаҳза қаршимда. Иккимиз бирга бўлган ўттиз кун ҳаётимнинг энг бахтли дамлари бўлди. Бундан ортиғи ортиқчалигини ўша ёвуз куч огоҳлантириб турди, – дея ҳолсизлангандай кўзларини юмди. Юзлари оқарди. Бир илож қилиб кўзларини очди-да, қўлини чўзди. Қўлини ушладим, совиб қолгандай эди.

– Асқар ака! – дедим жон ҳолатда. У кўзларини очолмай шивирлаб:

– Робия! – дея ҳушсизланди.

– Ака-аа!!! – дея қичқириб, бўйнидан кучоқладим. Боши елкамни қучди. Нима кор-ҳол бўлганига тушуна олмай юзларига урдим. Аммо ундан садо йўқ. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Шу вақтда бармоқларим иссиқ суюқликни чангаллади.

Қўрқиб кетиб, қўлимни ердан уздим. Бармоқларимга нигоҳим тушди. Қип-қизил қон эди. Шунда, ихтиёримдан ташқарида унинг қўли устидаги халтачани олдим. Не кўз билан кўрайки, у ўз томирини кесиб юборган экан. Беҳуш ҳолатда унинг тиззалари орасини пайпасладим. Бармоқларимга билчиллаб қон ёпишди. Оёқлари орасидан оққан қон қаршимда ёйилиб ётарди. Илк бор ўлимни кўрганлигим учунми ёки жону жаҳонимни бағишлаган одамимни йўқотиб қўйганлигим сабаб ҳушдан кетдимми, билмайман. Ҳушимга келганимда у ҳамон елкамга бошини қўйиб ухлаб ётгандай эди. Совуқ тана билан қолганлигимни ҳис қилиб қалтираб кетдим. Ўрнимдан сапчиб турдим. Ундан узоқлашиш мақсадида чайладан югуриб чиқиб, катта йўл томон юрдим. Йўлга етиб бордимми, бормадимми, билмайман. Аммо ҳушим оғиб, телба бўлиб қолгандай эдим. Қанча вақт оёғимда турдим, эслай олмайман. Эслаганим ҳеч овоз эшитмай, ҳеч нарсани кўрмай қолганиму, жоним чиқиб кетаётгандай силлам қуриб, майсалар устига чўзилганим ва ҳамма томонни қоронғилик қоплагани, холос.

Кўзимни очганимда ҳамма ёқ оппоқ эди. Қаерга келиб қолганимни билмоқ истагида чор атрофга қарадим. Аммо қаердалигимни идрок қила олмадим. Кимдир хонага шовқин-сурон билан кириб келди ва кўзларимга тикилди. Мендан ҳазар қилгандай:

– Ҳа, бадбахт қиз. Ҳушингга келдингми?! – дея билагимга нина санчди. Кейин бир сўз демасдан ортига бурилди. Аёлнинг қаҳрли овозидан хотирамни тикладим. Аммо ичимда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади. Усиз яшаш ортиқча туюлган дамларим маъносиз эди. Шунда билдимки, ўлим одамлар орасига хоҳ улар она-бола, хоҳ ошиқлар бўлсин, уларнинг боғланиш ришталарини тан ол-

май бегоналаштирар экан. Асли ўлимнинг номи-ни «бегона» қўймоқ керак. Мен ҳам ана шундай, Асқарга бегона бўлиб қолган эдим. Энди менга муҳаббат ҳақида ёзилган шеърлар, романлар бегона эди. Энди менга севдим дея ёнган ошиқлар фарёди маъносиз эди.

Бу дунёга қалбнинг, ҳиснинг, кўнгилнинг гуллари узиб ташлангандай ҳолатда қайта келгандай эдим. Укол таъсиридан яна ухлаб қолдим. Туш кўрдим. Кенг дала эмиш. Ҳамма томон ҳайдаб ташланган. Қоп-қора тупроқ. Бирорта майса, гул кўринмайди. Ана шу ҳайдалган юмшоқ тупроқ устидан уфқ томон юриб кетмоқдаман. Яқинлашиб бораётганимни уфқдаги қуёш ҳам хуш кўрмагандай, тоғ ортига тушиб, атрофни қоронғилик қоплади. Мен қуёшнинг қочишига, туннинг қоронғилигига эътибор қилмай олдинга интилардим. Бугун ўша тушим таъбирини ўйлаб қарасам, кўрган тушим бугунги ҳаётимга ўхшаб кетади. Чунки манзилсиз, маконсиз, орзусиз, армонсиз кунларим тугаб, ўша қоронғилик сари яқинлашиб бормоқдаман, – дея бироз жим қолди.

Кейин яна давом этди:

– Мен Асқар акам ҳақида билмаганларимни касалхонадан чиққандан кейин эшитдим. Умуман, у ҳақда сўзлашни, у ҳақда одамларнинг гап-сўзларини тинглашни хоҳламасдим. У менга бегона эди. Аммо тўй-ҳашамларда унинг шеърларини қўшиқ қилиб айтиб юраман. Томошабин яхши кутиб олади. Умуман, у яхши шоир эди. Яхши шоир ҳам гапми, у жуда истеъдодли шоир эди. Шеърларининг ҳар бир сатридан одамлар ўз орзуларига, армонларига жавоб топарди. Шу сабаб қаерга тўйга бормай, албатта, унинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни илтимос қилишиб, жон-қолимга қўйишмайди. Қўшиқни бошлашим билан тинглов-

чилар юзида аллақандай ўзгариш содир бўлади. Ўзим ҳам унинг қўшиқларини ичдан куйлаб, дардларимни элга ошкор қиламан. У сўнгги сўзида «давомчим бўл» деган эди. Ўйлаб қарасам, ҳақиқатан ҳам унинг давомчисига айлангандайман. Шеърларини элга ошкор қилдим. Қанча-қанча одамларнинг жароҳатига шеърлари малҳам бўлмоқда. Қанча-қанча одамларнинг шу шеърлар таъсирида тақдир йўллари ўзгармоқда. Янги келин-куёвларнинг энг бахтли кунларидаги қўшиқ унинг шеърлари билан бошланади. Унинг жисми орамизда йўқ бўлса-да, руҳи биз билан бирга. У бахтли одам. У онгли равишда бир бахтсиз аёл елкасида ўзининг тожу тахтли қасрини қурди. Мен қайтиб ҳеч кимни севолмадим. Эрга теголмадим. Тириклигида қалбимни маҳв этган одам марҳумлигида ҳам мени занжирбанд қилиб боғлаб ташлагандай, ҳаммиша ёнимда мен билан ҳамнафас юргандай, қиз шу сўзларни айтаркан, оғир тин олди.

Ошпаз таом тайёрлиги ҳақида хабар берди. Ошпазнинг хабаридан иккимиз ҳам хурсанд бўлдик. Чунки унга ҳикоя қилиш азоб бўлди, менга тинглаш. Иккимиз ҳам бир балодан қутулгандай енгил тортиб, ўрнимиздан турдик. Сўридан тушганда:

– Раҳмат сизга, синглим. Сизни қийнаб қўйганлигим учун узр, – дейишим билан:

– Ака, сиздан миннатдорман. Ҳали ҳеч кимга қалбимни бунчалар ёриб сўзламагандим. Сизга сўзлаб, енгил тортдим. Одамнинг тафтини одам олади, деганлари рост экан, – деди меҳрибон кўзларини тикиб.

Унинг кайфияти яхшилигидан ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетдим.

Сўрида Жумагул икковимиз ўтирибмиз. У Робия ҳақида ҳеч нарса сўрамади. Мен ҳам уни суриштирмаганлигидан хурсанд бўлдим. Ошпаз косада шўрва олиб келди. Шўрванинг ёқимли ҳидидан иштаҳам очилди.

Жумагулни дастурхонга таклиф қилиб:

– Зерикиб қолмадингизми? – деб сўрадим. У йўқ дегандай бош ирғади. Биргаликда овқатландик. Ошпаз биздан хабар олиб турди. Жумагул пиёладаги чойдан ҳўплай-ҳўплай:

– Сиз қизларнинг ўтмишини тинглашдан олдин, уларнинг санъатини томоша қилсангиз кони фойда бўлади. Чунки халқни санъаткорнинг, ижодкорнинг шахсидан кўра у яратган куй-қўшиқ, роман, қисса, шеърлари кўпроқ қизиқтиради. Ҳозир сиз ҳам уларнинг қўшиқларини тинглаб, ўйинларидан баҳраманд бўлсангиз, уларга бўлган муносабатингиз, қолаверса, ўзингизнинг бўлажак асарингизга ҳам ўзгача йўл, янгилик олиб кирган бўлардингиз, деб ўйлайман, – деди менга синчков тикилиб. Аёл ҳақ эди. Гоҳида бир куй-қўшиқ одамнинг фикрларини мутлақо ўзгартириб юборганидек, қизларнинг куй-қўшиқ, рақсларини томоша қилиш фикри ҳам бўлажак асарим учун айна муддао эди.

– Раҳмат сизга, жуда тўғри гапни айтдингиз, – дедим ҳамроҳимни тўғри йўл кўрсатганлигидан миннатдор бўлиб.

Тушликдан сўнг Жумагул ва қизлар билан боғни айландик. Йўл-йўлакай Жумагулдан санъаткор шогирдлари ичидаги йигит нима иш қилишини сўраганимда, жилмайиб:

– У йигитимиз ҳофиз, – деди ортидан келаётганларга ўтирилиб. Мен ҳам ортимга қарадим. Жуда пўрим кийинган йигит қизларни кулдириб келарди.

Биз боғни томоша қилишда давом этдик. Шу вақт йигит дўриллаган овозда:

– Опа-а, мана бу ерда концерт уюштираш бўларкан. Ўзиям баҳаво жой экан, – деди. Йигитнинг гапидан Жумагул менга қаради.

– Укам тўғри айтяпти. Жуда маъқул жой, – дедим йигит ишора қилган томонга кўз югуртириб. Аёл менинг фикримни билгач, ортига қараб:

– Унда асбоб-анжомларингизни олиб келинглар. Биз шу ерда кутиб турамыз, – деди. Улар ортига бурилди. Биз йигит кўрсатган текисликнинг бир четидаги курсига бориб ўтирдик. Шунча одамнинг бошини қовуштириб, уларнинг ташвиши билан яшаётган аёлга тикиламан. Жумагул хаёлимдан кечаётган ўйларимни сезгандай:

– Мен улар билан тирикман. Ўзим ҳам уларга ўрганиб қолганман. Яратган Эгам сен хоҳлаган қисмат билан ҳисоблашиб ўтирмас экан. Ҳар бир одамнинг пешонасига ёзилган қисмати бор экан. Ундан воз кечиб ҳам, қочиб қутулиб ҳам бўлмас экан, – деди ўйчанлик билан. – Қизларимизнинг қўшиқларини эшитиб, ўйинларини томоша қилганингиздан кейин бизларни ташлаб кетишингиз қийин бўлади, – дея жилмайиб ўрнидан турди. Биздан ўттиз қадам нарида раққосалар либосида келаётган қизларга қараб анграйиб қолдим. Жумагул айтгандай ҳаммаси ҳушни олар даражада очилиб-сочилиб келарди. Беихтиёр уларнинг йўлига пешвоз чиқиб, хурсандлигимдан қизлар билан қайта кўришиб чиқдим. Улар олдин менинг бу ҳаракатимдан ҳайрон бўлиб Жумагулга қарашди. Кейин аёлнинг лабидаги табассумдан раққосалар ҳам асл ҳолларига қайтиб, мен билан сўраша кетдилар. Ана шу сўрашув ила орамиздаги бегонасираш чекингандай бўлди.

Уларнинг ичида менга яқин бўлиб қолган Робияга қўл чўзганимда хурсандчилик билан:

– Бундан буён сиз бизнинг акамиз бўлишга сўз беринг. Онамиз бор эди. Акамиз йўқ эди. Тўғрими? – дея Жумагулга юзланди. Аёл Робиянинг гапини тасдиқлаб:

– Акангизни олиб қолиш бугунги санъатингизга боғлиқ. Агар акангизга ёқиб қолсангиз, бўлажак асарини ораларингизда туриб ҳам ёзаверадди. Илҳом жой, макон танламайди-ку, – дея менга маъноли қаради. Қизларнинг, Жумагулнинг гапларидан кўнглим кўтарилиб:

– Опангизнинг гапига қўшиламан. Илҳом, ижод учун кўнгилга хуш келадиган бир кулба бўлса бўлгани, – дейишим билан оппоқ юзли, қошларига ўсма қўйган раққоса қиз:

– Опамизнинг кулбасига ҳаммамиз сиғамиз. Сизни бағримизда авайлаб-асрашга барчамизнинг куч-қудратимиз етади, – дейиши билан қизлар хандон отиб кулиб юборишди ва орамиздаги парда янада кўтарилиб, бир-биримиз билан аллазамонлардан бери таниш, қадрдонлардай суҳбатлаша кетдик.

Қизлар шўх эди. Улар мени гапга тутишар, ҳам ўз ишларини қилишарди. Орадан бирор соатлар ўтиб, кун ботиш томонда саҳна пайдо бўлди. Пўрим йигит гитарани қўлига олди. Робия ўртада қолди. Аккордеон боғичларини елкасидан ўтказган узун бўйли қиз Робиядан бир қадам наридан ўрин эгаллади. Белидаги шоҳи белбоғ ярашиб тушган, сочлари жамалак қиз доирасини секин чертиб, торли йигитнинг ёнига келди. Давранинг икки четида турган раққоса қизлар куй чалинишига шай эди. Қолганлар уларнинг қаршисида тўшалган кўрпачаларга келиб ўтиришди.

Ошпаз йигит чаққон экан. Бирпасда қизлар ўйнайдиган майдонга сўрилар устидаги гиламларни олиб келиб тўшади. Гиламлар ернинг кўркини очиб, раққосаларнинг эғнидаги кўйлакларига уйғунлашди.

Жумагул билан ёнма-ён ўтирдим. Аҳён-аҳён унга қараб қўяман. Унинг хотиржам нигоҳи шогирдларининг ҳаракатида эди. Орадан бир лаҳза ўтмай у ўрнидан турди. Ҳофизнинг ёнига бориб, ўтирганлар томонга ўтирилиб:

– Сизларнинг энг катта синовларингиз, акамизга қиладиган ёрдамларингиз мана шу лаҳзалар. Сизлар юзлаб, минглаб тўй-томошаларда қўшиқ айтиб, ўйнаб элнинг олқишини олиб келяпсизлар. Бу ҳаракатларимиз тўй куни эсланади, эртасига ёддан кўтарилади. Бугунги кун нафақат бизнинг ёдимизда қолади, тарихга битилади. Худо хоҳлаб, акам китобини муваффақиятли якунласалар, бу китобни юртимиз одамларининг ёшидан кексасигача қўлдан қўймай ўқишади. Чунки мен Дониёр ака ёзган асарларнинг машҳур бўлиб кетишига ишонаман. Акамиз бугун учун эмас, келажак учун асарлар ёзган. Бугун меҳмонимизнинг қандай санъаткорлар ҳақида асар ёзаётганлигини билиши учун ҳам ушбу сахнани ташкил қилдик. Шу сабаб сизлар бор истеъдодларингизни намоён қилишларингиз керак, – дея доирачи қизга ўтирилиб: – Қани бошладик, – деб жойига келиб ўтирди. Хурсандлигимдан аёлнинг қўлини сиқиб қўйдим. У мамнун жилмайди.

Доира овози эшитилди. Усулнинг тезлигидан қизнинг бармоқлари ҳаракатини илғаб бўлмай қолди. Унинг кўзларини юмиб, ўнг оёғини олдга босиб, елкаларини учуриб доира чалишидан сеҳрланиб қолдим. Тасаввуримда у доира чалмаётгандай, доирага айланган қиздан доира овози отилиб чиқаёт-

гандай эди. У тебранарди, у аллаларди. Қочиримлар қиларди, бизни сеҳрларди гўё. Илк бор доирада одамни сеҳрловчи жоду борлигини ҳис қилиб турардим. Доирани Сулаймон пайғамбарга девлар ясаб берганлиги ҳақиқат эканлигига ишондим.

Юқори пардада чалинган доира овози сусайиб, аккордеонга ўрнини бўшатиб берди. Дароз қиз аккордеонни икки томонга тортди. Унинг овози ҳавони кесди. Шу давомли овоз билан у биз томонга эгилди. Жойига келаётган аккордеон билан қаддини тиклади. Кейин елкаларида ёйилиб ётган сочлари бошининг илкис ҳаракатидан юзларига сочилиб кетди. Кучли овоз қояларга урилиб акс садо берди. Қиз қўлидаги аккордеон унинг ҳаракатлари олдида ўзининг ожизлигини билдириб инграрди. Аккордеон ожизлигини сезган гитарачи йигит унга ёрдамга келди. Узун бўйли, сохти сумбати келишган, елкаларига тушиб турган тим қора сочлари ўзига ярашган йигит гитарани чалди. Қизлар рақсга туша бошлади. Йигитнинг гитарани тик туриб, оёқларини осмонга кўтариб чалишини кўрганда беихтиёр хаёлимга София Ротарунинг ёнидаги гитара чалувчи йигит кўз олдимга келди. Қаршимда гитара чалаётган йигитнинг қайсидир томонлари ўша созандага ўхшаб кетарди. Аммо у йигитга қараганда, бизнинг йигитимизнинг ҳаракатлари нафис ва гўзал эди. Ҳар силкинганда сочлари пешонасини ўпиб ортига қайтар, гитара соч сеҳрига маҳлиё бўлиб, унинг ҳаракатларига куй чалиб бераётгандай эди.

Мен аввал йигитнинг кўкрагида гитарани кўрганимда худди рубобга ўхшатиб, бир-икки торда бармоқлари ҳаракатланиб куй чалса керак, деб ўйлагандим. Йигити тушмагур ўйларимни остин-устун қилиб, бармоқлари гитаранинг ҳам-

ма симларида бориб келар, ўша сеҳрли бармоқлар ҳаракатидан одамнинг қитиқ жойига тегадиган, танингни ўйнатиб юборадиган, қалбингни ёшартирадиган куй осмонга учарди. Ўзгаларни билмадим, менинг бутун жисмим ҳаракатга келиб, жойимда ўтира олмай қолдим. Ҳолатимни сезган Жумагул мени жилмайиб томоша қиларди. Мен унинг нигоҳидан уялгандай, ўзимни қўлга олмоқ истадим. Аммо бунинг иложи бўлмади. Шунда аёл қулоғимга:

– Сиз яхши ўйнасангиз керак. Ҳаракатларингиздан ҳис қилмоқдаман, – деди завқ билан. Мен ҳам:

– Бундай кунда, бундай мусиқага ҳатто илонлар ўйнаб юборса керак, – дедим елкамни учириб. Билмадим, аёл менгами ёки ўзимдан ташқарида ҳаракатланаётган елкамнинг ҳаракатигами завқланиб куларди. Кулгиси чиройини очган Жумагулнинг юзида бир замонлар ташлаб кетган гўзаллиги қайтгандай сеҳрли жилва қиларди. Хурсандлигимдан:

– Ҳа, жонидан, – дея кўзимни қисдим. Аёл қилиқларимдан янада очилиб кулиб, елкамга қоқиб қўйди. Бир пайт гитара, аккордеон, доира овози қўшилиб, ажиб куй ҳосил бўлди. Куй бир лаҳза осмонни тўлдирди. Қуйига сирпаниб тушаётганда куй сусайди. Олдга овоз чиқди. Бу овоз Робиянинг овози эди. Худди марварид томчилардай тоза, тоғ ҳавосидай соф, ҳавони кесишлари тифли, паривашларнинг майин бармоқларидай юракни силовчи овоздан ҳушсизлангандай бўлдим. Аллазамонлардан бери бунчалар ёқимли овозни эшитмаганлигим сабаб, Робияга тикилиб қолдим. У эса ҳамма ташвишларини унутиб, бизнинг борлигимизни ёддан чиқариб, сўзларни куй қанотига дурдай териб борарди.

*Гуллар ифорини қизганиб мендан,
Муҳаббат баҳорин олиб кетмангиз.
Ҳижрон азобида қовуриб дилни,
Бегона боғларда қолиб кетмангиз...*

Кейин овоз бир парда қуйига тушиб шивирлагандай қулоққа чалинди.

Гуллар ифорини қизганиб мендан...

Шивир ортидан, овоз ноласига бардош бера олмаган доира, гитара, аккордеон инграб йиғлади. Уларни бир овозга, бир нолага айлантириб йиғлатаётганларга қарайман. Гитара пардаларида бармоқлари ўйнаётган сулув йигитнинг қадди букилган, худди зикр тушаётгандай сочлари юзларини қоплаган, аккордеончи қиз самога юз тутиб аккордеонни чўзмоқда, доирачи қизнинг жимжилоқлари бир текисда доира пардасини уриб қўймоқда, овози юракларни зирқиратган Робия ўзлигидан воз кечиб куйламоқда эди. Қизнинг сатрларни такрорлаганда овози турланиб, одамни мувозанатдан чиқарарди. Қўшиқ ва куй бирлашганда қудратли кучга айланишидан ҳайратланиб сукут сақлардим. Қолганлар ҳам менинг аҳволимга тушгандай эди.

Ҳақиқатан, санъат аҳли ўзга одамлардан фарқли экан. Гар кўкдан ваҳий келмаса, улар одамнинг юрагини бундай титратиб, бизни ўзларидай одамга айлантириб қўйиши мумкин эмас. Бу ҳам Яратганнинг кароматидир.

Овоз тинди, куй авжига чиқди. Жудоликдан зада бўлган аёл қисмати куйга кўчди ва куй ҳавода тўлқинланиб овозга ўрин берди:

*Согинганим сизу, сизинганим сиз,
Овунчларим сизу, юпанчларим сиз.*

*Ой балқиб чиққанда тунлар бағрига,
Бир бечора ёрни қўймангиз ёлғиз...*

Илк сатрда Робиянинг юзи қизарди. Кўзларида ёш қалқиди. Сўнгги

Бир бечора ёрни қўймангиз ёлғиз...

сатрини такрорлаганда беихтиёр кўз олдимга шоир Асқар келди. Юрагим музлагандай бўлиб, унинг алвидоларини эшитгандай бўлдим. Робияга тикилдим. Аёл юзларини кўз ёшлари юварди. У қўшиқ айтмасди, у ўз дардини қўшиқ қилиб куйламоқда эди.

Одам қалбига кириб бормоқ улкан мушкулотдир. Қалбга кириб бормоқ учун ўша қалбни излаб топмоқ керак. Бу юмуш нина билан қудуқ қазишдек оғир. Гар шунча мушкулликларни енгиб, тўсиқлардан ўтган пайтингда севган ёринг алвида айтиб ташлаб кетса-чи? Бундан оғир, бундан азобли яшашнинг ўзи бўлмаса керак.

Робия айтганидек, муҳаббатдай тузалмас, бедаво касални, ундан-да қўрқинчли, ундан-да фожиали, ҳатто унинг қаршисида ўлим фариштаси ҳам титрашини қалбингда туйганингда, бундай дарди бедавони душманингга ҳам раво кўрмаслигинг ҳақиқатдир.

Эндигина балоғат ёшида бахтини топган қизни бахтсизлардан-да бахти қаро бўлиб қолганлигини ҳис қилиб вужудим титради. Робияга тикилиб, шундай қизни тузалмас дардга мубтало қилган одам қиёфасидаги жодутар Асқарни жуда-жуда ёмон кўриб кетдим. Куй-қўшиқ эса давом этарди...

* * *

Қизлар санъати ила руҳимда бўлган ўзгариш қаршимдаги баланд тоққа югуриб чиқишга ундарди. Улар олдиларидаги мажбуриятни ўтаб бўлишиб, боғ ичига сочилиб кетишган. Боғ жуда катта майдонда барпо қилинганлиги учун уч-қуйруғи кўринмайди. Қуйида солланиб оқаётган анҳор, тоғ томондан шарқираб тушаётган жилғалар, оралиқда жаннатий макон. Табиат бир меҳр билан ҳамма томонини ҳўп ўйлаб боғ яратгандай эди. Кейин одамлар боғ тепасидан ҳовуз қилиб, унинг кўркига янада кўрк қўшишганди.

Тоққа кўтарила бошладим. Ҳали тоғдан баҳор нафаси уфуриб турарди. Ҳар ён кўм-кўк. Тошларни ёриб чиққан бодомларнинг майда барглари қуёш нурида ялтирайди. Бу уларнинг сувга тўйинганлигидан далолатдир. Тўқ, қизил рангдаги тоғ лолалари ёқимли эпкиндан чайқалади. Кўм-кўк майсалар ичидаги чучмомалар, кўзигулларнинг оёқларим остида эзилишидан чўчиб, тошлардан тошларга сакраб ўтаман.

Тоғу тошларни, гуллару ўт-ўланларни томоша қилиб, анча юқорига кўтарилиб қўйибман. Бирпас ўтириб нафас ростладим. Қуйига назар ташладим. Қуйида биз яшаётган боғ кафтдек кўриниб турарди. Ҳовуз бўйида хандон отиб кулаётган қизларга нигоҳим тушди. Улар ҳовуз қирғоғида қалдирғочлар мисол тизилишиб турарди. Беихтиёр уларни кузата бошладим. Узоқдан уларнинг овози эшитиларди-ю, гапларини илғаб бўлмасди. Бир пайт қизлар ечина бошлашди. Тез орада турли-туман рангдаги кўйлаклари билан ажралиб турганлар бир одамга айланишди. Бу ажиб ҳолатдан жисмимда аллатовур ўзгариш содир бўлиб, ёввойилаша бошладим. Шунда хаёлларимни чалғитувчи манзарани кўрмасликка интилиб, ўрнимдан турдим-да, юқо-

рига интилдим. Ортдан эса мени оҳанрабодай ўзига чорлаётган қизлар овози қулоққа чалинарди.

Тоғ ярмига етганимда чарчаганимни ҳис қилиб, япасқи тош устига ўтирдим. Қаршимда ястаниб ётган кенгликларга нигоҳим қадалиб, беихтиёр Робиянинг қўшиғини шивирлаб такрорлайман:

*Ой балқиб чиққанда тунлари ҳаргиз,
Бир бечора ёрни қўймангиз ёлғиз...*

Қулоқларим остида доира садолари янграрди. Хаёлимга узоқ йиллар доира, чанг, қўш ногора чалиб, минглаб, миллионлаб томошабин вужудини титратиб, қалбида садолар оловини ёққан Уста Олим келди.

Уста санъаткорлари бисёр бўлган Марфилон шаҳрида туғилган. Тўққиз ёшида ота-онасидан жудо бўлган Олим аравалар ясайдиган устага шогирд тушиб, тирикчиликнинг, тирикликнинг улуг бахт эканлигини жуда ёшлигидан ҳис қилган, гўдаклигидан вужуди қайғуга кўмилган бир жон эди. Ана шу орзуси кул, армонлари бисёр бўлган бола ҳаётнинг барча довулларида, бўронларида омон чиқиб, илк баҳорнинг қўзигулларидай бўй кўрсатди. Ораларида шундай истеъдод борлигидан хабар топган халқ уни меҳр-муҳаббати, олқишлари билан бағрига олди. У ана шу халқ бағридаги олов тафтидан пўлатдай тобланиб чиқди. Элнинг энг машҳур созандасига айланди.

Бундан лаҳзалар олдин ҳушимни учирган доира овозида Уста Олим бармоқларини кўргандай бўлдим. Чунки усул, зарб, резлар ўша улуг зотнинг доирасида сайқалланган «такрорлар» эди.

Уста Олим чалган куйларнинг сақланиб қолганлари санокли. Санъаткорнинг шогирдлари кўп эди. Лекин улар ҳам Уста Олим санъатини аслидай қи-

либ чалолмаган. Аммо бу қизалоқ буюк созанданинг асарини ўзидай қилиб чалишни кимдан ўрганган экан? Ҳайратланарли, жуда ҳайратланарли. Ё, Жумагул Уста Олим ижодини яхши билармикин?

Юксаклик қуёш ботишини узоқроқ томоша қилишга изн берди. Қуйида туннинг сояси қуюқлаша бораётган паллалар ҳам юзимга қип-қизил қуёш шафағи тушиб турарди. Қаршимдаги кенглик ортида тоғлар йўқ эди. Шу боис қуёш сўнгги дамгача мен билан юзма-юз қолди. Кейин кенглик ортига сирпаниб тушиб, мендан-да юксакларда турган оқ булутлар рангини алвон рангга бўяди.

Бу дунё, коинот, замин, ана шу замин бағрида яшаётган одамларнинг турмуш тарзи, ўй-хаёллари, теварак-атрофни кўриши, ундан хулосалар чиқариши жуда сирли-сехридир. Баъзан шундай хаёллар оғушида қолганимда ўзгалар ҳам мендай ўйлаб, фикрлайдими деган ўй келади. Бу саволни минглаб йиллардан буён миллионлаб одамлар ўз-ўзига бериб келаётганлигини, аммо жавоб ўрни бўшлиқ эканлигини элас-элас туманли хаёлим элагидан ўтказаман.

Мана мен. Тоғ тепасига қийинчилик ва кўп машаққатлар эвазига чиқдим. Аммо қуйига енгил ҳаракатлар билан тушиб бормоқдаман. Одам ҳам юксаклик сари – худди тоққа чиққан мисол кўп тўсиқларни енгиб ўтиб элнинг назарига тушиши мумкин.

Одамнинг умри бир дўппини айлантириб кийгунча вақт ичида ўтади. Аммо ўлим лаҳзалар ичида жисмга киради. Бундан хулоса қилганда, умр ва ўлим орасидаги вақт – ер билан осмонча. Юксакликка кўтарилиб, қуйига тушиш орасидаги вақт ҳам ер билан осмончадир.

Тоққа чиқиб, ортга қайтиш орасидаги вақт ҳам худди шундай. Ана шу «ер билан осмонча» бирикмасида улкан маънолар уммони чайқалиб ётиб-

ди. Нечун «осмон билан ерча» деган ибора қўлланмайди. Сабаби ер қуйида, осмон юксакликда. Юксакликка интилиш машаққатлар меваси бўлса, ерга қулаш юксаклиkning юкини кўтара олмасликдай бир гап.

Ана шундай бемаъни ўйлар билан қуйига югургандай туша бошладим. Ҳаракатларим енгил эди.

Боғ ичига кириб келганимда қоронғи тушиб қолганди. Ариқдаги сувдан юз-қўлимни ювдим-да, сўрилар томон юрдим. У томон электр нурларидан чарогон бўлиб кўринар, қизларнинг овози аниқ-тиниқ эшитилиб турарди.

– Опа, ёзувчи акам тез-тез келиб турса яхши бўларди-да, – деди қизлардан бири. Шунда иккинчиси:

– Нега? – деб сўради.

– Нега бўларди, мазза қилиб дам олардик. Ёлғиз ўзимизга бундай шароитни ким ҳам яратиб берарди. Ҳали келганимизга бир кун ҳам бўлгани йўқ. Танимдаги чарчоқлар кўтарилиб, қушдай енгил бўлиб қолдим, – деди завқ билан.

Қизлар унинг гапини маъқуллашди:

– Тўғри айтасан.

– Менинг ҳам осмонларга учгим келяпти.

– Ҳавонинг тозалигини қаранг.

– Ошпазимиз тайёр таомни олиб келиб тургандан кейин сенинг танингдан чарчоқ чиқмай, ошпазники чиқсинми, – дейиши билан қизлар қулиб юборишди.

Ўз сўримга келиб ўтирдим. Ҳушёр ошпаз ёнимга келиб:

– Овқат тайёр, ака, – деди мулойим овозда.

– Сизни ҳам ташвишга қўйдик-да, ука, – дедим унга тикилиб. У гапимдан хафа бўлгандай:

– Нималар деяпсиз, ака. Мен сиздай меҳмонга, бундай жононларга бир умр хизмат қилишга тай-

ёрман. Фақат мени ташлаб кетмасаларингиз бўлгани, – деди ихлос ва бир илинж билан. Шунда унинг бўйдоқлигини ҳис қилиб синчков тикилдим-да:

– Бирортасига уйланиб олсангиз яхши бўларди. Ўзим ёрдам берардим, – дейишим билан тик турган одам сўрига тап этиб ўтирди-да:

– Жон ака, бунинг иложи борми?! Агар иложи бўлса, менга оталик қилинг! Бир умр хизматингизда бўлай! – деди ялингандай овозда. Бир савоб ишнинг бошидан тутганимдан хурсанд бўлиб:

– Бунинг иложи бор. Ҳали гаплашамиз, – дедим пиёладаги чойдан ҳўплаб. Ошпаз ўрнидан сапчиб турди. Кейин ёдига қозондаги таом келиб:

– Димламани олиб келаверайми? – деди овози титраб.

– Қолганлар овқатланишдими? – дедим Жумагулнинг кўринмаётганлигига ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, – дея у ортга бурилди. Бироз нафас ростлаш мақсадида ёстиққа ёнбошладим. Ўз хаёларим билан бўлиб Жумагулнинг келганини сезмай қолибман.

– Ака, яхши айланиб келдингизми? – деди.

– Ҳа-ҳа, – дедим аёл овозидан сергакланиб. У сўри олдида тик турарди.

– Келинг, ўтиринг, – деб унга жой кўрсатдим. У ўтирди. Шунда Жумагулдан: – Укамиз кўринмайди. Ёнимизга келмайди ҳам, – дедим пўрим йигитга ишора қилиб.

– Укангиз хотинларнинг холаси, қизларнинг дугонаси бўлиб қолган. Куну тун уларни кўриқлаб юради, – деди ғалати жилмайиб. Шунда:

– Бу ерда ошпаз ва мендан бошқа эркак зоти йўқ. Мени кўриб турибсиз, ошпаздан шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ҳа, айтгандай, укамизнинг исми нимаиди, – дедим Жумагулга тикилиб.

– Иқболой, – деди.

– Исми жисмига мос экан. Аёлларнинг париси бўларди. Овозини ҳисобга олмаганда Иқболой эр-какларнинг парисига ўхшайди. Ўзиям зўр созанда экан-да. Гитараси бармоқларига дош беролмай йиғлаб юборди, – дедим унга ҳавасланиб. Шунда Жумагул:

– Бу қизларнинг ҳаммаси гитара чалади. Ҳар бири доира, тор, рубоб, дутор, танбур, чанг сирларини чуқур эгаллаган моҳир санъаткорлар. Ҳаммаси одамларни ҳайратга солиб рақсга тушади. Овоз Худодан бўлгани сабаб, бештаси қўшиқ айтади, – деди хуш кайфиятда. – Ҳали сиз қолганларининг қўшиқларини, ўйинларини, чолғу-асбобларидаги маҳоратларини кўрмадингиз. Худо хоҳласа, ҳамма истеъдодимизни бир-бир кўриб кетасиз, – деди менга самимий нигоҳ ташлаб. Хотирамга доира овози келиб:

– Ҳа, қизларингизнинг барчаси истеъдодли. Ўғлингиз гитарани йиғлатиб чалишини кўриб ҳайратга тушдим. Аккордеончи қизнинг ноаларидан кўнглим юмшади. Робиянинг лабидан учган сўзларда «икки дил» ошенини, доира оҳангидан тўкилган дурларда Уста Олим нигоҳини кўрдим, – дедим унга синчков тикилиб. Аёл жилмайди. Кўзлари қувончдан ёлқинланди. Кейин хаёлларидан чекингандай:

– Уста Олимни ҳам биласизми? – деб сўради.

– Бироз хабарим бор, – дедим.

– Уста Олим номини арава ясаб юрган паллалар олган. Кейин доира, чанг, қўшноғора чалиб, элнинг хизматини қилиб юрган вақтлари у кишига Уста Соз деб мурожаат қилишган. Чунки у киши учта мусиқа чолғусини маҳорат билан чалган одам. Уста Олимдан кўра кўпроқ Уста Соз ярашди бу созандага. Бу мураккаб мусиқа чолғуларида ижод қилиш унча-мунча одамга насиб қилмаган. Бундан ташқари, у доирани, чангни, қўш ноғора-

ни ўзи ясаган. Истеъдодлар ҳамма соҳада истеъдодли бўлганидек, Уста Олим барча соҳада истеъдод соҳиби бўлган. Бундан ташқари, устоз замонасининг машҳур раққоси ҳам ҳисобланган. Бўйлари узун, қадди-қомати келишган, юзларида ой балқиб, кўзларидан нур ёғилиб турган бу одамда бандаси учун неки керак бўлса, барчаси мужассам бўлган, – деди марҳум санъаткорга ҳурмат билан.

Жумагулнинг Уста олим ҳаётини бунчалар чуқур билиши ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Ҳайратланиб турганлигимни сезгандай:

– Олдинлари шоҳлар саройида раққосалар фақат шоҳ учун ўйнаган бўлишса, халқ орасида даврага тушиб ўйновчи раққосалар бўлмаган. Даврани, асосан, эркак раққослар қиздиришган. Уста Соз бобомиз ҳам ўн тўққизинчи асрнинг тўқсонинчи йилларида раққослик қилиб юрган. Кейин ўзидаги қобилиятнинг кенглигини англаб қолиб, созандалик маҳоратини шакллантирган. Йигирманчи асрда бу одам доираси билан ярим дунёни забт этди.

Ҳозир ёдимда йўқ. Ё ўтгизинчи йилнинг биринчи ярмида ёки иккинчи ярмида бу зот Лондондаги раққослар фестивалида қатнашиб, «вертиоз» деган номга сазовор бўлиб, фестивалнинг олтин медалини олган. Ўшанда Буюк Британия қироличаси Елизавета I саҳнага чиқиб, унинг доирасини, бармоқларини ушлаб кўриб ҳайратланган. Ҳайрати адоғида Лондон музейига Уста Сознинг гипсда қўлидан кўчирма олиб қолган. Ҳозир ҳам бу одамнинг доираси, қўллари муҳрланган эсдалик музейни безаб турибди. У кишининг доирада резлари, зарбаларини ҳамон у кишидай ҳеч ким чалолмайди. Бугунги кунда неки доира чолғуси усталари бўлса, барчаси у санъаткорни «пири устозимиз» дея ҳурмат билан тилга олишади. Атиги бир нечта қуйлари ёзиб қолинган. Аммо у қуйлар дуру бебаҳодир.

Мен Уста Сознинг куйларини ёд олганман. Ана шу билганларимни, буюк меросимиз ўчиб кетмаслиги мақсадида қизларимга ўргатиб келаман.

Ҳали сиз доирада куй чалиб, қўшиқ айтиш саҳнамизни ҳам томоша қиласиз, – деди сўзининг сўнгида.

Товоқни кўтариб ошпаз келиб қолди. Дастурхонга қўйди. Яна нима хизмат дегандай менга қаради. Унинг мўлтираб қарашидан орамиздаги суҳбат ёдга тушиб:

– Қудағай билан савдолашиб ўтирибмиз, – дедим унга маъноли қараб. У худди шу гапни кутиб тургандай:

– Хўп-хўп, – дея ортига бурилди-да, дўрсиллаб юриб кетди.

Жумагул гапимдан ҳайрон бўлиб:

– Қайси қудағай билан, – деди саволли нигоҳини менга тикиб. Унинг тим қора кўзларига қараб туришга юрагим бетламай, кўзимни олиб қочиб:

– Ошпаз укамиз, «шу қизлардан бирининг бошини боғлаб беринг», дея илтимос қиляпти. Сизни чақиртирмоқчи эдим, хайрият, ўзингиз келиб қолдингиз, – дедим жиддий оҳангда.

Гапимдан ўйланиб қолган Жумагул бир менга, бир ўчоқ томонга лўкиллаб кетаётган ошпазга қаради. Биз ниятимизни айтдик, жавоб бериш гаги Жумагулда қолди. У биров сукут сақлади. Сукут адоғида:

– Укамизнинг қайси қизга кўнгли тушибди? – деди.

– Қайсилитини билмайман. Қайси бўлса-да, сиздан изн сўрамоқда. Менга совчилик қилинг, деб туриб олди. Элчига ўлим йўқ деганларидек, совчилик ҳам элчиликдир, – дедим аёлга юзланиб. Гапларимни эшитиб аёлнинг юзларида мамнунлик акс этди.

– Мен розиман, қуда бобо, – деди ҳазилнамо оҳангда. Кўзларимиз тўқнашди. Аёлнинг латиф лаблари титрагандай бўлди. Нигоҳи билан юзларимни силаб, «ўзингиз қачон совчи қўясиз?», дегандай ҳолатда эди. Ичимда нималардир ғалаён қилди. Аммо ўша ғалаён орзусини ошкор қилишга ботинолмадим. Ошпаздан бошланган ҳангомани давом эттириб:

– Ундан қайси қизни яхши кўриб қолганини билиб, сизга айтаман, – дея аёлни дастурхонга таклиф қилдим. Аёл менга ёқимли иштаҳа тилаб, енгил ўрнидан турди-да, қизлари томон йўл олди.

Жумагул биздан анча узоқлашиб кетгандан сўнг ўчоқ бошида менга қараб-қараб қўяётган ошпазни имлаб чақирдим. У югургандай ҳаллослаб ёнимга келди. Умид билан менга тикилди.

– Қудагайдан розилигини олдим. Ўзи уларнинг қай бирига кўнглинг тушган. Шу саволга жавоб беролмай мулзам бўлдим-да, – дедим юзимга қайғули тус бериб.

У кайфиятимдан иши битмай қоладигандай ҳовлиқди:

– Қўшиқ айтади-ку. Ўшанисига, – деди кўзлари ёниб.

– Сен баланд дорга осилибсан, у қиз сенга тегармикан, – дея ошпазни сохт-сумбатига бошдан-оёқ қараб чиқдим. У менинг бу гапимдан янада ҳовлиқди. Қадди-қоматига, уст-бошларига синчиклаб қараганимдан безовталаниб:

– Ака, ҳозир ўчоқ бошидаман-да. Тўй кийимларимни кийсам, посон бўлиб кетаман, – деди қаддини тик тутиб. Унинг янада довдирашини томоша қилгим келиб:

– Робия олий маълумотли, бунинг устига, элга машҳур қўшиқчи, – дейишим билан:

– Э-э-э, мен ҳам олий маълумотлиман. Нархознинг халқаро иқтисод факультетини тугатганман. Қизил дипломга. Аммо ҳеч бир жойда ёлчителиб ишлолмадим, – деди жаҳли чиқиб.

Шунда уни бироз ўзига келтириш учун:

– Унда маълумотинг тўғри келади. Аммо машҳурлигинг-чи, – дедим жилмайиб.

Гапимдан баттар хуноби ошиб:

– Мени бутун вилоятдагилар билишади. Аҳмад ошпаз, деган номим бор. Бу боғда қанча-қанча одамлардан дуо олганман. Қанча-қанча одамлар мендан миннатдор бўлиб кетишган. Туманнинг камбағалидан бойигача тўйларида менга ош қилдиришади. Менинг яна бир ҳунарим бор, – дея қўлидаги белбоғи билан пешонасидаги терларни сидириб ташлади. Мен унинг кейинги ҳунарига эътибор бермай:

– Машҳурлигинг ҳам тўғри келар экан. «Ўхшатмасдан учратмас» деганларидек, Худо хоҳлаб, Робияхон ҳам розилик билдирса, ажабмас, тўйни ҳам шу боғда ўтказиб кетсак, – дедим нимагадир ишонч билан.

Сўнгги гапимдан ҳаяжонланган ошпаз жойидан сакраб туриб кетди. Шунда ундан:

– Тўйга тайёргарлигинг қандай? – деб сўрадим.

– Ҳамма нарсам тахт. Кўрпалардан тортиб, келин сарполаргача олиб қўйганман, – деди ўзига ишонч билан. Куёв томондан хотиржам бўлдим. Аммо Робиянинг жавоби иккимизни ҳам ўйлантирар эди.

Кейин билдим, Аҳмад ошпаз олдин ҳам уйлانган. Аммо пешонасига жудолик битган. Аёл бодом тераман деб, қоядан қулаб тушган экан.

* * *

Болалигимда бир суврат кўрганман. Аммо бу сувратни қайтиб кўрмадим. Қаршимда ўтирган жингалак сочли, доирачи қиз сиймоси ўша сувратни эслатарди. Бир қарашда қизнинг очиқ чехрасидан, кулиб турган кўзларидан, ҳаракатларининг чаққонлигидан ҳали балобат ёшига етмаган деб ўйлаш мумкин. Айрим эркак ва аёллар сувратида ҳам, сийратида ҳам болаликнинг самимий соддалигини, навқиронлигини, боладай ширин хаёлларини сақлаб қолишади. Бу ноёб инъом ҳам ажодлардан кўчса керак. Ана шундай одамларга дуч келганингда ўзинг ҳам болага айланиб, боладай фикрлай бошлайсан. Бундайларнинг биздан улурлиги – улар бизга ўхшашни исташмайди. Аммо биз улардай бўлишга интиламиз. Сабаби – улар бизнинг даражамизга ўсиб чиқмаган, биз эса у даврларни ортда қолдириб кетганмиз.

Ҳар доим одам болалик хотиралари билан кўпроқ яшаганлиги учун ўша хотиралардан мерос бўлиб қолганларни учратганида бир дўстга, бир қадрдонга дуч келгандай хурсанд бўлиб, уларнинг даражасига тушишга интилади.

– Энди сиз менга зўр бир ҳикоя айтиб беришингиз керак, – дейман эски танишлардай меҳрибонлик билан. Қиз саволимдан ҳайратланиб кулади. Кулгиси тўлқинланиб чиқади. Овозининг тўлқинланишидан қўшиқ айтса керак, деб ўйлайман. Зукко қиз хаёлимни ўтирлаб олгандай:

– Қўшиқ айтиб берсам-чи, – деб яна кулади. Унга қўшилиб мен ҳам куламан. Умуман, бу қизнинг олдида сукут сақлаб ўтириш мумкин эмаслигини ҳис қилиб:

– Агар ҳикоядай қўшиқ бўлса эшитаман, – дейман. Қиз гапимдан менга маъноли қараб:

– Асарингизда исмимни қўймасангиз ҳикоя ай-тиб бераман, – дейди соддалик билан. Мен рози бўламан.

Қиз ҳикоясини бошлашдан олдин пиёлани икки қўлида ушлаб чойни ғалати ҳолда ичди-да, худди қишлоқнинг чолларидай пиёлани тўнкариб қўйди. Кейин жойида сакрагандай ҳаракат билан:

– Айтаверайми? – деб менга тикилди. Унинг ҳаракатларидан кулгим қистади. Бир илож қилиб ўзимни тўхтатиб:

– Қани, бошланг, – дедим. Худди хаёлига бир кулгили воқеа тушгандай яна жилмайди. Кейин сўзлай бошлади:

– Мен болалигимдан раққоса бўлишга қизиққанман, телевизорда «Тановар» куйи чалиниши билан ўйнаб кетардим. Шундай дамларда онам: «Қизим, сен шундай ўйнайверсанг, ҳадемай машҳур раққосалардан ҳам ўзиб кетасан», деб мақтарди. Онамнинг мақтовига отамнинг ғаши келиб: «Раққосалик ҳам касбми? Қизим дўхтир бўлади», дерди, онам отамнинг гапларига эътироз билдириб, «Раққоса бўлади. Бу ҳам касб», дея иккалови тортишиб қоларди. Шундай пайтлари уларнинг кўзларини шамғалат қилиб хонадан чиқардим-да, меҳмонхонадаги телевизорда чалинган куйни хотирамда тиклаб, ўйинни давом эттирардим. Ўйин менинг жоним эди. Куй чалинса, бутун вужудим титрарди. Ўзимдан ташқарида ичимдаги бир куч мени илкис ўрнимдан турғазиб юборарди. Ўйнаб кетардим. Мактабда қандай тадбир бўлса, ҳаммасида ўйнардим. Шу сабаб ўқитувчиларим исмим ёнига раққоса сўзини қўшиб чақирарди. Аммо ҳаётим онам ва ўзим истагандай бўлмади. Отам хоҳлагандай мактабни битириб, вилоятимиз марказидаги тиббиёт техникумига ўқишга кирдим. Ётоқхонадан жой ололмаганлигим учун ижарада

турдим. Тез орада техникумда ҳам раққосалигим маълум бўлиб, обрўйим ошиб кетди. Турли хил байрамларда ўйиним билан қатнашардим. Кунларнинг бирида курс раҳбаримиз директоримиз чақиртираётганлигини айтди. Директоримиз аёл киши эди. Мени меҳрибонлик билан қабул қилиб: «Қизим, рақсларингни томоша қилиб бораман. Менга маъқул. Сен даргоҳимиздаги санъатга иштиёқи бор қизлардан бир гуруҳ туз. Уларнинг ичидан раққосалари, ҳофизлари, мусиқа чолғуларини чаладиганларини танлаб ол. Мен сизларга керакли барча чолғу асбобларини олиб бераман», деб қолди. Бу таклиф менга маъқул тушиб, тезда ўзимга ўхшаганларни излаб топдим. Уларнинг ичида ширали овози борлар, мусиқа чолғуларини яхши чаладиганлар, биров йўлга солса, бинойидек ўйнаши мумкин бўлган қизлар ҳам бор эди. Танлов маросими тугагач, хабарни директорга етказдик. Директоримиз гапининг устидан чиқиб, мусиқа чолғуларини олиб берди. Бизга ёрдам бериш учун туман маданият уйидан ўқитувчиларни ҳам таклиф қилди. Устозларнинг кўмаги билан икки ойда тўйга чиқса, уялмайдиган гуруҳга айландик. Мен ҳам уларнинг ёрдами билан доира, дутор чалишни, қўшиқ айтишни ўрганиб олдим. Қиз хўрсинди. Юзи ғамгин тусга кирди. Кейин илкис жойидан қўзғалиб давом этди. – Биздан юқори курсда Жаҳонгир деган бир бола бор эди. Уйда таълим-тарбия берадиган одам бўлмаган, шекилли, оғзи шалоқ, қилиқлари ҳайвоний, кўриниши махлуқсифат бир бало эди.

Одамнинг ҳайвонидан жирканч ҳайвон бўлмаса керак. «Тенг тенги билан, тезак қопи билан» деганларидек, у ўзига ўхшаган жирканч фосиқларни ёнига тўплаган, қаерда касофат иш бўлса, ўшалардан бошланган бўлиб чиқарди. Ўша махлуқнинг

падарига минг лаънатлар бўлсин, қон қусиб ўлсин, – дея Барно четга бурилди-да, кўз ёшларини менга кўрсатмасдан артишга тутинди. Кейин: – Мен уни вақтида одамлар орасидан юлиб олиб, дўзах оловига итқитиб юбордим, – дея шодланиб кулди. Қиз куларди, аммо кўзларида ёш қалқирди.

Дин пешволари «ким дўзахга, ким жаннатга тушишини ёлғиз Яратган Эгам билади», дейишади. Аслида, дўзахи, жаннати одамлар тириклигидаёқ маълум бўлади. Бунинг учун бироз бўлса-да одам қалбини билмоқ, ўқимоқ даркор. Биз илмимизнинг сустлиги, миямиз талхининг очилмаганлиги оқибатида кўр-кўрона ишониш касаллигига мубтало бўлганмиз.

Ёмонликни қора чопон қилиб кийган одамларнинг етти пуштини суриштириб юриш шарт эмас. Бир-икки авлодига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ўша бир-икки авлоднинг ичида ёмондан ё ёмон ота ёки она бўй кўрсатади. Бундайларни бежизга «ҳайвонсифат» деб аташмайди. Чунки ҳайвонда шарм-ҳаё, уят деган туйғунинг ўзи йўқ. Уларни на уриб, на сўкиб тарбиялаб бўлади. Уларни иккиланмасдан ўлдирмоқ керак. Чунки бундай қўлансаларни тарбиялаб бўлмайди.

Сукутимдан безовталанган суҳбатдош менга бир қараб қўйиб, ҳикоясини давом эттирди.

– Санъаткорлар гуруҳи катта байрамга тайёргарлик кўрарди. Туман маданият уйининг барча мураббийлари бизга кўмак бериш билан банд. Гуруҳимиз қизлари ҳар куни қўшиқларини, ўйинларини устозлар билан биргаликда такрорлашиб, қиёмига етказиш билан овора бўлиб юрган кунларнинг бирида хонамиз эшигида ўша ҳайвонни кўрдим. Ёнида ўзига ўхшагани ҳам бор эди.

Устозлар, қизлар кетиб, хонада мен ва дугонам қолгандик. Улар ичкарига киришди. Ҳайвоний қи-

ёфада жилмайишди. Махлуқларнинг ёвуз нигоҳидан бир ёмонликни ҳис қилиб дугонамга, кетамиз, дея ишора қилдим. Шошиб эшик томон юрган эдик, йўлимизни тўсди. Жўрабоши Жаҳонгирнинг кўкрагидан зарб билан итардим. У ортга сурилиб кетди. Шунда ёнидагиси дугонамни маҳкам қучоқлади. Жаҳонгир менга ташланди. Оғзимга оппоқ докани босди. Кейин нима бўлганини билмайман. Кейин билсам дугонамнинг ҳам юзига дока босган экан.

Ҳушимга келганимда полда чўзилиб ётардим. Эзиб, эзғилаб ташланган ҳолда бошимни кўтардим. Кўкракларим очилиб ётарди. Имиллаб, инграниб дугонамни ахтардим. Ўрнимдан турдим. Чор атрофга қарадим. У хонанинг қуйисида ётарди. Ҳали ҳушига келмаганди. Юзларига шапатилаб урдим. Бироз ўтиб кўзини очди. Менга тикилди. Унинг тирикчилигига шукроналар ўқиб, юрагим ёрилгудек ҳолатда ўзимни дугонам кучоғига ташладим. У ҳам йиғлади, мен ҳам йиғладим. Йиғлашиб бир-биримизни овутдик. Етаклашиб ижарахонамизга келдик. Хонамизга кирганда ичимда олов пайдо бўлди. Йўлимда ким дуч келса, ёндириб юборардим. Чунки бу оловда нафрат, қасос, алам, азоб бор эди! Ёмонлардан йироқ, ёмонликдан ҳазар қилиб яшамок керак, дейдилар. Бу гаплар китобий гаплар.

Ёмонлик, ёмон одамлар яхши одамлардан кўпдир. Биз хоҳаймизми ёки йўқ, уларнинг орасида умргузаронлик қилишга маҳкуммиз. Табиатнинг ноёб унсурларидан ҳисобланмиш олтин алоҳида учраб, ҳеч қандай жисм билан бирлашиб кетмаганидек, яхши одамлар табиатида ҳам ёлғизликни хуш кўриш одати борлигини кўриб ҳайратга тушсан. Ҳеч бўлмаганда ёмонлар орасида сарсон-саргардон кезгандан кўра ўзлари учун бирлашса бўларди-ку. Лекин бирлашмайди!

Барнога тикиламан. Қўнғироқ сочлари пешонасини эркалаб эпкинда силкинади. Тоғ шамоли хаёлларидаги ёмон хотираларни учириб кетаётгандай туюлади. Бўлган ёмонлик ортида қолди. Бу ваҳшийликни қилганларнинг кейинги қисматини роҳатланиб, ҳузурланиб эшитгим келди. У ўйларимни сезгандай:

– Икки дугона бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга ошкор қилмадик. Ошкор қилгандан нима фойда бор? Ёш бўлсакда ақл билан қасос олишга интилдик. Агар биз бу ҳолни техникум раҳбариятига ёки уйдагиларга айтганимизда нима бўларди? Улар қамаларди, аммо тирик қоларди. Бизга уларнинг тириклиги керак эмасди. Ўлимини истардик. Биз жуда-жуда эрта ота-боболаримиз тан олган «аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади», деган иборанинг маъзини чақдик.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Аммо улар бизга кўринишмади. Биздан садо чиқмагач, пайдо бўлишди. Олдин бизга шубҳали назар ташлашди. Кейин яқинлашишди. Бу яқинлашишга ўзимиз изн бердик. Апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Бир куни икковини уйга таклиф қилдик. Ҳайвонсифат, бефаросат эмасми, тузатишган дастурхон тўрига чиқишди. Тўрт шиша вино ҳам олгандик. Виноларни ўзим қуйдим. Юзда табассум, кўнгилда нафрат билан пиёлаларни бир-бир узатдим. Голиблар сипқоришди. Яна-яна қуйдим. Пешма-пеш ичишди. Тўртта шиша қулади. Улар шишаларни бошига болиш қилиб ухлаб қолишди. Юзини полга ўгирдик. Бироз кутдик. Тепиб-тепиб кўрдик. Ўликдай аҳволда эдилар. Ёстигим тагидаги болтани олиб, ҳаётимни барбод қилган ҳайвоннинг бошига зарб билан урдим. Овози ҳам чиқмади. Бошидан қон аралаш суюқлик оқди. Болтани дугонамга бердим. У шошганидан болтанинг тифли томони билан ур-

ган экан, кучли зарбдан иккинчисининг боши бўлиниб кетди. Ўшанда нимагадир қилган ишимиздан чўчимадик, қўрқмадик. Кейин ҳам у кунларни эслаганда кўнгил хотиржам тортади. Ҳозир ҳам уларнинг ҳолини кўз олдимга келтириб ҳузур қилмоқдаман, – дея жилмайди.

Лаҳзалар олдин беозор боладай кўринган қизнинг кўзларига тикилдим. Кўз қорачиқлари кенгайиб, қилган ишининг хуморидан маст бўлгандай эди. Аммо кўз ёшлари...

Ёруғ ўйлар, ёруғ хаёллар билан бу дунёни кўрган қизлар ҳаётини издан чиқариб, одам ўлдиришга олиб борган ҳайвонларнинг ўлимига мен ҳам афсусланмадим. Қизнинг ҳолати менга ҳам кўчгандай эди. Ичимда кучли бир нафрат билан:

– Ундайларга бундан кейин ҳам шафқат бўлмаслиги керак. Улар жамиятнинг зараркунандалари – тузалмас касалга мубтало бўлган махлуқлардир. Ўсимликларга тушган қуртларни териб ёқиб юборгандек, жамиятни соғломлаштириш учун бундайлардан ҳамиша эҳтиёт бўлиш керак. Улар учун суд ҳукми ҳар доим ўлим бўлмоғи шарт. Исмда ҳам гап кўп. Жаҳонгир исмли одамлар қалбида «ҳаммаси меники» деган ёвуз ният яшайди. Улар ҳар доим яхшилик қилганларга ёмонлик қайтарганлар. Улардан узоқроқ бўлмоқ керак. Чунки улар истаган пайтда оёқдан чалишади, – дедим янада нафратим ошиб.

Менинг хайрихоҳлигимдан юраги эриган қизнинг киприкларидаги ёш узилди.

– Йиғламанг, синглим. Йиғламанг, ҳаммаси ортда қолди-ку, – дедим бошқа гап тополмай.

– Қандай ортда қолади? Мен бу дунёга болта кўтариб, одам чопиш учун келмагандим-ку. Қандай орзуларим бор эди? Ҳаммаси ер билан яксон бўлди. Бу оламга яна қайта келишнинг иложи бўл-

ганида, афсус қилмаслик мумкин эди. Аммо мен бир маротаба келган дунё остин-устун бўлиб, равон йўлимни телба-тескари қилиб юборишди-ку, – дея бир лаҳза тин олди-да, яна сўзида давом этди. – Бизларни қамашди. Уйдагиларимиз «бундай фарзандимиз йўқ», дея оқ қилиб юборишди. Отасиз, онасиз қолдик. Бугун Жумагул опа ҳам отамиз, ҳам онамиз. Агар шу аёл бошимизни силамаганда бу ҳаётнинг гирдоблари ичида йўқ бўлиб кетардик. Опамга қуллуқ! – деди бошини ҳам қилиб. Кейин маъюс нигоҳини менга тикиб:

– Мени ҳам, дутонамни ҳам ана шу санъатимиз қутқариб қолди, деб ўйлайман. Турмада ётган давримизда ҳам бир гуруҳ ташкил қилдик. Қўшиқларимиз, куйларимиз, ўйинларимиз манзур бўлиб, турли турмаларда концертлар қўйдик. Ана шундай кунларнинг бирида Жумагул опа бизни излаб топди. Биз афв этилиб, муддатидан олдин озодликка чиқдик.

Одамни ҳам тушуниб бўлмас экан. Қамалишимиздан олдин турмага тушишни ўйлаб кўп азобланганмиз. Аммо тушгандан кейин у ердаги ҳаётга ўрганиб қолдик. Турмадан чиққанимиздан кейин анча вақтгача кўниколмай юрдик. Озодликда кўп тўсиқларга дуч келган вақтлар қамоқхонамизни соғиниб қолиб, кетгимиз келаверарди. Аммо вақт ўтиб ўргандик, кўндик, яшайтимиз, – деди кўзлари ғамгин кулиб. Шунда мен улар ҳаётига аралашиб қолган Жумагул ҳақида:

– Жумагулнинг сизларга қандай алоқаси бор? – деб сўрадим.

– Ҳали билмайсизми? Робия опамнинг Асқар акаси Жумагул опанинг укаси бўлади. Асқар ака жонига қасд қилганида Робия опа бирга бўлган. Шу сабаб милиция, прокуратура, суд ходимлари Асқар аканинг ўлимида Робия опанинг қўли бор, деб айблашиб, ноҳақ қамаб юборишган. Биз Ро-

бия опам билан қамоқхонада танишганмиз. Ўша вақтлари Жумагул опа Робия опанинг ортидан келиб турарди. Қизлари билан турмаларда маҳбуслар учун концертлар уюштирарди. Шу сабаб маҳбуслар ичида ҳам, турма ходимлари орасида ҳам опанинг обрўйи баланд эди, – деди саволимга изоҳ бериб.

Робия Жумагулнинг келини эканлигини эшитиб зил кетдим. Кўз олдимга унинг ота-онаси ётган қабристон келди. Янги қабр ёнидаги Асқар қабрини эсладим.

Ҳамон Асқарнинг шеърлари билан яшаб келаётган Робияни кўз олдимга келтирдим. Ғалати, тушунарсиз ҳолатга тушдим. Совчи бўлганимга пушаймон қилдим. Аммо бир илинж ёруғликка интилди. Туйнукдан тушган нур кўнгилни илитди. Кўнгилда тириклар яшаши, бахтли, бахтиёр яшашга ҳақликлар-ку, деган ўй кечди. Кўнглим хотиржам тортди. Лекин Робияни Асқар Жумагулнинг укаси эканлигини айтмаганлигига ҳайрон бўлдим. Балки у, мени хабардор, деб ўйлагандир. Балки... қизнинг гапидан ҳушёр тортаман.

– Мен Робия ва Жумагул опамлардан бир умр миннатдорман. Маҳбусликда юрган йилларимда Робия опам ҳаётга қайтарган бўлса, озодликда Жумагул опам ўзимга ишонч уйғотди. Иккиси ҳам мен учун, нафақат мен учун, ҳамма қизларимиз учун онамиздай азиздирлар.

У ёқдан ўз уйимга қайтмадим. Опаларим билан бирга қолдим. Аҳён-аҳён уйим томонларга боргим келади, аммо отамнинг: «Оқ қилдим! Оқ қилдим! Оқ қилдим! Бугундан бошлаб сендай қизим йўқ!!!», дея остонадан итариб, ортимдан эшикни қарсиллатиб ёпганлари кўз олдимга келиб, ширин хаёлларим кулга қорилади, – дея тин олди. Кейин чуқур хўрсиниб: – Минг лаънатлар бўлсин, лаънатиларга, – дея нафратини ошкор қилди. Ўша лаънат менинг

ҳам нафратим эди. Кўп кўрдим, кўп эшитдим. Эшитган сайин бу дунёнинг қандай яралганлигига, бу одамларнинг нечун умргузаронлик қилаётганлигига ақлим етмай қоларди. Шундай саҳройи, шундай беғубор қиз, шундай самимият ила одамлар орасида яшашга, яшаганда ҳам бахтли яшашга ҳақли бўлган қизалоққа бу офир тегирмон тоши нечун керак эди. Ақлнинг узун-узун «умрлари» тиғи бу тилсимот бағрини тилиб қарашга ожиздир.

Ўтганлар ҳам, кетганлар ҳам, қолганлар ҳам одам ҳақида ёзишади. Аммо биз кутган одамият ҳақида ҳеч нарса битишолмади. Ҳаммаси одам қобилигида яшаб уни ёриб чиқолмади. Одам хулқ-атвори, турмуш тарзи, урф-одатлари, аجدодлари, ҳамма-ҳаммаси таниш. Аммо ундан ташқарида нима бор? Бу ҳақда буюклар ҳам, даҳолар ҳам чурқ этиб оғиз очмадилар. Бундан хулоса – бизларни ҳеч нарсада тошу тарозимиз йўқдир. Ақлни ҳисобламаганда оддий тирик жонмиз. Шу боис олиму фаррошимиз, иқтисодчи-ҳисобчимиз, ҳукмдору қонундоримиз, хуллас, ижодкоримиздан ташқари барчаси бир ўзанда оқувчилардир. Ижодкори ана шу ўзанда оқаётганларнинг кузатувчиси, бирозгина устуналиги эса қирғоқдалигидир, холос.

Биздан олдин ўтганлар ёмонлик ва яхшилик ҳақида минглаб, миллионлаб асарлар ёзишди. Ёмонлик, ёвузлик, палидлик, сотқинлик, хиёнаткорлик рўдапосини кийганлар ҳақида нафрат билан, яхшилик, эзгулик, бағрикенглик, оққўнгил, сахий, самимият чакмонини елкасига ташлаганлар ҳақида завқ-шавқ билан асарлар битишди. Аммо ўша ёмонлик ва яхшиликнинг жон томири, унинг илдизлари қарларга бориб тақалади, деган саволларга жавоб тополмай умидсиз кўкка назар ташлашди. Шу жавобсиз ўйлар мени ҳам қийнайди.

Қаршимда ўтирган Барно ҳам илк қадамидан эзгулик сари интилган. Аммо йўлдаги ёмонликнинг зарбидан, ёмондан-да ваҳшийроқ бўлиб қайта туғилган. «Девонаники биринчи эшикдан» деганларидек, яна шундай ёвузларга дуч келса, қайта болта кўтармаслигига кафолат йўқдир. Чунки унинг қониди эркин, озод яшашга иштиёқ кучли. Уни синдириш мумкин. Аммо у тирик экан, ундаги санъат, ижод эркинлигини синдириб, йўқотиб бўлмайди.

Санъаткор, ижод аҳли ана шундай одамлардир. Санъат, санъаткор халққа мансуб. Улар миллионлаб одамларнинг айтолмаган қўшиғи, чалолмаган куйи, ўйнай олмаган рақсининг ижрочиларидир. Шу боис ҳам калтак доим уларнинг бошида синган.

Барнога «бугун катта саҳнага чиқиб қўшиқ айтишни хоҳлайсанми ёки мана бу бойликни олиб, саҳнадан воз кечасанми» деган шартни қўйсангиз, албатта, саҳнани танлайди. Улардаги ички титроқни, куй овози ила одамларни кўрганда худди тутқаноғи тутгандай жунбишга келишларини қандай баҳоламоқ керак.

Оддий, ақлли, фаросатли, илмли одамлар эл олдида чиқиб ўзини кўз-кўз қилиб ўйнашни, қўшиқ айтишни ор билишади. Ўша ор билганлар, оломонни бундай одамларга гулга ёпишган асаларилар мисол талпинишини қандай изоҳлаб, қандай тушунтириб беришади? Тушунтириб бера олмайдилар. Неғалигига ақллари ҳам етмайди. Халқ бор экан, уларнинг ичида Жумагуллар, Робиялар, Барноларнинг туғилиши муқаррардир. Инсон жисми беморлашган дамларда турли хил дорилар таъсирида тузалиб кетганидек, санъат аҳли ҳам одамлар қалбини қайғулардан, тушкунликлардан халос қилувчи малҳам дорисидир. Уларни асраш, қўлдан келганча ёрдам бериш керак. Улар бизнинг шафқатимизга муҳтож одамлар.

Ўз хаёлларим билан бўлиб, Қутб Найчининг «вориси»ни унутгандай бўлибман. Беихтиёр қизга нигоҳим тушиб:

– Кечир, синглим, бироз чалғибман, – дедим ўзимни гуноҳкордай сезиб.

Барно узримдан хижолат бўлиб:

– Ундай деманг. Мен опамни айтиб келайми? – дея саволомуз тикилди. Қизнинг гапидан ўзим ҳам суянадиган одам излаб қолганлигимни ҳис қилиб:

– Майли, – дедим.

Дарахтларга осилган электр чироқлари боққа сеҳрли тус берганди. Қўйроқдаги чорпояларда ўтирган қизлар чақчақлашиб суҳбатлашарди. Бир қизиқ воқеани эслашди шекилли, хандон отиб кулиб юборишди. Уларнинг овози битта овозга айланиб жаранглаши кўнгилга аллатовур ёқимли ҳисларни олиб кирди. Лаҳзалар олдинги ғамгин ўйлар чекинди. Ён-атрофимдаги одамлар кулгисидан руҳим енгил тортди. Жумагул олдда, ортда қизлар ва пўрим йигит кўринди. Йигитга қарадим, исми ёдимдан кўтарилибди, яқинлашиб қолган Жумагулга:

– Укамизнинг исмини унутиб қўйибман, – дедим. Аёл гапимдан менга бир турли қараш қилди. Кейин кўзлари ёниб турган йигитга ишора қилиб:

– Иқбол, – деди. Йигит опасининг гапидан бош эгиб жилмайди. Сўрига чиқишди.

Дастурхондаги егуликларга қўл тегмаганлигини сезган Жумагул:

– Дониёр ака, бизнинг арз-додимизни эшитиш учун сиз бақувват бўлишингиз керак. Келинг, бирга овқатланамиз, – деди. Жумагулнинг далдасидан қорним очганлигини ҳис қилдим. Чой устида йигитга:

– Бугун сиз менинг ёнимда қолинг. Бир ўзим... – дейишим билан Жумагулнинг ёнидаги аккорде-

ончи қиз қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Мен унинг кулгисидан ноўрин гапириб қўйдимми, дея безовталандим. Шунда Жумагул:

– Кечирасиз, ака. Иқбол ёнингизда ётолмайди, – деди ерга тикилиб. Аёлнинг бош эгишидан «оббо, улмақиз экан-да» деган ўй хаёлга келиб, жуда мулзам бўлдим, сулув йигитга қарашга уялиб, кўзимни олиб қочдим. Шунда йигит:

– Нега ётолмайман. Бирга ётаверамиз. Сизлар кўпчилик. Акам бир ўзи, – деди жиддий оҳангда. Шунда қизлар Иқболнинг гапидан ҳайратлангандай бўлди. Жумагул лом-мим демади. Аммо аккордеончи қиз ташвиш билан:

– Ўйлаб гапиряпсанми? Акам ёш боламиди, кўрқса. Сен биз билан ётасан. Тамом, – деди жаҳли чиқиб. Қизнинг жаҳли чиққанидан шубҳаланиб «шу қизнинг мижози бўлса керак», деб хаёл қилдим. Бу ўйдан бироз кайфиятим тушди. Ҳамма ерга қараган. Бироз таранг тортилган мувозанатни юмшатиш мақсадида:

– Майли-майли, мен, синглимиз айтгандек, ёш бола эмасман-ку. Укамиз сизларга кўриқчи бўлиб ётсин, – дедим зўраки табассум билан. Жумагул менинг гапимдан қувват олгандай, бошини кўтариб:

– Узр, ака. Иқболой ўғил бола эмас. Гуруҳимиз вакиллари қизлар бўлганлиги сабаб Иқболойни ўғил болача кийинтириб олиб юрамиз. Унинг эр-какча кийиниши қизларимизнинг кўрки ҳамдир. Қолаверса, тўйларда маст-аластлар йигитимизни кўрганда шаштидан тушиб қолишади, – деди менга айбдордай нигоҳ ташлаб.

Жумагулнинг гапидан шубҳаландим. Шунда Иқболой ёпиштирилган мўйловини юлиб олиб, сочи-ни ёйиб юборди, шундагина унинг қиз болалигига ишондим. Чунки қаршимда гўзал бир сиймо жилмайиб, менга тикилиб турарди. Унга тикилиб мен

ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулдим. Ўтирганлар ҳам менга қўшилишиб куларди.

Аккордеончи шаддод қиз. Ҳа, айтгандай, бу қизнинг исми Райҳон эди. У Иқболойга тикилиб:

– Индамасам, акамнинг қўйнига кириб кетай дединг-а, – дея менга юзланиб: – Бу эркагимиз шўх эркак. Тунда уйқусираб қўйнингизга кириб кетиши мумкин эди. Мен сизни бир балодан асраб қолдим. Хизматига қўйлак олиб берасиз, – деди ўзини жиддий тутиб. Қизнинг гапиришидан завқланиб, гапига ҳазил билан:

– Мени қутқариб қолганингиз учун битта қўйлак олиб бераман. Қутқармаганингизда иккита қўйлак кийган бўлардингиз, – дейишим билан ўтирганлар қаҳ-қаҳ отишди. Жумагул қошларини чимириб менга қаради. Ҳазил, дегандай кўз қисиб қўйдим. Унинг чимирилган қошлари ёйилиб, асл ҳолига қайтди. Қизларнинг хурсандлигидан кўнглим кўтарилиб, Иқболойга қарадим. У майин оҳангда:

– Ака, сиз менинг қўшиқларимни эшитмабсиз, дунёга келмабсиз. Ҳали овозимни қанот чиқариб, дарахт баргларига осилиб қолганлигини кўрсангиз, менга ҳам қўйлак олиб бермаганингизга афсус қиласиз, – деди юзлари ҳаяжондан лов-лов ёниб.

– Кейинги афсуснинг нима кераги бор? Қани, қўшиқларингизни бир тинглайлик-чи, – дедим Жумагулга юзланиб. У қизларга қаради. Улар хурсандчилик қилишга тайёр эдилар. Ўринларидан туриб, чолғу асбобларини олиб келмоққа шайландилар.

Ҳар кунинг ғанимат. Ҳар лаҳзани ҳис қилиб ўтказмоққа нима етсин. Умрнинг қисқалиги, жуда-жуда омонатлигини ҳаммага ҳам айтиб бўлмас экан. Шу боис хаёл сурмаган одамлардан йироқ бўлишни истадим. Табиатан хафақон бўлганлигим учунми, ҳар доим қайғули, ғамгин, оғриқли хаёллар суришга мойилроқман. Бу ақлимдан, қалбим-

дан, руҳимдан ташқаридаги кучнинг хоҳиш-иродаси билан юз беради. Балки шунинг учун қалбимда ёзувчилик куртаклари униб-ўсгандир.

Мен ҳеч қачон юрагимдаги муҳаббатимни яхши кўрган одамларимга ошкор айта олмадим. Айтишга чоғланган дамларда сукут сақладим. Аммо бир ҳақиқатни биламан. Ўта меҳрибончилик қилганларим хасталикка учрайди, ўта яхши кўрганларим бир ҳалокатни бошдан кечириб, мени ташлаб кетишга чоғланади, кўнглим қолган одамларимга жуда-жуда қийин бўлган. Балки шу қусурларим учун Яратган Парвардигор севгимни, муҳаббатимни, меҳрибончилигимни чегаралаб қўйгандир. Билмадим. Билганим мана шу ўйлар, хаёллардир.

Одамлар мени тушуна олмай нафратландилар. Мен уларни тушуниб, тушунмагандай яшадим. Асли мен ҳам тирик жонларнинг бириман. Улардан фарқи томоним – ёнма-ён юрмаганлигим. Ёнма-ён юришга чорладилар. Хоҳламадим. Бир нафасга айланайлик дейишди. Эркисизликдан бўғилдим. Эркимнинг дояси табиат бўлди. Мен фақат унинг қўйнида ўзимни озод сездим. Мен унинг бағрида одамлигимни ҳис қилдим. Шу сабаб ҳамдард, ҳамнафасларни ана шу дов-дарахтлардан, майсалардан, тоғу тошлардан, мавжланиб оқаётган сув инжуларидан изладим.

Гоҳ-гоҳида алвидо айтиб, бу дунёдан кетгим келади. Барига – тириклигига ҳам, бу оламига ҳам, ён-атрофимни қуршаганларга ҳам... Аммо бир бағри кенг, кайвони куч елкамдан ушлаб, «Шошилма. Борасан. Хоҳласанг-хоҳламасанг-да олиб кетади», дегандай бўлади. Қулоқ тутиб, бош эгаман.

Бир умр жонимнинг эговига айланган телба ўйларимни қизларнинг овози бир ён суради. Руҳим енгил тортади. Бу лаҳзалар эртага қайтариб бўлмас кунлигини сезиб, уларни тингламоққа ошиқаман.

Ўйларимга қисматдош хаёлларни бошидан кечиргандай, дарахт барглари орасидан тушган ой нурида симобий тус олиб оқаётган ариқ сувига жимгина тикилиб турган Жумагул:

– Шунча замонлардан бери санъаткор қизлар ҳаёти ҳақида бирон бир жўяли асар ёзилмаган. Сиз ёзсангиз, бу асарингиз бизнинг устимиздан кулиб, одам ўрнида кўрмайдиганларга сабоқ бўларди, – деди ялингандай оҳангда. Мен унинг гапларидан таъсирландим. Ишонч билан:

– Сиз айтгандай асар ёзаман. Бу асар сиз кутгандан ҳам баландроқ бўлади, – дедим мақтангандай. У гапларимдан қаноат ҳосил қилиб:

– Сизга ишонаман, – деди ихлос билан.

Қизлар сўри тўридан жой олишди. Қолганлар куйига тизилишди. Ошпаз йигит кўринди. У сирини очгандан бери бизга яқинлашишдан уялгандай, масофа сақлаб бўй кўрсатади. Ёнимга чақирдим. Жумагулнинг кўзи унга тушди. Бир турли жилмайди. Барнонинг «Асқар акам Жумагул опамнинг укалари» деган сўзлари ёдимга келди.

Доиранинг зарбидан санъаткорларга юзландим. Бундай тун, бундай табиат, бундай қалбингга малҳам бўлувчи ширали овозлар ва шу овозларни турли оҳангга солаётган куй, ён атрофингда юрагингга яқинлар билан ўтириш унча-мунча одамга насиб қилмаган бўлса керак. Бу тун менга насиб қилган эди. Бу тун менинг туним эди.

Иқболой қўшиқ бошлади. Одамнинг кўзига қараб сўзларини эшитиш, чеҳрасидаги ҳар бир ўзгаришни томоша қилиш, ич-ичидан отилиб чиқаётган овознинг нафасини ҳис қилишдан ўзга бахт борми?! Унда сен қаршингдаги овоз эгасига айланасан, ўша овоз сенинг юрагингдан ҳам отилиб чиқмоқда, ҳофиз сузаётган «ҳолат дарёси»да сен ҳам сузмоқдасан. Ён-атрофдагилар ҳам сенга

ўхшаш одамлар бўлганлиги учун бу овоз таъсири янада кучли, янада шиддатли, янада ёқимли эшитилар экан-да. Қўшиққа соме бўлганларнинг қалбига овоз алоҳида-алоҳида туйнук очиб кириб бораётгандай эди. Овоз келарди:

*Бу дунёда кўрганларим туш бўлди,
Тушларимдан паноҳ излаб яшадим.
Тизилишиб ўтаётган кунларим,
Бир бевафо ёр учун беҳуш бўлди.*

Барглар ғуборини ёмғирлар ювганидек, қалб ғуборини қўшиқ ювишига яна бир бор ишондим. Ипакдек майин, ёрнинг меҳрибон қўлларидай ҳароратли овоз таъсиридан кўзимга ёш келди. Кўзларимда қалқиб турган ёш қалбим ғуборини ювиб кетаётгандай эди.

Куй-қўшиқни минглаб одамлар қуршовида эмас, мана бундай сокин тун, атрофингда ана шу куй-қўшиқни юракдан ҳис қилувчилар даврасида эшитишнинг таъсир кучи худди саҳрода сувсизликдан чанқаб сув ичганда тани ҳузурланган йўловчининг роҳатига ўхшаб кетаркан. Мен ҳам ўша роҳатни ҳис қилиб турардим. Иқболойнинг овози бир парда юқорилади. Насим овозни тингламоқ истагандай сукутга кетди, унинг сукутидан кучланган овоз самога ёйилди.

*Излаб-излаб топганларим ул эди,
Ул бевафо қаршисида қул бўлдим.
Вафо излаб сарсон-саргардон кезиб,
Ёрим бору, асли-азал тул бўлдим.*

Эркаклар ҳеч қачон ҳижрон қўшигини аёллардай куйлай олмайди. Аёллар қўшиқ айтаётганда ўзлари ҳижронга, армонга айланишади. Сатрлар-

даги мазмунни ҳеч ким уларчалик кашфиёт даражасига кўтаролмайди. Аёлнинг ожизалиги ҳам, қудрати ҳам шунда. Баҳорий насим майсаларни севганидек, куй нафисликни хуш кўради.

Иқболойнинг бармоқлари ҳаракатдан тўхтади. Тор овози сусайиб, қалбларга сингиб кетди. Атрофни куйнинг сукути эгаллади. Эгилган бошлар мувозанатсизлик сездди. Шул палла Иқболой:

*Вафо излаб сарсон-саргардон кезиб,
Ёрим бору, асли-азал тул бўлдим...*

сатрларини шивирлаб айтди. Худди шивир дарахтлар шохида осилиб қолгандай насим безовталанди. Кейин у фариштамисол юзларни силаб, шоҳларга осилган овозни ўзи билан олиб кетди.

Бу дунёда яшаётган неки тирик жон бор, ҳаммаси жуфти билан яралган. Айниқса, бу жуфтликнинг қанчалар қадрли, қанчалар ёқимли, қанчалар севимли эканлигини фақат одамларгина юракдан ҳис қилади. Аммо шу жуфтликнинг одам боласи учун бир дур, бир жавоҳир эканлигини била туриб, вақтнинг паноҳида авайлаб-асролмайдилар. Йўллари айланиб соқиллар. Алал-оқибат мажруҳ қалблар дунёга келади. У қалбларга на сиз, на мен, на у малҳам бўлади. Оқибат Иқболойларнинг ғамгин қўшиқлари юракларни тимдалайди ва бу қалбларга малҳам бўлолмаганлигимиздан азоб чекамиз.

Қўшиқ тугаб, хонанда бир лаҳза сукут сақлади. Кейин бизга синовчан назар ташлаб:

– Қани энди эр киши бўлганимда, – дея ёнидаги гитарага қўл чўзди. Куй оҳангидан, шиддатли, юракни ларзага келтирувчи, одамийлигини ҳис қилишга мажбурловчи бир қўшиқ янграши сезилиб, қаддимни тикладим. Чор атрофга назар ташладим. Бехос нигоҳим Жумагулга тушди. Аёлнинг ёниб турган кўзларида ҳофиз қизнинг қў-

шиғини интиқ кутаётганини кўрдим. Иқболой кўшиғини бошлади. Жумагулнинг кўзлари юмилиб, юзида ажабтовур, ҳали ҳеч кўрмаган, ҳеч кутмаган ўзгариш содир бўлди. Овоз ҳавога учди..

*Зорланиб, зорланиб, зорланиб бўлдинг,
Хўрланиб, хўрланиб, хўрланиб сўлдинг.
Қаддингни тут, қаддингни бугун,
Энди кўз ёшларинг қувончга тутқун.*

Жумагул кўзларини очди. Кўзларида қувонч порлади. Ажиб меҳрибонлик билан Иқболойга тикилди. Худди ҳозир уни бағрига босиб-босиб, кўзларидан, юзларидан ютоқиб ўпмоққа шайдай ҳолатда эди. Унинг нигоҳи ила мен ҳам ҳофиза қизга юзландим. Қиз ўрнидан турди. Мусиқа садолари остида сўридан тушди. Созанда қизлар куйни авжига чиқарди. Иқболой биз ўтирган жойдан бироз наридаги тепаликка чиқди. Бағрига босиб олган гитарани чалмоққа шайланди. Шу вақт ўзга мусиқа чолғуларининг овози тинди. Гитара ёлғиз қолди. У созни шундай маҳорат билан чалардики, ёнимда ўтирган ошпаз йигитнинг беихтиёр елкалари титраб, оғизлари очилиб, ўзлигини унутиб, жойида ўйнаётганлигини кўриб, мен ҳам сакраб-сакраб, диконглаб-диконглаб, гир айланиб ўйнагим келди. Беихтиёр елкаларим ўзимга бўйсунмай, оёқларим титраб, кафтларим тиззаларимни пўла қилишга чоғлангандай бориб келарди.

Куй бироз сусайди. Ўрнини овоз эгаллади.

Кўнгилга қувонч, юракка малҳам, жисмимга қувват бағишловчи сўзлардан таъсирландим. Қаршимдаги Иқболой яна Иқболга айланган эди.

*Қасос олма, қасоскор сенсан,
Кек сақлама, садқайи кеклар.*

*Бу дунёнинг борлиги, қуёши сенсан,
Ғанимларинг эди, палид эркаклар.*

Олдин овоз бўғиқ чиқди. Қизга тикилдим. Унинг кўзларида олов ёлқинланди. Кейин сукунат торини узган момақалди роқ мисол овоз портлаб, қулоқларни том битирди.

*Бу дунёнинг борлиги, қуёши сенсан,
Ғанимларинг эди, палид эркаклар.*

Палид эркаклар!..

Аёл овози эрлар нидосини босиб-янчиб кетишини илк бор эшитганлигим учун қиздан гурурланиб, ўзимдан уялиб кетдим. Қаршимда мен севган, мен суйган Жанна д'Арк турарди. У душманига қўлида қилич билан ҳамлага чоғланган бўлса, Иқболой қўшиқ шамшири билан ўсиб чиқмоққа шайланган қора хаёллар бошини кесар эди...

...Ўй-фикрларимни остин-устун қилиб юборган Иқболой қўшиғидан ситилиб чиқиб кетолмай титрардим. Бутун хаёлимни асир қилган овоз менга тинчлик бермасди. Мувозанатсизликни сезгандай ёнимдаги ёстиққа бош қўйдим ва беихтиёр олис йиллар ортида ижодда Иқболнинг қисматдоши бўлган бир шоирни эсладим. Ўша шоир қисматидан хабар берган ёзувчи, бугун қайта такрорланган ўша лаҳзаларни шундай ҳикоя қилганди:

«Еттинчимикин ё саккизинчи йилда Каприда Стефан Жеромский менга ва булғор ёзувчиси Петко Тодоровга қандайдир тасодиф билан Краковга бориб адашиб қолган, жмудинми ё мазур элатиданми бўлган бир деҳқон боласининг қиссасини ҳикоя қилиб берганди. У шаҳар кўчаларида узоқ вақт тентираб юрибди-ю, лекин бари бир ўзи ўр-

ганиб қолган кенг далаларга чиқа олмабди. Ҳеч қачон шаҳардан чиқиб кета олмаслигини англаб етгач, тиз чўкибди-да, бир муддат ибодат қилибди, сўнг лоақал дарё қадрдон кенгликларга олиб чиқар, деган умидда Висла кўпригидан ўзини сувга ташлабди. Уни қутқарибдилар. Лекин бола қаттиқ шикастланган экан, вафот этибди.

Оддийгина бу ҳикоя менга Сергей Есенин ўлимини эслатади. Мен Есенинни биринчи марта 1914 йилда кўрганман. Ўшанда у ўн беш-ўн етти ёшлардаги боладек туюлганди. Эғнида зангори кўйлак, бурмабел камзул, оёғига эса йиғма кўнж-ли этик кийиб олган жингалак соч, тиниқ юзли бу бола откриткаларда тасвирланган бир-бирига ғоят ўхшаш бояр болаларини эслатганди. Ўшанда у катта шаҳарга ботишмай турганини ўзи ҳам сезган, камсуқум, қолаверса, гангиб қолган бир бола таассуротини қолдирганди.

Аслида бундай болалар савдо расталарида югурдакми, дурадгорга шогирдми, тунги базмхоналарда ўралашиб юрадиган ўйинчими, ашулачими, жуда узоқ борса, ўртамиёна савдогарнинг боласи бўлиб чиқарди.

Орадан бир неча йиллар ўтиб, Есенинни Берлинда, Толстой хонадонида кўрдим. Жингалаксоч, қўғирчоқдек жажжи болани энди фақат равшан чақнаб турган кўзларигина эслатиб турарди.

Унинг безовта нигоҳи одамлар юзида беқарор – гоҳ илтифотсиз, нописанд, гоҳ эса журъатсиз, ишончсиз, хижолатомуз сирпанарди.

У менга, одамларга нисбатан, умуман, дўстона кайфиятда эмасдек туюлди. Унинг ичкиликка ружу қўйгани ҳам шундоққина юзидан билиниб турарди. Қовоқлари шишган, кўз оқлари яллиғланган, бўйин ва юзлари очиқ ҳавода кам бўладиган, ёмон ухлайдиган одамларники каби заҳил тортиб,

ранги қочган. Қўллари худди ноғорачиларникига ўхшаб ёйилган. У худди қандайдир зарур нарсасини йўқотиб қўйган, лекин айнан нимасини йўқотганлигини ўзи ҳам билмайдиган одамдек паришон эди. Ёнида ёши қайтиб қўполлашган, ғишт ранг кўйлакка ўралиб олган, қип-қизил, кўримсиз, аммо бир замонлар одамларнинг олқишлари ичида умргузаронлик қилган Айседора Дункан эди.

Ўшанда Есениндан шеър ўқишини сўрадилар. У шеър ўқишга рози бўлиб, Хлопуша монологини бошлади. Дастлаб сургундаги тутқуннинг фарёдлари ясамадек туюлди:

*Қутурган, бетийиқ, хунхор, эй рўё!
Нимасан? Нимасан? Ажалмисан ё?*

Лекин кўп ўтмай, мен Есениннинг кишини ларзага соладиган даражада ифодали ўқишини ҳис қилдим. Уни тинглаш бениҳоя изтиробли эди. Мен унинг шеър ўқишини санъаткорона, моҳирона деб айта олмайман. Бу сифатлар унинг ифодали ўқиш маҳорати ҳақида ҳеч нарсанглатмайди. Шоир овози бирмунча хирилдоқ, серҳашам эшитиларди ва бу Хлопушанинг шафқатсиз сўзларини қаттиқ таъкидлашда бениҳоя мос тушар эди. Сургундаги кишиларнинг ҳар хил оҳангда бир неча марта такрорланувчи талаби фавқулодда самимий, беқиёс куч билан садо берарди:

Мен у зотни кўрмоқ истайман.

Қўрқув даҳшати ҳам жуда ажойиб берилган эди:

Қайда у? Қайда у? Наҳот энди йўқ?

Бу кичкинагина одамнинг шу қадар қудратли эҳтиросга, мукаммал ифода этиш салоҳиятига эга эканлигига ақл бовар қилмасди. У ўқир экан, ранг-лари оқариб, қулоқларигача бўзариб кетди. У шеър ритмига қараб қўл силтамас, аммо унинг ҳаракатлари шеърга бениҳоя мос тушар, чунки шеърларнинг ритми тутқич бермас бўлиб, салмоқли сўзлар вазни ғоят хилма-хил эди. Гўё у сўзларнинг бирини оёқлари остига, иккинчисини ҳув нарига, яна бирини кимнингдир жирканч башарасига улоқтирар эди. Умуман, ҳаммаси – хирилдоқ, шикаста овоз ҳам, ҳолат ва ишоралару гавданинг чайқалиши ҳам, ҳасрат билан ёнган кўзлар ҳам – бари шоирнинг худди шу дақиқадаги аҳволига мос эди.

У Пугачевнинг уч марта сўрайдиган саволини мутлақо ҳайратомуз ўқиди:

Эсингизни едингизми ё?

Қаттиқ ва ғазабкор, сўнг секинроқ, лекин янада ёлқинроқ:

Эсингизни едингизми ё?

Ва ниҳоят жуда оҳиста, маъюс бир энтикиш билан:

Эсингизни едингизми ё?

Маҳв бўлган деб ким айтди бизни?

У тасвирлаб бўлмайдиган даражада, ажойиб бир тарзда сўради:

Наҳот руҳинг тобе, тўшакка тобедек тан?

Ва қисқа сукутдан сўнг нажотсиз, видолашгандек хўрсинди:

*Менинг азизларим...
Қадрдонларим...*

Ҳаяжонланганимдан томоғим қуруқшаб, бир нарса хиппа тиқилгандек бўлди. Ҳўнграб йиғлагим келди.

Кейин у «Ит ҳақида қўшиқ» шеърини ўқиди.
Ва сўнгги:

*Ит кўзидан оппоқ қор узра,
Томар эди дурахшон ёшлар, –*

сатрларини ўқиганда, Есениннинг ҳам кўзларида ёш кўринди. Ўшанда ўйлаб кетдим: Сергей Есенин шунчаки одам эмас, у табиат томонидан мутлақо назм учун, беадад далалар ғамини ифодалаш, дунёдаги борлиқ, жонли мавжудотга, хусусан, ўз заҳмати билан эъзозга сазовор инсонга меҳру шафқат учун яратилган одам эди.

У ўзини эрксиз инсон сифатида эмас, балки ҳаётни тугаллаш зарурлигини аниқ ва пухта ҳис қилган киши сифатида ўлдирди. Бундан аввал эса қўлини кесиб, қон билан саккиз сатр шеър ёзган эди.

*Бу ҳаётда ўлмоқ-ку, бор гап,
Яшамоқ ҳам янгимас ахир...*

* * *

Электр чироқлари ўчди. Дарахт барглари орасидан ойнинг шуъласи тушди. Муздай тоғ шамоли эсди. Аллақайдан каккунинг овози келди. У нафасини ростлаб-ростлаб каккулади. Санай бошладим. Элик олти... кейин каккуламай қўйди. У ҳам мени ухлашга чорлагандай кўзларим илинди.

Туш кўрдим. Осмонда ой балқирди. Чек-чегараси йўқ кенглик пойимда ястаниб ётарди. Оппоқ тунда, ой балқиган оқшомда кетиб бораяпман. Ҳамроҳим хаёлларим, йўлдошим осмон, ой ва ёлғизоёқ йўл. Тун ҳашаротларининг овози қулоққа чалинади. Ой қаршимда йўлимни ёритар, самодаги ғуж-ғуж юлдузлар қўл етгулик масофада жимирлаб шивирлайди. Аммо бу ҳолат узоққа бормади. Ой юзини булут беркитди. Қаршимда туннинг қоп-қора пардаси тортилади. Намхуш, совуқ шамол юзимга урилди. Аллақайдан гулдураб нимадир келарди. Оёғим остида ер титради. Тобора шовқин солиб яқинлашиб келаётган балодан ўзимни қутқармоқ ниятида ёнимдаги сой томон югурдим. Шу вақт чинқирган таниш овоз эшитилди. Ортимга қарадим. Бир жуфт қуён югуриб келарди. Уларни танидим. Жойимда тўхтадим. Қуёнлар ёнимдан югуриб ўтди. Ортидан бордим. Шундай сайҳонликнинг ёнидаги уяси олдида мени кутиб турарди. Ўзимни уя ичига олдим. Қуёнлар қўйнимга киришди. Қарсиллаган овоздан чўчиб тушдим. Уйғониб кетдим. Тоғ томондан кучли шамол эсарди. Унинг зарбидан эгилган дарахт шохлари силкиниб, барглари шовуларди. Шамолнинг сусайишини кутиб, ўзимни кўрпа ичига олдим. Аммо хаёлим тушимда ҳам, ўнгимда ҳам мени ҳалокатдан қутқариб қолган қуёнларда эди.

Дайди шамол экан. Бироз вақт ўтиб тинди. Кўз олдимга ўша кун келди. Машина ичидан отилиб чиқиб, сочилиб кетганларни эсладим. Раққоса қиз туман пардаси ичидан чиқиб келди. У тирик эди. Мендан нимадир сўрамоққа чоғлангандек нигоҳ ташлаб турарди.

– Кел бу ёққа, – дея ёнимга чорладим. Аммо у олдга қадам ташламади. Яна кучли шамол эсди. Шамол зарби дарахт шохларини эгди, қизнинг соч-

ларини тўзғитди. Мен унга тикилиб туравердим. У қўлларини мен томон чўзди. Олдига бормоқ учун ўрнимдан турдим. Аммо шамолнинг зарбидан мувозанатсизлик сезиб, жойимга ўтириб қолдим. Қизга тикилдим. Қўллари чўзилган, сочлари тўзғиган қиз шамол билан учиб борарди. Кейин у дарахтлар орасида кўринмай қолди. Шамол тинди. Ўтирган жойимда тушимми, ўнгимми деган аросатли ўйда ён-атрофга қарадим. Ўша боғ, ўша сўри. Чор атрофдаги сўриларда қизлар ухлашмоқда.

Ўчоқ бошида ошпаз кўриниш берди. Мен қатори уйроқ жон борлигидан кўнгилга нур инди. Ўрнимдан туриб, ҳовуз томонга юрдим. Ўзимни сувга ташладим. Муздай сувдан этим жунжикди. Руҳим енгил тортди. Кийиниб ортимга қайтдим. Сўридаги жойимни тартибга келтириб, боғ оралаб кетдим. Хаёлимда марҳума раққоса қиз эди. Анча вақт боғ ичида қолиб кетганлигимни қизларнинг овозидан сезиб, ортимга қайтдим. Сўрида ўтирган Жумагулга кўзим тушди. Қадамимни тезлатдим. У очиқ чехра билан мени қарши олди. Ичимдаги безовталиқни ошкор қилдим. Шунда аёл менга тикилиб қолди. Ва ғамгин овозда:

– Мен ҳам уни кўрдим. Нимадандир умидвор бўлиб учиб кетди, – деди.

– Нега? – дедим саволимдан хижолат бўлиб.

– Балки қувончли кунда эсламаганлигимиз учун хафадир, – деди аёл қаторлашиб ҳовуз томон кетаётган қизларга тикилиб. Шунда аёлнинг гапидан қувват олгандай, марҳуманинг хафалигини сезгандай:

– Шу қизимиз ҳаётидан сўзлаб бермайсизми. Асли унинг ўлими бизни туташтирди, – дея Жумагулга тикилдим. Аёл гапимдан хурсанд бўлди. Юрагидаги қайғу бир ён чекинди. Сўзлай бошлади.

– Бахт ва бахтсизлик ёнма-ён юради, дейишадди. Мен бу гапга ишонмайман. Улар олдинма-кетин юради. Бирда бахт келса, ортидан бахтсизлик. Бирда бахтсизлик бўлса, ортидан бахт. Худди кундуз ва туннинг алмашишидай. Мунира бизнинг уйимизга бахтсизликдан зада бўлиб, бахт излаб келди ва орадан бир қанча вақт ўтмай қизларим билан опа-сингил бўлиб кетди. Ёмон кунларни, ёмонликларни кўраверганидан тош бўлиб кетган юрагига меҳримизни бердик. Алал-оқибат меҳрни, муҳаббатни кўрган кунларига қайтди. Ўзининг меҳрибонлиги, самимийлиги билан ҳаммамизнинг сеvimли одамимизга айланди.

Моҳир ўйинчи эди. Аммо умрининг энг гўзал дамлари бир фосиқ аёлнинг ҳукмига боғланган экан. У аёлнинг донғи етти иқлимга кетган эди. Адашган, урилган, сурилган аёлларни, қизларни олиб келиб, уларнинг тани ҳисобига яшаган. Мунира ҳам унинг чангалига тушиб қолиб, кўп йиллар қийноқда, азобда яшаб, касал бўлиб қолганлиги оқибатида уйдан ҳайдаб чиқарилган экан.

Аёлнинг лақаби Ҳандалак эди. Мен уни юзма-юз танимасдим. Аммо орқаворатдан эшитиб юрдим. Бир тўйда дуч келдим. У вақтлари Мунира ҳам биз билан юрган паллалар.

Қиз бечора билагимдан чангаллаганда сергак тортиб унга қарадим. Унинг нигоҳи тўйхонага кириб келаётган бақалоқ аёлга қадалиб қолганди. Шунда нима гап дегандай ишора қилдим. У илкис уйғониб кетгандай жойида силкиниб олди. Менга қаради. Кўзлари безовта эди. Қандайдир ёввойи овозда:

– Ўша, ўша, – деди билагимни баттар сиқиб.

– Ким ўша? Тушунтириб гапирсанг-чи, – дедим жаҳлим чиқиб. Шунда у кимдир эшитиб қолишидан чўчигандай:

– Ҳандалак, – деди шивирлаб. Кириб келаётган аёлнинг Ҳандалакниги билиб, синчиклаб унга қарадим, – дея Жумагулнинг кўзларида нафрат алангаси ёнди. – Раҳматли Мунирани не-не қийноқларга солганини эслаб, титраб кетдим ва хаёлимга ёмон ўй келди. Қўйнимга гўжанақ бўлиб кириб олган Мунирага: – Қўрқма. Мен сенинг азобларингни бу аёлга юз баробар қилиб қайтараман. Шунча йиллар сенларнинг ҳисобларингга ялло қилиб яшаган бу мегажиннинг бугун хуни тўлган кун, – дея Муниранинг қалтираётган бармоқларини сикдим. Гапларимдан ҳайратланган қиз:

– Опа, у билан ўчакишманг. У ёмон аёл, – деди ялингандай овозда. Мен гапига жавоб бермадим. Ўй-фикрим Ҳандалакни бир қўйга солиш эди. Катта-катта тўйларда ён-атрофимизда бизни маст-аластлардан ҳимоя қилувчи одамларимиз бўлади. Бу тўйда ҳам ўша йигитлар биздан хабар олиб туришганди. Уларнинг ичида бизга ўта содиқлари ҳам бор эди. «Ол тобоғим, бер тобоғим», деганларидай, бошларига мусибат тушганда ёрдам қилганлигим боис барча айтган ишларимга бош эгиб: «Хизматингизга шаймиз», деб туришарди.

Бироз ўтиб Мунирани уйга жўнатиб юбордим. Унинг бу ерда бўлиши шубҳа уйғотиши мумкин эди. Тўй қизиб, маст-аластнинг овози баланд эшитила бошлади. Мен эса Ҳандалакни кузатиш билан овора эдим. У биздан бир неча стол нарида, ўзига ўхшаган аёллар билан ўтирар, пешма-пеш ичишарди. Аҳён-аҳён ўрнидан туриб, ўйинчи қизларга пул ҳам қистириб келарди.

Ёмон хулқли одамнинг ёмонлиги башарасидан тошиб чиқади деганларидай, Ҳандалакнинг юзидан бўртиб-бўртиб чиққан қизил тошмалар, дўрдоқ лаблари иягига осилиб тушган, пачоқ бурнини арава босиб ўтгандай, қип-қизил кўзлари ҳанси-

раган ҳайвоннинг аҳволини эслатар эди. Калта би-
лакларига бир неча тилла билагузук тақиб олган,
бақбақали бўйнида ярим килолик тилла занжир.

Бу занжир бечора қизларнинг азоби ҳисобига
келганлигини ўйлаб, баттар нафратим қўзғади.
Ёнимга содиқ укаларимдан бирини чақириб, аёл-
ни бугун шармандаи шармисор қилишни тайинла-
дим. У ҳам аёлни танир экан.

– Мен бу ифлосни аллақачон йўқ қилган бўлар-
дим. Аммо йўлимиз кесишмади. Мана бугун мен
хоҳлаган кун келган экан. Опа, хотиржам бўлинг.
Ҳам сиз учун, ҳам ўзим учун бу ишни қиламан, –
дея узоқлашди. Кейин билсам, у йигитнинг ҳам
аёлда алами бор экан.

Орадан кўп ўтмай, Ҳандалак ўтирган столга
ноз-неъматлар, ичимликлар кела бошлади. Бу ил-
тифот, иззат укамизнинг хоҳиш-иродаси билан
бўлаётган эди. Бироздан сўнг Ҳандалак бизнинг
раққосамиз ёнига келиб, муқом қилиб ўйнади.
Унинг ёнига бир неча йигитлар яқинлашиб, Ҳан-
далакнинг ичини қиздириб ўйнашга тушди. Фар-
лик касбмас, касаллик. Ҳандалакни ана шундай
тоифадаги аёл эканлиги ўйинидан сезилиб турар-
ди. Бундай аёллар юзга кирганда ҳам бу касаллик-
дан қутула олмайди. Уларни бу нарсадан фақат
қора ер халос қилиши мумкин. Ўзга ҳеч нарса. Аёл
бирга ўйнаган йигитлар қуршовида жойига бориб
ўтирди. Йигитлардан бири уларга ичимлик қуйди.
Ўйинчи қизлар даврани бир айланганда мен та-
йинлаган йигит ёнимга келиб:

– Тайёр бўлди. Йигитлар олиб чиқиб кетишади,
– дея шивирлаб кетди.

Бизнинг тўйларимиздаги меҳмонларнинг қизиқ
одати бор. Ўтирдими, олдиларида ароқми, вино-
ми, улар учун фарқи йўқ, ҳаммасини аралаштириб
ичаверишади. Шунинг учун тезда маст бўлишиб,

бири тўйхонада бошини таом сузилган косага қўйса, бошқаси майсаларни болиш қилган, қай бири дарахтни қучоқлаб йиғлаган, хуллас, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Эртасига уялмасдан, ҳеч нарса кўрмагандай, қолган-қутган ароқ-винони ичиш учун кўзлари қизариб, ассалому алайкум, дейишиб тўйга кириб келаверадилар. Ҳандалакни олиб кетишаётганда ҳам кўп одамларнинг пешонаси коса-товоқнинг ичида эди. У ҳам тўйхонадан қулочларини ёзиб, калта оёқларини кериб, одамлар ёрдамида тўйхонани тарк этди. У кетиши билан кўнглим хотиржам тортди. Эртасига ҳамма ерда дув-дув гап тарқалди.

«Ҳандалакни қип-яланғоч қилиб, катта йўлнинг ўртасига ташлаб кетишибди...»

«Бу ишни ким қилган бўлса, савобга қолибди...»

«Яланғоч ҳолида машинага миндириб, уйига олиб келишибди...»

«Катта йўлда Ҳандалакни томоша қилмаган одам қолмабди...»

«Ҳар ким қилса ўзига, осмонга туфласа юзига», деганлари мана шундай бўлади...»

Ҳозирги ёшларни биласиз. Қай ерда ҳангомоталаб воқеа бўлса, ўша ерда ҳозир нозирдирлар. Ҳандалакни яланғоч ҳолдаги ҳолатини, уни ўликдай машинага ортаётганларини телефонларига тушириб олган экан. Тез фурсатда у бутун туманга, вилоятга ёйилиб кетди.

Ҳар қандай ёвуз кимсанинг ҳам нозик томони бўлганидек, йигитлар уни ўша нозик жойидан маҳкам ушлашган экан. Йўқ, орадан кўп ўтмай Ҳандалак бир тунда лаш-лушларини олиб, кўчиб кетиб қолди, – деди юзи ёришиб.

Мен Муниранинг ҳаётига чуқурроқ назар ташлаш мақсадида гап бошлагандим, Жумагул ижирғангандай бўлиб:

– Раҳматлини яқинда отаси излаб келганди. Қизининг турмуш тарзини кўриб, қувониб йиғлади. Аммо Муниранинг чехраси очилмади. Отаси келганда топган пулининг ҳаммасини унинг қўлига тутқазди. Пулни кўрган отасининг ранги кўкарди, кўзларида ёш сизди. Пешонасига бир мушт уриб:

– Кечиролсанг кечир, бадбахт отангни, – деди бошини эгиб.

– Ота, мен сизни аллақачон кечириб юборганман. Аммо ўзимни кечира олмаяпман. Бу дунёда не кўргилик бўлса, ҳаммасини кўрдим. Энди яшайман деганимда онам тушларимга кириб имлаб чақиради.

Кейин менга юзланиб:

– Оқ қилинган эдим. Онам ташлаб кетган бўлса-да, опамнинг қўлида оппоқ бўлиб юрибман, – дея менинг қўлимдан маҳкам ушлади. Унинг гапларидан кейин отаси нималардир деб шивирлади. Шивирини ўзи эшитди, холос. Ортига бурилиб, елкаси ерга салом берганча отаси кетар, Муниранинг кўзларидан тирқираб ёш оқарди.

Ота ва боланинг бундай аянчли ҳолатидан юрагим эзилиб кетди. Мунирани бағримга босдим. У шу меҳрни кутиб тургандай овоз чиқариб йиғлаб юборди.

«Отам онамни ўлдирган. Мени оқ қилган эди. Мен отамга асранди қизман, онам ортидан эргашиб келган. Онам ўлими олдидан: «Болажоним, кет бу ерлардан. Отанг ёмон одам», дея титроқ қўллари билан юзимни силаб жон берганлигини ҳеч унутолмайман. Кейин отам бир тун хонамга кирди. Бу ёғини айтолмайман, айтолмайман. Мен қаршилиқ қилганимда: «Оқ қилдим, оқ қилдим», дея қишнинг қаҳратонида уйдан ҳайдаб солганди. Опажон, айланай сиздан. Менга ёруғ йўл кўрсатдингиз. Аммо кейинги пайтларда онам ёнига чақиради. Уйғониб кетаман. Тушим бўлиб чиқади, – деди. Бечора қиз

қисматини олдиндан сезган экан-да, ўзи айтганидай имлаб чақирган онаси ёнига кетди, – деди Жумагул кўзда ёш билан.

У қизларнинг овозидан ҳушёр тортди. Юзини рўмолчаси билан артиб, асл ҳолига қайтди. Менга маънос жилмайиб қаради.

Бежизга буюк одам бағрини денгизга ўхшатишмайди. Чунки унинг қаноти остида юзлаб, минглаб қисматлар паноҳ топади. Қаршимда ўша буюкларнинг тирик гувоҳи ўтирарди. Ҳа, улар қалбидаги меҳр ришталари, одамзодга ишонч кўприги бўлиб келган. Уларнинг борлиги ёмонлик тўфонига тўғондир. Бу мўъжизами, фавқулодда ҳодисами, Яратганнинг карамими, неки бўлса бўлсин, улар одамзод турмуш тарзини, ҳаётининг мазмунини, келажакнинг йўллариини ёритиб турувчи йўлчи юлдузлардир. Бундай одамлар ўзлари ёнади, ўзлари куяди, лекин ўзгаларнинг куйишига, ёнишига йўл қўймайдилар.

Орзулари кул бўлган, гуллаб эрта сўлган қанча-қанча қизлар мана шу аёл бағрида қайта куртак очган. Бундай оналар, аёллар ҳақида не-не шоиралар «сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл» дея шеърлар битишмади. Бу сатрлар парвозида Жумагулдай аёлларнинг нафаси, саси бордир. Унга «Сени топганимдан, сендай аёлни менга дуч қилган Яратган Эгамдан айланай», дея айтгим келди. Аммо айта олмадим. Қизлар саломи ила беҳушликдан ҳушимга қайтдим.

Қалдирғочлардай тизилишиб қизлар сўрига ўтиришди. Уларга нигоҳ ташлайман. Ҳаммаси бир-биридан кўркли. Улар бу кўркни ёнимда ўтирган Жумагулдан олгандай, ҳа олганлиги рост уларни. Мен қизларнинг кўпчилиги билан суҳбат қилмаганлигим, яқиндан таниш бўлмаганлигим учун дастурхон устида уларга янада яқинлашишга ҳаракат қилиб:

– Ҳали қизларимиз билан яқиндан танишиб ҳам олмадик, кўпчилигининг исмини ҳам билмайман, – дедим Жумагулга юзланиб. Шунда у:

– Сиз танишаман демадингиз, биз сукут сақладик. Қизларимизнинг ҳаммаси сиз билан сирдош бўлишга илҳақ бўлиб ўтирибди, – дея уларга юзланди.

Жумагулнинг ёнида Робия, унинг қўшниси Иқболой, ундан кейинги қиз нигоҳим тушиши билан бироз олдга силжигандай:

- Сожидаман, – деди жилмайиб.
- Мавлудаман...
- Муҳсина...
- Карима....
- Манзура.

Аккордеончи қизга навбат келганда:

– Кўрманамни бермасангиз, исмимни айтмайман, – деди бошини эгиб. Олдин қаддини фоз тутиб, кейин майин ҳаракатлар билан бошини эгишидан кулгим қистади. Қизнинг ҳаракатлари бошқаларда ҳам кулги уйғотди. Ёнидаги Карима:

– Келинимизнинг исми – Тожиниса. Кўна¹ аккордеончилардан, – дейиши билан Тожиниса:

– Нега кўна аккордеончи дейсан? Оҳори тўкилмаганиданман, – деди.

Уни гапидан кулги қуюқлашди. Қувонч, кулгининг ҳам хосияти борки, одамлар орасидаги беғоналик пардасини олиб ташлаб, бир-бирларига яқинлаштиради. Тожинисанинг ёнида ўтирган кўзлари мунчоқдай қиз нигоҳим тушганини кўриб:

– Донахол, – деди. Одамнинг исмида ҳам катта маъно бор. У кўп ҳолларда исм эгасининг хулқ-атворини, ўй-хаёлларини, чеҳрасини, айрим ҳолларда қисматини ҳам белгилаб беради. Донахолнинг чап юзидаги катта холига қараб исм қўйилганлиги сези-

¹ Кўна – (тожикча) эски.

либ турарди. Қизнинг ёнида кавказликларга келба-ти ўхшаш, қирра бурун, қошлари камондай, сариқ сочлари силлиқ қилиб таралган оппоқ юзли қиз:

– Мария, – деди жилмайиб. Мариядай қизлардан яхши актриса чиқади. Чунки бундай юзли қизларни кино камералари севиб қарши олади ва суюмли қилиб томошабинга кўрсатади. Кўзлари ёниб, менга тикилиб турган қиздан:

– Исмингизни ким қўйган? – деб сўрайман. Шунда у:

– Бобом, – дейди. Мариянинг жавобига қониқмаган Жумагул:

– Қизимизнинг юрти Бадахшон тоғи этаклари. Асли мен ҳам ўша томонларда туғилганман. У ердаги тоғлик халқнинг тили билан биз суҳбатлашаётган тил мутлақо бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг тилига биз, бизнинг тилимизга улар тушунишмайди. Бир замонлар бобом: «Бизнинг асл келиб чиқишимиз юнонлардан бошланади. Александр қай юртларни забт этган бўлса, ўша жойларда ўзининг аскарларини қолдирган. Натижада замонлар ўтиши билан ўтроқ халқ ва юнонлар бир-бирига яқинлашиб, битта халққа айланиб кетишган», деб гапириб қоларди. Кейин-кейин мен ва Марияни ерлик халқдан фарқли томонларимиз кўп эканлигини юрт кезганда, одамлар билан бўлган муносабатларда яққол сеза бошладим, – деди.

Қадим македонларнинг буюк саркардаси Александр Македонский бир замонлар бу юртларни ҳам босиб олганди. Аёл айтганидек, қаерни қўлга киритиб, ишғол қилган бўлса, ўша ерда бошқарувни қўлга олиш учун ўз одамларини қолдириб кетганлиги тўғрисида тарихий китобларда кўплаб маълумотлар учрайди. Бу қисмат, бу тарихнинг менга ҳам алоқаси бор. Мен ҳам ота томондан юнонларга бориб туташаман. Қайси бир йили Грецияда бў-

либ ўтган олимпиаданинг очилиш маросимидаги байрамда мезбонлар бизнинг қишлоғимиз одамлари киядиган миллий либосларда чиқишган эди. Ўшанда боболаримиз айтган гаплар эртас эмаслигига ишонч ҳосил қилгандим.

Бизнинг одамларимиз текисликларда яшайдиган кўшни қишлоқ одамларидан кескин фарқ қилади. Қишлоқдошларим уришқоқ, жангари бўлса, ёнимиздагилар мўмин, ҳалим одамлардир.

Менга Жумагулнинг руҳий яқинлигининг сабаби ҳам қондошлигимизда бўлса керак. Шу боис, уни биринчи кўришдаёқ юрагимга яқин одамлигини ҳис қилган эдим. Ана шу хаёллар билан Жумагулга тикиламан. Унинг нигоҳида хаёлларимга хайрихоҳлиги сезилиб турарди. Ушбу нигоҳлар тўқнашувида яна қайта бир-биримизни кашф қилгандай эдик.

Ошпазнинг тоғ ён бағрида баҳаво, супали жой борлигини айтганида ҳушёр тортдим. Шунда Жумагул менга юзланиб:

– Қизларимизнинг хорижий рақсларга ўйнашини, кўшиқлар айтишини укамиз айтган жойда томоша қилсак. Чунки бу юртларда қолиб кетган ота-боболаримизнинг макони тоғли ўлкалар бўлиб келган. Балки бизнинг ўйин-қулгиларимизни, кўшиқларимизни эшитиб, руҳлари шод бўлар, – деди дилимдаги гапни топгандай зийраклик билан.

Нонушта қилиб бўлганимиздан сўнг ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Жумагул қизларини тайёрлаш учун улар билан бирга кетди. Сўри ёнида ошпаз икковимиз қолдик. У менга қараб-қараб қўяди. Нажоткори эканлигим ёдимга тушиб:

– Худо хоҳласа, бахтинг очилай деб турибди, – дедим самимият билан. У менинг сўзларимдан руҳланиб:

– Айтганингиз келсин, ака. Қуллуқ сизга. Бир кўришда ҳушим учди, ака, ҳушим, – деди кўзлари ёниб.

Севги, муҳаббат деган касаллик жой, макон танламайди. Муҳаббат касаллик бўлмаганда, укамиз бундай ҳолга тушиб қолмасди.

– Худо деб тур, – дедим жилмайиб.

– Ҳа-ҳа, ака. Художонимдан айланай, – деди ихлос билан.

Кейин у қизларнинг асбоб-анжомларини кўтариш учун қолди. Мен йўлга тушдим. Тоққа чиқишда бошланган сўқмоқда уларни кутдим. Қизлар кўришниш берди. Олдимга тез-тез юриб келган Жумагул калта-калта нафас олиб:

– Қуттириб қўймадикми? – деб сўради.

– Йўқ, – дея билагидан ушлаб, юришига ёрдамлашдим.

Тоққа кўтарила бошладик. Ортда келаётган қизларнинг овози тошлардан тошларга урилиб акс садо берарди. Ҳамроҳимни эҳтиёт қилиш пайида қадамларимни текис босишга ҳаракат қилдим. Сўқмоқ йўлнинг равон жойига етганда бироз нафас ростладик. Қизларни ўтказиб юбордик. Улар ичида келаётган ошпазга кўзим тушди. Робиянинг жомадони қўлида, иккови ёнма-ён келарди. Шунда беихтиёр Жумагулга қарадим. Хайрихоҳдай эди... Унинг самимиятидан хурсанд бўлиб кетдим. Танимда ёввойи куч қўпчигандай:

– Кетдик, – дея йўл бошладим. У ҳам менинг чаққон ҳаракатларимдан куч олгандай бўлди. Тоғнинг ярим чорагини босиб ўтганимизда ажиб манзарага кўзим тушиб, ҳайратдан қотиб қолдим. Шундай тоғ бағрида кенг майдон барпо қилинган. Майдоннинг айланасига чорпоялар қўйилган. Ерга оппоқ мармар тош тўшалган. Тоғ биқинида эшик кўзга ташланади. Ундан нарида мармардан

зеб берилган ўчоқ. Ўчоқ қуйисидаги тошлар орасидан булоқ суви отилиб чиқмоқда.

Баъзида кўрган манзарангни ҳис қиласан, унинг гўзаллигидан завқланасан, аммо тасвирлаб беришга сўз тополмай, ўша гўзаллик олдида ожизлигингни сезасан.

Ҳаяжоним Жумагулга ҳам кўчган экан, у ҳам ҳайратланиб томоша қиларди.

– Шундай жойлар ҳам бор экан, нега биз билмай қолдик? – деди юзлари лов-лов ёниб.

– Укамиз бизларни кўнглимизни олишга ўтди. Орамизда Робияхон бўлмаганда бу манзарани томоша қилмасдан кетган бўлардик, – дедим Жумагулга юзланиб. Унинг сукутидан марҳум укаси ёдига келиб, бевақт сўз қилганлигимни сезиб қолдим. Шунда Жумагул:

– Мен Робияхоннинг бахтли бўлишини жуда-жуда истайман. У албатта турмушга чиқиб, бахтли, бахтиёр яшашга ҳақлидир. Мен уни жон-жигаримдай яхши кўраман, – деди.

Шу вақт оптимизда Робия ва ошпаз йигит кўринди. Жумагулнинг гапи оғзида қолди. Робия аёлнинг елкасидан қучиб:

– Опажоним, опажоним, – дея эркаланди. Ортада келаётган ошпазнинг овози эшитилди:

– Бизда ҳам кўп мусиқа асбоблари бор, – дея тоғ биқинидаги эшик томонга ишора қилди. Санъат аҳли ўзларининг жону жаҳонига айланган содиқ дўстларини кўришга чоғланди. Ортидан эргашдим. Ошпаз югургандай бориб эшикни очди. Электр чироғини ёқди. Хона ичи равшанлашди. Кенг хона тўрида устларига оқ пардалар ташланган чолғу асбоблари турарди. Аёллар пардаларни олишди. Оппоқ пианинога кўзлари тушиб, хурсандчиликдан чапак чалиб юборишди. Жумагул менга юзланиб:

– Қизларим сизга Европа куй-қўшиқларидан ҳам ижро қилиб беришни жуда истагандилар. Мана, Худонинг ўзи етказди. Пианино, ямаха, синтезатор, электр гитаралар ҳам бор экан. Келинлар, биргаликда уларни олиб чиқиб, сахна тайёрлаймиз, – деди иштиёқ билан.

Шунда ошпаз:

– Сиз акам билан сўрига чиқиб, дам олиб ўтиринг. Бу ёғини бизга қўйиб беринглар, – деди Робияга жилмайиб. Қиз унинг гапидан хурсанд бўлиб, йигитга қуш қараш қилди. Қизнинг нигоҳини таъқиб қилган Жумагулнинг кўнгли хотиржам тортиб ортига бурилди. Мен унга эргашдим.

Икковимиз кенг супанинг кунчиқар томонига ўтиб, қуйига назар ташладик. Манзара ҳақиқатан юракни ҳаприқтирарди.

Биз турган супадан бир неча юз қадамлар нардан бошланган тоғ худди боғнинг девори мисол ўнгга қайрилганди. Учбурчак шаклдаги тоғнинг қуёшга терс томони арча, бодомлар билан қопланган бўлиб, тоғнинг очиқ жойи кўринмасди. Тасаввуримда тоғ дарахтлардан барпо қилингандай эди.

Одамни ўзига оҳанрабодай чорлаётган тоққа чиққинг келади. Қуйида шовқин солиб, солланиб оқаётган анҳорга тикилиб, баҳри дилинг очилади. Бу манзара одамга руҳий қувват бағишларди. Сувнинг инжуларига тикилиб, жисмингда бир ўзгариш сезасан. Ўз хаёлларим билан бўлиб Жумагулни унутибман. Унинг овозидан ҳушёр тортаман:

– Қани энди, болалигимизга қайтсак-да, ана шу дарахтлар орасида югуриб елсак. Бу ажиб манзарадан хаёлимга бир ўй келгандай. Одам туғилар, улғаяр, кексаяр, аммо қалбимиз худди кўнгилсиз юрак тўшакка тобе бўлмаганидек, жисмимизнинг қулига айланмас экан. У қандай туғилса, улғаймасдан, кексаймасдан ҳамроҳимиз бўлиб қолаверар экан, – деди бир титроқ билан.

Аёлнинг гапидан ҳайратландим. Чунки у ичимдаги сиримни ошкор қилгандай бўлди. Мен бу сирни бир умр ошкор қилмасликка ҳаракат қилиб келардим. Аммо у лаҳзалар ичида менга тобе эмаслигини айтиб турарди. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деганларидек, ўз инон-ихтиёримдан ташқарида қаршимдаги дов-дарахтларга, анҳордаги мавжланиб оқаётган сувга қараб сўзлай бошладим:

– Мен овир касал эдим. Одамлардан касалимга шифо ахтардим. Аммо улар мендаги хасталикнинг залварли юкини кўтариша олмади. Нажот истаб, кўнгилга малҳам берувчи бир зот қидирдим. Топилмади. Топганларим тамагирлар бўлиб чиқди. Одамларни севишни, севилишни, бир-бирига керак эканлигини ҳис қилиб, бу руҳий тозаришга уларни қандай олиб бориш йўларини ахтардим. Аммо тополмадим. Кейин-кейин бу сарсон-саргардон кезишлардан маъно йўқлигини англадим. Ҳаммасига – орзуларга, ёруғ йўл истаб интилишларга қўл силтадим.

Севганим, суйганим ёлғиз Аллоҳим бўлиб қолди. Ҳар доим Яратган Роббимга таваккал қилдим. Кейин-кейин пешонага битилган қисматдан ўзга қисмат йўқлигига ишондим. Шундай кўриниб турган бахтнинг, шундай осилиб турган дунёнинг меники эмаслигини англаб етдим. Шу сабаб унга интилмадим, унга қўл чўзмадим. Юрган йўлим, кўрганларим ўзимники, ғойибдан ниманидир кутиш катта хатолик эканини ҳис қилдим. Мана бугун гўзал табиат оғушида тотли-тотли хаёлларга чўмилмоқдамиз. Аммо у эртага йўқ. Эртага бугунни, шу лаҳзаларни, шу хаёлларни қайтариб бўлмайди. Одам умри саҳродаги йўловчининг тентираб юришидай гап. Ҳар қадам ташлаганда ўйлари, хаёллари ўзгаради. Бизнинг бугунги хаёлларимиз ҳам ўша саҳрода ташланган қадам.

Энди ичимдаги сирларимни очишга чоғланганимда ошпазнинг овози юрагимга зарб билан урилди. Ҳаяжон, ҳиссиётдан титраган қалбим бе-хос музлагандай бутунимга қайтдим. Менга тикилиб турган Жумагулга айбдордай нигоҳ ташладим. У мени юпатмоққа интилагандай эди. Аммо унинг юпатишларига эҳтиёж сезмадим. Ошпазга ўғирилдим. Шодлигидан лабларида табассум, кўзларида нур порларди. Сирларим ўзимда қолганига хурсанд бўлдим.

– Ҳаммасини тайёр қилдик. Бир кўрмайсизларми? – деди янги пайдо бўлган саҳна томон ишора қилиб. Унинг ортидан эргашдик. Саҳнада чалиш мумкин бўлган ҳамма чолғу асбоблари жойлаштирилган эди. Шунда Жумагул қизларга қараб:

– Қани, ҳамма ўз чолғу асбобларини эгалласин, – деди буйруқона оҳангда. Бир зумда олти нафар қиз жой-жойини эгаллади. Робия пианинонинг қаршисидаги курсига бориб ўтирди. Оппоқ пианино унга жуда ярашиб тушганди. Иқболой электр гитарасини елкасига илди. Аккордеончи қиз яма-ханинг олдида турарди. Қолган қизлар ҳам ўзларига тегишли чолғу асбобларини эгаллашди. Шу вақт чолғу асбоблари турган хонадан олти нафар қиз чиқиб келди. Қизлар Майн Риднинг «Бошсиз чавандоз» романидаги чавандоз қиз Эйсадорага ўхшаб чарм либослар кийиб олишганди. Менга қизларни бундай либосда кўриш ҳайратли эди. Бундан лаҳзалар олдинги ғамгин хаёллар бир ён чекиниб, ўрнини шоду хуррамлик эгаллади. Кўтаринки кайфиятда Жумагулга қарадим. Унинг ҳолати ҳам меникидан кам эмасди.

Қизлар сўрининг ўртасида саф тортишди. Қадди-қоматлари келишган, сочларини ёйиб елкасига ташлаган, эгниларидаги чарм нимчалари ингичка белларига чирмашган, тор шимлари қоматларини

янада бўрттириб кўрсатган, оёқларидаги калта хиром қизғиш этиклари қуёш нурида ялтираб кўзни қамаштирарди.

Уларнинг аскарлардай кўкракларини кериб туриши ажиб ўйиннинг бошланишидан дарак берарди. Чолғучи қизларнинг қаршисида турган Жумагул уларга қараб кўлини кўтарди. Қизлар сергакланди. Аёл зарб билан кўлини қуйига туширди. Пианинонинг бир неча клавишлари бир вақтда босилганлиги учун кучли овоз тўлқини ҳавони кесиб ўтди. Шу вақт саф тортган қизлар ярим эгилди. Пианино овози ўрнини зарбли чолғунинг гумбурлаган садоси эгаллади. Қизлар қоматларини тиклашди. Мусиқа тинди. Раққосалар оппоқ мрамар устида этикларининг пошналари жарангида куйни такрорлашди. Этик учи ва пошналарига қоқилган тақалар мрамарга урилиб ажиб куй ҳосил қилди. «Степ» деб номланувчи бу оёқ ўйинини хорижий давлат театри сахнасида кўриб қойил қолган эдим. Ўша ҳайратга солган ўйин ва куйни ўзимизнинг қизлар қаршимда намойиш қилаётганлигидан оғзим очилиб қолди. Оёқ ўйинида ҳаракатланаётган қизлар гир айланганда, сочлари ҳаракат тезлигидан ҳосил бўлган шамолда қанот чиқариб, кўкка парвоз қилаётгандай бўлди. Улар шунчалар тез айланганидан юзларини илғаб олиш қийин эди. Ана шу тезликка мос куйдан қувват олган пошналар мрамар тошлардан учқун сачратарди.

Раққосалар кўлларини ёзиб айлана бошлашди. Оралари яқин бўлганлиги учун кўллари бир-бирига тегиб кетишидан хавотирландим. Аммо улар айланиш ҳаракати машқини шунчалар мукаммал эгаллаб олган эдики, кўллари уришиши мумкин бўлган оний лаҳзаларда жойни иккинчи кўлга бўшатиб беришарди.

Раққосалар худди муз қотгандай жойларида тўхташди. Қўллари ҳавода муаллақ қолди. Шу вақт пианинонинг овози эшитилди. Шиддаткор овоз қанотида ақли ҳушимни олиб учди. Сочлари тўзғиб, клавишларда бармоқлари ўйнаётган Робияга тикилиб, ҳайратим ичимга сирмасди. Қизнинг кўзларини юмиб клавишларни босишида уни ўз жисмидан ситилиб чиққандай ҳолатни кўрдим. Одам транс ҳолатда ана шундай жазавага тушади. Робия ўшандай ҳолатда куй чаларди. Йўқ-йўқ, у куй чалмасди. Унинг қалби, жисми, вужуди куйга айланганди.

Робия икки қўлини ҳавога кўтарди. Аммо ҳали куй овози пианинодан узилиб улгурмаган эди. Шу вақт ёнидаги қизлар ўз чолғу асбобларида куйни давом эттиришди. Созандалар куй якунига бурганда, ҳаводаги Робия қўллари бараварига клавишларга тушиб, овоз портлагандай бўлди. Қиз бармоқлари лаҳзалар ичида клавишларни бир-бир босганда менга нотаниш, аммо жуда таниш овоз ҳавога учди. Шунда қиз ҳолсизланиб пешонасини клавишларга босди.

Қўллари ҳавода муаллақ қолган қизлар ҳаракатидан ҳушёр тортдим. Улар худди ерга жон ато қилаётгандай титратиб, пошнalarини ҳаракатга келтирди. Оппоқ мрамардан чарсиллаган олов сачради. Шунда раққосалар мувозанатсиз қолгандай бўлдилар. Улар ҳозир йиқилиб тушади деган хавотирда юрагимни чангалладим. Аммо қизлар ҳаракатининг тезлиги йиқилиш ҳолларини доғда қолдириб кетаверди. Ҳушимга келдим.

Беихтиёр қаршимдаги ошпазга кўзим тушди. Унинг нигоҳи пианино клавишларига эҳтиёткорлик билан бармоқларини теккизиб турган Робияда эди. Қиз ҳамон жазава ҳолатидан чиқиб кетолмай, кўзларини юмиб, раққосаларнинг ўйинига мос ҳолда тебранарди.

«Степ»чи қизлар авжига чиқди. Олдин улар ҳавода парвоз қилаётган турналар қатор ёй шаклига кирди. Қўллар тиф мисол ҳавони кесиб ўта бошлади. Оёқларининг учлари билан мармарни олти мартаба тепиб, пошналарига навбатни берди. Ана шу маромда ўйнаб, бир жойга йиғилишди. Биринчи қаторда турган қиз пошнасидан: «тақ, тақ, тақ, тата тақ, тата тақ, тата тақ» деган овоз эшитилди. Кейин ҳамма раққосалар шу куйни биргаликда такрорлашди. Овоз кучайди. Шиддатли тус олди. Тақ-тақ-тақ, тата-тақ, тата-тақ, тата-тақ. Қизларнинг ҳолатини кузатаман. Уларнинг бутун жисми титрарди. Сочлари силкинарди. Кўзлари олов сачратарди. Овоз тинди. Пианино нола қилиб сўнди. Раққосалар ўйин бошланишидаги ҳолатга қайтиб, кўкракларини роз тутиб тек қотдилар. Кейин мулойим табассум билан бошларини эгишди. Завқланганимдан қарсак чалиб юбордим. Атрофимдагилар ҳам менга қўшилишди. Ўйин менга қаттиқ таъсир қилганлигини сезган Жумагул самимий жилмайди.

– Қойил қизларга! Ҳаётимда илк бор «степ»чи қизлар билан юзма-юз турибман. Раҳмат сизларга, – дедим қизларнинг қўлини бир-бир сиқиб. Кейин Робия, Иқболой ва Барноларни табриклайдим. – Қизларингиз ҳамма мусиқа асбобларини чала оладилар, шекилли, – дедим ҳаяжон билан Жумагулга. У қизларидан қониқиш ҳисси ҳосил қилганлигидан кўзлари ёниб:

– Улар ҳам чалишади, ҳам ўйнашади. Мана бу чолғу асбобларидан ташқари бошқаларини ҳам қойилмақом қилиб уддалашади, – деди. Шунда:

– «Степ»ни қаерда ижро этасизлар? Бу жуда ноёб санъат тури-ку, деган саволимга:

– Биз катта-катта тўйхоналарда ҳам хизмат қиламиз. У ерда бу ўйиннинг ҳам ўз мухлислари бор.

Қолаверса, бугунги кунда бундай ўйинлар ҳам русум бўлиб қолди, – деди.

Бир ҳовлида айланиб-ўргилиб чалган куй, ай-тилган қўшиқ санъат даражасига кўтарила олмайди. Ҳар бир халқ ўзга халқлардан ижоддами, санъатдами нималарнидир олади. Аввалига ғайритабиийдек туюлиши мумкин. Кейин-кейин кўрган кўз, эшитган қулоқ унинг табиийлигига ва ўз халқининг мулки эканлигига ишона бошлайди. Оқибат ўзиники қилиб олади.

Ҳозир қизларнинг шарқона усулда «степ»ни ижро этишини кўрган ўзга миллат вакиллари, бу шарқона ўйин деб тан олмасдан иложлари йўқ. Асл санъаткорлар бир қобикда ўралашиб қолмаганлар. Улар ўзга миллат санъатини ҳам ўз миллати санъатига қориштириб юборганлиги учун буюк ижодкор, санъаткор бўлиб дунёга танилганлар.

Раққоса қизларга нигоҳ ташлайман. Шунча катта тезликда ўйнаган бўлсалар-да, пешоналари ялтирамасди. Бу соғломликдан далолат эди. Мен ҳофизнинг ўйинчи, ўйинчининг ҳофизлигини ва уларнинг ҳамма чолғу асбобларини бирдай чала олиш қобилиятига эғалигини илк бор кўриб турардим.

Раққосалар хонага кириб кетишди. Жумагул ёнимга келди.

– Ҳозир қизларимиз кавказ халқ ўйинларидан ижро этишади. Зерикиб қолмайсизми? – деди мулойимгина кулиб.

– Нега зерикар эканман. Мана икки кундан бери жаннатга тушиб қолгандай юрибман. Жаннат бўлса шундай бўлар-да. У томонларда кўрмоқ бор, дейдилар. Мен ҳозир ҳам кўришим, ҳам суҳбатлашим, ишончсизлик пайдо бўлса, ушлаб кўришим мумкин, – дея Жумагулнинг елкасига бармоқларимни теккиздим. Аёл титрагандай бўлди. Унинг хурсандлигидан руҳланиб:

– У томонларда поклар, покизалар бир жаннат ичида ором олса, мен икки жаннатни оралаб юрибман, – дедим. Жумагул гапларимдан хандон отиб кулди. У кулганда янада очилиб, кўзлари ёниб, чехрасида ой балқиди. Аёлнинг камондай тим қора қошларига, жон олувчи кўзларига тикилиб сархушландим. Аёл хаёлимдан ўтган ҳисни сездим. Кўзларини олиб қочиб:

– Қизларимиз ҳозир чиқишади, – дея мендан узоқлашди.

Куй чалинди. Енгил куй. Куйнинг маъносидан баҳри дилим очилди. Хонада қизлар кўриниш берди. Қоп-қора дурралар пешоналарига танғилган, қора кўйлаклари ер ўпиб, худди сув устида сузиб келаётгандай эдилар гўё. Бундан лаҳзалар олдин одамнинг юрагини жунбишга келтирган қизлар энди юракни эркалаб аллалаётган париларга айланганди. Ҳар бир халқнинг ўз удумлари, ўз урф-одатлари, ўзига хос санъати бор-да. Кавказликлар ҳам алоҳида бир халқ, алоҳида характер, алоҳида шахсдирлар. Лабларига анор суви юритилгандай кавказ қизларини учратганда беихтиёр қайта-қайта қарагингиз келаверади.

Раққоса қизлар ҳам ўша юрт қизларидай гўзал чехралар эди. Ўнг қўлини ёнга, чап қўлини кўкрагига қўйиб гир айланаётган қизларни маҳлиё бўлиб томоша қилардим. Шунда мусиқа шиддатлашди. Хона ичидан белига камар, елкасига қора чакмон, бошига чўгурма кийган тоғлик йигит югуриб чиқди. Уни кўрган раққосалар доира шаклини ҳосил қилди. Йигит бир тиззалаб, бир сакраб, оёқ ҳаракатлари илғаб-илғамай қолиш даражасида ҳаракатланди. Раққосалар унинг атрофида айланишда давом этди.

Олдин раққосни танимадим. Кейин таниб қолиб, қувончим ичимга сиғмай қарсак чалиб юбор-

дим. Қарсагимдан раққоснинг кўзи менга тушди. Жилмайиб қўйди. Мени эркакча овози, аёлларга хос нози билан мафтун этган Иқболой ўйини билан янада ҳайратга солиб қўйганди.

Раққос жойида тек қотди. Унинг атрофида айланаётган раққосалар қадамларини тезлатди. Жойида тек қотган раққос ёнига келган қизларнинг ҳар бири унга виқор билан нигоҳ ташлаб ўта бошлади. Уларнинг нигоҳидаги менсимасликни кўрган раққос белидаги ханжарини суғуриб олиб ҳавода ўйнатди. Мусиқа шодонлигидан мотамсаро оҳангга кўчди. Ёигитнинг қўлидаги ханжарни кўрган қизлар қўрқувдан юзларини яшириб, унинг олдидан таъзим қилиб ўта бошладилар. Гир айланаётган паривашларни ўзига бўйсундирган ёигит ҳавода ханжарини силкитиб рақсга туша бошлади. Атрофини ўраган парилар бошларини эгиб, унга таъзим қилишди. Ёигит уларнинг ҳар бири олдига борганда кўзидан учкун сачратиб, қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. Унинг қўрқинчли кулгисидан чўчиган қизларнинг боши янада эгилиб, бирортаси тик қарай олмади.

Бехос мусиқа тинди. Ҳавода ханжари қуёш нурида ялт-ялт қилаётган ёигит олазарак ҳар томонга қаради. Югурди, елди. Сукутдан ўзга ҳеч овозни эшитмади. Шунда бехос кўксига ханжар уриб йиқилди. У йиқилиши билан шўх-шодон мусиқа овози эшитилди. Муз қотган парилар уларни зўрлик билан бошини эгдирган ёигитни ҳавода кўтаришиб, чолғу асбоблари турган хонага олиб кириб кетдилар ва зудлик билан ортларига қайтишиб, юзларида қувонч порлаб рақсга тушдилар.

Мусиқа овози сусайди. Улар бир қаторга тизилишиб қаршимиздаги булоқдан отилиб чиқаётган сув томон юрди. Булоқ сувидан қўлларини, юзларини ювишди. Кейин қуёш томон ўгирилишиб, ундан нажот исташгандай қўлларини чўзишди.

Куй тинди. Қизларнинг қўллари ҳавода муаллақ қолди.

Ҳайрат билан уларга тикиламан. Улар сахнада ўйнашмади. Улар сахнада санъат асари, спектакл намоёиш қилишди. Тўй-маъракаларда ул пиёни, бул пиёни олдига бориб, эзилиб, чўзилиб кетган кўксини кўз-кўз қилган, қорни, орқаси тарвақайлаб, ҳар мақомда ҳил-ҳил деб бориб келаётган раққосаларни кўрган эдим. Аммо куйни, қўшиқни, рақсни санъат даражасига кўтарганлари билан юзма-юз келмагандим.

Ҳатто юртнинг катта сахналарида, телевизорларда ҳам қаршимдаги куёшдан нажот кутиб, қўллари муаллақ қолган раққосаларни учратмаганман.

Театрларда шароитдан чиқиб мослашиш тушунчаси бор. Қаршимдаги қизларнинг ўйнаётган жойларида бундай шарқираб оқаётган булоқ суви бўлмаса керак. Аммо улар асарларини янада гўзал, янада табиий чиқиши учун булоқ сувидан ҳам устомонлик билан фойдалана олдилар.

Сув – поклик рамзи. Ана шу сувда чайилган юз билан Яратгандан нажот иташ ўта таъсирчан, гўзал эди.

* * *

Тўй хабарчиси келди. Жумагулга юзланиб:

– Опажон, сизни изламаган жойим қолмади. Икки кундан бери қидираман. Бугун кечқурун ўғил тўйимиз бор. Бир иложини қилиб ўтказиб бермасангиз, элнинг орасида шарманда бўламан. Йўқ, деманг. Фақат йўқ деманг, опажон, – дея ёлвора бошлади. Унинг гапларидан хижолат бўлган Жумагул менга қаради. Не-не орзулар билан тўй бошлаган одамнинг сазаси ўлмасин дея:

– Кечқурун экан. Бориб келсангизлар бўлади, – дедим уни хижолатпазликдан қутқариш ниятида.

Шунда Жумагул тўй эгасига юзланиб:

– Майли, бораверинг. Биз айтилган вақтда тўйхонада бўламиз, – деб унга жавоб берди. Кейин у менга юзланиб: – Одамлар қизларимга ўрганиб қолишган. Марказдан таниқди хонанда чақиргандан кўра, бизни хуш кўришади. Сабаби, тўй эгаси билан фалон сўм берасан, деб тортишмаймиз. Берганига рози бўлиб кетаверамиз.

– Сиз ҳам борсангиз-чи. Ҳам қишлоқ тўйини кўрасиз, ҳам қизларимни тўйдаги қўшиқларини, ўйинларини томоша қиласиз, – деди.

Мен рози бўлдим. Жумагул қизларининг ёнига кетди. Суҳбатлашиш навбати Иқболойга келганди. У узоқдан:

– Ёзувчи ака, куттириб қўймадимми? – дея овоз берди. Мен унинг эркакча овозидан кулиб қўйдим. Сўрига чиқа-чиқа:

– Зериктириб қўймадикми? – деди самимий жилмайиб.

– Йўқ-йўқ, – дедим унинг гапларидан руҳим кўтарилиб.

– Бугун опам, сиз, мен, Робия ва икки раққоса билан тўйга борар эканмиз. Тўйдаги ҳунаримизни бир кўрсангиз, ёмон бўлмайди, ака, – дея ёш болалардай тишлари орасидан чирт этиб туфлади. Кейин қилган ножўя ишини сезиб қолгандай, билагини лабига теккизиб:

– И-и-и, узр ака. Қиз болалигим ёдимдан кўтарилибди, – дея беғубор кулди ва менга жиддий нигоҳ ташлаб:

– Ака, тўғриси айтинг. Биз ҳақимизда китоб ёзишингиз аниқми? – деб дабдурустдан савол бериб қолди. Мен туйқус саволдан биров бесаранжом бўлдим. Кейин ўзимни қўлга олиб:

– Ҳа, бўлмаса шунча йўлдан келиб юрармидим, – дейишим билан:

– Мен ва бошқа қизлар ҳам сизнинг китобларингизни ўқиганмиз. Сиз ёзган китоблар жуда салобатли. Бизнинг ҳаётимиздан ҳам ўшандай салобатли китоб ёзиш мумкинми? Шуниси мени ўйлантиряпти-да, – дея менга савол назари билан тикилди.

– Синглим, мен шундай китоб ёзайки, бу китобни минглаб, миллионлаб одамлар ҳавас билан, завқ билан, қайғу билан ўқишиб, сизларни жон дилидан яхши кўриб қолишсин. Сизлар билан учрашиш, рақсларингни томоша қилиш, қўшиқларингни эшитишга орзуманд бўлишсин. Шунинг учун кўнгилини хотиржам қилиб, ҳикоядан сўзланг, – дедим кўтаринки кайфиятда. Қизга гапим маъқул келиб:

– Ҳикоям қайғули бўлсинми ёки... – дейиши билан:

– Кўнгилини кўтарадиганидан айтинг, – дедим.

Шунда у жойига омонат ўтиргандай қўзғалиб қўйди.

– Менинг ўртоқларим ўғил болалар эди. Улар билан ўйнардим. Уларга жўрабоши эдим. Ҳаммаси айтганимни қилишарди.

Бир куни синфдошларимдан Валибой билан Жўрақул ёнимга келишди. Ҳаяжонланганларидан кўзлари қизарган. Ҳаракатлари безовта. Нима гап, дегандай уларга қараб турибман. Бир-бирига имлашади. Аммо мақсаддан дарак йўқ. Шунда ҳам жаҳлим чиқиб, ҳам шубҳаланиб:

– Яна бир касофат ишни бошладингларми? – дедим.

– Йўқ-йўқ. Яхши ишни бошлаганмиз. Фақат сенинг озгина ёрдаминг керак бўлиб турибди. Ҳақингни ҳам берамиз, – дейишди шошиб.

– Сенлар яхши иш қилдиларингми? Ишонмайман. Бир балони бошлаган бўлсаларинг керак, – дедим уларга синчков тикилиб.

Жўрақулдан Валиси бироз тетикроқ эди, мақсадга кўчди:

– Тоғдан жун олиб келгандик. Ҳали сотганимиз йўқ. Шунга сенинг ёрдаминг керак бўлиб турибди.

– Мени жунга қандай алоқам бор? Олиб келган бўлсаларинг сотаверинглар, – дедим ҳафсалам пир бўлиб.

– Йўқ-йўқ, сен тушунмадинг. Биз жунни қарзга олиб келганмиз. Қарз эвазига эгасига хотин топиб бермоқчи бўлгандик, – деди Жўрақул. Уни гапидан баттар жаҳлим чиқиб:

– Хотин топсаларинг топаверинглар. Нима, мени хотин қилиб бермоқчимисанлар? – дея ортимга бурилдим. Ортимга бурилишим билан иккалови йўлимни тўсиб:

– Шундайроқ гап. Сен артистсан-ку. Бир-икки кунга ўша одамни алдаб тур. Биз жунни сотамиз-у, эллик фоизини сенга берамиз, – дейишди ялингандай оҳангда.

Иқболой бир лаҳза жим қолди. Кейин:

– Ака, мен камбағал оилада улғайдим. Уйда бир кун гўшт бўлса, қолган кунлари шарманда шўрвани ичиб кун кечирардик. Шу боис кўзим оч, пулга ўч эдим. Уларнинг таклифини ҳақорат деб ўйламадим. Ундай ўй ҳаёлимга ҳам келмади. Оғайниларимга синчков тикилиб:

– Эллик фоизларинг неча пул бўлади? – деб сўрадим. Улар менинг розилигимни ҳис қилишиб:

– Уч минг, – дейишди бирваракайига. Уч минг сўзини эшитиб шубҳаландим. Чунки бунча пулга мен-ку мен, синфимизнинг энг олди қизлари ҳам рози бўлишарди-да. Шунда уларга:

– Мен жунларингни олдин бориб кўраман. Кейин фикримни айтаман, – дедим жун эгасининг кимлигини ҳам сўраб-суриштириб ўтирмай. Улар менинг гапимдан хурсанд бўлиб кетиб, чапак чалиб юборишди.

– Сен ҳақиқий жўрабошимизсан! Жун сендан айлансин! – дея мени етаклаб кетдилар. Жўрақулнинг молхонасига бордик. Молхона ичида улар айтган жун гарам бўлиб ётарди. Жунга ишонч ҳосил қилиб, жўраларимдан нима қилишимни сўрадим.

Воқеа бундай бўлган экан.

Улар иккови тоққа қўй жунини йиғишга боришади. Ўша ерда бир бобой билан жуннинг нархида талашиб-тортишиб турган паллада, чол бехос хотини йўқлигини, хотин олиш илинжида юрганлигини, аммо топа олмаётганлигидан нолиб қолади.

Мумсик бўлса-да, Вали оғайним анча шумгина бола. Чолнинг нозик жойини илғаганлигидан хурсанд бўлиб, жун савдоси бир ён қолиб, чолга қишлоғидаги аёллар ҳақида оғзи кўпириб ҳикоя қила бошлайди. Унинг ҳикоясидан маст бўлган чолнинг ҳам жундан келадиган даромади ёдидан кўтарилиб:

– Болам, агар битта хотин топиб берсанг, мана шу жунларимни сенга қалин пули ҳисобида бериб юборардим, – дейди. Бу гапни эшитган Валида жон қоладими? Содда чолнинг қалин пули ҳисобидаги жунини олдиндан беришга кўндириб, келгуси ҳафтага келин билан бирга келишини айтиб, «қалин»ни олиб жўнайдилар. Уйларига келишгандан сўнг иккови у аёлни чамалайди, бу аёлни чамалайди, ахийри мени олиб бориш тўхтамига келишади.

Ака, очлик, яланғочлик одамни нималарга бошламайди, дейсиз. Мен уйда отамгамас, онамга, ука, сингилларимга раҳмим келарди. Қачон уларнинг қорни тўқ, усти бут бўлишини ўйлаб, ўйимнинг адоғига етолмасдим. Бутун ўша орзуим ушладиган кун келганлигини ҳис қилиб турардим. Шу боис оғайниларимга:

– Олдин жунни сотасизлар. Менинг ҳақимни берасизлар. Кейин гўримдарага бўлса ҳам кетавераман, – дедим. Улар ундай ўйлади, бундай ўйлади.

Келинни шу ҳафта олиб боришлари кераклигини айтишди. Унгача жунни сотиб улгуролмасликларини сўзлашди.

– Олдин менинг ҳақимни беринглар. Кейин ўзларингникини сотаверасизлар, – деб туриб олдим. Шунда иккови эртанги бозорда менинг ҳақимни сотишларини Худодан нола қилиб сўрадилар. Художоним уларнинг ноаларини эшитган шекилли, саҳармардондан бир тўрва пулни олдимга ташлашди. Тўрвани очиб кўрган онамнинг бошидан ҳуши учиб:

– Буни қаердан олдиларинг? – дея оғайниларимга юзланди. Шунда улар:

– Биз бизнес бошлагандик. Булар Иқболойнинг тегиши, – дейишди. Бир тўрва пулни кўрган онам каловланиб, жойига ўтириб қолди. Чунки бундай пул ғарамини бечорагина онам дунёга келганидан бери кўрмаган эди-да. Мен ҳам онамнинг аҳволида эдим.

Улар савол аломати билан менга қарашди. Ваъдамнинг устидан чиқиш ниятида бош эгиб ўрнимдан турдим. Онам, шўрликкина онам бир менга, бир тўрвага мўлтираб қараб, бир сўз айтишга ҳоллари келмай турарди. Шунда мен:

– Сиз буларни олиб қўйинг. Керагини ишлатиб туринг. Мен булар билан яна бизнесимизни давом эттириш учун бир жойга бориб келишим керак, – дея остона ҳатладим.

Тўрвадаги пулларга неча вақтлардан бери орзуманд бўлиб, бугун унинг борлигидан хурсанд бўлиш ўрнига, остона ҳатлаб кўчага чиқаётганимда ичимдан нимадир чирт этиб узилгандай бўлди. Бошим ҳам бўлиб, болалар билан биргаликда кетдим.

Валининг «Запорожец» машинасида дала-даштардан ўтиб, тоғ йўлларида юқорига кўтарилиб узоқ юрдик. Машинада кетяпману, майсалар-

га бурканган кенгликлар, тоғу тошлардаги лоллақизғалдоқлар чиройи ҳам кўнгил чирогини ёқолмас, кўз олдимдан беллари майишибгина ўтириб, менга мунғайиб қараб турган онажонимнинг сиймоси кетмасди. Йўл-йўлакай бир хаёл «ортга қайтда, буларнинг тўрвасини қўлига тутқаз» деса, бир ўй «кейин биз нима қиламиз» деган саволни қаршимга кўндаланг қиларди. Шу боис ўзим билан ўзим қовурилиб кетиб борардим.

Ёнимдаги оғайниларимнинг қувончлари эса лаб-лунжларида осилиб турарди.

Шундай қилиб, тоғ дарасига етиб келдик. Йўлнинг икки четида улкан тоғ, қуйида дарё солланиб оқмоқда. Йўлдан юқорига туташиб кетган бодомлар атрофга ўзгача гўзаллик бағишлаган. Қуйида дарёнинг шовуллаган овози қулоққа чалинади. Машина рулини бошқараётган Вали сўқмоқ йўлдан эҳтиёткорлик билан тушиш истагида тезликни сусайтирган.

Агар кўнгил хуфтон бўлса, табиат гўзаллигидан ҳам завқлана олмас экансан. Ичимга чироқ ёқиб ёритиб бўлмас ҳолатдалигим учун дарадаги гўзаллик ҳам зимистонга айланган эди. Ҳамма илинжларим, орзуларим ана шу зимистон дара ичида бир умрга қолиб кетишини ҳис қилиб, кўзларимни юмдим.

– Келдик, тушамиз, – деган овоздан ҳушимга келдим. Қаршимизда икки қаватли улкан бино салобат тўкиб турарди. Машинадан тушдим. Чор атрофга назар ташладим. Бино атрофи қуюқ, қалин дарахтлар билан ўралган эди. Мендан олдин машинадан тушган Вали зипиллаб йўл бошлади. Унинг шарпасини эшитган ҳовлидаги ит безовта овоз берди.

Ичкаридан кимнингдир:

– Ҳозир, ҳозир, – деган ўктам овози эшитилди. Дарвоза эшиги очилиб, узун суруқдай қотма бир

чол кўринди. Вали чол билан эгилиб кўришди ва мезбонга нималарнидир шивирлади. Ҳойнаҳой, мен ҳақимда хабар етказган бўлса керак, чол шошиб мен томон ўтирилди. Нигоҳларимиз тўқнашди ва у ёнидаги Валини ҳам ёдидан чиқаргандай жегдаси шамолда ҳилпираб, мен томонга юзланди. Ўн қадамлар қолганда:

– Қани-қани, меҳмонлар. Хуш келибсизлар, – дея икки қўлини кўришиш учун чўзиб кела бошлади. Кўришдик. Чайир, ёшига ярашмаган бақувват қўллар зарбидан бармоқларим қисирлади. Жоним оғриди. Аммо чол буни сезмади.

– Ҳай, айланай сизлардан. Қани-қани, ичкарига марҳамат, – дея чол чор-ночор қўлларимни бўшатиб йўл бошлади. Ортидан эргашдик. Эшикдан бош суқишим билан ажиб бир гўзалликка пешонам урилди. Кенг ҳовли. Ҳовли ўртасидаги катта ариқ суви овоз бериб шовиллайди. Турфа хил дарахтларнинг шоҳига осилган қафаслардаги беданаларнинг овози қулоққа чалинади. Бедананинг «витвилдиқ, витвилдиқ» деган овозини эшитган Вали иршайиб менга қаради ва «кўряпсанми» дегандай қафаслар осилган дарахтлар томонга ишора қилди. Уни иршайиб имо қилишидан беихтиёр кулгим қистаб жилмайдим. Вали мендаги ҳолатни ўзи учун яхши томонга ўзгарганлигини сезиб, енгил ҳаракатлар билан мезбонга етиб олди.

Ўзида йўқ хурсанд чол:

– Тўрга чиқинглар. Бемалол жойлашиб ўтиринглар, – дея Валига юзланиб: – Болам, сен мен билан юр, – деб ортига бурилди. Ботинкасининг боғичини ечаётган Жўрақулга жиддий қарайман. У ҳам бир оғир ишни уддалагандай кўкрагини кўтарди. Менга нигоҳи тушди. Мендаги жиддийликдан яна бир айб иш қилиб қўйгандай ерга қараб, жойида терс қотди. Уни хижолатликдан чиқариш мақсадида:

– Тўрга чиқ, қуда, – дея елкасидан туртдим. У менинг гапимдан жон олгандай:

– Ўл-э, ўзинг кўндинг-ку. Бўлмаса... – гапи оғзида қолди. Чол кўринди. Жўр ақул тўрга чиқиб, ерга михланиб ўтириб олди. Чол дастурхон олиб келди. Кекса кишини хизматга қўйишдан тортиниб:

– Амаки, менга беринг, – дея дастурхонни олмақчи бўлдим.

– Йўқ-йўқ, сен ўтир. Ҳали қариб қолганим йўқ, – дея менга қуш қараш қилди. Унинг нигоҳидан ичимдан нимадир зил кетди. Яна хомуш тортиб, чорпоянинг бир четига бориб ўтирдим.

Вали кўринди. Чойнак, пиёлалар қўлида. Иши ўнгидан келаётганидан менга жилмайиб қаради. Қовоғимнинг тушишидан безовталаниб, шеригига ўгирилди. Ундан садо чиқмади. Бизнинг ички ҳолатимиздан беҳабар чол дастурхондаги катта нонни олиб ушатмоққа тутинди.

Валининг терсайиб қолганлигидан ўнғайсизланган Жўрақул уни қўлидаги чойнак, пиёлаларни олиб, чойни қайтара бошлади. Чол менга юзланди. Жилмайди.

– Қани, нондан олинглар, – дея атрофидагиларга нигоҳи оғди. Бир бурда нон олиб, ихтиёримдан ташқарида чайнай бошладим. Шерикларим ҳам ўзларидан ташқарида эди.

– Келганларинг яхши бўлди-да. Ўзим ҳам зерикиб ўтиргандим, – деди бизга бир-бир қараб. – Ўғлим, сен менга ёрдамлашасан. Келиб кетганингдан сўнг отардан бир ширбозни олиб келиб, боқиб ўтиргандим. Шуни ағдарамиз, – деди Валига қараб.

– Майли, – дея у ер остидан менга тикилди...

Иқболой жойидан қўзғалди. Менга маъносиз нигоҳ ташлади. Кейин худди ўзига ўзи гапиргандай шилдираб оқаётган ариқ сувига тикилиб:

– Одамлар айтаверади-да. Аслида инсоннинг ҳамма хатти-ҳаракати емишига боғлиқ. Емиш бор жойда ҳурмат, иззат, эътибор, севги, муҳаббат бўлади. У йўқ жойда ҳаммаси ўлади. Одам одамгарчиликдан чиқиб, очкўз, ваҳший бир махлуққа айланади, – деди кўзларида олов ёлқинлаб. Кейин:

– Ўшанда ҳил-ҳил пишган қўзичоқ гўштини кўз олдимга келтириб, оғзимдан сўлагим оқиб, чолни-ям, жўраларни ҳам унутиб, «мен ҳам ёрдамлашман», дея ўрнимдан туриб кетдим. Менинг беҳос жонланиб қолганимдан хурсанд бўлган шерикларим гапимни маъқуллашди. Чол майингина нигоҳ билан:

– Сиз дам олиб ўтиринг, биз эркаклар амаллаемиз, – дея мени шаштимдан қайтариб жилмайди.

Уни беозор, аммо ҳукмига бўйсундирувчи нигоҳидан сушт кетиб жойимга ўтириб қолдим. Улар кетишди. Дарахт шохларидаги қушлар овозини тинглаб, чойдан ҳўплаб ўтирдим.

Мана шу боғдай жаннатий жой эди. Сўридан бироз қуйида тўлқинлари қирғоқларига урилиб, солланиб тиниқ сув оқади. Бир замонлар туш кўриб уйғонганда тушимизни шошиб онамга айтмоқ истаганимизда:

– Сойдаги сувга айтинглар, – дея олдидан қувиб соларди. Онам айтгандай, сувга тушларимизни айтиб ортга қайтардик. Ўша кунлар ёдимга тушиб, ўрнимдан турдим-да, сой томон йўл олдим. Сув жуда тиниқ бўлганлиги учун тагидаги қайроқ тошларигача кўриниб турарди. Сувга қўлимни ботирдим. Этни жунжиктирар даражада муздай эди. Сув ҳақиқатан поклик-да. Унга тикилиб ўтган, бутунги кунимни унутгандай эдим. Хаёлларим аллақайларга олиб кетар, ўша хаёллар олиб кетаётган томонларни ўзим ҳам билмасдим. Аммо негадир бу жойлар менга аллазамонлардан бери та-

ниш, қадрдонлигини ҳис қилиб турардим. Ана шу ботиний ҳисдан қувват олгандай кўнглим хотиржам тортиб ўрнимдан турдим. Солланиб оқиб келаётган сувга қарши қирғоқ бўйлаб юриб кетдим.

Кўнглимдаги хотиржамлик табиатнинг гўзал манзарасини кашф қилди. Дарахт шохларини қучоқлаб, гуллар ифорида сармаст бўлиб юриб борардим. Кўнглида ҳеч ўй, хаёл йўқ, кўнглида хотиржамлик бор эди. Қанча юрдим, билмадим, ортимдан эшитилган овоздан ҳушимга келдим. Валибой халлослаб югуриб ёнимга келди-да:

– Бунча узоққа кетиб қолдинг. Сўрининг атрофида айланиб юрсанг ҳам бўларди-ку. Қўрқиб кетдим, – деди кўзлари олайиб. Мен унинг кўзларига тикилиб турардим. Аммо жавоб беришга хоҳиш йўқ эди. Вали мендаги ботиний ўзгаришни сезгандай бўлди. Менга раҳми келгандай:

– Ё биз билан кетаверасанми? – деди қилган ишидан хижолат чеккандай бошини ҳам қилиб.

– Нега энди? Мен шу ерда қоламан. Аслида шу жойда туғилган бўлсам керак. Сувлари, дарахтлари, майсалари, қушларнинг сайроғи – ҳамма-ҳаммаси менга таниш, қадрдон, – дедим ҳаяжон билан. У менинг китобий тилда гапирганимдан ҳайратланиб, мунғайиб қаради. – Тўғри айтяпман. Мен шу ерликман. Қишлоқларинг елкаминг чуқури кўрсин, – дедим унинг сўзига жавобан. Вали мени тушунолмай қолганлигидан чорасиз ҳолда елка қисиб, ортга бурилди. Эргашдим. Сўрига яқинлашганимизда димоғимга пишган гўшт ҳиди урилди. Қорним янада оч қолганини ҳис қилдим...

Иқболой сукут сақлади. Кўзларида ёш қалқиди. Ўзининг ожизлигини беҳос сезиб қолгандай, шоша-пиша дастурхондаги сочиқ билан кўз ёшларини артди. Кейин менга айбли иш қилиб қўйгандай жилмайиб қаради. Пиёладаги чойдан ҳўпла-

ди. Ўзига келди. Юзида қувонч жилва қилди. Тетиклашди. Сўзлай бошлади:

– Улар ўринларидан туришди. Икковиям хавотир аралаш ортларига қарай-қарай кетишди. Чол билан қолдим. Дарвоза олдида бир-биримизга тикилиб турдик. Аммо орамиздаги «Йилларнинг пардаси» бир-биримизга теранроқ нигоҳ ташлашга йўл бермасди. Чол «қизим» сўзини тилга олишга уялар, мен «бобо» сўзини айтишга қийналар эдим. Ортидан эргашдим. Келганимизда қайроқдай бўлиб кўринган одам олдимда елкалари ерга салом бериб кетиб борарди.

Сўрига бошлади. Кейин «мен ҳозир» дея ортига бурилди. Дастурхон устида ширбознинг суяклари қалашиб ётарди. Йириштирдим. Бироз ўтиб чол кўриниш берди. Сўрининг бир четига омонатгина ўтирди. Кейин дона-дона қилиб:

– Сен қандай рози бўлдинг? – деди. Мен бўлган воқеага ёлғон аралаштирмай, қандай бўлган бўлса, шундайлигича сўзлаб бердим. Сўзим охирида чол ўрнидан туриб кетди. Ўзидан уялди, ўзидан ор қилди, ўзидан қочди. Мен сукут сақладим. Бироз сўри атрофида айланиб юриб ёнимга келди ва:

– Айтганингдай, отангнинг аҳволи ундай бўлса, онангни укаларинг билан чақир. Мен ёлғиз одамман. Аёллар қилиши мумкин бўлган юмушларни қилиб юради. Укаларингга ҳам яхши бўлади. Бир оила бўлиб яшайверамиз, – деди. Чолнинг ҳақиқатга қараб, ҳақ сўзни айтганлигидан ичимга нур энди. Беихтиёр:

– Раҳмат бобо, сизга, – деб юбордим. Чол ҳам мендай аҳволда экан.

– Ҳечқиси йўқ, қизим. Бундай паллаларда тўғри, мақбул йўл ҳам шудир, – деди ихлос билан.

Ана шу «бобо» ва «қизим» сўзлари орамиздаги пардани суриб ташлаб, оталик ва болаликни кашф қилдик.

Ўша илк суҳбатимизданоқ худди ҳақиқий отамни топгандек уй юмушларига киришиб кетдим. Сигир соғдим, ўт ўрдим, янги отамнинг кир-чирларини ювдим. Отам ҳам ўз қизидай меҳрибончилик қилар, ейиш-ичишимнинг тайини борлиги сабаб, янги хонадонга тезда кўникдим. Орадан бироз муддат ўтиб, мени бобойга сотиб кетган ошналарим онам билан келиб қолишди. Ўшанда онам бечора югуриб келиб, оёқларим остига ўзини ташлаб, уввос солиб йиғлаб юборди. Бобо олдимизга келганда, эмаклаб бориб унинг оёқларини қучоқлади-да:

– Ҳаммасига ўзим айбдорман. Қизимни қайтаринг. Айланай сиздан. Бир умр қулингиз бўлай. У ҳали ёш, – дея баттар куйиниб йиғлади. Шунда бобо:

– Ўрнингиздан туринг. Қизингиз ўзимнинг қизим бўлиб қолди. Ўзим Жўшга тушиб, сизларни ҳам олиб келмоқчи бўлиб тургандим, – дея онамнинг туришига ёрдамлашди. Бироз ўзини йиғиштирган онамнинг кўзи менга тушди. Мен унга жилмайиб қараб турардим. Менинг жилмайганимдан хавотирланиб:

– Ҳали қизим ҳеч нарсани тушунмайди, – дея бобонинг ўнгиридан ушлаб, яна кўз ёшларини оқи-зиб, ортида мўлтираб турган жўраларимни қарғай кетди.

– Пулларинг бошларингни есин. Сен жувонмарглар, қизимни бадном қилдиларинг, – дея менга ишора қилиб: – Буни жилмайганлигидан сезмаяпсанларми? – деди алам билан.

Шунда онамни тинчлантириш мақсадида ёнига бордим-да:

– Онажон, менга ҳеч ким зулм қилгани йўқ. Бобом билан бориб сизларни ҳам олиб келмоқчи эдик, – дедим титраб турган елкасидан қучиб.

Онам қучоғимда тинчланиб қолди. Уни етаклаб, сўрига бошладим. Қолганлар ортимдан эргашди. Тоғнинг муздай сувидан ичган онамнинг бироз ҳовури босилди. Менга жилмайиб қаради. Жўраларим ҳам жонланиб қаршимизга келди. Бобога нигоҳим тушди. У мени имлаб чақирди. Уйдан қандқурслар олиб чиқишимни тайинлаб:

– Онанг ўз оёғи билан келди. Олиб қолишнинг ҳаракатини қил, – деди ҳаяжонланиб. Шунда бобонинг кўзларига тикилдим. Кўзларида илтижо бор эди. Мен ҳам онамнинг қолишига хайрихоҳ эдим. Ортимга қайтиб борганимда Вали бир тугун кўтариб келарди. У бобога тугунни тутқазиб:

– Жунингизнинг пуллари, – деди елкасини қисиб. Бобо тугунни унга қайтариб жилмайди. Елкасига меҳр билан уриб қўйиб:

– Болам, булар мендан сенларга совға. Сенлар менга шундай қизни топиб бердиларинг, – деди самимият билан. Бошини ҳам қилиб турган Вали ерга тикилиб:

– Онаси қизини олиб кетмоқчи, – деди.

– Сен Иқболойнинг онасидан хавотир олма. Бугундан Иқболой ҳам, онаси ҳам шу ҳовлида қолишади, – деди жиддий оҳангда. Чолнинг гапидан Вали чўчиб тушиб:

– И-йй, отаси билан қолган болаларига нима дейман? – деди кўзлари ола-кула.

– Қизимнинг укаларини ҳам олиб келамиз. Отасига оқ йўл. У одамнинг кимлигини Иқболойдан билиб олганман. Сизлар эса меҳмон бўлиб келиб туринглар. Ҳар доим дарвозам очиқ. Қани, энди сўрига. Сен, Иқболой, ошга ҳаракат қил. Меҳмонлар билан бир ошхўрлик қилайлик, – дея Валини ўзи билан бошлаб кетди. Мен тезда ош масаллиқларини тайёрлашга тутиндим. Сўридагилар бир-бирлари билан чақчақлашиб суҳбатлашар,

аҳён-аҳён онамнинг ҳам хурсанд овози қулоққа чалиниб қоларди.

Отадан, онадан ўтиб фарзанд қаерга борарди, деганларидек, фарзандидан ўтиб улар ҳам ҳеч ерга боролмас экан. Ўша кун мени олиб кетишга шошилган онажоним ҳам ҳақиқий аҳволни билганидан, бободаги самимиятни сезганидан сўнг мен билан қолишга рози бўлди. Икковимиз сўрида ётдик. Тун ҳавосининг тозалигидан, ёқимли баҳор эпкинининг алласидан тинч, осуда уйқуга кетган онамга тикилиб ётдим. Онам эса худди ўз онаси қўйнида ётгандай ой нурида балқиб ухларди. Тонг ила бошлашиб турдик. Мен онамга:

– Сиз бироз дамингизни олинг, – дея ўрнимдан силжидим. Онам қайта бошини ёстикқа қўйди. Сигирларни соғиб, сутни қозонга солиб қайтиб келганимда ҳам онам ухлаб ётар, мен эса яримта кўнглим бут бўлганидан хурсанд эдим.

Бобо молларни подага қўшиб қайтиб келди. Сўрида ухлаб ётган онам томонга ишора қилиб жилмайди. Унинг жилмайишида бобонинг ҳам мен каби хурсандлиги сезилиб турарди.

Бир-икки кун ичида онам ҳам бу хонадонга кўникиб, укаларимни тезроқ олиб келиш ҳаракатига тушиб қолди. Онамдаги ўзгаришдан хурсанд бўлдим. Чунки шунча вақтдан бери онам ҳам, мен ва укаларим ҳам одамлар қатори тинч-тотув яшаш мумкинлигини унутган, бундай хонадонлар борлигини ҳаёлимизга ҳам келтиролмасдан яшаган эдик.

Бобонинг уйида ҳамма нарсаси муҳайё, ҳамма ёқ саранжом-сарипта, хонадон соҳиби эса дунё кўрган, мол-дунёси ўзига етарли, кўзи тўқ одам эди. Бу одамни ўз отам билан солиштирганда ер билан осмонча фарқ бўлиб, онамнинг ҳам таранг тортилган асаблари юмшаб, юзлари оловланиб, кўзларида умид учқунлари пайдо бўлиб қолганди. Мен ул-

бул юмушлар билан банд бўлган паллаларим бобо билан иккови сўрида чой ичишиб мириқиб суҳбат қилишар, хурсандчиликларидан кулгилари қулогимга чалинарни. Ана шундай паллалар жўраларим Валибой ва Жўрақулларнинг қилган яхшиликларидан миннатдор бўлиб кетардим. Ҳа, улардан мингдан-минг розиман, – дея Иқболой менга нигоҳ ташлади. Кейин юзида табассум жилва қилиб:

– Укаларимни ҳам жўраларим олиб келишиб, ўтмишини ортга силтаб ташлаган бир янги оила дунёга келди. Сўнгида бобо бизларнинг отамизга, онамизнинг турмуш ўртоғига айланди.

Уларни ўз инон-ихтиёрим билан бир-бирига қовуштирдим. Ўша кундан бошлаб иккови ҳам ёшариб кетди. Бир-бирига қилган меҳрибончилигидан биз фарзандлар ҳам шод-хурсанд эдик.

Ёш, қоним қизиган дамларим эмасми, секин-секин бу гўзал жой ҳам торлик қила бошлади. Ана ўшандай кунларнинг бирида Жумагул опани ўша тоғлар орасида бўлган тўйда учратдим ва ортидан эргашиб келавердим. Опа менга санъат сирларини ўргатди. Кўриб турганингиздай, қўшиқни ҳам айтамыз, рақсга ҳам тушамиз, керак бўлган дамлари эркакка ҳам айланамиз, – дея қаҳ-қаҳ отиб кулди. Мен ҳам унинг кулгисига қўшилдим.

Иқболойнинг овозидан хушёр тортган Жумагул қизлари билан биз томонга қаради. Жумагул ўрнидан туриб, сўрига яқинлашиб:

– Ака, бу қиз бошингизни айлантирадиган суҳбатга келмагандик, – деди жилмайиб.

– Ўзимнинг бошим айланган кунларимни дастурхон қилиб ўтиргандим, – деди у тик турган Жумагулнинг белидан қучиб.

– Сенга гап йўқ. Ҳаётимда онасини узатган фарзандни кўрмаганман. Сенга раҳмат, – дея Жумагул Иқболойнинг сочларини силади.

* * *

Тўйга бориш вақти ҳам яқинлашиб қолди. Жумагул:

– Сиз ҳам борасиз-а? – дея қайта сўради.

Хурсандчилик билан «бораман», деб ишора қилдим. Орадан бироз вақт ўтиб, машина овози қулоққа чалинди. Жумагул қизлари ёнига кетди. Иқболой ортидан эргашди. Мен машина овози келган томонга юрдим. Ошпаз йигит йўлимдан чиқди. У хурсанд, шод эди. Меҳрим ийиб елкасидан қучдим.

– Робияхон икковларинг бахтли бўласизлар. Мен бу бахтга ишонаман, – дедим.

– Айтганингиз келсин, ака. Буларнинг бари сизнинг пойқадамингиз, сизнинг шарофатингиз билан бўлмоқда. Сизга минг раҳмат, – деди ҳаяжонланганидан лаблари титраб.

Машина кўриниш берди. Кабинадан тушган ҳайдовчи тез-тез юриб келиб, биз билан саломлашди. Қизларнинг овози эшитилди. Ошпаз йигит қизларнинг қўлидаги жомадонларни олиб, машинага жойлади. Жумагул унга қараб:

– Қолган қизларни сизга, сизни Аллоҳга топширдим, – деди. Йигит ўз онаси қаршисида тургандай қўл қовуштириб бош эгди. Машинага чиқдик. Беихтиёр йигитга қарадим. У Робияга тикилиб турарди. Ичимдан бир хўрлик келди. Севиб етолмаган кунларим ёдимга тушди. Эсламасликка ҳаракат қилдим. Жумагул жонимга ора кириб:

– Биз қишлоқларнинг тўйини ҳам бир кўриб қўйинг, – деди жилмайиб.

– Ҳа-ҳа, – дедим, ўзга сўз тилимда айланмай.

Машина баланд тепаликка кўтарилди. Қуйида бир-бирига туташиб, бир учи тоққа бориб қадалган қишлоқлар кўриниш берди. Қишлоқлар атрофидаги кенгликлар яшил либосга бурканган, ана

шу кенгликлар ичида ҳам яккам-дуккам уйлар кўзга ташланарди.

– Тўйхонага ҳам етиб келдик. – Жумагулнинг овозидан сергакландим. Унга қарайман. У ишора қилган томонда маҳобатли тўйхона салобат тўкиб турарди. Тўйхона олдида одамлар гавжум. Машинамиз тўхташи билан улар истиқболимизга юрди. Йўл бошладим. Мени кўриб, таниганлари шошиб қолишди. Кейин меҳрибонлик билан тўйхонага бошладди. Одамлар қуршовида ичкарига кириб, тўрдаги сўридан жой олдик.

Тўй эгаси ҳаммамиз билан сўрашиб:

– Синглим, сизга катта раҳмат. Ёзувчи акамизни тўйимизда қатнашиши тушимга ҳам кирмаганди. Бошим осмонга етди. – Акажон, хуш келибсиз, – дея қўли кўксида таъзим қилди.

– Тўйлар муборак бўлсин. Фарзандларингиз ортидан янада катта тўйлар қилинг, – дея уни табриклайдим. Бирпасда дастурхонга таомлар тортилди. Жумагул ўрнидан турди.

– Ака, сиз бемалол ўтиринг. Мен қизларга улбул гапларимни тайинлай, – дея қизларни тўйхона бурчагидаги хонага бошлади. Ёнимга бир киши келиб, дастурхондаги таомларга ундаб, пиёлада чой узатди. Мен унинг ундовларига унчалик эътибор бермай одамларни кузата бошладим. Аллазамонлардан бери қишлоқ тўйларида қатнашмаганлигим учун бу менга қизиқ эди. Биз келгандан кейин кўп ўтмай тўйхона одамлар билан тўла бошлади. Келганлар ёлғиз эмасди. Аёллар ё боласини, ё набирасини етаклаб олган.

Ёши бир жойга бориб қолган аёлнинг ортидан тизилишиб беш нафар бола кириб келди. Кейин улар одамлар ичида бир кўриниш бериб кўздан йўқолди. Ҳойнаҳой жойини топиб ўтиришган бўлса керак.

Тўйхонанинг маҳобатидан ҳам ичидаги ҳашама-ти зўр эди. Баланд, баҳаво шифт, ана шу баландликдаги шифтни кўтариб турган чиройли безакли устунлар, биздан бироз нарида ҳофизу хонандалар учун қилинган саҳна, унинг ортидаги безакли лампочкалар ёниб, саҳнага ажиб бир кўриниш берган.

Бирор минг кишига мўлжаллаб қурилган тўйхонанинг охири кўринмайди. Одамларнинг гала-ровури ва мусиқа овозидан ёнингдаги одамнинг гапини эшитиш амри маҳол. Бола-чақаларнинг овозлари, дарахт шохларидаги инларида оналарининг озуқасини кутиб чириллаётган полапонларни эслатади.

Анча-мунча ичган иккита одам бир-бирини қўлтиқлашиб ёнимиздаги столга кела бошлашди. Ортидан аёллари. Улар тизилишиб ўтиришди. Эркакларининг ичида сохт-сумбати келишган, бўйдори дастурхондаги ароқни олиб очишга тутинди. Ёнидаги аёл пиёлаларни эркакнинг ёнига сурди. Эркак шишанинг учини пиёлаларга тўғирлади. Аммо кайфи анча тарақ бўлганлиги учун шишанинг тумшуғи мўлжалга етмай, ичидагиси дастурхонга тўкилди. Унинг ҳаракатини кузатиб турган хотини (хотини бўлса керак) эридан шишани юлқиб олди-да, ўзи тамадалик қилиб:

– Тўй, тўйдаё ўтсин, – дея пиёладагини охиригача ичиб, ликопчадаги шўр бодрингни карсиллатиб чайнай бошлади. Қолганлари ҳам:

– Тўй тўйдаё ўтсин, – дея аёлнинг гапини нақарот қилишди.

Иккинчи пиёлани кўтаришаётганда уларнинг қилиқларидан кайф бўлган шиша қулади. Тумшуғидан бир томчи ҳам томмади. Яна улар:

– Тўй, тўйдаё ўтсин, – дея такрорлашди. Биринчи бўлиб ичган аёл бодринглар ёнидаги ликопчадан гўштни олиб чайнаб ҳам ўтирмади. Бир сиктовда ютиб юборди.

Томоғидан гўшт ўтаётганда беҳос кўзлари менга тушди. Олдин кўзларини юмиб очди. Кейин мени танигандай, ёнидаги эркакни туртди. Эркакнинг кайфи анча ошганлиги учун уни нуқишларига парво қилмай, қўлидаги суякни ғажий бошлади. Аёл эса уни нуқишдан чарчамасди. Беҳос аёл нигоҳига нишон бўлганимдан хижолат чекиб, тўйхона дарвозасидан кириб келаётганларга қарадим. Одамлар гала-гала бўлиб келарди. Шу вақт ёнимда Жумагул пайдо бўлди.

– Зерикиб қолмадингизми? – деди жилмайиб.

– Йўқ, одамларни кузатиб ўтирибман, – дедим. Жумагул мени дастурхонга ундади. Унга чой узатдим.

– Ичкиликка қалайсиз? – сўради у.

– Сиз-чи? – деган саволимга:

– Йўқ, тўйларда қўйиладиган бу ичимликлардан ичмайман, – деди дастурхондаги шишаларга ишора қилиб. – Буларнинг бари ўзимизнинг қўлбола ароқлар. Уларни ана шу қишлоқ аҳлининг ўзи тайёрлайди. Булардан сизнинг ҳам ичишингизга рухсат бермайман, – деди меҳрибонлик билан.

Кейин биз бу мавзуга қайтмадик. Орадан бироз вақт ўтмай, саҳнага бир киши чиқиб:

– Муҳтарам меҳмонлар! Азиз ҳамқишлоқлар! Бугун биз бу кошонага қадрдонимиз Ҳамдамбойнинг ўғли Авазбек ва қизимиз Олтинойларнинг никоҳ кечасига йиғилганмиз, – дея келин ва куёвнинг ота-оналари таърифини келтириб, бирдан мени тилга олди ва гапининг сўнгида саҳнага таклиф қилди. Сўридан тушаётиб ёнимда ароқ ичиб ўтирган аёлга кўзим тушди. У ҳамон эрини нуқиш билан овора эди. Уларнинг ғайритабиий ҳаракатларидан кулгим қистади ва беихтиёр саҳнада мени ҳурмат қилиб кутиб ўтирган бошловчининг олдига бормаи, ўшалар ёнидан жой олиб, қўлбола ароқдан ичгим

келди. Аммо менга тикилиб турган одамларнинг нигоҳлари бу хоҳишим йўлига тўсиқ бўлиб турарди.

Сўз бошладим. Нималарни гапирдим. Нималар деб мурожаат қилдим, билмайман. Аммо сўзим охирида одамлар ўрниларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан олқишлаганида ҳушимга келдим. Жойимга қайтишда кўзлари сузилиб қарсак чалаётган эски танишларимга юзма-юз бўлдим. Тўртовлон нимага қарсак чалишаётганлигини билиб-билмай қўлларини пўла қилаётганларини кўриб сўрига чиқдим. Жумагул секин қўлимни сиқиб:

– Одамларнинг дилидагини тилига чиқардингиз. Улар аллазамонлардан бери бундай самимий, беғубор, одамни ўйлантирадиган гапларни эшитмаганди. Асли тўйларда сизлардай одамлар сўзламоғи лозим. Сизлардан улар озуқа олади. Эртасига ишонч пайдо бўлади. Жумагул шу сўзларни айтаркан, уни тўй раиси чақириб қолди. Аёл юзидаги жиддият йўқолиб, ўрнини майин табассум эгаллади.

Саҳнага яқинлашди. У бошловчи қўлидаги микрофонни олиб, меҳмонлар билан саломлашди. Овоз зарбидан тўйхонадаги ғала-ғовур ловиллаб ёниб ўчгандек, ўрнини сукунат эгаллади. Аёл сўзлай бошлади. Тасаввуримда сўзлар чарс-чурс ёниб учқун сачратаётгандай бўлди. Кўп сўзларни, овозларни эшитган бўлсам-да, сўзнинг, овознинг қудрати бунчалик кучга эгалигини ҳис қилмаган эдим. Тасаввуримда овоз ўтирганларнинг юрагига бир нур мисол сингиб кетаётгандай эди. Овоз эгаси қуёшу, қуёш тафтидан ҳамма баҳраманд бўлишга орзуманддай ҳолат юзага келганди.

Сукунат шунчалар жозибали эдики, ҳавода сўзлар ёнади.

Аёл тин олди. Кейин лабларидан шеърый сатрлар тўкилди:

*Бу дунёга нур бўлиб келсам,
Чўмилтирсам унга қалбларни.
Орзусида югурсам-елсам,
Юраклардан олсам дардларни...*

Куй чалинди. Мен эшитмаган куй. Тўйхона осто-насида келин-куёв кўриниш берди. Улар дўстлари, дугоналари қуршовида бошларини эгиб, оҳиста қадамлар билан ўзлари учун тайёрланган жойга келиб тик туришди.

Куй ортидан овоз эшитилди. Бу Жумагулнинг овози эди.

Сўз билан таърифлаб бўлмас лаҳзалар бор. Бу лаҳзаларни фақат юракка муҳрлаш ва бир умр ўша лаҳзаларни такрор-такрор эслаш, хотирлаш мумкин. Мен бугун ўша кунларни эслаяпман-у, ўша лаҳзалар кўз олдимда бор бўй-баста билан кўри-ниш бермоқда. Қандай бахтли кунларим эди. Қан-дай бахтли кунларим... кўзга ёш келади. Бу ёшлар афсусми, армонми – нелигини ўзим ҳам билмай-ман. Билолмайман... аммо ўша онлар хотирамга мангу муҳрлангандир. Овоз титраб тўлқинланди:

*Бахтинг омонати – жуфтлик азизим,
Насимнинг беланчаги – майсадир, болам,
Энди сиз менинг покиза қизим,
Жуфтликдан яралган бу қадим олам.
Ёдингда тутгил-ей султоним, болам...*

Ўшанда мен дунёни, дунё мени унутганди. Жу-магулга тикилиб турардим. Овоз турланарди, сўз-ларнинг товланишидан вужудимда аллақандай ҳислар ғалаён қиларди. Шу паллалар унинг кўзла-рини учратишни жуда-жуда истардим. Тасавву-римда у ўз қўшиғи қанотига осилиб, бу жойларни ташлаб кетишга шошилгандай эди. Юзлаб одам-

ларнинг нигоҳлари бир нигоҳга айланиб, Жумагулни кузатарди. Ҳамма овоздан сеҳрланган, овоз эгасининг мажнунига айланиб қолгандай эди.

Овоз авжига чиқди:

*Ёстиқдошинг ўтда ёнмас қанотингдир,
Карвонлик ерда қолмас гир отингдир.
Ул бўлмаса баҳорингда унмагай гул,
Бахтинг сени офтобингдир, ҳаётингдир...*

Сўнгги сатрлар секин-секин куйдан йироқлашиб, овознинг ўзи алоҳида тўлақинлар ҳосил қилиб тинди. Овоз жисмини куй ўз чакмонига ўради. Одамлар ўрниларидан туриб кетишди. Худди қаршисидаги дастурхон ёдларидан кўтарилгандай меҳрибонлик билан Жумагулни олқишлашарди. У таъзим қилиб, мен томон юрди.

Ўша лаҳзалар ҳамон хотирамга муҳрланиб қолган. Ўшандай кунларимнинг борлигидан айланай. Ҳаётимда илк бор қувонч аталмиш маъбудни бағримга босиб аллалаб-эркалагандим. У юриб келарди. Боши бироз эгилган, юзлари лов-лов ёнган, беҳос менга тушган кўзлари учқун сачратарди. Учқун тафтидан вужудим ёнарди. Сўрига чиқишига ёрдамлашиб қўлимни чўздим. Иссиқ кафтдан жон олдим, ўзимда бир ёввойи куч сездим. У менга қаради. Мен ичимдан йиғлардим. Ичим куйарди. Шунча йиллар излаб тополмаган маъбудни бунчалар кеч учратганимдан қайғуда, аммо кеч бўлса-да, топганлигимдан шод эдим.

У ёнимга ўтирди. Тилимга бир сўз келмасди. Унга бир сўз айтмоқ бўлиб тикиламан. Аммо айтолмайман. Дилимдаги иқроримни бармоқларим ошкор қилиб қўлини сиқиб қўяман.

Оний лаҳзаларда юзлаб бирлашган нигоҳлар сочилди. Одамлар олдиларидаги ноз-неъматлардан

баҳам кўришга шошилди. Пиёлаю рюмкаларнинг жаранги, ликопчаларга урилаётган қошиқлар овози «ҳайда шобир»га кирган пилла қуртининг ғала-ғовурли ҳаракатини эслатарди.

Санъаткорларга навбат келди. Жумагул жойида безовталанди. Саҳнага эркакча кийимда Иқболой ва Робия чиқишди. Уларни кўрган меҳмонлар шўх-шодон олқишлашди.

Қўшиқ ёлғизликни хушламайди. Куй ва қўшиқ одамлар орасида айтилгандагина бир уйғунлик кашф қилади. Унинг сеҳри, қудрати ана шундай паллаларда ошкор бўлади. Эл орасида юравериб, оломоннинг кўнглини топиш лўли аёлнинг фолидек бўлиб қолган санъаткор қизлар шундай куй бошлашдики, бу куй ҳаммага бирдек таъсир кучига эга эди. Куй бошланиши билан ўтирганлар сеҳрлангандай жўр овозда қичқириб юборишди. Куй сўнгида Иқболой торни елка оша кўтарди. Куй овозга ўрин берди. Робияхон:

*Ҳой қизлар-ей, ҳой қизлар-ей айтингиз,
Қўшиқларим губор тошин отдим,
Ҳой қизлар-ей, ҳой қизлар-ей айтингиз,
Муҳаббатнинг қуёшлари ботдим...*

Робияхон сўзларни чертиб-чертиб, ҳовучлаб-ҳовучлаб одамлар қалбига тўкди. Қизнинг жарангдор овозидан кайфи ошганлар жойида тебранишди, севгининг сўлим боғидан мўралаётганлар бир энтикиб хўрсинишди. Бу боғ остонасидан кира олмаганлар чуқур ўйга толишди. Хуллас, қўшиқ ва куй турли қалбларга турлича таъсир билан кириб борарди.

Вақт одам пешонасидаги ажинларда умргузаронлик қилганидек, муҳаббат аталган маъбуд кўнглининг туб-тубида, ҳеч ким боролмас, ҳеч ким

киролмас қўрғонда макон айлаганлиги Робияхоннинг қўшиқларида акс садо берарди.

Қўшиқ сўзларидан кўнгли болдай эриб бораётган Жумагулга ўғринча нигоҳ ташлайман. Сукут унинг ҳамроҳи, ҳамдарди эди.

Шўх авждан саҳнага тизилишиб раққоса қизлар чиқишди. Тўйхонадаги кайфият ўзгарди. Одамларнинг жисми ҳаракатга келди. Кимдир елкаларини қимирлатса, кимдир оёғида депсиниб қўярди. Қонида ўйинга ташналиги борлари ўзларини тутиб туролмай, қай ерда очиқ ер бўлса, ўша томонга қараб йўл олишди ва раққоса қизларга бармоқлари орасидаги пулларини қистиришиб ўйнашга шошилишди.

Эркагу аёл, йигиту қизлар – ҳамма-ҳамма куй оғушида тебранишар, оҳангнинг оҳанрабоси Жумагул ва мени ҳам ўзига чорлар эди. Лаҳзалар ичида кайфият ўзгариб, ўтган дамлар унут бўлди. Икковимизнинг орамиздаги парда ҳам қайларгадир тортилиб, бир-биримиз билан эмин-эркин суҳбатлаша бошладик. Шу вақт қаршимизда:

«Тўй, тўйдайд бўлсин» деганлар пайдо бўлишиб, бир-бирига елка уриштириб ўйнашга тутиндилар.

Жимитдеккина хотини биқинини тешгудек бўлган норғул, сохт-сумбати келишган, аммо узлуксиз ичилган ароқнинг таъсири бўртиб-бўртиб чиққан юзларига урган эр, ёшлигида ҳақиқий ўйинчи бўлгандай, куйга мос ҳаракатланарди.

Унинг ортидан пилдираб эргашиб юрган хотини осмонга қараб қўлларини худди тутқаноғи тутгандай илкис силтаб қўяр, эри эса оёғини мусиқа оҳангига мослаб олдга ташлар, қўллари ҳам оёғининг ҳаракатига уйғун эди.

Эр-хотин ёнидаги бақалоқ хотин ва тарашадай қотган эр ҳам «ўйнаёпмиз» дегандай ўз билганларича қалтираб, дирилларди.

Кимдир ароқ ичганда ўта ақлли, доно гапларни топиб гапирса, қай бири ичиб олса, ваҳшийлашади, яна бири ҳиринг-ҳиринг кулади, яна бирови хуррак отиб ухлайди. Айримлари даврани бермай ўйнайди. Аллақайсиси эртасига кайф таъсирида қилган ишини эслай олмай, уйқудан туриши билан ўз этини ўзи ейди ва ўша маст-аласт бўлган дамларда бирга бўлганлардан уялиб, улардан бир неча кун қочиб юради. Ўта муккасидан кетганларига тўрт томон қибладир.

Қаршимда ўйнаётганларнинг ҳам тўрт томонининг девори аллақачонлар бузилиб кетганлиги сезилиб турарди. Балки мана бу норғул ўйинчи ҳам ароқ ичган паллалар одамларнинг оғзини очириб, доно гапларни гапиргандир. Чунки ўйинидан истеъдодли одамлигини тахмин қилса бўлади. Жумагулнинг овозидан ҳушимга келаман.

– Бу эр-хотинлар қаерда тўй бўлса, ўша ерда ҳозирлар, – деди уларга ишора қилиб. – Аслида, шулар тўғри яшаяптимикиан, деб ўйлаб ҳам қоласан. Ўй йўқ, ғам-ташвиш уларга бегона. Бутун борини биргалашиб баҳам кўришади. Эрта қандай бўлишига Худо подшо, дегандай, – деди ғамгин жилмайиб.

– Одам қисмати қандай якун топишига жавоб излаб топиб бўлмайди. Рисоладагидек яшашга интилган одамнинг турмуш тарзини беҳос ҳаётнинг шафқатсиз ўйини остин-устун қилиб ташлаши ва асл ҳолига қайтаман дегунча одамгарчиликдан чиқиши мумкин.

Одам отлиқ махлуқотнинг омадли ва омадсизи бор. Омадlisi ҳамма соҳада – ишдами, мансабдами, пулдами, оиладами – ҳамма-ҳаммасида омадли. Омадсизи – шул санаганларимизнинг барчасида бахтсиз, омадсиздир.

Менинг тасаввуримда дунёда энг бахтли инсонлар «ё остидан, ё устидан» деб яшовчи одам-

лардир. Уларнинг жонли вакили мана шулардир, – дея қаршимда муқом қилиб, сўлонглаб ўйнаётган эркак ва аёлларга ишора қилдим. Кейин гапимни давом эттирдим. – Чунки улар омадини кўп бор синаб кўрган ва омадсиз эканликларига иқрор бўлишиб, синган одамлардир. Мана бу бинойидек ўйнаётганига эътибор қилинг. Асли истеъдодли одам. Истеъдодли бўлганлиги учун ҳам омадсиз одам. Истеъдод аталмиш маъбуд ҳам унча-мунча қалбларга сочилмаган. Ул маъбуд мингдан, миллиондан бир одамга насиб қилган. Яратган Эгам илк бор ўз синовини мана шундай истеъдодлардан бошлайди, шекилли. Қай бир ҳақиқий истеъдодни учратманг, бахтсиз, омадсиз, фақир кимсалардир.

Гапларимни жимгина тинглаб ўтирган Жумагул нигоҳини мендан узиб, бизни узоқдан кузатиб турган кишини имлаб чақирди. У шу ишорани кутиб тургандай Жумагулнинг ёнига келди. Аёл унинг қулоғига нималардир деб шивирлади. Тўй эса қизигандан қизиб, одамлар ичимлик кучидан бир-бирини танимас, танимаганлари эса бир-бирига танишдай аҳволга келиб қолганди. Санъаткор қизлар меҳмонларни куйдан куйга, қўшиқдан қўшиққа ўтиб шод-хуррам қилишар, бақир-чақир овозлар жамланиб, тўйхона шифтларига уриларди.

Аҳён-аҳён Робия ва Иқболойларнинг нигоҳи менга тушиб, қўлларини юқорига кўтаришиб, ҳол-аҳволимни сўрашарди.

Гоҳ-гоҳида одам ўзидан кўра ўзгаларни яхши кўриб қолар экан. Мен бир неча кунлардан бери ана шу ўйинчи, ҳофиз қизларни ўз жонимдан ортиқ яхши кўриб қолгандим. Бу меҳр, яхши кўриш отанинг фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатидай эди.

Жумагулнинг турткисидан ҳушимга келаман. Ўрнимдан туришимга ишора қилди. Ишорасига бўйсуниб сўридан тушдим. Икковимизни Жума-

гулнинг олдига келган одам бошлаб кетди. Бизнинг ўрнимиздан турганлигимиздан сергакланган Робия ва Иқболойга кўзим тушди. Шунда қизи тушмагурлар кафтларини сиқишиб, Жумагул томонга ишора қилишиб, кўзларини қисишиб жилмайдилар. Беихтиёр мен ҳам уларга жилмайиб қарадим.

Мендаги кўтаринки кайфиятдан қизлар ҳам хурсанд бўлишиб, ўзга қўшиқни бошлаб юборишди:

*Акам кетди, опам кетди,
Ёлғиз қолдик бизлар-о.
Ул оҳимиз қайга етди,
Айтинг-айтинг қизлар-о.
Шул кунларни кўп кутгандик,
Кутганимиз чин бўлди.
Айрилиқни ичга ютиб,
Йиғланг-йиғланг қизлар-о...*

Улар биз томон ўтирилиб қўшиқ айтарди. Шунда Жумагул қизларга кафтини мушт қилиб кўрсатди. Дугоналар шу муштни кутиб тургандай, бизга таъзим қилишиб, қўшиқ сўзларини қайта такрорладилар:

*Акам кетди, опам кетди,
Ёлғиз қолдик бизлар-о.
Ул оҳимиз қайга етди,
Айтинг-айтинг қизлар-о.
Айтинг-айтинг қизлар-о...*

Қизларнинг шўхлигидан қизарган Жумагул менга юзланди. Нима дейишимни билмай жилмайдим. Бошловчи бизни чиройли қилиб жиҳозланган бир хонага олиб кирди. Хонанинг бир четида диван, креслолар қўйилган бўлиб, ўртадаги диванга мос стол устига дастурхон тузалган эди.

Мезбон бизни ўтиришга таклиф қилиб, пиёлада чой узатиб, ўзи вино ва ароқни очишга тутинди. Жумагулга вино, менга ароқ узатиб:

– Ёқимли иштаҳа! – дея ортига бурилди.

Қўлларимиздаги қадаҳ билан бир-биримизга тикилиб қолдик. Унда садо йўқ, менда журъат... бироздан сўнг:

– Олинг, ака, – деди қимтинибгина. Унинг овозидан бир тотли ҳис юрагимни чулғаб, куч бергандай бўлди.

– Раҳмат сизга, синглим. Сизлар билан учрашганимдан буён, ўзга бир оламга кириб қолдим. Тасавуриmda мен бу оламни аллазамонлардан бери интиқ кутгандайман. Шу кунларда «ёлғизнинг ёри Худо» деганларидай, ёлғизлик ёрим, ҳамроҳим эди. Мана бир неча кундан бери мен ҳам ёлғиз эмаслигимни, сиздай синглим, қизларим борлигини ҳис қилиб руҳим тетиклашди, кўнглим тоғдай кўтарилиб, ўзимнинг ҳам одам эканлигимни ҳис қилиб турибман. Мендай ёлғиз бир бандани одам сафига қўшганларинг учун сизларга қуллуқ, – дедим ҳаяжон билан. Мендаги ҳаяжон Жумагулга кўчди. Кўзлари қизаринди, лаблари титради, бир сўз демасдан вино тўлдирилган пиёлани лабларига босди.

Бир неча пиёладан сўнг кўнглим равшан тортди. Тиниқ фикрлай бошладим. Жумагул билан орамиздаги парда кўтарилиб, янада самимий сўзлаша бошладик. Ўтган кунларимдан бироз ҳикоя қилдим. Аламли кунларим остонасидан озорланди, қувончли кунларимдан шодланди.

Қайтиш вақтимиз келганлигини хонага ёпирилиб келган қизлардан билдим. Вақт жуда тез ўтганлигига афсусландим. Тўй эгаларининг қуллуғи, раҳмати ила йўлга тушдик. Машина фаралари ёруғи қоп-қора тунни тиф янглиғ кесиб ўтиб, йўлни

ёритар, тоғ томондан эсган салқин шабада руҳни тетиклантирар эди.

Жумагул билан ёнма-ён ўтирибмиз. Тўй хизматидан ҳориган қизлар сукутда, фақат машина моторининг овози қулоққа чалинади. Кундузга қараганда тунда юриш анча мароқли. Кўп хотираларим ошкор бўлганидан, безовта руҳ ором олганиданми, Жумагулнинг елкасига бошимни қўйиб кўзим илинибди. Бир вақт:

– Келдик, ака, – деган овоздан ҳушёр тортдим.

– Ухлаб қолибман, – дейман унинг елкасидан бошимни кўтариб. Аёл нимадандир хурсанддай қўлимни сиқиб қўяди. Боладай қувониб кетаман. Бундай меҳрибонлик бор ерда одам болага айланарди-да. Болага айланганим рост эди...

Ташқарида шўх-шодон сўзлаётган ошпазнинг овози қулоққа чалинади. Электр чироқларининг нури боғ тунини янада фараҳбахш қилиб юборганлигидан тетикланиб, машинадан тушаман.

Биздан олдин тушган қизлар ётоғига шошиларди. Жумагулга қарайман.

– Яхши дам олинг, – дейди бир меҳр билан.

– Сиз ҳам, – дейман самимият билан.

Ошпаз ортидан эргашаман. Сўрига ўрин солинган. Шоша-пиша ўринга кираман. Унинг:

– Тўй қандай ўтди? – деган саволига:

– Жуда зўр, – дея қисқа жавоб қилиб, кўзларимни юмаман. Тун уйқуси ўз бағрига чорлайди.

Тоза тоғ ҳавоси, юзларимни майин силаётган эпкин алласидан сархушланиб ухлаб қоламан. Бехтиёр уйғонаман. Кўз олдимда бундан узоқ йиллар алвидо айтган Лайло сиймоси гавдаланади. У мени кимдандир қизгангандай... Ўтмишга қайтаман. Қайтгим келмаса-да...

* * *

Унинг майин табассуми, узун киприклари орасидаги жон олувчи кўзлари қалбимга санчилган дамлари жисмим титраб кетар, ичимда ўт ёнар, бир бечора, ғарибга айланиб қолардим. У эса мендаги телбанамо ўзгаришни сезиб турар, мажнунона севишимни англаб етганлиги боис енгил кулги билан мени бир лаҳзада асл ҳолимга қайтарар эди.

Асл муҳаббат – қалбнинг эгови, вужудни қақшатиб, жисмингни силкилаб жони чиқар даражага олиб келиб қўювчи туйғудир. Унга дучор бўлгандан кўра, остонасидан ўтмай, унга юзма-юз бўлмай яшамоқ бахтдир.

Мен ўшандай оловнинг ичидан ўтиб тобландим. Аммо ичимдаги беғубор туйғулардан жудо бўлдим. Олов ичидан мустаҳкам иродали, фикр-мулоҳазаали, ақлли бир одам чиқиб келди. Унда одам учун неки керак бўлса, ҳаммаси бор, аммо ҳис-туйғу, қалб аталмиш жавоҳири олов ичинда куйиб кулга айланганди. Ўша кунларга аллазамонлар бўлган бўлса-да, ҳамон хотирада мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Марҳум Асқар Робияга, шеърларига узоқ умр тилаб ташлаб кетганидек, менга Лайло ўзгани севмасликни васият қилгандай. Кўнгилни тирик жонгамас, яратган асарларим қаҳрамонларига қўйиб, бир умр тирикларни севиш бахтидан жудо бўлдим.

Биринчи муҳаббат бор экан-да?!

Ахир шунча йиллар ўтган бўлса-да ҳамон бугунгидай, лаҳзалар олдин учрашгандай ҳолдаман, ҳолатдаман.

Ҳаётимни буткул издан чиқарган, қалбимни остин-устун қилган, бошим оққан томонга кетишга ундаган, тўғри йўлдан шафқатсизларча улоқтириб ташлаб, алвидо айтган қизни яна эсла-

моқдаман. Асли менда унга нисбатан нафрат ҳисси чарс-чурс ёниб, аланга олиши керак эди. Аммо бу оловли ҳисларнинг тескарисси – ўша кунларни соғиниш ҳисси қалбимни чулғаган эди.

Биринчи муҳаббат бор экан-да!

Уни илк бор кўргандаёқ ичимда олов ёниб, унга талпингандим. У санам касалманд эди. Аҳён-аҳён юрак хуружи тутиб, ўйларим, орзуларимни остин-устун қилиб юборар, шундай оғриқли паллалар унга қандай ёрдам беришни билолмай қийналар эдим. Агар иложи бўлганда жонимни беришга, юрагини юрагим билан алмаштиришга тайёр эдим. Аммо бунинг иложи йўқ эди-да.

Биринчи муҳаббат бор экан-да?!

Бир тун ҳеч ёдимдан чиқмайди. Биз талабаларни пахтага олиб чиққан. Ёнимда жони-жаҳонимга айланган севгилим. Иккимиз ёнма-ён пахта термоқдамиз. У терган пахталарни ҳам, ўзим терганларимни ҳам кўтариб тарозибон олдига югураман. Ҳаш-паш дегунча қуёш ботиб, оптимизмга қайта-миз. Йўл-йўлакай у-бу гапларни айтиб, Лайлонинг эътиборини тортмоқчи бўламан. Қани энди бунинг иложи бўлса. У сукутда. Маъюс кўзларида бир мунг. Нигоҳлари узоқ-узоқларга қадалган. Менинг гапларимни эшитмаётганлиги сезилиб турарди. Ўшанда ичимда бир куч унинг билагидан ушлашга ундагандай бўлди. Ушладим. У норози қиёфада менга қаради. Шошиб қолиб:

– Нима бўлди?! Нега маъюссиз?! – дедим титраб. У саволимга жавоб беришни истамагандай:

– Юрагим, юрагим оғрийди. Сиз менга бунчалар меҳрингизни қўйманг. Менинг ҳаётим чегаралар

ланган. Жуда-жуда узоқ йилларга бу юрак билан етиб бўлмайди, – деди ўйларимни, орзуларимни остин-устун қилиб. Уни овутмоқ истагида сўз бошлаганимда, дутоналари ортимиздан етиб келиб, сўзларим бўғзимда қолди. Қизларнинг овозини эшитганданоқ асл ҳолига қайтди. Мени унутди. Улар билан биргалашиб кетди.

Қисмат мени турли жойларга отди. Бир илож қилиб, отилган жойлардан судралиб чиқдим. Яна одам боласидай одамлар сафига қўшилдим. Бирда чуқур, бирда чангалзор, бирда тап-тақир чўлу биёбон, бирда ўпқонларга юзма-юз келдим. Жон-жаҳдим билан тинч-осойишта яшаш мумкин бўлган гулу бўстонга интилдим. Интилган жойларимда мени саробий рўёлар қарши олди. Яна қайта куни йўқ, тунни йўқ болалик кунларимга қайтдим.

...Онам юрак хасталигига чалинганда ёш бола эдим. Қачон онамни тунлари юрак хуружи безовта қилганда, ҳушсизланарди. Ўшандай пайтлари шошиб-пишиб қўлларини, оёқларини уқалаб чиқардик. Қўшнимиз Отабой дўхтирни чақириб келардик. У кокарбакселаза деган дорини билагидан укол қиларди, дори таъсиридан бироз ҳушига келганда, секин кўзларини очиб, лаблари титраб:

– Болажоним, сени қийнаб қўйдим-да, – дея кўзларига ёш олар, ул ёшлар юзларидан оқар, мен эса онам ёшларини кафтим билан сидириб:

– Йиғламанг, онажон, – дея бағрига ўзимни ташлардим. Онам эса:

– Сени одам бўлган кунингни кўриш насиб қилса, армоним йўқ, – дея бошимни силарди.

Онажоним, у кунларга, «одам» бўлмасам-да, улғайган кунларимга етиб келолмади. Олис-олис йиллар ортида армонлари, орзулари билан қолиб кетди. Шунча йиллардан буён қувонч аталмиш маъбудни топдим деганимда, яна қаршимда

онамга қисматдош аёл. Бу не кўргилик, бу не қисмат.

Муҳаббатим, маъбудга айланган муҳаббатим кетиб борарди. Мен эса олис йўллардан ҳориб-чарчаб келаётган йўловчи мисол силлам қуриб, йўл четига чиқиб ўтираман. Ўйларим, хаёлларим, орзуларим ер билан яксон бўлган, кўнгилни кўтарувчи, уни аллалаб-эркаловчи бир сўз, юпанч йўқ. Менинг улғайган бахтли кунларим йўқ эди. Мен яна қайта саккиз ёшига қайтган бахтсиз бола эдим.

Йўл четида қанча ўтирдим, билмайман. Билганларим атрофни зулмат пардаси қоплаган. Қаршимда эса, биз ётган шийпон эшиги тирқишларидан хира ёғду тун қаърига мунғайиб қараб турарди. Ўша нур томон судралдим.

Шийпонга кириб борганимда, одамлар овқатланиб, шийпон тўридаги эски потефонни қўйишиб, алмисоқдан қолган ҳофизнинг қўшиғига рақс тушиш билан овора эдилар. Мен на қўшиққа, на дўстларимнинг гап-сўзларига эътибор бермай, ечинмасдан, ювинмасдан жойимга бориб ётдим. Жисмим зил-замбил, хаёлларим, йиртилиб кетган орзуларим ҳар ён сочилган, уларни теришга менда на куч, на қудрат бор эди. Қанча вақт шул алпозда ётдим, билмайман. Кимларнингдир шивирлашиб гаплашаётганлигидан уйғониб кетдим. Ҳамма ухлаб ётарди. Аммо мендан анча наридаги сўрида шам ёниб турар. Шам атрофида эса бир неча киши тўпланганди. Беихтиёр ўша томонга юрдим. Яқинлашиб борганимда не кўз билан кўрай, мен севган, менинг маъбудамга айланган қизнинг билагига нина санчишмоқда. Унинг кўзлари юмуқ, сочлари ёстиғи устида сочилиб ётарди.

– Лайло, – дедим шивирлагандай. Овозим менга шивир бўлиб эшитилган экан. Аслида баланд овоз-

да сўзлабман, шекилли, нотаниш киши менга ил-
кис ўтирилиб:

– Секинроқ, – деди зарда қилиб. Унинг гапидан
ҳушимга келиб, тек қотдим.

Бизнинг соғлигимиздан хабар оловчи дўхтир,
Лайлонинг билагига пахтани олиб:

– Ҳозир ҳушига келади. Кокарбоксилазанинг
таъсири тез бўлади, – деди шприцларини қутисига
сола-сола. Шунда дўхтирнинг кўзи менга тушиб,
самимий жилмайди:

– Яхши бўлиб кетади. Иложи бўлса, эртага қи-
зимизни марказга юборайлик. Юрак билан ҳазил-
лашиб бўлмайди. Сиз тайёрланиб тулинг. Бирга
борасиз.

Аёл бизнинг бир-биримизга яқинлигимизни би-
ларди. Шу боис менга мурожаат қилди, шекилли.

– Ҳа-ҳа, – дедим, Лайло билан борса-келмас юрт-
ларга ҳам боришга тайёр эканлигимни билдириб.

Йўқ, орадан бироз вақт ўтиб, болалигимда онам
қандай кўзларини очган бўлса, у ҳам ўшандай ҳол-
да кўзларини очди. Атрофидаги одамларга нигоҳи
тушди, хижолат чеккандай, уялгандай яна қайта
кўзларини юмди. Дўхтир опа:

– Вой, менинг ширин қизим. Бироз толиқибсан.
Эртага сени Дониёр аканг билан марказга жўна-
тамиз, – деди унинг тўзғиб кетган сочларини ту-
затиб. Лайло менинг исмимни эшитиб яна қайта
кўзини очди. Одамлар орасидан мени излади. Ни-
гоҳларимиз туташди. Беозор жилмайди. Яна жо-
ним бўғзимга келди. Яна қайта муҳаббат жаллоди
кундасига бошимни қўйдим. У кўзларини юмди.

– Ухлади. Сен, болам, ёнида қол. Агар безов-
таланса, хабар берасан, – деди дўхтир қўлимни
сиқиб.

Ҳамма тинч уйқуда. Шийпон ичи қоронғи бўл-
ганлиги учун унинг юзини кўролмасамда, ёнимда-

лигини ҳис қилиб ўтирибман. Қаршимда онам вафотидан сўнг илк бор менинг одамлигимни ошқор қилиб ўзимга эслатган, бу оламда ҳар бир одамнинг сиғинадиган, топинадиган, талпинадиган маъбудлари бўлишини англатган, тун қоронғисига чўкиб кетган орзуларимни ойдин тонг остонасига олиб чиққан севгилим ётибди. Мен унинг юзларини кўрмасам-да, хаёлларим осмонида уни кўриб турибман. У менинг осмоним. У меники, бемор бўлса-да, у меники, фақат меники, дея ҳайқиргим келади.

Мўъжиза юз берди. Овоз келди:

– Дониёр ака!

Овоз эгасини танидим. Бу Лайлонинг, ҳа-ҳа, Лайлонинг овози эди. Ўрнимдан сапчиб турдим. Унга яқинлашдим. Ёнига ўтирдим. Тун қоронғисига симобий тусда товланиб турган кўзларини кўрдим. У пайпаслаб қўлимни топди. Иссиқ бармоқлари билан кафтимни силади. Кейин:

– Ака, мен сизни яхши кўраман. Жонимдан ортиқ. Аммо касалман-да, – деди хаста овозда.

– Мен ҳам. Мен сизни касалингиз билан бирга яхши кўраман. Ҳали кўрасиз. Бу касални икковимиз биргаликда даволаймиз, – дедим ва яна қандайдир гапларни айтдим. У қўлимни олиб кўкрагига қўйди. Юрагининг гупиллаб уришидан чуқур ҳаяжондалигини ҳис қилдим. Қўлимни маҳкам сиққанча уйқуга кетди.

Тонг отиб келарди. Лайлонинг кўрпасини тўғрилаб ўрнимдан турдим. Хаёлимдаги қоронғи ўйларни ҳайдаш мақсадида ёруғлик томонга юзландим. Кенг дала. Пахталари териб олинганидан қорайиб қолган ёўзапоялар кўзга тапланади. Олис-олис тоғлар ортида нурлари самога санчилган қуёш кўриниш берди. Қуйидаги тун шарпалари ҳали қуёш нуридан қочиб улгурмаган. Чўлнинг кўрки ҳисобланмиш ёввойи дарахтларга тонги туман

чирмашган. Ҳали улар ҳам чиқиб келаётган қуёш нуридан беҳабарлар. Тонг ила бошлашиб турган самоварчи йигит оғзи-бурни тутунга тўлиб, самоварни ўт олдириш билан овора. Ҳавога ўрмалаган тутун оғирлигидан қуйига талпинади. Этни жунжиктирадиган куз ҳавоси тоза, мусаффо.

– Дониёр ака. – Лайлонинг овозидан ҳушёр тортиб, ортимга буриламан. Елкасига қора чопон ташлаган Лайлога кўзим тушади. Тезда ёнига бораман. Бир-икки қадам етмасдан жойимда тўхтаман. Уни томоша қилишни истайман. Қоп-қора сочлари пешонасида тўзфиган, ингичка қошлари қайрилган, бежирим лаблари бир сўз айтмоққа шайланган, тим қора кўзларига хотиржам бир нур инган пари қаршимда турарди. У менинг ҳайратимни сезгандай:

– Мен қандай бўлсам, шундайлигимча яхши кўринг, мен бундан ортиқ бўлолмайман. Бундан ортиғи менга ярашмайди, – деди маънос жиламайиб.

– Бундан ортиғига мен ҳам ярашмайман, – дедим қувончим ичимга сиғмай. Шунда у қисқа-қисқа қадамлар билан ёнимга юриб келиб:

– Кетдик бу ерлардан, – дея қўлимдан ушлаб йўл бошлади.

Биз шийпон қаршисидаги кенг йўлга чиқдик. Бир-биримизга суяниб, бир-биримизга далда бериб, катта, кенг «ҳаёт» йўлида кетиб борардик.

Ўша фурсатларда Лайло ва менга на ортдагиларнинг, на олддагиларнинг қизиғи бор. Биз бир одам, бир юрак, бир қалбга айланган «ёлғиз» йўловчи эдик. Мусаффо тонгнинг сукунати ҳамроҳимиз, шудрингдан боши эгилган майсалар тиловакшимиз, кенг йўл қадамларимиз нафасига соме бўлган йўлдошимиз эди. Биз бир-биримиз билан бармоқларимиз тафти ила сўзлашиб борардик.

Тўрт томонимизни кенг далалар қуршаган йўл устида турибмиз. Қалбларимизга нигоҳларимиз қадалган. Шунда унинг маънос чехрасида онамни кўрдим. Унинг кўз қорачиқларидан ўтмишим бўй чўзди.

– Онамга ўхшайсиз, – дедим. Аммо у сукунат ёрига айлангандай жим эди. Бир лаҳзалик сукут адоғида:

– Мен сиздан миннатдорман. Бахтнинг бунчалар оромли, бунчалар суюмли эканлигини билмаган эдим. Бу тун ёнимда ўтириб чиққанингизда чуқурроқ ҳис қилдим. Мана бу кимсасиз, ғамгин кенгликларга қаранг. Кимсасиз, ғамгин бўлса-да, гўзал. Чунки менга бахт ато қилган одам ёнимда. Сиз борсиз, сизнинг борлигингиз олдида барча ломаконлар севимли кулбамга айланади. Одамнинг орзулари ушалган кундан ўзга илоҳий куннинг ўзи йўқдир. Қанча кунлар соддалигингиз, самимийлигингиз устидан кинояли кулдим. Аммо ўша кулгилар бағрида муҳаббатим ётарди. Мен уни ошкор қилишдан қўрқардим. Чунки менга берилган ёруғ кунлар саноқлидир. Мен унинг саноқли эканлигига имон келтирганман. Юринг, кетайлик узоқ-узоқларга. Қадамимиз тўхтаган жойда айро тушайлик. Ўшанда ҳам, ўшанда ҳам мен сизни бир руҳафзонгиз бўлиб муҳаббатингизни ўзим билан олиб кетаман, – деди кўзларидан ёш қуйилиб.

Дунё бир кам-да! Кам бўлмаса, шунча йиллар азобу уқубатда яшаб, энди бахт аталмиш эшиклар очилганда, яна қайта ёпиладими? Менинг гуноҳим нимада?! Бу не кўргилик. Бу не қисмат?!

Кейин Лайло унчалик очилиб сўзламади...

Марказга келдик. Уни текшириб кўрган докторлар зудлик билан касалхонага ётишини айтишди. Касалхонага жойлашди. Ёнидан кетгим келмайди. У ҳам мендай ҳолатни бошидан кечирар эди.

Хайрлашиш олдида:

– Дониёр ака, мени Яратган Эгамнинг ўзи кечирсин. Бугун мен билан қолинг. Ўзим докторлар билан гаплашаман, – дея ўрнидан турди. Сумкачасидан пул олиб хонадан чиқди. Бироз ўтиб ортига қайтди. У хурсанд, шод эди. Менга ҳам унинг шодлиги кўчди. Бир-биримизнинг бағримизга сингиб кетдик.

У тун менинг, унинг туни эди. Тонг олди узоқ йиллардан буён бирга яшаган бир жуфт қушга айланган эдик.

Лайло билан хайрлашдим. Ўшанда мен хайрлашган, у алвидо айтган экан.

Ортимга қайтиб келиб, одамлари бору, аммо мен учун кимсасиз бўлиб қолган кенгликда пахта тераман деб эгилганимда бир овоз келди:

– Лайлонинг жони узилди!

Йўқ-йўқ, бу лаҳзаларни хаёлимга келтира олмайман. Ўша кун хаёлларидан ҳам қўрқаман.

Биринчи муҳаббат бор экан-да!

...Тонг отди. Оппоқ шафақ дарахтлар баргида жилва қилди. Ўрнимдан турдим. Жисмим зил-замбил эди. Тоғ томон юрдим. Нечун Лайлонинг тушимга кирганлигидан ҳайратландим. Ҳайратим адоғида Жумагулни эсладим ва беихтиёр «Ундан рашк қилмоқда» деб ўйладим.

ИККИНЧИ ФАСА

*Бир ўзга дунё бўлса эди,
Мени ҳам бағрига олса эди...*

Вақтлардан йироқда, одамлардан нарида ўз ҳаёлларим, ўз орзуларим билан яшашга имкон берганда самода ўз маъбудим, қалбимда осмоним бўлур эди.

Занжирбанд руҳимга қарайман ғамгин. Қаноти синган, жисми чалажон, руҳдан кўра руҳсизликка мойилдир у ҳам. Бир замонлар одамни одамдай севишга ўргатдилар. Одамга талпиндим, одамга топиндим. Хатолиғ бўлиб чиқди, шундай пайтлар, жуда арзон винони бир-бир ҳўплаб, хирилаган овозда шеър ўқиган, ёлғиз, ёлғизлиги ўзига ярашган шоирнинг шеърлари ёдга келади:

*Видо табассумли олам, ёшлигим,
Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим,
Кўкларга етмаган нолам, ёшлигим,
Сувга чўкиб кетган болам, ёшлигим,
Видо табассумли олам, ёшлигим.*

Бу сатрларни битган шоир оломон олдида жуда ёлғиз, жуда ночор, жуда абгор эди. Шу боис оломон одамга, буюк одамга одам сифатида муносабат қилмади, топтаб, янчиб ташлади.

Ён атрофингда ўзингдай фикрлашга интилан-
лар бўлмаса жисминг оломон оёғи остида эзиб-ға-
жиб ташланар экан-да. У ҳам мендай ёлғиз, аммо
ёлғизлиги билан улуғвор, гўзал эди.

Лабларидан узилаган:

*Хато қилдим, севгилим,
Хато қилдим билмасдан.
Қани ютилса тилим,
Қалтираб турар қўлим,
Жигаримни юлмасдан.*

*Хато қилдим, севгилим,
Хато қилдим, билмасдан,
Мен суйиб хато қилдим,
Мен куйиб хато қилдим,
Ўлиб хато қилмасман...*

Бу сатрларни на оломон, на ўзгаси айта оларди.
Бу шеър эди. Бу унинг сўнгги иқрори эди. Ватанда
ватансиз, булоқ бўйида сувсиз, боғлар ичида соя-
сиз, жони жигарлари орасинда жигарсиз, ўз кул-
басида паноҳсиз қолган одамнинг жисми жонидан
отилиб чиққан алвидоси эди.

Ўзгалар дўзах, аросат, жаннатга вафотидан
кейин йўл олса, ижод аҳли тириклигидаёқ дўзах
оловига ташланар экан-да. Хурфикр одамларнинг
оломон ичинда яшашининг ўзи дўзах экан. Бас,
шундай синовни кўзинг очиқлигида бошингдан
кечирдингми, у томондагисидан асло чўчимасанг
ҳам бўлади. Тириклайин ўлганларни кўрганлар
борми? Ҳеч ким кўрмаган бўлса керак. Ўлимни
бир соғинч билан кутган ва унинг жамолига му-
шарраф бўлган шоир.

*Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,
Аллоҳим, ... мен ўлдим ... мен сенга етдим...*

Оломон оёғи остида топталганларнинг барчаси улардан устун шахс, инсон, истеъдод эди деб ёзганлари буюк ҳақиқат. Ким бундай қувончнинг қошида бўлган. Ҳеч бирингиз. Бўлолмайсиз ҳам...

Боғ ичида тушган нигоҳларга қувонч ато қилувчи париларга тикиламан. Бир одамга айланган бу париларнинг нигоҳларидаги беғубор тонг шуъласидек қарашларидаги нурлардан илҳомланиб қўшиқ айтгнинг, хиргойи қилгнинг келади. Уларнинг ҳам ўтмишда жисми, руҳи топталган эди. Аслида уларнинг бахт учун кесилган умрини ҳар бир одам учун инъом қилиш мумкин экан-ку. Тўғри қадамлар ҳар доим оломон нигоҳида хато кўринган. Мен ҳам ана шу хатоларим, устма-уст қилинган хатоларим билан узоқ йиллар яшадим. Бугун ортда қолган кунларимдан нималарни эслай оламан. Неларни бир ёруғ туйғу билан хаёлга келтириб, қувониблар кетаман. Ҳеч бир хотира хаёлга келмайди. Қувончим ҳам, хотирамга мангу муҳрланиши муқаррар бўлган дамларим ҳам шул лаҳзалардир. Уларга қаранг, қанчалар бахтли. Не-не бахтсизликлар ичидан омон чиқиб бахтини топганлар. Азоблар ичидан пўлатдай тобланиб, ҳаёт аталмиш тилсимотга ўз хулосаларини чиқариб, анча олислаб кетган «Эр аёллар». Вақтнинг нақадар ғанимат, аммо шафқатсиз эканлигини улар чуқур ҳис қилишади. Уларга қисматдош шоир айтганидай:

*... Фурсат ўтмоқдадир. Вақт бу беомон.
Омонат дунёда омонат одам.
Виждон шеваси бор меҳроби иймон,
Асл одамларни чорлайди бу дам.*

*Фалакка санчилиб қолган кўзим бор,
Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор.*

Тенгсизлик одам ибтидосининг тузалмас касали, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган «улкан мероси»дир. Ёруғлик ва тун бир-бири билан асло келиша олмай бири пайдо бўлса, иккинчиси йўқолганидек, одам аталмиш мавжудот орасида ҳам ҳеч қачон тенглик бўлмаган. Аммо шоир бир умидворлик билан ёзади:

*Йўқ... йўқ, яралмади у билган ҳаёт,
Ҳали тугилмади шоирнинг куни.*

Шоир интиқ кутган куннинг келиши, туғилиши мумкин бўлмаган ҳодисотдир. Шоирнинг куни келган кундан бошлаб тенгсизлик йўқолади ва шоирлар қайта туғилмайди... Ана шу оддий ҳақиқатни содда шоир тушунмасдан ўтди.

Миллатнинг соғлом фикрли одамлари уни англашди. Улар чорасиз одамлар эди. «Ўзгалар» уни тобутда кетаётганда сезиб қолишди. Ана шундай сезиш ўтмишда яна бир шоир билан ҳам содир бўлган эди. Унга элнинг ҳукмдори:

– Сен шундай бир китоб яратгин. Мен уни ўқиганда илҳомланиб, ҳар бир байтингга бир тилло танга тўлайин, – деди ҳали йўқ тангаларга шоирни ишонтириб.

Ҳақиқий ижод аҳли шундай содда-да. Ҳукмдорнинг гаплари ила у бир буюк асар ёздики, ўқиганлар лол қолишди. Ҳа, гадолиги қурсин! Шоирнинг гадо дўстлари у қилган ишни кўролмасдан, «асарнинг ҳар байтига кумуш тангалар тўланса ҳам бўлаверади» дейишиб, ҳукмдорни ишонтиришди. Ҳаёти роҳат-фароғатда ўтган шоҳ ёзилган асар қийматини қаердан билсин, туяларга кумуш тан-

галарни юклаб шоирга жўнатди. Ўшанда шоир кумуш тангаларнинг бирон донасига тегинмасдан, жавоб сифатида хат ёзиб, ҳукмдорга юборди. Бундай муносабатни кутмаган ҳукмдор жаҳл отига миниб, шоирни таъқиб остига олди. Шунда у сарсон-саргардон бўлиб, узоқ йиллар ҳукмдордан қочиб юрди. Аммо орада бир тасодиф билан ҳукмдор шоир ёзган асарнинг ўта муҳим ва буюклигини сезиб қолиб, кумуш тангалар ўрнига олтин тангаларни туяларга юклаб шоир ҳузурига қайта юборди. Туялар қарвони шоир яшаган шаҳар дарвозасидан кириб келганда, унинг тобути иккинчи дарвозадан олиб чиқиляётган эди. Ҳа-а, дунёйи дун, шундай қисмат ҳам бўладими?!

Жумагул кўриниш берди. Бир неча кунлик мулоқотлар бир-биримизга яқинлаштириб, кўнгилда тортиниб турган гапларимизни ошкор сўзлашга жазм қила бошладик. Шул сабаб уни кўрганимда эски дардларимдан чекиниб, истиқболига ўрнимдан турдим. Беихтиёр қўлидан ушлаб, сўрига бошладим.

– Бугун ўзгачасиз, – дедим хуш кайфиятда. У илтифотимдан жилмайди.

– Сиздай одам билан суҳбатдош бўлган ҳар қандай одам ўзгача бўлиб кетади-да. Ҳар лаҳзаси ғанимат вақтда, кеч бўлса-да сиз билан учрашганимдан бери осмонларда учиб юрибман, – деди. – Нималарни хаёл қилиб ўтирибсиз? Ёқимли сўзларингиз ортидан бир ғам кўланка ташлагандай? – деб сўради. Ичимдаги ғамгин хотирани англаганлигидан бир оз кўнглим безовталанди.

– Қандай сездингиз? – дедим сиримни ошкор қилиб. У саволимдан бир лаҳза тин олди.

– Аёл қалби ҳар қандай нурлардан-да тифли, ҳар қандай тилсимот ичига киришга қодир бир кучдир. Ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, – деди менга меҳр ила синчков тикилиб.

Уни кўрсам гапиргим келади. Гапира бошладим.

– Ҳозир сизларни хуш-хурсандчилигингизни, бир-бирингизнинг нигоҳларингиз орқали тушунишларингизни кўриб ҳавасландим. Қани энди ёшлигим қайтиб келса-ю, мен ҳам шундай ҳаётни қайта бошдан кечирсам. Йиллар ортидан йиғилган кўнгилдаги ғуборларни тўкиб, покланиб олсам. Шу йиллар ичида бир ғариб хулосага келдимки, ижод, ижодкор аҳли ҳеч қачон тўкис яшай олмас экан. Бу дунёда қанча-қанча ўтиб кетган, яшаётган ижодкорлар қисматини, ҳаётини биламан. Энг етук, энг катта истеъдодли ижодкорларнинг биронтаси тўкис яшамади. Ё ҳалокатга учради, ё пешонасидаги йўқчилик азобига бардош бера олмади ёки ўз жонига қасд қилишди. Ҳалокатларидан сўнггина уларни жамият тан олди. *«Бизнинг ёзувчимиз, шоиримиз, олимимиз»* дея кўкларга кўтаришди. Одам вафотидан кейин уни шону шарафларга буркашнинг нима аҳамияти бор? Барча эзгу ишлар тириклигида бўлсагина ўзини оқлайди. Биласиз, табиат қўйнида энг ноёб металлاردан бири олтин ҳисобланади. Олтинга ҳамма ҳавасланади. Ҳамма уни ўзида бўлишини истайди. Шу боис у гоҳ у қўлга, гоҳ бу қўлга ўтади. Олтиннинг ана шу дарбадар кунларида одамзод бир-бирини ўлдиради. Унга эришиш учун турли хил жиноятлар, хиёнатлар қилади. Асли бу олтин дегани одамзодни қанчалар оҳанрабодай ўзига чорлаб, уларнинг қўлида, кўкида бир маъбуд мисол порласа-да, асло вафо қилмайди. Чунки у учун талашиб-тортишганлар унинг хўжасига айланолмай, бу оламдан алам билан хайрлашиб кетаверади. Кетганлар ўрнига келганлари яна шу қисматни такрорлашади. Истеъдодли ижодкорлар қолдирган асарларнинг қисматлари ҳам худди шундай. Тириклигида дарбадар, хор, аммо қолдирган дурдоналари халқнинг

фахри, ифтихоридир. Ана шундай ўйлар сўнгида охиратни ўйлаб қоласан. Менинг тасаввуримда охират – замин бағридаги олтинларнинг бир тоғ бўлиб йиғилгани, иккинчи томонда халқнинг асл фарзандлари яратган дурдона асарларнинг улкан тоғдай қад кўтаришидир. Олтин тоғини қуршаганлар дўзах оловига гирифтор бўлса, дурдона асарлар осмонидаги ижод аҳли жаннати одамлардир.

Кўнгилдаги бор гапимни сўзлаганимдан бўшашиб, сукут сақладим. Аёлнинг чуқур хўрсинишидан сергакланиб, унга қарадим. Жумагулнинг кўзларида ёш йилтилар эди.

Унинг йиғисидан хавотирланиб, «нима бўлди сизга?» дея унга яқинлашдим ва беихтиёр юзидан оқаётган кўз ёшларини бармоқларим билан арта бошладим. Одам гоҳида мувозанатдан чиқиб, ўзини бошқара олмай қолади. Ана шундай паллалар кимгадир суянади, кимдандир куч-қувват олади. Жумагул ҳам ана шундай мувозанатсиз ҳолда эди. Бармоқларим тафтидан тезда ўзига келди. Қаршисида турганлигимни кўриб сергакланди. Ортимга қайтдим. Худди гуноҳ иш қилиб қўйгандай бошимни ҳам қилиб ўтиравердим. Бир оздан сўнг овоз берди:

– Укам ёдимга тушиб кетди, – деди лаблари титраб.

– Қўйинг, йиғламанг, укангиз Асқар ҳам жаннати ижодкорлардан эди. Не қилсин, бу дунёга сифмади. Уларнинг асл дунёси ўша томонларда, – дедим ёдимга қабр тошидаги сўзлар тушиб.

– Уни танирмидингиз? – деди аёл титроқ билан.

– Йўқ, танимасдим. Ота-онангиз қабри ёнидаги укангиз қабрини ҳам кўргандим. Робияхоннинг ҳикоясидан уни ўз укамдай яхши кўриб қолганман, – дедим самимият билан. Аёл хўрсинди. Ичидаги армон овозга айланди. У армон жисмимга кўчгандай

безовталандим. Ўрнимдан туриб, бошим оққан томонларга кетгим келди. Шундай бўлди. Аёл ортимдан эргашиди. Бир-биримизга бир сўз айтмасдан боғ оралаб юриб кетдик. Шундай тошлар орасидан отилиб чиқаётган сув қаршисида тўхтадик. Ҳавода мавжланаётган сув зарралари юзимизга урилди. Ҳушсизликдан ҳушлангандай бўлдик. Шунда бир-биримизга жилмайиб қарадик. Икковимиз ҳам бир одамга айлангандай бўлдик. Сувнинг шифоси-ла ғамгин хаёллар бир ён чекиниб, қалбимизга қувонч фариштаси кириб келгандай бўлди.

– Жуда чиройли манзара-я! – деди унинг чеҳраси ёришиб.

– Ҳа, гўзал манзара! Табиатнинг бизга атаган ноёб инъоми. Бундай сеҳрли, сирли шаффоф сув ичингдаги бор ғуборларни олиб, кўнгилни равшан қилади. Ана шундай паллалар самоларга учгинг, ху-у оппоқ булутларни бағрингга босиб қучгинг келади, – дедим кўкдаги момикдай-момикдай сузиб бораётган оқ булутларга нигоҳимни тикиб.

– Сиз мени ўзга оламга, ўзим билмаган, ҳис қилмаган сеҳрли оламга бошлаб кетмоқдасиз. У оламда ёлғиз қандай яшайман, – деди кўнглимни безовта айлаб.

Бу кўнглил саволи олдида тилсиз, забонсиз эдим...

* * *

Тонг мендан йироқлашиб борарди. Мен унинг йироқлашишини истамасдим. У осмонга кўтарилди. Қаршисидаги тоғ чўққисида қуёш нури кўриниш берди. Кўп ўтмасдан ҳамма ёқ ёришди. Яна бир янги кун бошланди. Кайфиятим кўтарилди. Чунки мен ёлғиз эмасдим. Ёнимда ҳурматимни, иззатимни жойига қўядиган суҳбатдошларим, бир неча кун ичида қариндошимдан ҳам яқин бўлиб кетган дарддошларим бор эди.

Бор оралаб ортимга қайтдим. Жумагулга юзма-юз келдим.

– Бугун эрта турдингиз, шекилли, – деди майин жилмайиб.

– Ҳа, – дедим унинг меҳрга қорилган нигоҳидан руҳланиб. Шунда Жумагул:

– Сизнинг ичингиздаги одам санъаткор бўлса керак, деб ўйлайман, – деди менга ғалати нигоҳ ташлаб. «Нега?» деган савол назари билан қараганимга жавобан: – Бир пайтлари руҳияти сизга ўхшаб кетадиган созанда ҳақида ҳикоя ўқигандим, – деди. Аёлнинг гапидан янада ҳайратим ошиб, ўзим билмаган, аммо менга ўхшаш санъаткор бўлганлигидан хурсанд бўлдим.

– Балки бу тонг шу ҳикояни эшитиш учун эрта тургандирман. Ҳикоя қилинг, ўзимни тополмай юрган бир паллада менга жуда-жуда керак бўлган жони жигарим билан учрашайин, – дедим.

Шунда Жумагул:

– Кетдик, бу ердан. Ҳу-у анави дарахтзор ичида ҳикоя қиламан, – дея йўл бошлади. Олма дарахти остидаги майсазорга бориб ўтирдик. Хаёлимда у ўзгариб қолгандай. Нигоҳида маъюслик сояси, пешонасидаги билинар-билинемас ажинлари қуюқлашган. Мен ундан хавотирландим.

– Мен Шарқ мусиқаси, мусиқашунослари, мунаққидлари, ҳофизу раққос, раққосалари, хонандалари тарихини бир оз ўқиганман. Улар ичида ёрқин сиймолар жуда кўп. Ўшандай сиймолардан бири – Қутб найчидир. Ана шу санъаткор сиймосида сизни кўргандай бўламан.

Бу муғаннийнинг энг сўнгги куйи «Пешвари дор» деб аталади.

Найнинг овозини эшитгансиз. Жимитдай оғоч қандай гўзал оҳанг таратади. Одамзод ноёб истеъдод эгаси-да. Унинг ақлига, қобилиятига, ис-

теъдодига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Аслида, одамзоднинг барчасида нимагадир қобилият бор. Лекин уларнинг ҳаммасидан эл хабардор бўла олмайди. Санъаткорни, истеъдодли санъаткорни одамлар лаҳзалар ичида билиб олишади. Чунки улар халқнинг фарзандларидир. Халқ билан тирикдир улар. Марҳум бобомиз Қутб найчи ҳам элнинг назарига тушган, халқнинг севимли, суюкли муғаннийларидан эди. Одамлар уни елкасида кўтариб юришга тайёр эдилар. Муғанний эса ўз мусиқаси билан беморларни даволар, саройдами, саҳродами, шаҳару қишлоқдами ошиқлари уни кўриш, найининг овозини эшитишга орзуманд бўлиб яшашарди. Халқнинг юрагига малҳам бўлиб кира олган созанданинг ўзига яраша душманлари ҳам бор эди.

Бир кўз олдингизга тоғ ён бағридаги майсалар устида най чалаётган муғаннийни келтиринг ва най овозини хаёлан тинглаб кўринг. Қанчалар роҳатбахш куй. Қанчалар жон олар оҳанг. Бундай оҳангни, сеҳрли, сирли куйни тинглаган ҳар қандай аёл зоти ҳушдан кетиши тайин. Чунки аёлларга най овози ўзгача таъсир қилади. Қутб найчи шундай буюк муғанний эди. Бундай буюкликка эришган одамнинг узоқ яшаши қийин эди. Ҳар лаҳза, ҳар вақтда фалокат бошига тушиши мумкин эди унинг. Яратганнинг эркатои, оддий бандаларнинг ёқимтои бўлган Қутб найчи билан ҳам ана шундай фалокат содир бўлди, – дея Жумагул сукут сақлади. Кейин нимадир ёдига тушгандай: – Мен ҳеч қачон буюк истеъдодларни ҳалокат ёқасига олиб борганларни кечиролмайман. Улар менга ўхшаган оддий созандамас, донишманд созандалар эди. Донишманд дедим, донишмандлик фақат илм, тафаккур билан инсон онгига таъсир қилиб, бурилишлар ясайдиган улуғлар гуруҳимас. Дониш-

мандлар созандалар ичида ҳам кўп бўлган. Куй, оҳангни яратиш Аллоҳдан. Бас, шундай фикрлар эканмиз, муғаннийлар ҳам донишманд одамлардир. Чунки ҳар бир куй бутуқларида бутун бошли бир асар мужассам. Уни фақат ҳис қилиш мумкин. Ҳис қилиш учун ақл-заковат, ички бир сезги ва шу билан биргаликда булоқ сувидай шаффоф, тоза қалб керак, – дея у менга бир ҳаяжон билан тикилди. Мен аёл ҳикоясини эшитмоққа орзуманд эдим.

Жумагул шивирлади:

*Кишанланган Қутб найчи кетаётир,
Бағри хун халқ ортидан йиғалаётир...
Эркисиз қолган буюк бир қалб синаётир,
Миллатингга қанот эдинг, эй муғанний...*

Кишанланган Қутб найчи ўрнида ўзимни кўрдим. Аёлнинг ғамгин, ширали овози дор остига бошлаб кетаётгандай роҳатбахш эди.

Дор остигача бўлган йўлга сўзлар сочила бошлади.

*Жон олувчи, лаҳзаларнинг «қурбонлиги»,
Жон берувчи, ҳақиқатнинг султонлиги,
Шубҳа солди буюкларнинг омонлиги,
Миллатингга ҳамдард эдинг, эй муғанний.*

Жон лаҳзалар ичида чиқиб кетганидек, жон берувчи – ўзгаларга жон улашувчи дунёнинг султони бўлиши рост гап. Яна «буюкларнинг омонлиги»ни кўролмасларга шубҳа солиши ҳақиқат. Жумагул бу сатрларни шунчаки ўқимади. Созанда эмасми, куйга солди. Овоз куйга айланиб, худди ўзи ҳам муғанний ёнида кетаётгандай туюлди. Овоз сеҳри ила ёнма-ёнлигимни ҳис қилдим.

Аёл кўзларини юмди. Лабларидан бир оғриқ тўкилди:

*Дор остига бормогингга бордир нафас,
Атрофингни ўраганди темир қафас,
Самолардан келади-ку ўтли нафас,
Куй чалмоқни истардинг-а, эй муганний.*

Иродали, истеъдодли одамдан ҳамма нарсасини олиб қўйган билан у ўзгалар каби ўлим талвасасига тушмайди. Қачонки, кўнгилда орзу-умид синмаса. Гар синса, унинг ҳамма нарсасини тортиб олмаса ҳам ўлимини истаб қолади. Кўз олдимдан Қутб найчининг сўнгги нафасигача жону жаҳонига айланган найини чалишга орзуманд бўлганлигини ҳис қилиб, юрагим музлаб кетди. Балки ўшанда у хаёлидаги куйларини чалиб дор остига боргандир. Яратган Роббимнинг марҳаматини қарангки, йўлида фариштадай бола учраб, қўлидаги қоғозни найчига узатади ва у қоғоздан най ясаб дор остигача чалиб боради. Ана шу бахт ва бахтсизлик орасидаги ҳолатни Жумагул юракни ўртаб, қалбни сел қилиш даражасида ўқиди:

*Фаришталар йўлларингга ташлар қоғоз,
Ердан олиб ясадинг-а янги бир соз.
Созингдан таралади армонли овоз,
Нолаларинг кўкка етган, эй муганний.*

Жумагулни шеър ўқигандаги тебранишларини, юзидаги аллатовур ўзгаришларни, киприкларига илинган ёшларни, қўлларининг ҳаракатларини, пешонасидаги ажинларни худди тўлқинлардан сўнг қирғоққа ёйилаётган сувнинг текисланганидаги кўринишини сўз билан таърифлаб бўлмасди. Бу қайтарилмас лаҳзаларни фақат томоша қилиб, тинглаш мумкин эди.

У сўнгги сатрларни худди боласига мурожаат қилаётгандай, сўзларни дона-дона қилиб, худди

марварид тошларни тўлқин узра сочиб юбораётгандай айтди.

*Куй чалардинг бўйингинанг сиртмоқда,
Қонсираган жаллод арқон тортмоқда,
Менинг ичларимга қонлар оқмоқда.
«Пешвари дор» куйинг чалдинг, эй муганний,
Куйлар бўстонида мангу қолдинг, эй муганний.*

Атрофни сукунат эгаллади. Унга бир сўз айтишга қувватим йўқ. Жумагул эса ҳеч нарсани кўрмаётгандай бир нуқтага тикилиб колганди. Одам ҳаётининг ана шундай лаҳзалари жуда оғир-да. На ҳаёлга бир ўй, сўз келади. Сукут, оғир сукунат юракни эзади.

Яратган Эгамга беҳисоб шукрлар бўлсин, аёл ўзига келди. Худди бирдан уйғонгандай, тўзғиб кетган сочларини тузатди. Кейин синиқ жилмайиб менга қаради. Фариштадай сиймо билан юзма-юз турардим.

Мен Қутб найчи тарихини эсладим. Дорга осилганда тишлари орасида қолган қоғоз най ёдимга келди. Жумагулни ушбу ҳақиқатни ёзишга юраги бардош беролмаганлигини ҳис қилиб, бир оз кўнглини кўтариш илинжида:

– Наҳотки, шу буюк муганний менга ўхшаса? – дедим кўтаринки кайфиятда.

Шунда аёл енгил силкиниб:

– Унинг руҳлари бундан беш юз йил илгари самога учган бўлса-да, сизга айланиб қайтиб келганга ўхшайди, – деди.

Кўнгил, кўнгил-да. Аёлнинг гапидан хурсанд бўлдим. Руҳим тетиклашиб:

– Тарихимизда қай бир олим, алломани кўрманг, ҳаммаси разал ёзган, шеърлар битган, муסיқа басталаган, яна ўзлари қўшиқ ҳам айтишган.

Сизни ҳам ўша алломалардан фарқли жойингиз йўқ. Сиз ҳам улар билан тенглашгансиз, лекин улардан Сизнинг яна устун томонингиз ҳам бор. Бу сизнинг аёллигингиз ва гўзаллигингиз, – дедим бор ҳақиқатни ошкор қилиб. Гапларимдан Жумагул тетиклашди. Кўзларида қувонч порлади. Орамиздаги бегоналик пардасининг янада кўтарилганлигини ҳис қилиб: – Агар ёдингизда бўлса, ўша замонларда машҳур Абдуқодир найчи қатл қилиниш арафасида зўрға қочиб қутулганди. Етти иқлимга донғи кетган ҳофиз Устод Шодий бўлмағур сабаб билан Сирдарёга чўктириб ўлдирилди. Сиз тарихимизда из қолдирган ана шундай ёрқин сиймолар бўлганлигини элга ошкор қилмоғингиз керак, – дедим суҳбатимиз ўзани тарихимиз томон бурилганидан хурсанд бўлиб. Аёл гапларимдан ўйланиб қолди. Фикрларини бир жойга тўплаб:

– Бу ишда сизнинг ёрдамингиз керак бўлади. Чунки мен тарихимизни унчалик ҳам чуқур билмайман, – деди самимият билан.

– Жоним билан ёрдам бераман, – дедим унинг хаёлига келган янги фикрдан хурсанд бўлиб. – Тарихда ўтган буюкларимиз ҳақида алоҳида репертуар қилсангиз бўларкан. Шунда у:

– Нега, нечун бунча кеч? Мен сизни олдинроқ учратганимда, икковимиз халқимизнинг қалбига малҳам бўладиган савоб ишларни кўп қилган бўлардик, – деди бир афсус билан.

Ҳа, унинг гапида жон бор эди. Бир кам-да... Одам, одам-да. Унда шайтоний ҳислар кўп. Аммо шундай ҳолатлар бўларканки, шайтон ҳам одамнинг соф туйғуларидан ҳайратга тушиб, томошабинга айланар экан. Балки руҳ тозаланган паллада ўша руҳ деворидан шайтонлар ҳам ошиб ўтолмас.

Унинг бармоқлари қўлларим устидалигидан руҳланиб, ғуборсиз кўнгил ила сўзлай бошладим:

– Муסיқа оламига илк бор тамал тошини қўйганлар Нух пайғамбарнинг набиралари бўлса, улардан кейин бу оламни муסיқа оҳангига тўлдирганлар Пифагорлардир. Бундай ўйлаб қаралса, муסיқашунослик фани, муסיқа чолғуларини ихтиро қилиш ҳам қадим юнон халқига бориб тақалади. Юнон олимларининг муסיқа илмига бағишлаб ёзилган китоблари араб тилига таржима қилиниб, бизгача етиб келган. Ана шу илмнинг шаклланишида, Шарқ мамлакатларига ёйилишида Бағдоддаги уйғониш даври, айниқса, Хорун ар-Рашиднинг хизматлари беқиёсдир. Чунки у ўз даврида Бағдодга дунёнинг турли мамлакатларидан истеъдодли олимларни, созанда, хонанда, шоир, ёзувчиларни тўплади ва уларга эркин ижод қилиш учун барча шароитни яратиб берди. Шу даврда юнон олимларининг жуда кўплаб санъатга бағишланган асарлари араб тилига таржима қилинди. Кейинчалик бу асарлар Умар Хайём, Форобий, Ибн Сино, Абулаббос Бахтиёр, Тоҳир Абутаййибий ва бошқа юзлаб санъатшунослар томонидан ўрганилди.

Мана айтайлик, Тоҳир Абутаййибий машҳур юнон олими Афлотуннинг «Муסיқа қонунлари» асарининг мукаммал таржимасини ўнинчи асрдаёқ яратган эди. Шарқда бундай олимлар беҳисоб. Ана шундай муסיқа фанига, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирларимиз ижодига бағишланган бир асар яратилса, жаҳоншумул аҳамиятга эга иш бўларди. Кейин уларга бағишлаб шеър ёзиш, ўша шеърларга муסיқа басталаш сизнинг бўйингизда. Уларнинг кимлигини элга ошкор қилиб асар ёзиш эса менинг мажбуриятим. Ижодда ҳоким мену, Оммонисахон сиз бўласиз, – дедим аёлга жилмайиб.

Жумагул бу исмларни илк бор эшитганлиги учун:

– Улар кимлар? – деди таажжубланиб.

– Уларми, Абдурашидхон бир шаҳри азимнинг ҳокими, Оммонисахон ана шу хоннинг рафиқаси бўлган. Ўн ёшида хоннинг назарига тушган Оммонисахон шеърлар ёзган, танбур чалган, ўз шеърларига куй басталаган. Вақти-соати етиб хон саройига узатилган. Сарой аъёнлари, халқ орасида ўз шеърлари, ғазаллари билан катта ҳурмат қозонган. Рисолалар ёзган. Қай бир китобини Абдурашидхон ўз номидан элга ошкор қилган эди.

Оммонисахон узоқ яшамади. Янги дунёга келган норасидасига жонини улашиб, бу ёруғ олам билан абадий хайрлашди. Уни жонидан ортиқ яхши кўрган хоннинг ҳам бу айрилиққа сабр-бардоши етмай, тез орада руҳлари суюкли ёри руҳлари билан туташди. Оммонисахоннинг умри асло ўхшамасин, аммо қалби сизнинг юрагингизга кўчган деб ўйлайман, – дедим дарахт шоҳида полапони-га меҳрибонлик қилаётган мусичага тикилиб. Жумагул қўлимни ушлаганда ҳушимга келдим. Аммо уни силаб қўйишга куч тополмасдим. Ўзга аёл, ўзга қалб ёнимда турганда ялаб-юлқаб ташлардим. Бугун эса, бугун ундай ҳислар мендан чекинганди. Ёнимдаги аёл ҳам мендай ҳолатда эди. Ана шундай лаҳзаларда одамийликни кашф қилгандай бўлдим. Руҳимда хаёлимга келмаган ботиний ўзгариш содир бўлган эди. Аёлнинг кўзларига тикилдим. У ҳам хаёлимдан кечган ўйларимни тасдиқлаётгандай нигоҳ ташлаб турарди.

Қизларнинг овозидан ҳушёр тортамиз. Бир-бирини тушунган қалблар ўрнимиздан турмоққа изн беради. Қизлар томон шошилган Жумагул ортидан қарайман. Қанчалар севилишга ҳаққи бор сарвқомат аёл...

Хотирага шаҳид кетган шоирнинг сатрлари келади:

*Бахт дийдаси юзингдан пурнур бўлсин,
Душман кўзи жамолингдан дур бўлсин.
Юлдузлардек зебо талъатинг кўрмоқ
Орзуси менга насибу манзур бўлсин.*

Рубоий муаллифини эслайман. Кўнгил хуфтон бўлади. Нажмиддин Гавҳарий. Ул зот ҳам Самар найчи каби фожиали ўлдирилган эди.

Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари мақомчилик санъатининг буюк назариётчиси, машҳур олим, муסיқашунос, бастакор, созанда, хонанда, шоир Нажмиддин Гавҳарий «Муסיқа ҳақида рисола», «Ўн икки мақом баёни» ҳақида ва бошқа кўплаб санъат соҳасида асарлар яратган. Юқорида хаёлимга келган рубоий уни «Тўрт зарб» девонининг дебочаси эди.

Ана шундай улуғ зот ҳам Эрон шоҳи Тахмасб томонидан қатл этилганди.

Марҳум бобомизнинг қабри Бухоро шаҳрининг «Бозори нав» ҳудудидаги Имом Жунайдхон Ғаззалий гузаридадир.

*Жоним булбули нағзмасаро бўлса агар,
«Ушшоқ»нинг матлаби «Наво» бўлса агар,
Ишқ замзамаси бўлишни истамам,
Нафас қуввати дилда жо бўлса агар...*

Ана шундай юзлаб рубоийларни битган буюк зот келгиндиларнинг қурбонига айланган эди. Келгиндиларнинг мезбонлари эса буюк одамининг боши кесилаётган бир пайтда ёвга терс қараб турарди. Шоир билиб айтгандай:

*Ёвга терс қараган
Мусулмон эмас...*

Ҳа, ҳақиқатда мусулмон йўқ эди. Бу юртга қайси ялангоёқ хоҳласа кириб-чиқиб юраверарди. Чунки бу заминда руҳсиз жисмлар бор эди, холос...

Вақтида фикрнинг йўлига тўғон қўймасанг, ҳаёлни чумолидай гимирлаб тешиб, неларнидир олдингга ғарам қилиб уюб ташлайди-да. Шу боис ўта зукко, билимдон бўлмаслик учун баъзи-баъзида фикрлар олдига ғов ташлаб турмоқ керак. Шунда чуқур кетиб қолмайсан. Яратган Эгам одамзоднинг ўхшашлигини такрорламасдан яратган-да. Ҳамма бир одамга айланганда алақачон зерикиб қоларди. Шу сабаб зерикмасликнинг ҳисоби аниқ олинган. Яхшининг ёнида ёмонни, хафақоннинг олдида хушҳолни, ёвузнинг қаршисида эзгулик сочувчи, ифвогарга кушанда қилиб ҳақиқатпарварни, хуллас, ҳаммасининг дўсту душмани бор.

Мана бу дўрсиллаб елиб-югураётган ошпаз. Бундай одам билан менга ўхшаган хафақон одамларнинг суҳбатлари роҳат. Чунки улардан куч-қувват оласан. У ҳам мендан нимадир олса керакки, акасидай яхши кўриб қолган.

Бир-биримизни кўрсак кўнгил қувонади, кайфият кўтарилади. Хуллас, бир-биримизни тўлдириб юрибмиз.

Бутун Иқболойнинг ташаббуси билан қизларнинг доира жўрлигидаги ўйинларини томоша қилмоқчимиз. Ана шу томошанинг ташкилий томони ошпазнинг елкасида. У боғнинг омборхонасидан оҳори тўкилмаган гиламларни олиб келиб тўшамоқда. Ҳамроҳлари қизлар. Улар ўйнаётган вақтларида оёқлари қоқилиб кетмасликлари учун гиламларнинг бир-бирига туташган жойларини синчиклаб қараб чиқиб, кўтарилиб қолган ерларини оёқлари билан босиб тўғрилашмоқда. Иқболой доирасини чўғда тобламоқда. Робия ошпазнинг ортидан эргашиб қолган... Жумагул раққоса қиз-

ларга йўл-йўриқлар бериш билан овора. Хуллас, ҳамма ўз иши билан банд. Иқболой доирасини чертиб кўрди. Овоз таралди: бум-бак, бака-бум-бак. Овоз қанотидаги бум-баклар машҳур уста Олимни эслатди. Доира санъатига тамал тошини қўйган бу улуг зот дунё саҳналарида ўз доираси билан ўзга миллат вакиллари ҳам қойил қолдирган эди.

Санъат оламига раққос бўлиб кириб келган Уста Олим ортидан минглаб шогирдлар тайёрлаган буюк санъаткор эди.

Аёлларнинг оммавий ўйинларини ҳам ана шу санъаткор бошлаб берганди. Тасаввуримда раққослик ва доира чолғуси орасида қандайдир кўринмас боғлиқлик бордек. Чунки машҳур доирачиларнинг кўпчилиги раққос ҳам бўлганлар.

Жумагулнинг:

– Қизларимиз доира чолғусига ўйнашади, – деган гапидан ҳушёр тортаман. Ечимсиз қолган саволимга жавоб олиш фурсати етиб келганидан хурсанд бўлиб:

– Қани айтинг-чи, доирачи билан раққосалар орасида қандай яқинлик бор, – деб сўрайман. Шунда аёл майиғида кулиб:

– Олдин ўйинни томоша қилинг, шунда бир хулосага келасиз ва ундан кейин икковимиз бафуржа гаплашамиз, – деди ҳуш кайфиятда. Аёлнинг гапи менга ҳам маъқул тушди.

Одамнинг ташқи кўриниши табиат билан уйғунлашганда тасаввурга сиғмас гўзаллик кашф қилар экан. Хипча белларини атлас қўйлаклари силаган, пешоналаридаги тиллақошлари, қулоқларидаги сирғалари, сочпопуклари, бўйниларидаги зебигардонлари ўзларига ярашиб турган раққосалар кўринди. Улардаги гўзалликдан илк бор табиат андоза олгандай боғ ичидаги майин майсалар, қизғалдоқлар, қўзигуллар, дарахт шохларидаги

сайроқи қушлар бир лаҳза сукутга кетиб, қизларни томоша қилаётгандай эди. Шоир таърифидаги:

*Ул санамким, сув ёқасида паридек ўлтурур,
Ғояти нозиклигидан сув била ютса бўлур.
Энди билдим рост эмиш, балки кўрдим кўз била,
Улки дерлар сув қизи, гоҳи кўзга кўринур.*

Ҳатто табиат отлиқ тирикликда ҳам одам каби ҳайратланиш ҳисси борлигини илк бор сезиб турардим. Улар қуёш нурида тиллақошлари товланиб, чўғдай ёниб турган гилам устида саф тортдилар. Йигитларнинг пўрими ҳисобланган Иқболой қизлардан бир оз нарида доирасини оҳиста чертиб, овозининг ҳавосини олар, Жумагул раққосаларга нималарнидир уқтирарди. Робия ва бошқа қизлар курсиларда ўтиришиб, бир-бирлари билан шўх-шодон шивирлашишар, Робиядан бир оз нарида ўтирган ошпаз йигит парилардай тизилиб турган қизларга қараб турарди. Робиянинг унга кўзи тушиб, имлаб ёнига чақирди. Йигит бир уятли иш қилиб қўйгандай ҳаракат билан Робиянинг ёнига келди.

Доиранинг зарби ўтирганларнинг хаёлини олди. Доиранинг усуллари, қочиримлари, резларисиз қизиги йўқ. Улар оҳангга жон ато этади. Шарқона рақсларда доира сози алоҳида ўринда туради. Ана шу соз овози қизларни ҳаракатга келтирди. Раққосалар ғоздай керилишиб юрди. Улар «йўрға» ҳаракатлари билан саҳнада сузиб келаётгандай эди. Шунда беҳос доира садоси тинди. Қизлар шу усулни доира жўрлигисиз бажаришди. Улар оёқлари ҳаракати билан ерни тепишиб, доира овозини такрорлашди. Агар бу ҳаракат пол устида бўлганда ғоят гўзал чиқарди. Ёнимда турган Жумагул беихтиёр билагимни сиқди. Ҳайратланиб қараганимда:

– Гилам-ку. Гиламда овоз не қилсин, – деди хаёлимдан ўтган фикрни тасдиқлаб.

Қизлар саҳна охирига борганда доиранинг «бак» деган овози эшитилди. Шунда қизлар кескин ҳаракатда биз томон юз ўгиришди ва ғоз юриши бошланди. Кейин доира бошқа усулга ўтди. Доира секин, оҳиста чертиб-чертиб чалинди. Созанда доиранинг ҳалқаларини «силкитма» усулида чалиб овозига ҳайратли безаклар берди. Қизлар тебранди. Шунда беихтиёр сеҳргар доирадастга қарайман. Тасаввуримда у қизларни сеҳрлаб қўйгандай эди. У доира чаларди ҳамда қизларга қўшилиб хиром айларди. Сочлари ҳавода учар, доира пардасига урилаётган сеҳргар бармоқлари ҳаракатини илғаб бўлмасди. «Қойил, сенга Иқболой», дейман, таним жунбишга келиб. Ўйнагим келади. У қизларни олдиндан усул бериб, иккинчи ҳаракатга қачон ўтишини огоҳлантиргандай туюлди. Синчиклаб ҳаракатларга қарайман. Қизлар доира оҳангига мос нозик эгилишди. Кейин назокат, маъсумлик ва андак шўхлик билан ҳаракатландилар. Шунда Иқболой «рез» бериб, «бак»да тўхтади. Доира тинди. Қизлар қотиб қолишди. Бир лаҳза вақт ўтди. Янги тез ҳаракатдан «рез» берилди. «Рез» ила қизлар ҳаракати тезлашди.

Ўйиндаги ана шу лаҳзалар ичидаги ўзгаришдан руҳланиб, қарсак чалиб юбордим. Қолганлар ҳам менга қўшилди. Қизлар мусиқа тугаши билан худди сув устида сузаётгандай чўғдай гидамлар устида юриб кетишди. Иқболой эса доирани оҳиста чертиб қизларни кузатарди. У дугоналари орасида доирасини минглаб маротаба чалган бўлса-да, бугунги маҳоратидан ҳаммани ҳайратлантирди. Биз Иқболойга, Иқболой бизга айланиб қолганди. У доирани сўнгги бор чертди. Овоз раққосасиз ҳувиллаб ётган гидамлар устига ёйилгандай бўлди. Ана

шу гиламга ёйилган овоз ила бошини эгди. Унинг назокат билан бош эгишлари ғоят гўзал эди. Хаёлни ўғирлаган оҳанг, рақсдан қандай ҳолатга тушганлигимни билмайман, билганларим қайларгадир учиб кетардим. Шунда мувозанатсизлик сезгандай, ёнимдаги Жумагулнинг билагидан ушладим. У олдин ҳайрон бўлди. Кейин аҳволимни тушуниб, мен томон энгашди ва ачингандай овозда:

– Қутб найчига ўхшайсиз дегандим-ку, – деди шивирлаб.

– Ҳа, – дейман овозим титраб. Чунки мени бундай куй билан дор остига олиб бориш жуда-жуда осонлигини, ҳеч иккиланмасдан сиртмоққа бошимни тутиб беришимни ҳис қилиб: – Бўйнимга сиртмоқни сиз соласиз, – дедим хуш кайфиятда. Аёл менга синчков тикилди. Кейин ғамгин ҳолда:

– Йўқ-йўқ! Сиз ҳали яшашингиз, мана бу қизларингиз, мен учун яшашингиз, гўзал-гўзал асарлар ёзишингиз керак. Ер тўйибдимми? Ҳеч қачон тўймайди, – деди кўзлари ёшланиб. Унинг киприкларида титраб турган кўз ёшларга қараб ҳушсизлик ҳолатидан чиқдим. Жилмайдим. Аёл хўрсиниб қўйди.

Иқболой ва раққоса қизлар бизни ўраб олишди. Тасаввуримда улар бизни бир-биримизга дил изҳоримизни айтишди деб ўйлашди, шекилли, ҳаммаси хурсанд, шод эди. Менга шундай гўзал кунларни ҳадя қилган қизларни бир-бир бағримга босиб, ўйинлари билан табриклайман. Кўзларида ёш ҳалқаланиб турган Робияни бағримга босганимда:

– Акажон, опамни ташлаб қўйманг! Шунча узоқ йиллардан буён опамни бундай хурсанд бўлиб юрган кунларини кўрмаганман, – деди шивирлаб. Қизнинг гапидан алатовур бўлиб кетдим. Лекин бир сўз айта олмадим. Аммо ичимда олов ёнарди. Робияга тикиламан. Киприкларига илинган том-

чилар тўкилди. Мендан нари кетди. Ошпаз укам югуриб ёнига борди. Қўлларидан ушлади. Қиз қаршилик кўрсатмади. Хурсанд бўлиб кетдим. Бугун мен учун оғир кун эди. Жумагулнинг ёнига бордим. У қизлари билан хурсанд гаплашарди. Уларнинг хурсандчилиги менга ҳам кўчди. Икковимизнинг бир-биримизга тикилиб қолганлигимизни кўрган зийрак қизлар биздан чекинишди. Алвон рангда товланаётган гилам устида ёлғиз қолдик. Бехос бўлаётган ўзгаришлардан саросималаниб қолгандим. Аёл мени бу ҳолатдан олиб чиқди.

– Келинг, мен сизга доира санъатидан билганларимни сўзлаб бераман, – деди юзлари қизариб. Тингламоққа тутиндим. Гилам устига ўтирдик. У ҳикояни бошлади:

– Доира чолғусининг тарихи узоқ. У зарбли чолғулар турига киради. Искандар замонида ҳам бу чолғу бор эди. Ўша замонларда бу чолғу «Науба» деб аталган. Фақат шоҳлар саройидаги маросимларда чалинган. Кейин-кейин у халқни тўплаш, ов қилишда, аскарларни жангга чорлаб, руҳларини кўтаришда ҳам чалинган. Чунки бу зарбли чолғунинг овози узоқ-узоқларга эшитилган. Даврлар ўтиши билан «Науба»дан андоза олган ноғоралар пайдо бўлиб, халқ орасида жуда оммалашиб кетган. Шоҳлар вафот қилишганда айнан саройдаги шу чолғу синдириб ташланган. Сабаби, унинг умри шоҳнинг тириклиги билан боғлиқ бўлган. Темур вафотидан кейин ҳам ноғоралари синдириб ташланган эди. Ана шу тарихий жараёни босиб ўтгандан сўнг доиралар пайдо бўлган. Доира асосан Покистон, Афғонистон, Марказий Осиё давлатларида оммалашган. Совуқ юртларда оммалаша олмаган. Чунки об-ҳавоси намли бўлган жойларда доира пардалари тез совийди ва

чалишга яроқсиз бўлиб қолади. Мирзо Бобур Ҳиндистонга ҳамма чолғуларни олиб борган, аммо уларнинг ичида доира бўлмаган. Сабаби иқлим билан боғлиқ. Олдинги замонларда доира чолғусига фақат йигитлар рақсга тушишган. Аёл раққосалар бўлмаган. Аёл раққосаларнинг оммавий тус олиши инқилоб билан боғлиқ. Биласиз, инқилоб замонида кўп ота-оналар ҳалок бўлиб, уларнинг фарзандлари болалар уйига жойлаштирилган. Ана шу болалар уйидаги қизлардан раққосалар тайёрланган.

Аёллар санъати, уларнинг нафис ўйинлари яккахонликдан оммавий ўйинларга айланган. Бу яратувчиликнинг бошида уста Олим Комилов, Тамарахоним, Қори Ёқубовлар туради, – дея Жумагул тарихий шахсларни бир-бир санаб ўтди. Мен унинг қисқа, аммо одамга тушунарли ҳақиқатидан бу чолғу тури ҳақида кўп нарсани билишини англаб, ҳайратландим.

– Сиз бу тарихни қаердан биласиз? – дея савол бердим. Шунда у:

– Аслида мен санъатшунос олима бўлишим керак эди. Созандалик, хонандалик, раққосалик ўз йўлига, менда халқимиз санъати тарихини билишга ҳам иштиёқ баланд эди. Аммо, – дея сукутга кетди. Аёлнинг сукутдан ўз ўтмиши қаршисида бўй чўзганлигини ҳис қилиб:

– Жумагул, – дедим исмига урғу бериб. – Сиздек санъаткорларнинг сафи жуда-жуда кам. Юртимиздаги тўқсон фоиз санъаткорларимиз нафақат миллий санъатимиз тарихини, ҳатто шеър танлашни ҳам билмайдиган «санъаткор»лардир. Кейинги пайтда улар шеър ёзадиган, қўшиқ айтadиган бўлиб кетишди. Ҳозирда ғажиб ташланган, оҳори тўкилган сўз, чайнаб ташланган исмлар қўшиқнинг мазмун-моҳияти бўлиб қолди.

Улар бу қўшиқларни қишлоғида, маҳалласида айтаётгани йўқ. Ана шу йиртиб ташланган сўзни, чайналган исмни миллионлаб томошабин олдида айтмоқдалар. Одамлар нима учун Худонинг уйи ҳисобланган мачитларга покланиб киришади. Сабаби, жисми покланган одамни руҳида ҳам покланиш жараёни кечади. Миллионлаб одамлар кўз тикиб турган ойнаи жаҳон ҳам аслида ана шундай жой бўлмоғи керак. Чунки ойнаи жаҳоннинг одам руҳига таъсири жуда-жуда кучли.

Илмсиз халқни тасаввур қилиб кўринг. У ейди, ичади, уйланади ва ўзидан ночор, ёвуз, бахтсиз бир авлодни дунёга келтиради. Одабийликдан кўра ҳайвоний ҳислар унинг руҳини, жисмини эгаллайди. Охир-оқибат бутунги кунлардагидек эри, акаси, синглиси, хотинининг қорнига бомба қўйиб гуноҳсиз одамларни ўлдиради. Бу фожиа қайси халққа мансуб. Фақат илмсизлар «дунёси»га...

Агар улар илмли бўлганларида бу ишни қилишмаган бўлишарди. Чунки онгли, фаросатли, илмли одам «Нега мен ўзимни портлатишим керак? Негача бегуноҳ одамларнинг қони тўкилиши керак? Мен ҳаётга яна қайта келмайман-ку?..» каби минг бир саволни ўзига бериб, қўлига бомба тутқазганларнинг башарасига улоқтирган бўлишарди.

Мана, оддий бир мисол. Иқболой аёл, ожиза. Аммо баъзи эркак санъаткорлардан юз баробар овози ўткир, қўшиқ сатрларининг маъзи тўқ, оҳангига гап йўқ. Бу сизнинг тарбиянгиз. Бўлмаса Иқболой бундай маромига етказиб қўшиқ айтолмасди, куй чалмасди. Ёки Робия. Барчаси онгли равишда, мазмунли шеърдаги сатрларни қалб элагидан ўтказишиб куйлашмоқда. Шу сабаб ҳар қандай томошабин уларнинг санъатидан баҳраманд бўлса, яна қайта тинглашга орзуманд бўлиб юришади.

Сиз онгли равишда катта санъат бўстони
яратгансиз. Сизга раҳмат, – дедим аёлнинг қилган
ишларидан ғурураниб.

Жумагул мендан бундай мақтовни кутмаган
эди, шекилли, яшнаб кетди. Аёл тушмагур хурсанд
бўлганда, янада гўзаллашиб кетар эди-да. Қараб
тўймайсан...

Парилар дейишади. Тасаввуримда парилар
ана шундай аёллар бўлса керак. Ўзгаларда бил-
мадим-ку, мен гўзал аёлларни кўрганимда, касал-
манд, афтода ҳолатда бўлсам-да, беихтиёр руҳим
кўтарилиб, хурсанд бўлиб кетаман. Дўстларим йўқ,
аммо суҳбатдошларим бор. Улар ҳам одам кўрса
жавас қилгулик чехралардир.

Жумагул сиймосида ўз қалбимни кўргандай бўл-
дим. Аёл менга нигоҳ ташлади. Кўзларига боқдим.
Жон олувчи, сеҳргар қорачиқлар. Бундай кўзлар-
ни кам учратасиз. Ноёб нарсаларнинг ноёблиги гў-
заллигида бўлганидек, қаршимдаги сиймо ҳам ана
шундай ноёб гўзаллиги билан мени мафтун қилиб
турарди. Бундай аёлларни ҳайвоний ҳирс билан
булғамасдан, томоша қилиш, роҳатланиб суҳ-
батлашиш, кўнгилдаги бор ғуборларингни тўкиб
ташлаш билан бахтли қиласан. Ва ўзим ҳам шун-
дай бахтни ҳис қилиб турардим.

Аёл гиламга бошини қўйди. Мен ҳам. Осмонда
паға-паға оқ булутлар сузар, дарахт шохларидаги
қушлар бугунги кунга саловат айтар, тоғдан эсаёт-
ган насим юзларни силаб эркалар, болариларнинг
овози эшитилар, қуйида солланиб, чайқалиб оқаёт-
ган сув бир маромда аллақандай куйни хиргойи қи-
лар, биз эса гилам устида осмонга тикилиб ётардик.

Аёл сўради:

– Сиз ҳам севганмисиз?

– Бир замонлар, – дедим хаёлимга марҳума Лай-
ло келиб. Шунда аёл мен томон ўгирилиб:

– Айтиб беролмайсизми? – деди безовта оҳангда. Бу аёлга ичимда неки дардларим бўлса, ҳаммасини айтишга тайёр эдим. Шу боис ўша тунда хотирамга келган Лайло воқеасини сўзлай бошладим.

У билан видолашган лаҳзаларимни айта бошлаганимда аёл чуқур хўрсинди. Унга қарадим. У йиғларди. Кўз ёшлари юзларидан оқарди. Мен сукут сақладим. Бир оз ўзини ўнглаб олган аёл шеър ўқиди:

*Севги – жозобага тўлган бир умр,
У бахту аламда бирдайин масрур.
У ҳижронда жўмард, айрилиқда мард.
Йиллар ўтганда ҳам покиза, бегард.*

Шеърни тугатгандан сўнг маъюс менга юзланди:

– Сиз бахтли одамсиз. Бахт ўзи бир маротаба, лаҳзаларга берилади. Сиз ўша лаҳзаларни татиб кўргансиз, – деди ва силжиб келиб қўлимдан ушлади.

Шунда мен:

– Лайло – болалик давримнинг ширин меваси эди, – дедим. Гапимдан аёл менга синчков тикилди. Мен уни жуда-жуда яқиндан кўриб турардим, у ҳам...

Илонларда қушларни сеҳрлаш қобилияти бўлганидек, аёл мени ихтиёримдан ташқарида муаллақликка олиб чиқди. Шу боис ихтиёрим ўзимдан кетган, нени истаса барчасига тайёр эдим. У эгилди. Ситилиб-ситилиб кетган жоним мени тарк этди. Олислардан бир овоз келди. Эгилган бош илқис силкинди. Тезда ўрнидан турди. Мени тарк этди. Карахт эдим. Нима кор-қол бўлганлигини идрок қила олмай, мендан узоқлашиб бораётган аёлга тикиладим. У ортига бурилиб қарамади. Сархуш ҳолатда кўзларимни юмдим. Зулмат ичидан Лайло кўринди. Ўрнимдан сапчиб турдим ва бундан лаҳзалар олдин мени осмонимни ёруғ нурларга ўраган иссиқ жойимни ташлаб кетдим.

* * *

Аккордеончи қиз ёнимга келиб ўтиргандагина унинг бўйи анча баландлигини сездим. «Асли, насли ана шундай қизлардан олмоқ керак», деган бемаъни фикр хаёдан кечди. Начора, шундай фикрлар ҳам хаёлимга келиб туради. Яшириб, ўзимни сипо, ақлли кўрсатиб нима қиламан?!

– Мен доғистонликман, – деди қиз мени ҳайратлантириб.

– Доғистонлик?.. – дейман унга синчков тикилиб.

– Ҳа, ишонмаяпсизми? Расул Ҳамзат юртиданман. Аварман.

*Руслар «мама» дейди,
Гуржилар «нана»,
Аварлар «баба» деб суюб аташар.
Минглаб сўзлар ичра бу сўз пурмаъно,
Тақдирин ўзгача шарҳ этар башар...*

Бу сатрлар Расул Ҳамзат қаламига мансуб эди. Қизга тикилиб, яна бир бор турли миллатлардан аҳил оила бунёд этган Жумагулдан фахрланиб кетдим. Ҳар бир миллат бошқа миллатга нимадир бериб, ўрнига ниманидир олганлиги рост. Жумагулнинг қизлари ҳам бир-бирини тўлдириб турганлиги санъатларида ошкор эди.

– Мен гимнастика спорти бўйича бир неча бор республика чемпиони бўлганман. Қувончли кунларимга шерик бўлганлар, болалар уйидаги тарбиячим Татьяна Петровна Перницкая ва устозим Булат Расуловлар эди. Чунки мен ота-она меҳрини ўшалардан олганман.

Бу юртларга келиб қолиш ҳам пешонамга битилган экан. Бундан ўн йил муқаддам бу ерда бўлиб ўтадиган гимнастика спорти чемпионатида барча республикалардан спортчилар келишди. Мен ҳам ўз

юртим шарафини ҳимоя қилиш учун қатнашдим. Гимнастиканинг учта снаряди бўйича пешқадам бўлдим. Мени биринчи ўринда кетаётганлигимдан устозим Булат оға ва бошқалар хурсанд, шод эди. Чемпионатнинг бешинчи куни турникда ўз маҳоратимни кўрсатиш қолганди. Шу сабаб барча гуруҳдошларимнинг эътибори менга қаратилганди. Чунки қолган спортчи қизларимиз мендан очколар ҳисобида анча орқада қолиб кетишганди.

Ўша орзиқиб кутган кун келди. Аммо... – Қиз сукут сақлади. Бошини хам қилди. Кўз ёшлари этагига тўкилди. Ҳушим учиб:

– Нима бўлди? – дея безовталандим.

– Мен ҳозир, ҳозир, – дея кўз ёшларини артди. Чой узатдим. Чойни ҳўплаб-ҳўплаб, овози қалтираб:

– Снаряддан йиқилиб тушдим. Ҳушимдан кетдим. Кейин нима бўлганлигини билмайман. Ҳушимга келганимда, оппоқ чойшаб устида ётардим. Бўйнимда нималардир бор эди. Шу сабаб ҳеч қайси томонга ўгирилиб қарай олмасдим. Шифт оқ, деворлар оқ, ром деразаларидан ҳам оппоқ нур ёғилиб турарди. Ўрнимдан турмоқ истадим. Бир оз ҳаракат қилгандим, тос суягимда чидаб бўлмас оғриқ бошланди. Оғриққа бардош бера олмай бақириб йиғлаб юбордим. Кимлардир олдимга югуриб келишди. Югуриб келганлар оқ халатли одамлар эди. Улар менинг йиғлашимга эътибор қилмай кулишарди. Аламимдан баттар бақирдим. Шунда докторларнинг кексароғи:

– Йиғла-йиғла, – деди пешонамни силаб. Қаршимда тик тургани эса:

– Сен кўйлак ичида туғилган экансан. Бир ўлимдан қайтиб келдинг, – деди хуш кайфиятда.

Ўшанда мен эндигина ўн уч баҳорни кўрган қизалоқ эдим. Шу сабаб уларнинг гапини мағзини чақа олмадим. Кейин билсам, умуртқам қаттиқ

шикастланиб, тос суягим синиб кетган экан. Шу сабаб улар мени ҳушимга келганимга хурсанд, мен эса уларнинг хурсандчилигидан хафа бўлганман.

Мени ўз фарзандларидай авайлаб-асраб парвариш қилган фаришта дўхтирларимдан бир умр миннатдорман, қарздорман. Ҳушимга келгунимча йигирма кун вақт ўтган экан. Устозим, гуруҳимиз аҳли мени ҳушимга келишимни бир неча кун кутиб, ортларига қайтишибди...

Ўшанда пешонамни силаб турган доктор:

– Чемпион қизимдан айланай, – дея ортига бурилиб, тезда қайтди. Қўлида эса, қўлида олтин медал эди. Ҳайратландим. Шунда у:

– Сен снаряддан қулаб тушган бўлсанг-да, сенга очколар ҳисобида ҳеч бири етолмади, – дея медални силкитиб қўйди. Мен эса қувончимдан юм-юм йиғладим.

Гимнастика спортида ўзингдан ташқарида ҳаракат қиласан. Чунки ҳар кунлик машқ одамда рефлекс ҳосил қилади. Шунинг учун фикрламасдан туриб ҳам снарядда ўйнайверасан.

Мен касалхонада олти ой ўрнимдан турмасдан ётдим. У кунлар жуда-жуда азоб бўлган. Ҳозир эслаяпману, жоним оғримоқда. Ана шундай азоблар ичида қолганимда нажот фариштаси бўлиб Жумагул опам қаршимда пайдо бўлди. Менга қўлини чўзди. Оёққа турганимда ортидан эргашиб келавердим.

Довристондан устозим келди. Олиб кетаман деди. Бормадим. Борганда қаерга борардим. Мени юртимда кутиб турганларим бўлмаса. Шу ерда қолдим. Опажонимга мингдан-минг раҳмат. Мени одамлар сафига қўшди. Дўстларим, дугоналарим, сирдошларим бор, – деди кайфияти кўтарилиб. Мен Жумагулнинг касалхонада пайдо бўлишига ҳайратланиб.

– Сизни Жумагул қандай излаб топди? – дея сўрадим. Шунда у:

– Опамни саховатли ишлари кўп. Чунки улар касалхонада, мактабларда, болалар уйларида концертлар уюштиришади. Ана ўшандай концертлардан бири мен ётган касалхонада бўлганда, дўхтирлар опамга мен ҳақимда сўзлашган. Ўшанда биз танишганмиз. Шу олти ой ичида ҳар доим мендан хабар олиб турди. Қизлари ёнимда ётиб қоларди. Бундай меҳрибончилик унча-бунча ота-оналарда ҳам бўлмайди. Опажоним мендай бир бегона қизга ана шундай меҳр-шафқатни кўрсатди. Ота-она меҳрини кўрмаган бир қизга опажоним осмондан тушган фаришта эди.

Аёлнинг бошида шунчалар ташвиши борлигидан янада юрагим эзилиб, Жумагулга миннатдорлик ҳисси билан:

– Тўғри айтасан, сингилжоним, – дедим бир ихлос билан. Қиз сўридан сассиз сирпаниб тушгандай мендан узоқлашди. Ўз хаёлларим билан ёлғиз қолдим. Сингилжонимга қисматдош бир йигитни эсладим.

Бундан узоқ йиллар илгари ижодкорларни болалар уйига олиб боришган эди. Ўшанда бизни вилоят ўқитувчиларининг раҳбари болалар уйи директориغا бир-бир таништириб чиқди. Таништиришгали менга етиб, исм-шарифимни айтганда директорнинг юзлари ўзгариб, кўзларидан ёш сизиб:

– Укажон, мен сизни излаб юргандим, – дея ўзини бағримга ташлаганди. Аёлнинг бундай ҳаракатидан шошиб қолгандим. Ўшанда аёл ўзига келиб: – Жоним болам, кетиб қолмайсиз-а, мени сизга айтар гапларим кўп, – дея учрашувдан сўнг қолишимга ишора қилганди.

Ўзга ижодкорларни билмадиму, менга учрашув ҳам татимаганди.

Учрашувдан сўнг шерикларим бошқа мактабга кетишди. Мен директор билан ёлғиз қолдим. Шунда аёл қўлимни маҳкам сиқиб:

– Сиз ўғлимнинг халоскорисиз, – дея ҳеч кимга эътибор бермай, қўлимдан етаклаб уйига бошлади. Уйи ҳам яқин орада экан. Мени меҳмонхонасининг тўрига ўтказди. Бир зумда дастурхон устида барча нозу неъматлар муҳайё бўлди. Аёл пиёлада чой узатди. Дастурхонга ундади. Нон ейишимни, чой ичишимни томоша қилиб ўтирди. Худди боласи олис сафардан келгану, уни овқат ейишларини соғиниб қолгандай дастурхондаги барча ширинликларни олдимга тўплай бошлади.

– Ол, болам. Мана бу мураббони ўзим қилганман. Мана бу аччиқ-чучуклардан татиб кўргин, – дея қайси таомдан кейин қай бирини истеъмол қилиш кераклигини ҳам унутиб қўйгандай барчасини олдимга сурарди. Яна ўзига ўзи гапириб қўяр, мени аллазамонлардан бери кўрмаганлигига афсус чекар, ўғлини чақиришни ваъда қилар, хуллас, ҳамма таомлар аралаш-қуралаш, гаплар палла-партиш, ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди.

Бир-икки ҳўплам чойдан сўнг «аёл мени ким биландир адаштиряпти» деган гумон хаёлимга келди. Аммо сўрашга журъат йўқ. «Ўзи бир жойдан чиқарда», деган умид билан чойни ҳўплаб ўтиравердим.

Аёл хонадан чиқди. Ҳовлисида ким биландир гаплашди. Ўғлини тезда етиб келишини тайинлади. Орадан бир оз ўтиб, яна нималарнидир кўтариб кириб келди. Дастурхонга қўйди. Оппоқ сочлари қулоқлари устида шалвираб:

– Сен булардан олиб тур! Мен сенга ўз қўлим билан қозонкабоб қилиб бераман, – дея ортига бурилди. Бир оз ўзимга келиб, хона деворидаги суратларга кўзим тушди. Она-бола сурати. Ёнидаги суратда она-бола мактабдан чиқиб келишмоқда.

Ундан кейингисида она-боланинг фаввора ёнида тушган расми. Қоп-қора сочлари ўзига ярашиб турган йигит онасининг елкасига қўлини ташлаб жилмайиб турибди.

Курсант формасидаги йигит ва она. Жиддий расм. Офицер онанинг бошига фуражкасини кийдирмоқда. Ундан кейингиси – милиция майори онани бағрига босиб тушган сурат.

Суратнинг бошланишида она болани бағрига босган, сўнггисида бола онани...

Дарвозадан кимдир шовқин солиб кириб келди. Суратдаги майорга тикилдим. «Ўғли келди», деган ўй кечди. Остонада она-бола кўринди. Қадди-қомати келишган паҳлавонкелбат полковник қаршимда турарди.

Одамнинг важоҳати бўлади-да. Уни кўриб ўрнимдан сапчиб турдим. У эса қучоқ очиб келарди. Қучоқлашиб кўришдик. Бир зарб билан кўтариб, маҳкам бағрига босди. Оёқларим муаллақ қолди. Ерга оҳиста қўйиб, кўзлари қизариб:

– Халоскорим ўз оёғи билан уйимга кириб келса-я, – дея яна қайта бағрига босди. Нима кор-ҳол бўлганига тушуна олмай, мўлтираб унга қараб турардим. Шунда у қўлтиғимдан олиб, диванга бошлади. Ўтирдим. Менга юзланиб:

– Қани акажон, бир дуо қилинг, – деди ихлос билан бошини эгиб.

Дуо қилдим. Шу хонадон эгаларига тинчлик-тоувлик тиладим.

– Акажон, ҳали бафуржа суҳбат қиламиз. Сизга айтар гапларим кўп, – дея ташқаридаги шовқиндан сергакланиб ўрнидан турди. Уни алп қоматига қараб, миллатнинг фарзандлари соғлом бўлиб ўсаятганлигидан хурсанд бўлиб кетдим. Ҳа, ҳақиқатан бугунги авлодга нигоҳим тушганда, кўнги таскин топиб, ғурурланиб кетаман. Худди кема

капитанидай чайқалиб кетаётган полковник ортидан қараб турарканман, шундай ёрқин фикрлар хаёлимдан ўтди.

Ташқарида полковникнинг:

– Онажон, қаердасиз? – деган овози эшитилди.

– Шу ердаман, болам, овқат ҳам тайёр бўлди, – деди она. Бир оз вақт ўтиб, она-бола хонага киришди. Тобокдаги гўшт ҳиди хонани тўлдирди. Ҳаракатлари чаққон, қўли-қўлига тегмай ликопча, санчқиларни жойлаштираётган аёлга тикилиб, мен улар учун муҳим бир иш қилганлигимни ҳис қилиб турардим. Аммо у қандай иш – ҳеч эслолмадим.

– Акажон, қани овқатга марҳамат, – деган полковник овозидан сергакланиб, қўлим санчқига борди. Жуда ширин таом эди. Оғизда болдай эрийди. Онанинг пазандалигига қойил қоламан. Ҳа, шундай аёллар бор. Уларнинг қўлида аччиқ пиёз асалга айланади.

Хаёлни она бўлди.

– Болажоним, бу ўғлим. Исми Одилжон. Афғонга борган. Ярадор бўлиб қайтган. Касалхонада узоқ ётди. Унинг тузалишида сенинг китобинг малҳамдориси бўлди, – деди боласига тикилиб. Ўғил онанинг гапини тасдиқлаб:

– Ҳа-ҳа, ака, шундай бўлган. Сиз халоскоримсиз, – деди чуқур нафас олиб. Мен ана шу қисқа суҳбатда нима кор-ҳол бўлганлигини ҳис қилиб ўзимдан ғурурланиб қўйдим. Уруш ҳақидаги китобим нашр қилинган пайтлари ҳам уруш давом этарди. Шу сабаб кўп жароҳатланган аскарлар китобни ўқиб таскин топганлигини, ўзларидан бошқа яна минг-минглаб аскарлар ярадор бўлганлигини ва ўша китоб уларни бир-бирлари билан туташтирганлигини ярадор бўлган йигитлардан кўп бор эшитгандим.

Қаршимда яна ўша китобдаги қаҳрамонларга қисматдош йигит ўтирарди. Онага тикилиб:

– Онажон, Одилжонлар мард йигитлар. Умуман, уруш кўрган одамлар ўзга одамлар. Мен уларнинг барчасини яхши кўраман. Улар мени укаларим, жони жигарларим. Яна ўшандай укаларимнинг бирини топганимдан, сиздай онани учратганимдан беҳад хурсандман, – дедим чин кўнгилдан.

– Раҳмат, болам, – деди она.

– Раҳмат, акажон, – деди Одилжон. Ана шу салимийат ила орадаги бегоналик пардаси кўтарилди. Аёл эса дастурхондаги таомларга ундар эди.

Одилжоннинг телефони жиринглади. У ўрнидан туриб, хонадан чиқди. Бирпас ўтиб остонада кўринди. Дастурхон устида:

– Менга дуо қилинглар. Тезда қайтаман, – дея шошиб ўрнидан турди. Онасининг:

– Меҳмонни ташлаб-а? – деган саволидан, менга қараб жилмайди-да:

– Онажон, акажонимга айтадиган гапларим жуда-жуда кўп. Илтимос, ака, онам билан суҳбатлашиб тулинг. Мен бирпасга, – дея шошилиб остона ҳатлади. Она унинг ортидан қараб:

– Буларнинг дам олиш куни қачонлигини билмайман. Ҳар доим бир иши чиқиб туради, – деди хижолат чеккандай. Она билан ёлғиз қолдим. Аёлнинг бесаранжом ҳаракатидан гапини нимадан бошлашини билмай турганлиги сезилиб турарди. Бир оздан сўнг кўзига ёш олиб:

– Яккаю ягона, ишонганим шу ўғлим. Гўдаклигидан олиб тарбиялаганман. Бор меҳримни, муҳаббатимни унга бердим. Уни тезроқ катта бўлишини истаб, тўрт ёшидан ёзувни ўргатдим. Худога шукр, мактабда яхши ўқиди. Ўқишга ҳам ўз кучи билан кириб кетди. Энди ўқиши тугай деганида афғон

уруши бошланди. Олиб кетса бўладими? Қон қақшаб қолавердим.

Узоқ вақт хат-хабар бўлмади. Арз-додимни кимга айтишни билмайман. Орадан олти ой ўтганда уйга бир аскар кириб келди. Юрагим урмай қолди. Ҳа-ҳа, урмай қолди. Бўсағага ўтириб олдим. Гапирмаса, дейман. Аммо у гапирди.

– Онажон, Одилжон акам тирик. Бир оз соғлиғи яхши бўлмаганлиги учун госпиталга тушди. Сизни олиб кетишга келдим, – деди чиройи очилиб. Мен унинг гапларини эшитиб ўғлимни тириклигини билиб турсам-да, ўрнимдан тура олмайман. Унга мўлтираб қараб туравердим. Аскар аҳволимни тушунди. Эгилиб қўлимдан ушлади. Унинг мадади билан ўрнимдан тураман, дейман, аммо оёқларим ўзимга бўйсунмайди. Ўз аҳволимга ўзим тушунмай, Худога нола қилдим. Аммо овозимни эшитмадим. Шунда, болам, мўъжиза юз берди. Кўкдан бир қўл келиб мени кўтарди. Югуриб кўчага чиқдим. Кўчада машина турарди. Машинадагилар мени кўриб ортларига тисарилди. Катта аскар мени бағрига босиб:

– Одилжон ака тирик, – дея шивирлади. Шунда ўзимга келгандай бўлиб:

– Унда юр, борайлик олдига, – дедим қўлларини маҳкам чангаллаб.

– Ҳа-ҳа, – дея у мени машина томон етаклади.

Мен катта шаҳарга боргунча ҳушимдан кетдимми, ухладимми, билмайман. Билганим, оппоқ хона, оппоқ чойшаб устида оппоқ бўлиб болам ухлаб ётарди. Онанинг кўзидан шовуллаб ёш қуйилди. Юзларини ювди. Шунда аёлни бағримга босиб:

– Йиғламанг. Мен ҳам йиғлаб юбораман, – дедим кўз ёшларимни тия олмай.

Эҳ-ҳ, қанча-қанча оналарнинг кўз ёшларини кўрдим. Ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Улар-

нинг барчасини кўз ёшлари ичимга тўкилди. Тасаввуримда ўзим ҳам ана шу кўз ёшларга айланиб қолгандайман. Ўша кунлар хотирасини эслатувчи одамларга дуч келсам, қайларгадир қочиб кетгим келади. Аммо қочолмай, уларнинг ҳикояларини юрагим ҳилвираб тинглай бошлайман. Бу ҳикоялар менга оғриқ, чидаб бўлмас руҳий оғриқ беради. Аёл тинчланди. Кейин оҳиста сўзлай бошлади.

– Ўғилгинамнинг ёнига ўтирдим. Унга тикилиб, ўтган бахтли кунларимиз бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади. Нигоҳим унда-ю, хаёлим ўтмишда эди. Мен Одилжонни ўзимизнинг болалар уйидан олганман. Унда тарбиячи бўлиб ишлардим. Директоримизни менга раҳми келиб, болани ими-жимидан менга бериб юборганди. Ўша кунлари қувончдан юрагим ёрилгудек бўлган. Ҳар куни икковимиз ишга кетамиз. Ишдан бирга қайтамиз. Бир неча кун бегонасираб юрган болагинамнинг «она» деб гапирган куни менинг энг бахтли куним бўлган эди. Олтамишинчи йилнинг йигирма бешинчи август куни шу сўзни айтган. Ҳеч эсимдан чиқмайди.

Одамнинг хотираси оқар дарёга ўхшар экан-да. Ўғлимга тикилиб ўтирибману, хотираларим кўз олдимдан оқиб ўтарди. Ҳаммасини кўрдим. Ҳаммаси билан қайта бошдан яшадим. Ҳатто ёдимдан кўтарилиб кетган воқеалар ҳам кўриниш берди. Қачон у кўзларини очганда хотиралар хаёлдан кўтарилди. Ўғлим икковимиз юзма-юз қолдик.

У олдин танимади. Таниб қолиб:

– Онажон, – дея менга талпинди. Уни бағримга босдим. Ўшанда бир қолга тушиб, гўдакни бағримга босгандай эдим. Ҳа, у ҳамон мен учун гўдак эди.

У кунларни эсласам, ичим титрайди, ҳеч нарсага ҳолим қолмайди. Кел, болам, яхши кунларимдан сўзлайин, – дея она менга маъюс жилмайиб қаради. Аёлнинг кўнглимдаги истагимни сезганлиги-

дан хурсанд бўлиб кетдим ва беихтиёр бир ижодкорнинг:

«Сиз ҳаётнинг қоронғи томонини ёзасиз», – деган сўзи ёдимга тушди. «Э, ҳаётнинг ёруғ томонини, мен юрган тунларнинг тонгини топиб бер. Шундай ойдин кун қилиб берайинки», дегим келганди, аммо сукут сақлагандим.

Қандай ҳам кўрганларингни, билганларингни, эшитганларингни ойнанг оппоқ нурига ўрай оласан.

Уруш тун, зулмат. Унда табиат ҳам йиғлайди. Табиатнинг йиғисини, одамларнинг оҳ-воҳини қандай қилиб хурсандчилик билан таърифлаш мумкин. Урушларда ғолиб ва мағлуб йўқ. Урушларда навқирон йигитларнинг дафн қилиш маросимлари бўлади, холос. Дафн маросимида қайси аҳмоқ «марҳумни жуда чиройли қилиб жойига қўйдик-да», дея мақтана олади. Ҳатто аҳмоқлар ҳам ўша кунда аза очади. Онанинг гапидан ҳушёр тортаман.

– Ўқитувчи эмасманми, тезда ўғлим ётган палатадаги бошқа яраланган болаларнинг ҳам онасига айландим. Ана ўшандай кунларнинг бирида сенинг «Қонли йўргаклар» китобинг қўлимга тушиб қолди. Бу мен учун янги ҳаёт бўлди. Ўзининг ярадорлигидан қийналиб яшашга иштиёқи қолмаган ўғлимга, китобингдаги болаларнинг ҳаётини ўрнак қилиб кўрсатиб, ҳар кун беш-олтита ҳикояларни ўқиб бердим. Болам, шунда мўъжиза юз берди. Нафақат менинг ўғлим, ўзга болалар ҳам ҳикояларни тинглашиб, ўзларини унутишиб, китобинг қаҳрамонлари ҳаёти билан бирга яшай бошлашди ва тезда ҳаммасининг руҳи кўтарилиб, чор атрофга ишонч билан нигоҳ ташлашди.

Китобингдаги сўнги сатрларни ўқий бошлаганимда улар ўзга одамга айланиб, ҳаётга муҳаббати янада кучайиб, шу кунлар ичида эшитган ҳикояларини муҳокама қила бошлашди. Ўғлим эса

онасининг қилган ишидан ғурурланиб, ён атрофдагиларга гап бермасди, – дея она бир лаҳза сукут сақлади. Кейин менга меҳр билан тикилиб:

– Болажоним, сен ўшанда қалби яра, жисми ногирон болалар юрагига нажот фариштаси бўлиб киргандинг. Сенга мингдан-минг раҳмат. Шу кунларгача сени кўрмасам-да, ортингдан дуо қилиб, сенга Яратган Эгам яхши кунлар ато қилишини илтижо қилиб юрдим. Ўша илтижоларим ижобат бўлди, шекилли, бугун сен билан юзма-юз ўтирибман. Ўғлим, сен, нафақат менинг болам, менинг боламдай юзлаб жароҳат олганлар қалбига кириб боргансан. Сен уларнинг халоскорисан, – деди аёл ихлос билан.

Аёлнинг лабларидан тўкилган сўзлардан юрагим титради. Билиб-билмай яхши иш қилганимдан хурсанд бўлиб кетдим.

– Сен ҳам боламдай боламсан, – деди овози қалтираб.

– Ҳа-ҳа, онажон, – дедим аёлга янада меҳрим ошиб. Шовқин-сурон билан остона ҳатлаган Одилжон яна шовқин-сурон билан хонага кириб келди. Унга тикилиб ҳавасландим. Бундай одамларни кўрганимда ўзингда куч-қудрат сезасан. Унинг кўзлари кулиб, меҳр билан:

– Онажон, акамнинг меҳрига тўйдингизми? – деди аёлга юзланиб.

– Нимайди, болам? – деди она безовталаниб.

– Меҳмон ўз оёғи билан келиб қолибди. Келганларини эшитган шаҳарнинг барча милиция ходимлари акамни кўришга илҳақ, – деди менга кўз қисиб.

– Ундай бўлса майли, болам. Улар ҳам акангни бир кўришсин. Шундай аканг борлигини билишсин, – деди хуш кайфиятда. Кейин:

– Уканг шаҳримиздаги милицияларнинг бошлиғи, – деди она.

Шаҳар милициясининг «Маънавият ва маърифат» залига кириб келганимизда бизларни юзга яқин милиция ходимлари қарши олиб ўринларидан туришди. Бир-биридан келишган, қадди-қоматлари тик йигитларга қараб кайфиятим кўтарилади. Одилжон мени улар билан таништириб, ҳурматимни жойига қўйиб, сўз берди. Уларга қараб кўп яхши гапларни айтдим. Улардан ҳам илиқ сўзларни эшитдим.

Учрашув тугагандан сўнг Одилжон ва яна бир неча милиция ходимлари билан шаҳар четидаги бир жойга бордик. Дастурхонда ҳамма нарса муҳайё эди.

Хуллас, дастурхон атрофида гурунгимиз қизигандан-қизиди.

Эртаси куни Одилжон:

– Акажон, кечаги ҳикояларингиздан бери бошқа одамга айланиб қолгандайман. Уч ярим минг нафар жароҳатланган йигитлар билан гаплашиш – ақл бовар қилмас иш. Бу улуғ ишингиз учун биз жангчилар сизга ҳайкал қўйишимиз керак, – деди ғурур билан. Унинг гапига барча сафдошлари қўшилди.

* * *

Табиатнинг сирли дунёси олдида лол қоласан-да. Шундай қум барханлари орасида, қуёшнинг жазирама иссиғида кўкка бўй чўзган саксовуллар мўъжиза эмасми? Шох-шаббаларига либос бўлиб осилган кўм-кўк барглари ёнаётган қум барханлари тафтига қандай бардош бера олади? Сувлари сероб гўшалардаги дов-дарахтлар гўзаллиги олдида танаси ғадир-будур, шохлари эгилиб-букилиб, қорайиб кетган бу дарахт кўзга жуда-жуда хунук кўринади. Аммо у хунук бўлса-да саҳродаги йўловчини ўз сояси билан иссиқлик азобидан қутқариб, жисмига роҳатбахш оромни ҳадя қилади. Ана шу

шафқати ила у не-не гўзал дарахтлардан-да гўзал-дир. Қадим замонлардан бери одам ва олам ҳақида кўп фикр-ўйлар бунёд бўлди ва улар жамланиб, фалсафа фанининг асосига айланди. Асли ҳаётдаги ҳар бир жонзот, ҳар бир дов-дарахт ҳақида ҳам фалсафий фикрлаш мумкин.

Ёқимсиз, танингни жунжиктирадиган шамоллар тўзонидан сочилган иссиқ қумлари жисминга санчилувчи саҳрода саксовуллар бўлмаганда юролмасдинг, юргинг ҳам келмасди. У қанчалар хунук бўлмасин, сенга шафқат қўлини чўзиши билан қалбингда гўзаллардан гўзалроқ дарахтга айланар экан. Табиатдаги зоҳирий ва ботиний кўриниш қандай бўлса, шундайлигича одам қалбига кўчаркан-да.

Баҳорий капалаклар мисол боғ оралаб юрган раққоса қизларга тикилиб, уларга қисматдош яшаган буюк бир санъаткорни эслайман. У ҳам мана шу қизлар қатори хунук ҳаёт йўли саҳросидаги қум барханларини оралаб, эндигина гўзал ҳаёт бўстонига кириб келган эди. Аммо пешонасига бу бўстонда кўпам умргузаронлик қилиш насиб қилмади. Умри самодаги чақин мисол порлаб ёнди-ю, тезда сўнди. Лекин ёлқини ҳамон диллардан дилларга кўчиб, аланга олиб юради.

Самовий ёлқинни ўчириб бўлмас экан-да.

Бу аёл шу заминда яшаган, менинг нигоҳим тушган кенгликларга унинг ҳам нигоҳи тушган. Мен туғилган кунда вафот қилган поляк халқининг буюк фарзанди – Анна Герман эди. Эсимни танибманки, унинг маъюс, ғамгин овози менга ҳамроҳ, ҳамдард бўлди. Унинг одамни вужуд-вужудига сингиб кетувчи, қалбни титратиб аллаловчи қўшиқлари бамисоли кўкдан тушган шафқат фариштасининг овозига, ғамгин кўзларидаги ёлқин фариштанинг нигоҳига ўхшаб кетарди. Минглаб,

миллионлаб инсонлар қалбидан энг азиз меҳмон сифатида жой олган Анна ҳамма халқларнинг сеvimли қизи, сеvimли фарзанди эди.

Ҳали ҳаёт, унинг ташвишлари, оғриқлари, азобларидан беҳабар, жисми жонидан тортиб қалб ҳароратигача қўшиқ айтишга бахшида бўлган бу қизалоқни билиб-билмай севиб қолардинг. Нигоҳинг тушиши билан унга таалпинардинг.

Унинг излари мана шу маконда қолди. Уни жондан ортиқ кўрган отасини мана шу тупроқ ўз бағрига олди.

«Ёнгин юлдузим, ёнгин», – деб қўшиқлар куйлаган отасини бир умр ёд этиб, қабрини излади. Топганида ота қабри устидаги улкан деворни бағрига босиб йиғлади.

Бу ёруғ оламда фаришталарга айланганлар унчалик ҳам кўпмасдир. Аммо уларни учратиб қолсанг, ҳаётингнинг энг олий нуқтаси ҳам ўша кунингдир. Анна Герман ана шундай миллионлаб одамлар учратган, миллионлаб одамларнинг фариштасига айланган аёл эди.

Ўз жонига азоб бериб, ўзгаларнинг жонига ором берган Анна Герман қисматини олдиндан башорат қилган аёл эди.

Куй-қўшиқ қалбнинг торидир. Санъаткор қалбида ўша тор симлари узилдими у яшай олмайди. Менинг, бу сўзларим ҳақиқий санъат аҳлига қарата айтилган иқроримдир.

Қизлар орасидан ситилиб чиқиб мен томон келаётган Жумагулга қарайман ва беихтиёр «Аннадан сўнг, бу юртнинг Аннасига айланган шу аёл эмасмикин» деган ўй хаёлдан кечади. Ҳаёт давомий-ку. Гар давомли экан, албатта, бир-бирини такрорловчи одамларнинг дунёга келиши табиий.

Қадди-қомати келишган, баланд бўйли, оппоқ юзли, кўзларида мунг қотган Жумагул ҳақиқатан

ҳам Аннанинг ворисига ўхшаб кетарди. У яқинлашиб келди. Мен ҳамон ўз хаёлларим қуршовидан чиқиб кета олмаганлигим учун туйқусдан:

– Сиз, Анна Германга ўхшайсиз, – дедим.

Анна сўзини эшитган Жумагул:

– Албатта ўхшайман-да. У буюк аёл онамнинг энг яқин дугонаси бўлган. Улар очарчиликни, қаҳатчиликни биргаликда бошидан кечиришган. Анна Германнинг отаси новвойхонада ишлагани учун ён-атрофидаги оч-яланғоч болаларга нон улашган. Замоннинг, жамиятнинг ўзгаришида асосий оғирлик халқ бошига тушар экан-да. Ўша қама-қама йилларида жамиятнинг энг сара, ақли, илми, истеъдодли одамлари қамалди, сургун қилинди, осилди.

Қай юртда ёвузлик қўпчиган бўлса, ўша юртдан миллатнинг устунлари бадарға қилинган. Аннанинг отасидан қасд олган зобитни эсланг. Қанчалар тубан, қанчалар ожиз одам. Аслида қасд олишдан майда ва пасткаш қалблар роҳатланади. Шоир айтганидай:

*Қасос ожиз қалбнинг ёвуз мероси,
Мағрурлар қалбидан ҳайдалган бир ҳис.*

Бу дунёда бирон бир ёвуз кимсанинг бахтли бўлганлигини эшитмаганман.

Ўша Аннанинг отасини оттириб юборган кимсани ҳам кимлардир ўлдириб кетишди, – деди у ва чуқур нафас олди.

Мен Жумагулнинг Анна Герман ҳақидаги фикрларига қизиқиб:

– Унинг ҳаётини яқиндан биласиз, шекилли, а, – дедим.

– Анна онаси билан отасининг қабрини излаб келганда биз уйда эдик. Онам билан онасининг

суҳбатлари тонгга уланиб кетганда, мен унинг хиргойи қилган қўшиқларини тинглаганман.

Мен уни бот-бот эслайман. Ундаги одамнинг қалбига сингиб кетувчи овоз, оҳанг, сабр-бардош, ундаги кучли ирода унча-бунча одамларга насиб қилмаган.

*Ёдингизда бўлса
Биз акс садомиз.
Бир-биримизга акс садомиз...*

сатрлари билан бошланган қўшиқни шундай бир дард билан айтганки, бундай дардли қўшиқни қайта ҳеч кимдан эшитмадим.

Унинг ёрига бўлган муҳаббатини айтмайсизми? Аслида эркак ва аёл бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди. Ҳа, бу икки жуфтлик муҳаббатига минг бора бош эгиб таъзим қилгим келади, – деди бир энтикиш билан.

Жумагулга тикиламан. Унинг оппоқ юзлари алвон тусга кириб, одамни ўзига чорларди. Қани энди иложи бўлса-ю, унга ичингдаги бор сирларингни ошкор қила олсанг. Аммо бунинг на иложи, на чораси бор эди. Беихтиёр ўзимни чалғитиш мақсадида сўзлай бошладим.

– Элнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, ҳақиқий истеъдоди билан одамларнинг сеvimли фарзандига айланган кўп буюк санъаткорлар қисматида ўхшашлик бор.

Хорижлик Элвис Пресле, Жо Дассин, Майкл Жексон, Хюстин каби ҳофизлар бу оламда кўпам яшамади. Яратган Эгам ҳаммасини бағрига олди. Анна Герман қирқ олти ёшида ёруғ оламдан кетди. Шоир, қўшиқчи Владимир Высоцкий, Сергей Есенин, Белинский, Маяковский ва бошқа кўплаб

сўз санъаткорлари ҳам узоқ яшашмади. Анна Германдай ноёб овоз эгаси Валентина Толкуновани айтмайсизми, қалбимизга ипакдек мулойим овозини муҳрлаб, қучоғини самога очди. Бу қисматлар бир-бирини такрорлашди. Сабаби улар бир тоғнинг, бир ўзаннинг, бир сўқмоқнинг фарзандлари эдилар.

Бундай эрта сўнганлар юртимизда ҳам бисёр. Улар одамларни севишди, одамдай яшашга ундашди. Бу оғир юк эди.

Сўнгги сўзлар лабимдан тўкила бошлаши билан бўғзимга нимадир тиқилди. Ожизлигимни билдирмаслик ниятида четга қарадим. Аммо аёлнинг синчков кўзлари юзимда сирпанаётганлигини сезиб, бу нигоҳ эгасини шу лаҳзалар менга жонини бахшида қилишга тайёрлигини ҳис қилдим. Аммо мен бу бахшида жон томон бир қадам ташлашдан ожиз эдим. Кимдир ўнгиримдан тортарди, орамизга парда ташларди. Муҳаббат кўп нарсага журъат этмайди, чунки борини ҳам йўқотиб қўйишдан қўрқади, деганидай, мен учун бу аёлни кўриб туришнинг ўзи ҳам катта бахт эди.

* * *

Ўзгаларнинг гапини ўғринча эшитиш гуноҳ дейишади. Мен бу тун гуноҳ иш қилдим. Робия ва ошпаз укамизнинг икковидан ўзга одам эшитиши мумкин бўлмаган суҳбатларини тингладим.

Тонг олди эди. Насим қанотида учиб келаётган овозлардан уйғониб кетдим. Эркак ва аёл овози. Овоз эгаларини танидим.

– Мен сизлар билан кетаман, – деди Аҳмад бир титроқ билан. Орага бир лаҳза сукунат оралади.

– Ҳа-ҳа, бирга кетамиз. Бир умр бирга бўламиз, – деди Робия меҳр билан. Шунда Аҳмад ҳаяжон билан:

– Акам тўйларингизни шу ерда қиламиз, деб айтган. Мен тўйга йиғиниб қўйганман, – деди.

– Иккимизнинг бахтли кунларимизнинг бошида туриб берсалар қанчалар яхши. Кейинги пайтда акамизнинг ҳам, Жумагул опамнинг ҳам юзига қарай олмай юрибман. Худди ёмон иш қилиб қўйгандайман. Кеча опам ёнига ўтқазиб, кўп гапларни айтиб, розилигини билдирди. Йиғлади, мен ҳам йиғладим, – деди Робия хўрсиниб. Йигит жим қолди. Сўнгида:

– Робияхон, иккимизни ҳам эл қатори бахтли яшашга ҳаққимиз бор-ку! Бу дунёга ёлғиз келиб, ёлғиз ўтиб кетмаймиз-ку! Тўйни тезлаштирсак яхши бўлармиди, – деди Аҳмад.

Муҳаббат, севги бобида аёллар анча дадил бўлади-да, Робия ҳам ўша аёллар қатори:

– Бизнинг қисматимизни белгиловчи ёзувчи акамиз. Сиз у кишига фикрингизни айтиб, тушунтиринг. Опам акамизни жуда-жуда яхши кўради. Яхши кўрган одамнинг сўзини инкор қила олмайдилар, – деди ишонч билан.

Робиянинг гапидан бошимни кўрпа ичига олдим.

Яна қайта ухлаб қолибман. Уйғонганимда, қуёш нуридан дарахтлар барги жилва қиларди. Ўрнимдан турдим. Боғда ҳеч ким кўринмасди. Аҳмаднинг чойхонаси томон юзландим. У ўчоқ бошидаги курсида ўтириб, мен томонга қараб турган экан. Нигоҳларимиз тўқнашди. Шошиб ўрнидан турди. Жилмайди. Қўлимни кўтариб қўйдим. Хотиржам тортгандай яна жойига чўкди.

Ариқ бўйида юзимни ювдим. Руҳим тетиклашди. Боғ оралаб юрдим. Қуйида анҳорнинг ёйилиб оқадиган жойига бордим. Салқин шабада жоннинг роҳати эди. Мавжланиб, тўлқинланиб оқаётган сувга тикилдим. Хаёллар мендан чекинди. Сув билан ёлғиз қолдим. Ортда кимнингдир оёқлари

остида қисирлаб синаётган шох-шаббалар овозидан ҳушёр тортаман. Аҳмад экан.

– Ака, яхши ётиб турдингизми? – деди жилмайиб. Уни кўрсам негадир шўхлигим ҳам тутади.

– Ҳа-а, ука. Бугун тонг олди уйғониб, сени ўйладим. Мени ҳам сафарим қарияпти. Аҳмаджоннинг тўйини тезлаштирсак, деган ўй келди хаёлимга, дедим.

Кўнглидаги гапни «топиб» гапирганимдан хурсанд бўлган Аҳмад довдираб турди-да:

– Қандай бўлар экан! – деди ихтиёридан ташқарида. Шунда уни янада довдирашини томоша қилгим келди.

– Иккиланяпсан. Тўйни кечиктирамизми? Бу умр савдоси, – дедим жиддий оҳангда.

– Йўғ-э, иккиланганим йў-ўқ! – деди ғалати ҳолатга тушиб.

– Сени синаб кўрдим, жигарим. Худо хоҳласа бир-икки кунда тўйингни бошлаб юборамиз. Меҳмон ҳам, мезбон ҳам ўзимиз бўламиз, – дедим хуш кайфиятда. Юзлари қорайиб кетган Аҳмаднинг сўнгги сўзларимдан чеҳраси ёришди. Таранг тортилган асаб торлари бўшашиб шивирлагандай:

– Раҳмат, акажон! Қулингиз бўлай, акажон, – дея кўзларидаги ёшини артди.

– Йиғлама. Кўз ёшларингдан уялиб кетяпман. Шу ҳолингни Робия кўрса нима деган одам бўласан, – дедим уни ўзига келтириш учун. Робия исмини эшитган куёвбола сергак тортди ва бир турли жилмайди.

– Мана бу бошқа гап. Сен тўй тараддудини кўр. Мен Жумагул билан маслаҳатлашиб оламан, – дедим елкасига уриб.

– Хўп-хўп, – дея бошини эгди.

Жумагулнинг:

– Чойнакни менга беринг. Боядан бери на чой узатасиз, на ўзингизга қуясиз, – деган гапидан сергакландим. У менга жилмайиб тикилиб турарди. Олдимдаги чойнакни ёнига қўйганимда пиёла-ларга чой қуйиб менга узатди ва:

– Бугун сиз улкан савоб ишнинг бошида турибсиз. Икки қалбни, бир-бирларига талпинган юракларни умрнинг узун иплари билан боғламоқдасиз, – деди самимият билан.

Ана шу гапни излаб тополмай букланиб ўтирган бир паллада аёл яна қаддимни тиклади. Ичимдан бир майин титроқ келиб.

– Раҳмат-эй, сизга, – дедим ўмганимни кўтариб.

Жумагул билан бугун шу мавзуда гаплашгим келса-да, гаплашолмаслигимни ҳис қилиб, хаёлимдан ўтган бир суҳбатни сўзлагим келди. Нега у суҳбат ёдимга тушди. Сабабини ҳамон билмайман.

– Менинг бир укам бор, – дедим Жумагулга юзланиб.

– Укангиз? – деди мени сўзлашимга далда бергандай.

– Ҳа-ҳа, укам бор. Туғишганмас, тутинган укам. У пайтлари пилла қурти уйқудан уйғониб «Ҳайдашобир»га киргандаги ҳаётни эслатувчи ишхонага бориб-келиб юрардим. У ердагиларнинг ҳаммаси «Ҳайдашобир»га кирганлар эди. Шу сабаб беозор ухлаб ётган йигитнинг бу ерга қандай келиб қолганлигига ҳайратланиб, унга тикилдим. Уйқуси жуда-жуда ҳавасли эди. Раҳмим келди. Чунки менсиз уйғониб кетса, ён атрофидаги «Ҳайдашобир»ларга қўшилиб кетиши муқаррар. Шу сабаб уйғонишини кутдим.

Уйғонди. Нигоҳи менга тушди.

– Сиз? – деди ҳайратланиб.

– Ҳа-ҳа, менман, – дедим. Ўрнидан турди. Чор атрофга қаради. Ғалати кулди. Кулгисида ғамнинг кўланкаси судраларди.

– Қандай келиб қолдинг, бу ерларга? – деб сўрадим.

– Билмадим, билолмай турибман, – деди. Унинг содда жавобидан жаҳдим чиқди. Сўзлай бошладим:

– Сени ўрнингда ўзгалар бўлганда хурсанд бўлардим. Сени маконинг тоғу тошлар, кенг далалар, зилол суви инжуларидан сармаст бўладиган жилғалар, куйи, қўшиғининг муаллифи табиат аталмиш замин эди. Сен эса ўзинг туғилиб ўсган заминга алвидо айтганлар сафига келиб қўшилибсан-у, яна билмайман, билолмай турибман, дея ўзингни ўзинг алдамоқдасан, – дедим қўл силтаб.

Шунда у:

– Сиз шу гапларни айтяпсизми? Мен сизни излаб келгандим. Сизга айтар гапларим бор. Энди мендан қочиб қутула олмайсиз, – деди мендан-да жаҳддор овозда.

– Хўш, қанақа гапинг бор? Мен кўп гап эшитган, кўп дакки еб ҳақоратланган одамман. Энди сен қолганмидинг?

Гапларимдан хафа бўлмади. Кўзлари кулди. Самимий учқун эди. Ҳайратландим, ҳайрон бўлдим.

– Ҳали сиз менинг сўроқларимга жавоб берасиз. Ҳа-ҳа, жавоб берасиз, – деди ўзига ишонч билан.

Жумагул мени на учи, на қуйруғи бор гапимга тушунмай жойида безовталанди.

Ўзимнинг гапимга ўзим ҳам тушунмаётгандим. Шу сабаб, бир оз ерга тушиб, ҳаволанмасликка ҳаракат қилдим. Бепарво аёлга тикилиб қолибман шекилли.

– Қаршингизда борлигимни унутманг, – деди дилидагини ошкор қилиб. Эсим жойига келди.

– Ҳа-ҳа, тўғри айтасиз. Гоҳ-гоҳида ўзим ҳам маъносига тушунмай қоладиган сўзларимдан уялиб қоламан. Бугун ҳам уятли бўлдим-да, – дея фикрларимни бир жойга тўплаб сўзламоққа тутиндим.

– У бола зўр истеъдод эгаси эди. Келиб-келиб мен ишлайдиган, қочиб кетишга минг бор шайланган, одамларини кўрсам кўнглим айнийдиган жойда пайдо бўлди-да. Ўшанга хафа бўлдим. У бу ишхонанинг одамлари билан ҳеч қачон қўшилиб кетоолмасди. Қайнаса қони қўшилмайдиган одамлар бўлади-ку, ўшалар билан ишламоққа шайланибди.

Уни кўрганимда, жуда кайфиятим бузилиб, хафа бўлиб кетгандим.

– Бу ҳолат битта ишхонада эмас-ку. Айтганингиздай бугунларда қайнаса қони қўшиладиганларни кундуз кунни чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди-ку. Қолаверса, истеъдод эгаларини бир-бирига қони қўшиладиганлари жуда-жуда кам бўлса керак, – деди.

Мен неча-неча йиллардан бери жавобини тополмай юрган сўроғимга топган жавобидан ҳайратга тушдим. Оддий ҳақиқатни англаганимда аёлга янада меҳрим ортди.

– Раҳмат сизга, – дедим аралаш-қуралаш ўйларимнинг бир ўзанга тушганлигидан хурсанд бўлиб. Шунда аёл:

– Сиз, сизга ўхшаган одамларга бу дунёда хотиржам яшаш насиб қилмаган. Қачон кўнглига хотиржамлик меҳмон бўлиб келдими, билингки, оддий одамларнинг бирига айланишингиз муқаррар.

Умуман хотиржам яшашни катта истеъдод соҳиби бўлмасам-да, мен ҳам тушунмайман. Чунки хотиржамлик ўз ўлимини кутиб яшашдир. Бундай туғилиб, бундай кетишдан не маъно? Одамга туғилиш бахти бундай ҳаёт учун берилмаган-ку. Охиратгача ҳеч бўлмаганда битта дарахт экишга ундашган. Мевасидан еганлар экканга раҳматини айтади. Мевасиз бўлса, соясида ўтирганларнинг жони роҳатланади.

Биз бу дунёга одамларга яхшилик қилиш, уларнинг руҳиятида эзгулик уруғларини униб-ўстириш учун келганмиз. Шу сабаб ҳамма ҳаракатларимиз ана шу эзгуликка хизмат қилмоғи керак, деб ўйлайман, – деди.

Аёл қалбидаги оналик меҳри одамийлик қиссасига айланганлиги, бегоналарни ўзиники қилиб олганлиги меҳр-муҳаббат бўлиб лабларидан тўкиларди.

Бу дунёда Жумагулдай ўзлигидан кечиб яшаётганлар кўпмикан? Кўп бўлса, қандай излаб топмоқ мумкин? Ҳатто яхшилик истаганларинг – юрагингдаги бор меҳр-муҳаббатингни ёмонликка йўйса. Бу қандай кўргилик?! Оддий, самимий сўзлар билан ҳам одам қалбини забт этиш, бир оз бўлса-да, нурли манзил туйнуқларини кўрсатиш мумкин экан-ку.

Ҳикоя қилмоқчи бўлганим – тутинган укам қолиб, уни тинглашга чоғланиб, ўз укаси Асқар ҳақида сўраб билгим келди. Шунда унинг кўзларида жудолик изларини кўрмадим. Унинг нигоҳидан бир ғурурни англадим. Сўзлай бошлади:

– Ғарб санъати тарихида хонандалар устидан тажрибалар ўтказишган. У томонларда яхши овоз эгаларини болалигидан топишга ҳаракат қилишган. Агар шундай истеъдодлар топилиб қолса, ота-онасининг рози-ризалиги билан боласини ўзларига олишиб, уларни «фулом»ларга айлантиришган.

Бундай ишлар Шарқда ҳам бўлган. Яъни, шоҳлар ўз ҳарамларида эркак кишиларни хизматда сақлаш учун ана шундай йўл тутишган.

Биздаги «фуломлар» шоҳ саройида хизмат қилган бўлсалар, Европадагилари овози билан халқнинг хизматида бўлган. Фарқи шунда. Аслида ҳар икки йўл ҳам тўғри эмас. Ғарбда «фулом»га айланган ўспирин овози умрининг охиригача ўшандай

ҳолатда сақланган. Маълум бир тасодифлар туфайли ўзгармаса, асл ҳолича қолган.

Хабарингиз бор, Фаринели деган дунёга машҳур опера қўшиқчиси ўтган. Овозининг зарбидан шифтдаги неча юз килолик қандиллар ўйинга тушиб кетган. Миллионлаб мухлислари уни яхши кўрганлигидан бурдалаб ташлашга шай турганлар. Томошабин учун унинг концертларига кириш минг бир азоб бўлган.

У миллионлаб одамларга қувонч, бахт ато қилди. Аммо ўзи бахтсиз бўлиб қолди. Шундай қаршингдаги ҳуриликларни бағринга босолмасанг, босганинга жисминга роҳат сезмасанг, бу улкан фожиа-ку!

Менга Фаринели қисмати янгилик эди. Жумагулнинг сўнгги сўзидан ғалати бўлиб кетдим. Шу сабаб бир сўз айтолмадим. Аммо хаёлимдан Шайбонийхон олдида қош-кўзини ўйнатиб, уд созини чалган Ҳусайн Удий ўтди, шу қош-кўзи ва эски соз чалганлиги учун Шайбонийдан ўлгудек таёқ еганлигини эсладим.

Аёлнинг овозидан ҳушимга келаман.

– Укам ҳам Фаринелига қисматдош эди. У тоғда йиқилиб шу аҳволга тушганди. Шундай бўлса-да, вафосизнинг хушторлари кўп бўлган. Робияхон ҳам ана шундай хушторларидан бири эди.

Асқарнинг қандай касал билан оғриганини бечора қиз билмади. Билмагани ҳам яхши бўлди. Дунё бир кам-да, укамдаги истеъдод унча-бунча одамга насиб қилмаган. Балки шу истеъдод унинг беморлигига берилган мурувватмиди, деб ўйлаб қоламан гоҳида.

Элнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлганларнинг жуда кўпчилиги касалманд одамлар-ку. Ҳатто одамнинг қисматини башорат қилувчилар ҳам руҳий беморлар-ку.

У ҳам қўшиқ айтарди. Ўз шеърларига куйлар ҳам басталарди. Бир кўрган одам унга яқинлашишга ҳаракат қилар, суҳбатлашган қизларнинг тинч уйқуси бузилар, ниҳоятда кўнгилчан бўлганлиги учун қизлар уни худди Фаринели қатори бурдалаб ташлагиси келарди. Отам ҳам, онам ҳам кўнглига қарашар, шу боис у эркин қуш бўлиб ўсди. Кўнглида неки истаги бўлса, барчасидан татиб кўрди. Жуда ёшлигидан қизларнинг сайроқи булбулига айланиб, у гулдан бу гулга учиб-қўниб юрди. Тезда улар ҳам жонига тегди. Шеър ёза бошлади. Гўзал-гўзал шеърлар ёзди. Унинг ҳар бир шеърини барча қизлар «меники» деб юришди.

Жуда эрта татиб кўрилган асаллар унинг меъдасини бузди ва энди ортиқ яшаш мумкин эмаслигини англаб етиб, ўз инон-ихтиёри билан бизларни, севган, севишганларини ташлаб кетди. – Аёл чуқур нафас олди. – Тўғри ҳам қилди, – деди хотиржам овозда. Унинг сўнгги гапидан ичимда нимадир узилгандай бўлди. Ана шу узилишда узоқ яшаб қўйганлигимни ҳис қилдим.

– Унинг ўлимида Робиянинг мутлақо айби йўқ эди. Ўшанда қанчалар елиб-югуришимга қарамай уни қамадилар. Лекин қамокдан эрта чиқишида қўлимдан келганча ёрдам бердим. Уйимга олиб келдим. Ўз қизимдай меҳр кўрсатдим. Қисматни қарангки, бугун икковимиз унинг бахтли кунининг бошланиш арафасида турибмиз, – деди мамнун оҳангда. – Одамларнинг бахтли кунларида ёнида бўлишдан ортиқ хурсандчилик бўлмаса керак.

– Бу ўткинчи дунёда шунисига ҳам шукр. Сиз билан бизни олис-олисларда қолиб кетган бахтиёр кунларимизни энди излаб топиб бўлмайди. Унда сиз сарвқомат қиз, мен ҳам бўй йигит эдим. Қанийди ўша кунларни бир бор ортга қайтаришнинг

иложи бўлганда эди. Мен шу кунларгача айтолмаган, юрагимнинг туб-тубига чўкиб кетган сирларимни, сўзларимни сиз билан баҳам кўрган бўлардим. Миллионлаб одамларнинг олис юдузлар тафтидай бўлган меҳр-муҳаббатидан воз кечиб, ёлғиз сизга ўша миллионларнинг тафтини улашган бўлардим. Ҳаётда бир митти қисмат бунчалар адашиб сарсон-саргардон кезмаган бўларди, – дедим ичимдаги гапларимни унинг қаршисида дастурхон қилиб.

Гапларимдан аёл хўрсинди. Булоқ сувига тикилиб қолди ва сўнгида ғамгин жилмайиб:

– Ўша сарсон-саргардон кезган миттигина жонни шу кунларга келиб бўлса-да саломимга алиқ олганлигидан шодман. Яратган Эгамга сиз билан учраштирганлигига беҳисоб шукрлар қиламан. Неча йил яшаган бўлсам-да, мана шу бир-икки кун бутун умримга татиғулик кун бўлди. Сизни топганимдан жуда-жуда бахтиёрман. Энди ёш бўлмасак-да, қалбнинг ёшлиги ҳам иккимизга етиб ортади. Бундан кейин бир-биримизни йўқотиб қўймасак бўлгани, – деди.

Мен суҳбатлашишим керак бўлган дуторчи қиз кўринди. Жумагул ўрнидан турди. Қиз эса яқинлашиб келарди. Бу мулоқотдан сўнг дуторчи қиз билан гаплашишга ҳушим йўқ эди...

Кўринишидан офир-босиқ туюлган қиз қақажон чиқиб қолди.

– Ширин суҳбатларингизни буздим-а, буздим, – деди сўри четига ўтириб.

– Йўқ сингилжоним, бузмадингиз, бузмадингиз, – дедим кўнгил равшан тортиб.

– Кўнгил бузилмаган бўлса, сизга бошқа бир аёлнинг тарихидан сўзлайин, – деди жилмайиб.

– Сиз нени истасангиз эшитишга тайёрман, – дедим.

– Унда бошладик. Менинг бир опагинам бор. Бундан анча йиллар илгари у билан учрашиб қолиб, Жумагул опамнинг шаҳардаги уйига бошлаб келавердим. Тунги суҳбатимиз тонгга уланди.

Ана шу суҳбатларининг биридаги ҳикояси ҳеч ёдимдан чиқмайди. Опагинам шундай ҳикоя қилганди:

«Куз ҳавоси эди. Қишлоққа боргандим. Эртасига ишга келишим сабабли, онам билан бир оз суҳбат қилиб, кеч бўлса-да ортимга қайтдим. Шаҳарга яқинлашганимда ёмғир қуйиб берди. Уйим яқинидаги тўйхона олдида машинадан тушдим. Ҳаво совуқ эди. Енгил кийинганлигим учун совуқдан титрай бошладим. Шунда, олдинда соябон кўтарган бир одамга кўзим тушиб, қадамимни тезлатдим. Ҳозир эсимда йўқ. Ҳойнаҳой, мен у одамни чақирдим шекилли, ортига бурилди. Соябонидан жой берди. Нечун кеч юрганлигимни сўради. Айтиб бердим. Кейин бошлашиб уйимиз томон кетдик. Уйимни биласан, тўйхонанинг орқасида. Етиб борганимизда хайрлашмоқчи бўлган одамни ихтиёримдан ташқарида уйга таклиф қилдим. Ёлғиз эмасманми, ўзиям жуда кўзга яқин ёқимтой йўлдош эди.

Меҳмонни меҳмонхонага бошлаб, ёмғирдан шалаббо бўлиб кетган уст-бошларимни алмаштириб, бир оз ўзимга оро бериб олдига кирдим. Менга кўзи тушиб жилмайди. Ўрнидан турмоқ устади. Кетишига қўймадим. Чой баҳонасида ошхонага чиқдим. Ул-бул қанд-қурслардан, онам бериб юборган майиз, туршаклардан олиб чиқиб дастурхон безадим. Меҳмон эса менинг ҳаракатларимга эътибор бермай, ўз хаёллари билан бўлиб, кучайган ёмғир зарраларини ром деразаларига чирсиллаб уришини томоша қилиб ўтирарди. Чой қуйиб узатдим. Овозимдан бирдан ўзига кел-

ди. Менга ҳайратланиб тикилди. Шунда гапнинг дангалига кўчиб:

– Танишиб олайлик. Исми Дилдора. Тиббиёт техникумида ўқитувчиман, – дедим.

– Ҳа-ҳа, хурсандман. Мен ҳам ўқитувчиман, – деди у ҳали ўз хаёлларидан чиқиб кета олмаганлигидан довдираб. Меҳмоннинг довдирашидан «овсарроқ бўлса керак» дегандай кўнгилга шубҳа оралади. Йўқ, чой устида бир оз ўзига келиб:

– Бугун бир танишимиз тўй қилганди. Ўшанга келгандим. Кейинги пайтларда шовқин-суронга унчалик ҳушим бўлмаганлиги учун тўйни ташлаб чиқдим, – деди суст оҳангда.

Одамлар бундай жойларга таклиф қилишга орзуманд бўлиб юрса-ю, бу киши зерикиб ташлаб чиққан бўлса. Ҳайратландим. Ҳайратим адоғида «касал бўлса керак» деб ўйладим. Гапни гапга улаш мақсадида:

– Бекор қилибсиз-да. Дўст-ёрларингиз билан чақчақлашиб, бошингизни шамоллатган бўлардингиз, – дедим. Шунда меҳмон бир турли жилмайди. Кўзларини юмди. Кафти билан оғзини беркитиб ҳомуза тортди. Меҳмоннинг жуда сиполиги, ҳаракатларининг нозиклигидан илмли оилада улгайганлиги билиниб турарди. Чунки автобусларда, метроларда қаршингдаги аёл ёки эркакни ён-атрофига қарамасдан оғзини каррак қилиб очиб, ҳомуза тортишларининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Менинг тунги меҳмоним эса менга, мени қуршаганларга ўхшамаган бошқачароқ одам эди. Шу сабаб унга янада қизиқишим ортди.

– Исмингизни ҳам, нима иш қилишингизни ҳам айтмадингиз, – дедим унга ўхшашга ҳаракат қилиб. Саволимдан қайта ҳушига келгандай, жойида қўзғалиб қўйди.

– Исмиим Александр, институтда адабиёт фанидан дарс бераман, – деди. Исмини Александрлигини эшитгач, «бошқа миллат вакили экан-да» деган хаёлда сўрадим:

– Нега исмингиз Александр? Александрларга ўхшамайсиз-ку, – дедим берган саволимдан хижолат тортиб. Йўқ, ўшанда тортинмадим. Ҳозир эса у одамнинг кимлигини билганлигим сабаб хижолатли савол берганимни ҳис қилмоқдаман.

Шунда у:

– Отамнинг Александр исмли машҳур шоир ўртоғи хотираси учун менинг исмиمنى ҳам Александр қўйган эканлар, – деди бир оз тетиклашиб. Кейин: – Отамнинг дўсти ҳақида бир ҳикоя айтиб берайми? – дея мен томон юзланди. Сухбатимизни бир оз қовушганлигидан хурсанд бўлиб:

– Ҳа-ҳа, айтинг, – дедим. Шунда у ҳикоясини бошлади.

– Отамнинг дўсти замонасининг машҳур шоири бўлган. У ҳам худди бугунги икковимизнинг учрашувимиздай тунда бир аёлга дуч келади. Аёл уни уйига таклиф қилади. Шоир эргашади. Кунни билан кўчада сарсон-саргардон кезган жувон кўчанинг аччиқ совуғидан уйига кириб борганда, чарчаганлигидан уни уйқу элитади. Анча вақт ухлайди, уйғониб қарасаки, меҳмони ёнида ўтирибди. Шунда аёл шоша-пиша: «Мен ҳозир» дея ўрнидан турмоқ устаганда, шоир:

– Безовта бўлмай ухлайверинг, – дея аёлнинг пешонасини силайди. Қанча вақтдан бери бундай меҳрибончиликни кўрмаган, шундай меҳрибончиликлар борлигини унутиб яшаган аёл яна қайта уйқуга кетади. Эрталаб уйгонса, худди тушида кўрганидай меҳмон йўқ. Аммо пардоз ойнасининг очиқ галадониди йигирма беш сўм турганмиш.

Не-не одамлар олдида ухламай сергак турган аёл, шундай олижаноб эркак олдида ухлаб қолган-

лигидан нафратланибди. Илк бор учрашган жойларига бир неча бор қайтиб ҳам борибди. Аммо ундан дарак бўлмабди. Бир кун дугонаси қўлидаги газетадаги суратга кўзи тушиб, ўша тунги меҳмони мана шу қўнғироқ сочли йигит эканлигини эслаб, дугонасидан сўроқлаганда: «Бу машҳур шоир – Александр Блок. Унинг ошиқлари минглаб. Сени менга у билан суҳбат қилишга йўл бўлсин», дебди бир афсус билан.

Унинг гапларидан сергак тортдим. Александр Блок деганлари, ўзи эмасмикин, деб ўйлаб ҳам қолдим. Сукут сақладим. Хаёлимдан кечган ўйларни сезгандай:

– У шоирнинг яшаб ўтганлигига узоқ йиллар бўлди. Мен бугун унинг ҳаёт йўлини такрорлаб тургандайман, – деди самимий жилмайиб. Ана шу гапдан уни нимага шама қилаётганлигини тушуниб уялиб кетдим. Кеткизиб юбормоқчи ҳам бўлдим. Аммо журъат қила олмадим. Журъат бор эди. Лекин кетишига ўзимда хоҳиш йўқ эди. Одамни ўзига тартадиган нимасидир бўлганлиги учун яна қайта бундай одамни учратаманми-йўқми, деган ўйда суҳбатлашиб ўтиргим келганди. Мен ўшанда бир кўришдаёқ яхши кўриб қолиш мумкинлигини ҳис қилганман. Меҳмонни янада сўзлашини истаб:

– Ўзингиз ҳақингизда гапиринг, – дедим. Саволимдан юзи тундлашди. Кейин чуқур хўрсиниб:

– Ўзим ҳақимда ҳеч нарса билмайман. Билганларим турли одамлар билан турли мулоқотлар. Эртасига унутишлар бўлган, – дея қисқа жавоб қилди.

Шунда уни ўзи билан ўзи овора, одамлардан йироқлашиб кетган, умуман мулоқот қилишдан зериккан, ўзга олам, ўзга дунёда яшаётгандай ҳис қилдим.

Ҳа, у менда худди шундай таассурот қолдирди.

Суҳбатимиз шу билан якун топгандай эди. Мен унга қизиқдим, у менга қизиқмади.

– Жой солиб берайми? – деб сўрадим. Жавоб бўлмади. Хўрлигим келди. Илкис ҳаракатлар билан ўрнимдан турдим-да, ётоқхонага кирдим. Эзилиб-эзилиб йиғладим. Бир оз ҳушимга келганда, «келармикин» деб илҳақ бўлдим. Келмади. Чарчаганимдан кўзларим илинди. Ухлаб қолибман.

Уйғонганимда тонг отиб келарди. Тунги воқеани эсладим. Шошиб ўрнимдан турдим. Меҳмон ўтирган хонага мўраладим. Ҳеч ким йўқ эди. Аммо дастурхон устида йиғирма беш сўм пул турарди. Нимага, нечун дея ҳайратландим. Кўнглим хира тортди. У ўтирган диванга бориб ўтирдим. Яна хўрлигим келди. Яна йиғладим. Кейин ўзи айтганидай ўша кўчада тунни билан уни пойлаб, «келиб қолармикин» деган илинжда сайр қилдим. Келмади, – дея опам йиғлаб юборди, – деди қиз лаблари титраб.

Кейин қиз бир оз ўзига келди-да, мендан:

– Сиз шундай воқеага ишонасизми? – деди.

– Ҳа ишонаман, – дедим. У ўрнидан турди. Мен эса бир зарб билан юрагимга урилган ҳикоя таъсиридан чиқолмай саросималандим. Хаёлимга ўша тун келди.

Ҳамма нарсадан ҳафсалам пир, нафақат одамлардан, яқин жону жигарларимдан ҳам кўнгила қолган кунларимнинг бирида тўйга таклиф қилишганди.

Унда мен ёлғиз эдим. Ёлғиз кулбамда ёвузлашган кимсалар, ён-атрофдаги ака-укалар жонимга тегиб кетганди. Шу боис барча кўргиликларга қўл силтаб, ногиронлар уйидан паноҳ топдим. Ҳеч ким билан гаплашмасдим, ҳеч кимни эсламасдим. Ўшандай кунларнинг бирида тасодиф ила бир қадрдонни кўрдим. У кўҳна, қадим, тамасиз

ўртоқлардан бири эди. Тўйхонага етаклади. Истар-истамас ортидан эргашдим.

Маҳобатли тўйхона эди. Худди қишнинг қаҳратонидаги қора қарғалардай тизилган қора машиналардан савлат тўкиб эркаклар, эғнидаги либослари, бўйнидаги зебу зийнатларига маҳлиё бўлган аёллар тушиб келишарди. Ораларида мени, уни таниганлари сўрашиб йўл бошлар, бири олдда, бири орқада бўлиб, биз ҳам тўйхона дарвозаси томон кетиб борардик.

Тўй эгаси таниш одам эди. Биз билан илиқ сўрашди. Йўл бошлади.

– Ижод аҳлининг жойи мана шундай давралар, – дея гул-гул ёниб давра қурган санамлар қуршовига ташлаб кетди. Курсига ўтиришим билан қаршимдаги аёлга кўзим тушди. Нигоҳларимиз туташди. Аёл илкис кўз ҳаракати билан ёнидаги шеригига ишора қилди. Аёлни олдин қаерда кўрганлигим ҳақида ўйладим. Аммо эслай олмадим. Ён-атрофимдагиларнинг шивир-шивиридан ҳушимга келдим. Ўтирганларнинг нигоҳи тўйхона остонаси томонга қадалганди. У томондан одамлар қуршовида бир санам кириб келарди.

Тўйхона маҳобатли, улугвор, ёруғ эди. Чор атрофда гўзал санамлар кўп эди. Аммо қаршимиздан биз томон келаётган парининг гўзаллиги олдида барчаси ҳеч ким эмасди.

Эҳтиросли нигоҳини санамга қадаган ёшларнинг кўзларидан нур сачрар, кексаларнинг пешоналаридаги ажинлари ўрнида ой балқир, бир умр ҳаётини кайфу сафода ўтказиб, қалби могорлаган бандаларнинг ҳам чеҳрасида табассум қотган эди. Тасаввуримда ҳамма борини унинг оёқлари остига сочишга шай тургандай, улар қатори мен ҳам шундай ҳолатда эдим.

Мен бундай гўзалликни кўрмаганман, билмайман ҳам. Бу маъбудни сўз билан таърифлашга

ўтсак уялиб қоламиз. Худди эзгулик ва ҳақиқат қанчалар қудратли, аммо қийин йўл бўлганидек, қаршимдаги маъбуда ҳам гўзалиги билан қудратли эди. Уни томоша қилиш, ундан руҳ олиш, ундан юраклар чанқорини қондириш мумкин эди. Вужудингни, борлигини ўз қучоғига олган кўрк ва назокатдан бошқа ҳеч нарсани кўра олмас дамларни бошимдан кечириб турардим.

Бир неча вақтлардан бери қора хаёллар қуршо-вида қолган руҳим тетиклашган эди. Унга ҳайвоний ҳирс билан қараб турганларга нигоҳим тушганда, нафратим бўғзимга тиқила бошлади.

Гўзаликдан руҳий озуқа ололмаган фаҳш бандаси гўзал вужуд сари интилади-ю, унинг гўзаллигини ҳис қилолмаслигини, худди ҳайвон сингари ҳирсий лаззатни излашини ёнимдаги кўзларининг таглари хасталанган одамда кўриб турардим. Шу боис бу маъбудага фосиқ нигоҳини ташламаслигини истагандай беихтиёр биқинига туртиб юбордим. У менга ёмон қаради.

– Узр, беҳосдан бўлди, – дедим юзига тик қараб. Шу туртки сабаб у бир лаҳза бўлса-да, менга қувонч ато қилган санамдан кўзларини олди.

Аёл биздан олислаб кетди. Давра қурганлар дастурхонга юз тутишди. Қўшиқ авжига чиқди.

– Бугунги хонандаларнинг сарбони ана шу аёл бўлади, – деди шеригим менга юзланиб. Мен унинг гапига аҳамият бермадим. Бу жойдан кетгим келди. Ўрнимдан турдим. Шеригим хавотирланди.

– Мен ҳозир, – дея уни хотиржам қилдим. Кўзғалишимни кўрган қаршимдаги аёл ҳам ўрнидан турди. Мен билан гаплашмоқчи эканлигини ҳис қилиб, «ўтиринг» дегандай қўлим билан ишора қилдим. Ҳозир менга ҳеч ким керакмасди. Ҳозир менга лаҳзалар олдин ёнимдан ўтган санамнинг сиймосини оқ қоғозга муҳрлаш муҳим эди.

Тўйхонадан чиққанымда дарахт шохларидан тўкилган барглар ерга ёпишиб ётарди. Олатасир мусиқа овозидан сиқилган асабим бу ердан тезроқ узоқлашишни истаганидан қадамимни тезлатдим. Овозлар ортда қолди. Руҳим бир оғир юкдан қутулгандай тиниқлашди. Шаҳарнинг машиналардан холи бўлган кимсасиз кўчасида секин-секин юриб кетдим. Аммо кўз олдимда сокинлашган фикрларимни остин-устун қилган санам сиймоси кўриниш берди.

Шивирлаб ёғаётган ёмғир, тоза ҳаво, шовқин-суронлари сусайган тунда юрмоқнинг гашти ўзгача-да. Қадамларимни янада секинлатиб, ўз хаёлларим қуршовида қолдим.

Хаёлимда «гўзаллик нима?» деган савол чарх уради. Ҳа, аслида гўзаллик нима? Тасаввуримда бу маъбуд руҳимнинг ибтидоий маконидаги мукамал сиймодир. Мен уни фақат хотираларим орқали кўз олдимда гавдалантиришим мумкин. Аммо бугун мен уни хотираларсиз тирик жон сифатида кўрдим. Негадир унга интилмадим. Балки уни йўқотиб қўйишдан кўрқдимми? Билмадим. Ҳойнаҳой, қайта юзма-юз бўлишдан кўрққанлигим рост. Кимдир айтган эди: маърифатли киши гўзаллик тасвирида Худо жамолига ўхшаш ҳолни кўриб, дастлаб ларзага тушади, мушоҳада этгач, уни ҳаддан ташқари севиб қолади. Агар уни телба деб аташларидан кўрқмаганда эди, ўзининг севимли санамига жонини қурбон қилган бўлур эди. Мен ҳам донишманднинг сўнгги хулосасидан кўрқиб, тўйхонани тарк этганлигим рост эди.

Ортда аёл кишининг овози эшитилди. Ўгирилдим. Уст-бошлари ёмғирдан шалаббо бўлиб кетган аёлга кўзим тушди. Соябон остига олдим. Унинг совқотганлигини сезиб:

– Юринг, йўловчи машинада кузатиб қўяй, – дейман самимий оҳангда.

– Уйим шу яқин орада, – дея қадамини тезлатди. Аёл айтганидай, уйи яқин экан, бошлашиб кирдик.

Чой устида мезбон мени суҳбатга тортмоқ истаиди. Негадир кўнгил суҳбат истамаиди. Тўйхонадаги санам сиймосини йўқотиб қўйишдан қизганиман. Шу сабаб мулоқотларимиз қисқа эди.

Мендан аёлнинг ҳафсаласи пир бўлди. Ётоғига кириб кетди. Ўтирган жойимда хаёлан асар ёза бошладим. Илк бор бундай асар ёзишим эди. У дунёдан қайтганимда тонг отиб келарди. Аёлнинг уйига таклиф қилганлигига миннатдорлик билдириб, дастурхон устига йигирма беш сўм қўйдим-да, уйдан чиқиб кетдим.

Мусаффо тонг ҳавоси эди. Тоза ҳаводан баҳри дилим очилди. Хаёлимдаги мусиқа оҳангига айланган асаримни ёзиш учун шошиб кулбам томон юзландим. Туни билан ухламаган бўлсам-да, руҳим тетик эди. Қоғоз, ручка олиб, мени аллазамонлардан бери қийнаб келаётган асарнинг илк сатрларини ёза бошладим. Қолганларини билмайман. Ҳомиладан қутулиб енгил тортган аёлдай ўрнимдан турганимда туннинг маҳсули бўлган «Руҳнигор» асарим дунёга келганди.

Юрагимда эса қисқа бўлса-да мен билан суҳбатлашган нотаниш аёлга ва тўйхонадаги санамга миннатдорчилик билдирдим. Бутун эса у аёлнинг ўзим ҳақимда хаёлидан кечган ўйларига шерик бўлиб ўтирибман.

Қанча кунлар, тунлар, сувлар оқиб ўтди. У аёл мени аллақачон унутиб юборгандир. Унутиб юборган бўлсанг-да, сенга раҳмат.

Беихтиёр кўз олдимга ўша гўзал келди. Шу йиллар ичида мен уни қайта учратмадим. Аммо яқин орада уни кўргандайман. Қаерда кўрдим экан-а?..

* * *

– Чанг чалишни қандай ўргангансан? – дейман қизга юзланиб. Қиз кулади. Қўлини осмонга ишора қилиб:

– У томондан, – дейди сирли жилмайиб. Қизнинг сирли сўзларидан ҳайратим ошади.

– Осмонданми? – дейман.

– Ҳа-ҳа, осмондан. Осмоннинг учинчи қаватида ҳар доим меҳрибончилик қилиб, мени ўз паноҳига олган Зухра опамдан ўрганганман, – дейди дабдурустдан. Унинг жавобидан бир оз саросималаниб, у ёқ, бу ёғимни тузатиб, нима дейишимни билмай карахтланаман. Шунда у аҳволимни тушунганидан бўлса керак:

– «Бу қизни бир оз боши кетган-ов», деб ўйла-япсиз. Ўйлаб тўғри қиялсиз. Миям жойида бўлганида санъаткор бўлармидим. Дўхтир, муаллим, ҳисобчи, муҳандис, қолаверса, учувчи, космонавт бўлардим, – дейди жаҳл билан.

«Об-б-о! Жумагул мени кимга дучор қилди», деган хаёлда сукутни афзал кўраман. Чунки қизнинг важоҳати ёмон, ҳозир ўрнидан тура солиб юзимни тимдалаб ташлайдигандай. Шу боис елкамни қисиб, нон урвоқларини оғзимга солиб чайнамасдан шимиб ўтиравердим.

– Гапларимдан чўчидингиз-а? Чўчиманг, мен сизга яхши суҳбатдош бўла оламан, – деди асл ҳолига қайтиб. «Хайрият» деб ичимда шодландим.

– Мен мусиқа бўстонида эркатой гул бўлиб ўсдим, улғайдим. Отам ўз юртининг машҳур мусиқашунос олими, шоири эди. Опам «Шашмақом» йўлида танбур чалиб хониш қилганда эшитганлар беҳуш бўларди. Шу боис уйимиздан меҳмон аримасди. Меҳмонларнинг бири куй-қўшиқнинг гадоси бўлса, қай бири мусиқа илмига мубтало эди. Юлдузлари бир-бирига тўғри келган ота-онам эса бир-бирини

тўлдириб яшади, – дея қиз маъюсланди. Қизнинг ўзига келишини кутдим. Ундан кўп яхши ҳикоялар эшитишга ишондим. Сўзлай бошлади:

– Мен туғилганда отам онамга: «Исмини Зухро қўямиз. Бугун тонг олди Зухро юлдузини кўрдим. Пориллаб ёнарди. Хорут ва Морут армонини сўзларди. У менга шунчалар яқинлашиб келдики, Арасту ҳақ экан», деган экан.

Мен унинг гапларига унчалар тушунмадим. Шу сабаб:

– Зухрохон, бир оз тушунарли, мендай бобой илаб оладиган тилда гапирсангиз, – дедим бу илмда анча саводсизлигимдан хижолат чекиб.

Гапи бўлинганиданми, Зухро менга бирдан норози қиёфада қаради. Унинг ўтли, телбавор нигоҳидан яна чўчидим. Аммо у тезда ҳушини йиғди.

– Узр, ака! Мен сизни уйимиздаги суҳбатдошлардан бири деб ўйлабман. Нималарга тушунмадингиз? – деди савол назари ила.

– Хорут, Морутлар – фаришталар. Арасту – Аристотел бўлса керак. Аммо уларнинг Зухро юлдузига нима алоқаси бор? – дедим.

– Хорут ва Морут фаришталар ҳақида шундай ривоят бор. Яратган Эгам уларни ерга туширганда фаришталарнинг илк бор сўзлашган одами Зухро исмли қиз эди. У қиз чанг чалишда тенги йўқ созанда бўлган. Унинг овозаси етти иқлимга машҳур бўлиб, дунёнинг турли гўшаларидан қизнинг муסיқаларини тинглашга одамлар оқиб келар, ана шу оқиб келаётганлар сафига икки фаришта ҳам қўшилиб, Зухронинг муסיқаларини тинглашга шошилишган экан.

Муסיқа, оҳанг ўзга олам. Ўзга куч-қудрат. Ўзгача муҳаббат. Унинг оҳангидан беҳуш бўлган булбуллар, унинг тўлқинидан ҳушга келган одамлар, унинг малҳамидан тузалиб кетган беморлар.

Ана шундай сеҳрга, сирли кучга, жонсиз чолғуга жон ато қилган Зухрога минглаб одамлар таъзим қилар, бу ҳолатни кўрган фаришталар ҳам унга яқинлашмоқ истаган.

Зухро уларнинг истагини қабул қилади ва қўлидаги шароб тўла косани узатиб:

– Шаробни ичингизлар ва менинг санамларимга сиғининглар, – деди. Фаришталар у тутқазган шаробни ичишиб, санамларига сиғинишди. Маст ҳолдаги фаришталардан Зухро Яратган Эгам ҳақида сўрайди ва Яратганга сиғиниб:

– Мени кечир, – дейди. Ана шунда мўъжиза юз бериб, Зухрони Яратган Эгам фаришталар манзили санаалмиш етти қават осмоннинг учинчи қаватига чорлаб, уларнинг ўрнини бўшатиб беради. Хорут ва Морутлар эса зор қақшаб ерда қолишади.

Ўзингиз айтганингиздек, Арасту – Аристотел. Александр замонида юнон олимлари фаннинг турли соҳаларида буюкликка эришиб, жуда кўплаб ихтиролар, кашфиётлар қилишган. Шу маънода улар мусиқа соҳасида ҳам улуғ ишларни амалга оширишган, мусиқа фанига оид китоблар ёзишган, мусиқа чолғуларини яратишган. Ана шундай чолғуларнинг яна бирини яратилишида Зухро юлдузи ҳам туртки бўлган.

Александр саройида зерикиб ўтирган бир паллада олдида Афлотун ва Арасту келиб қолади. Уларнинг ташрифидан хурсанд бўлган Александр бир янгилик топиб келишларини сўрабди. Шунда икки буюк олим саҳро йўлига чиқишиб, икки томонга йўл олишади.

Арастунинг жисми ерда бўлса-да, руҳи ҳар доим осмонларда учиб юрган. Подшонинг, бир янгилик топиб келинглари, деган шартини эслаб, олимнинг руҳи самонинг учинчи қаватида ярқираб шуъла таратаётган Зухро юлдузига тушади. Яқинлашиб

борганда Зухронинг гўзал кўринишига нигоҳи қадалади ва ўша кўринишни хотирасига муҳраб ерга тушади. Кейин айнан шу кўринишдан чангни ихтиро қилади.

Олимнинг йўқолиб қолганлигидан хавотирга тушган подшо Афлотун билан Арасту хонадонига йўл олади. Ичкаридан на Александр, на Афлотун эшитмаган бир ёқимли куй таралади. Куйнинг жозибасидан шоҳнинг ҳам, олимнинг ҳам ҳайрати ошиб ичкарига киришса, Арасту икковига ҳам нотаниш чолғуда куй чалмоқда, атрофида эса уйидаги ҳайвонлару паррандаларнинг барчаси ҳушдан кетиб ётибди. Ўшанда бу куйдан таъсирланган донишманд ва ҳукмдор ҳам ҳушсизланиш даражасига борган экан.

Кейинчалик Арасту бу чолғуга «Чанг» дея ном берган экан, – дея Зухро «тушундингизми» дегандай менга қаради. Унинг нигоҳига дош беролмай бошимни эгдим.

Бир фурсат ўтиб:

– Билмаганингни сўраб-суриштириб билиб олишнинг уяти бўлмаса керак. Орланиб сўрамаганимда ўзимга қийин бўларди. Ҳозир сиз менга бир муסיқа чолғусининг яратилиши билан бутун бошли тарихни сўзлаб бердингиз. Раҳмат, сизга. Бугундан бошлаб чангнинг яралиш тарихини билганимдан у созга янада муҳаббатим ортди. Албатта, шу чолғуда куй чалиб берарсиз, – дедим қизга самимий нигоҳ ташлаб. Зухро илтифотимдан хурсанд бўлиб кетди.

– Албатта, ака. Мен муסיқа чолғуларини барчасининг қандай ихтиро қилинганлигини яхши билман. Отам раҳматли, ёнига ўтқазиб олиб бирма-бир тушунтирарди, – деди кўзига ёш олиб. Кейин:

– Мана, сизни олайлик. Мен китобларингизни ўқимаганимда сизга бунчалар ҳурматим бўлмас-

ди. Оддий бир одам сифатида муносабат билдириб кетаверган бўлардим. Муסיқа чолғулари ҳам худди шундай. Уларни қандай яралганлигини билсангиз, у чолғуларга ҳам худди тирик жонга қандай муносабат қилсангиз, шундай муносабат оласиз ва чалган куйингиз ҳам одамларнинг юрак-юрагига муҳрланади.

Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, чолғу ва созанда бир одамга айланади. Чолғу сизни, сиз чолғунинг асирига айланасиз. Ўшандай паллалар Зухро опам яшаётган учинчи осмонга кўтариламан, опам мени қўллайди, – дея кўзларини юмди. Киприкларига илинган марварид томчилар юзида думалади.

Худди жисмидан руҳи ситилиб чиқаётгандай юзларида қуюқ ажинлар пайдо бўлди. Кўз қора-чиқлари кенгайди, жони чиқаётгандай қўллари илкис-илкис ҳаракатланди.

Кўйлаклари ичида мушаклари тортилаётганлиги билиниб турарди. Тиззалари қалтираб тинчиди. Кўзларини юмди. Боши шилқ этиб бир томонга қийшайди.

Қўрқиб кетдим. Ўрнимдан санчиб туриб, пиёладаги чойни юзига сепдим. Илкис ҳаракат қилди. Зудлик билан ёнига ўтиб, елкасидан қучиб,

– Зухрохон, бундай қилманг! Ўзингизга келинг! – дея жон-жаҳдим билан силкиладим. Шунда ичидан овозмас, қандайдир ҳовур отилиб чиққандай бўлди. Бўшашиб қолган жисми қалтираб-қалтираб аслига қайта бошлади. Ҳушига келди. Елкасидан ушлаб турганлигимни сизди.

– Раҳ-ма-ат, ака! – деди. Мен ҳам анча ўзимга келиб қолгандим, секин бошини ёстикқа қўйдим. Уйқуга кетди. Унга тикилиб, илк бор руҳни танадан чиқиб, яна қайта киришини кўрганлигим учун хўрлигим келиб йиғлаб юбордим.

Мен узоқ йиллардан бери бундай ҳолатга тушмагандим. Зухро тинч-осуда ухлаганда ўрнимдан

туриб, бошим оққан жойга кетгим келди. Боғдан узоқлашиб, анҳор суви оқиб келаётган томонга юрдим. Қанча вақт ўз ихтиёримдан ташқари ҳаракатландим, билмайман. Билганим, анҳор ёқасидаги улкан тол қаршисида турардим. Дарахт атрофидаги оппоқ тошларни кимдир териб қўйганга ўхшарди. Аслида, тоғ томондан келган ирмоқ сувлари баҳорнинг ёмғирли кунларида тошларни оқизиб келиб, бу улкан дарахт атрофига маржонлар мисол сочиб юборган эди.

Толнинг қуйига эгилган шохлари анҳор сувига тегиб турарди. Одамнинг руҳини кўтарувчи манзара олдида бир оз енгил тортдим. Кайфиятим кўтарилиб, маржонлар шодасидан бир оз наридаги тош устига бориб ўтирдим. Солланиб оқаётган анҳор сувига тикилиш жоннинг роҳати эди. Қанча вақт тош устида ўтирдим – эслай олмайман. Кимларнингдир овозидан ҳушимга келдим. Анҳор қирғоғи ёқалаб Аҳмад ва Жумагул келарди. Уларнинг истиқболига ўрнимдан турдим. Менга кўзи тушган Жумагул:

– Яшириниб олган жойингизни қаранг-у! Ҳаммамиз сизни излаш билан оворамиз. Хайрият, – дейди сочлари анҳор сувининг шамолида тўзғиб.

– Хаёл билан келаверибман. Роҳатижон жой экан, – дедим улкан тол ва сувга ишора қилиб.

– Аҳмаджон жаннатда яшар экан. Биз беҳабар эканмиз, – деди аёл ёнида қўл қовуштириб турган Аҳмадга қараб.

Аёлнинг гапидан «куёв бола» ғурурлангандай бўлди. Уни бўғриққан юзига қараб ҳавасландим. Жумагулдай опаси, овозига булбуллар сукут сақлайдиган севимли ёри бўлган бу йигитга ҳавасланмай бўладими. Қандай бахтли йўл остонасида турганлигини сездимикин. Сизган бўлса керак, деган ўй хаёлдан кечди ва кайфиятим янада кўтарилди.

Уларни тол соясига таклиф қилдим. Шунда Жумагул:

– Зухронинг санъатини шу жойда томоша қилайлик. Боядан бери «Акамизга опамнинг «Гулмозор»даги аёллар ўйинини кўрсатайлик» деб миямни қоқиб олди, – деди. Зухро исмини эшитиб безовталандим. Аммо безовталигимни билдирмай:

– Яхши бўларди, – дедим. Аҳмадбой гапга ара-лашди:

– Ҳу-у тепаликка электр сими келган. Бу томонга ҳам тортсак, ҳамма томон ёруғ бўлади. Чорпояларда ўтириш ҳам жонларингизга тегди. Бугун кечликни шу ерда қилинглар. Мен қизлар билан кўрпа-тўшакни мана шу тол тагига олиб келаман, – деди. Унинг топқирлиги менга ҳам, Жумагулга ҳам маъқул келди.

Биздан розиликни олган Аҳмад шошиб ортига бурилди. Жумагул эса:

– Сиз билан учрашгандан бери Зухрохон, «Акамга ҳали ҳамма гапларимни айтолмадим-да», дея ўзини қўярга жой тополмай юрибди. Нима, суҳбатларингиз чала қолдимиз? – деб сўроқлади.

– Ҳа, гапимиз тугалланмади. Жуда ўқимишли қиз экан, унинг илмий гапларига ақлим етмади. Ораларингизда мусиқа санъати тарихини бунчалар чуқур биладиганлар борлигини билмаган эканман, – дедим гапимнинг давомига журъат этолмай. Шунда Жумагул:

– Ҳа, Зухрохон санъаткорлар оиласида туғилган. Мусиқа тарихини отасидан ўрганган бўлса, мусиқа чолғуларини чалишни онасидан. Онаси Ойзода опани шакланган труппаси бор эди. Мен якка хонанда бўлиб юрган кезларимда тўйда учрашиб қолдик. Шунда уларнинг қўшиқларини, ўйинларини эшитдим, улар мени. Ўшанда опа: «Синглим, келажакда мана шу қизларга ўзингиз раҳбар бўлсангиз. Кейинги пайтларда юрагимни мазаси бўлмаяпти. Биласиз, жамоанинг ҳамма ташвишлари

менинг бўйнимда. Сиз қанотимга кирсангиз», – деб қолди. Шу-шу бўлдию, мен уларнинг жамоасига келиб қўшилиб, фаолиятимни давом эттирдим. Орадан кўп ўтмай опа касалланди. Ўзи айтганидай юраги оғриб, оламдан ўтди. Орадан кўп ўтмай эри – Умар ака ҳам юраги хасталаниб вафот этди.

Мен кўп оилаларни, кўп эр-хотинларни кўрганман. Аммо улардайини ҳамон учратганим йўқ. Бир-бирига жон билан бирлашиб қолгандай жуфтлик эди. Бири иккинчисисиз бир жойга бормасди, бир-бирини бир кун кўрмаса туролмасди.

Раҳматли Ойзода опа сўнгги кунларида: «Сингим, бу ёғи яқин қолганлигини сезиб турибман. Зухрога ўзинг оналик қил. Акангни аҳволини ҳам кўриб турибсан. У менсиз яшай олмайди. Қизимни сенга, сени Аллоҳга топширдим. Қўлингдан келган меҳрибонлигингни кўрсат. У ёқларда ҳам сизларга тиловкаш бўлиб юраман», – деганди. Ўзи башорат қилгандай, Умар ака ҳам ортидан кетди. Зухро мен билан қолди. Бу қизга Худо берган. Мусиқа илмини чуқур билади. Чанг, дутор, сетор, танбур каби созларнинг моҳир ижрочиси.

Раҳматли онаси эса доира чалиб, одамларни ҳушсизлантириб қўярди. Қизлари билан зикр тушганда, ўзини ҳам, қизларини ҳам, ён-атрофдагиларнинг ҳам руҳини жисмидан ситиб чиқарарди. Кўп беморлар опанинг доираси овозидан тузалиб кетарди. Шу сабаб опанинг уйи бозорга ўхшарди. Одамларнинг бири кетиб, бири келар, хуллас, тонгдан тунгача бу хонадондан меҳмонларнинг қадами узилмасди. Зухро ана шундай хонадонда камол топганлиги учун жуда очиқ, кўнглидагини шундай юзингга айтиб қўядиган қиз. Аммо қалби жуда-жуда тоза. Ёмонлик деган иллатни, ғийбат деган нопокликни билмайдиган, кимга ёрдам керак бўлса, худди ота-оналари каби беминнат қила-

ди. Тамани билмайди. Бу сўзнинг маъносига ҳам тушунмайди. Шу қизда ўзгача бир фазилат бор. Гоҳ-гоҳида беҳуш бўлиб қолади. Кўп ходисаларни олдиндан башорат қилади. Ҳозир Зухрони қаердалигини одамлар билишмайди. Билганларида бу боғ ҳам бозор бўлиб кетарди, – деди.

Тоғ томондан эсан шамол сув зарраларини учириб келди. Танни жунжиктирувчи муздай сувдан икковимиз ҳам сапчиб ўрнимиздан турдик. Жумагулнинг қўлидан ушлаб, қирғоқдан узоқлашдик. Қуйидан қизларнинг овози эшитилди. Жумагул менга қаради. Мен унга. Ана шу сиймода бугун хотирамга келган санамни кўрдим. У санам – Жумагул эди. Қизлар яқинлашиб келаётганлиги учун бир сўз айтолмадим. Қизлар тизилишиб, бирин-кетин олдимиздан ўта бошлади. Иқболойга кўзим тушди. Қизи тушмагур: «Бир-бирингизга жуда ярашиб турибсизлар», – деди Жумагулга ишора қилиб. Унинг гапини тасдиқлагандай, ҳазилнамо ҳаракатда қўлимни кўксимга қўйдим.

– Маҳкам бўлинг, ака! – деди. Бошимни эгдим. Шунда у кафтини мушт қилиб кўрсатди. Иқболойнинг масхараовозларники каби ҳаракатидан кулиб юбордим. Жумагул менга юзланди. Иқболойнинг опасига кўзи тушиб, елкасидаги кўрпа билан юзини беркитди.

– Зўр қизларингиз бор-да. Одамни зериктирмайди, – дедим.

– Ҳа, улар билан зерикиб бўладими. Ерга урсанг осмонга сапчийди бу эчкилар, – деди самимий жилмайиб. Зухрога нигоҳим тушди. Негадир мендан кўзини олиб қочди. Хаёлимга беҳушлиги келди. Жумагулнинг қизнинг башорат қилиш ҳақидаги гапини эсладим ва беихтиёр бугун қизларни мусиқа билан боғлиқ суҳбатларини тинглаш насиб қилганлигидан хурсанд бўлиб кетдим. Чунки улар-

нинг бутун ҳаёти ана шу оҳанглар қуршовида ўтмоқда. Улар кўп воқеаларни билади, деб ўйладим.

Ўтиришимиз учун шароит яратилгандан сўнг ҳаёлимдан кечган фикримни Жумагулга ошкор қилдим. Аёл таклифимдан хурсанд бўлиб кетди.

– Мана бу бошқа гап. Уларга бу фикрингиз жуда-жуда ёқади. Сизга ҳар бири ўнлаб қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб беради, – деди самимият билан.

Анҳорнинг бир оз юқорисидан жой қилинган. Қуёш ботишга чоғланган. Аҳмад бошлиқ қизлар дастурхонга ул-бул нарсаларни ташиш билан овора. Ошпазнинг кўчма ўчоғидаги қозонга янги сўйилган қўй гўшти солинган. Қозон бошида Робия ва Марияхонлар. Бугунги кечки овқатни қилиш уларнинг зиммасида. Кейинги пайтда Аҳмад тушмагур қизларнинг бошқарувини қўлга олиб, ҳукмронлигини ўтказа бошлади. Албатта, бу ишда Робиянинг ҳам қўли бор. Аҳмад электр симини улаб келди. Тол шохида иккинчи қуёш пайдо бўлиб, нур рангидан товланган япроқлар рақсга тушишиб, ажиб манзара ҳосил қилди. Кўзни қувонтирадиган манзара.

Дастурхон атрофида тизилиб ўтирган санъат аҳлига қарайман. Уларнинг нигоҳларидаги ўзига ишончни кўриб ғурурланиб қўяман. Улар баъзи бир «пашша кўриб» ўлимини кутиб яшаётган аёлларга ўхшамасди. Уларнинг ички олами билан бутун мен кўриб турган дунёси бирлашган санъаткорлар эди. Жумагул шундай истеъдодларни тарбиялаган эдики, булардай бўлиш унча-бунча бирлашган жамоаларга ҳам насиб қилмаган. Икки сўзни эга-кесимисиз қўшиқ қилиб, хорижликлар яратган мусиқаларни ўзиники қилиб олган, сахнада кийимию ўзини кўз-кўз қилган хонандалар билан уларни асло солиштириб бўлмайди. Буларнинг ўз қўшиғи, ўз куйи, ўз йўли, ўз эътиқодлари бор.

Уларга қараб туриб, кўнглимдан шундай ўйлар кечади: инсондан қоладигани яхши ном, мол-дунё унга то қабргача ҳамроҳлик қилиши мумкин. Аммо яхши от барҳаёт қолади.

Қанча-қанча вақтлардан бери Алфред Нобель мукофоти дунёнинг барча мамлакатларида энг олий мукофот бўлиб қолмоқда. Нобель замонида ҳам қанча-қанча одамлар бойлигини қаерга қўйишни билмай юрган эди. Ундан кейин ҳам минг-минглаб пулдорлар бу дунёга ҳаволаниб келиб, ҳавосиз кетдилар. Ҳеч ким эсламайди, эслашни ҳам хоҳлашмайди. Аммо Алфред Нобель номи асрлар оша башариятнинг буюк одами сифатида яшаб келмоқда.

Бу шахс минглаб йилларни олдиндан башорат қила олган буюк авлиё эди.

Миллатим тарихига назар ташлайман. Буюкларнинг буюклари шу заминдан чиққан. Аммо уларнинг маълум бир қисмини ҳисобга олмаганда бири икки бўлган одамлар эмасди. Бойлари турли хил иморатлар қурди, миллионлаб олтин тангасидан бир тангасини «истеъдод»ларга улашди. Бу садақа эди. Аммо ҳеч бири ўлими олдиндан «менинг бойлигимни миллати, дини, яшаш жойидан қатъи назар, буюк кашфиёт қилганларга, буюк асарлар ёзганларга мукофот сифатида берилсин» деган васиятни қила олмадилар.

Алфред Нобель ана шундай васиятни қила олган эди.

Бугун мамлакатини озод кўрган, заминини қалбан севувчи, унинг келажагига эътиқод қўйиб яшаётган, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлган фуқаролари ўз номини мангуликка муҳрлаши учун албатта, Алфред Нобель васиятини такрорламоғи керак, деб ўйлайман.

Жумагулнинг овозидан хаёлларим бўлинади.

– Эсларингда бўлса, «Минг бир кеча»ни тунлари ўқиб чиқардик. Унда бир аёлнинг ҳикоялари жамланган эди. Бугун ҳар биримиз мусиқа билан боғланган биттадан ҳикоя айтамыз. Бу ҳикояларимиз ҳам акамининг бўлажак асарини янада мазмунли чиқишига хизмат қилади. Тўғрими? – дея аёл менга юзланди.

– Ҳа, жуда тўғри, – дедим қизларга юзланиб. Таклиф уларга маъқул тушди.

Бундай қоронғи ўйлардан ёруғ, сени оч бўридай кутиб турганлардан йироқ дунёга нега келганлигимни англаб етган куним шу кун бўлса керак. Бундан кейин ҳаётимда ҳеч қачон бугуним такрорланмайди. Менинг бугуним ҳам, эрта ҳам шу кунлардир. Яратган Роббим, берган қувончли кунларингга шукроналар бўлсин! Қуллуқ сенга!

– Мен айтайинми, – Зуҳронинг овозидан ҳушёр тортаман. Уни аъло кайфиятдаги хитобидан хурсанд бўламан. Бир меҳр билан:

– Бошла, синглим! Бошла, – дейман. Менинг далдамдан унинг руҳи янада кўтарилиб:

– Онам ҳақида айтсам бўладими? – дея менга жавдираб тикилади.

– Албатта, – дейман.

Қиз бир оз олдга силжиди. Тиззалаб олди. Жойида маҳкам ўтирганлигини билмоқчи бўлгандай тебраниди. Кейин чор атрофидагиларга бир-бир қараб гап бошлади:

– Онам доирасини чалиб, қўшиқлар айтиб одамларни даволарди. Ўшандай бемори бор уйларга негадир мени етаклаб борарди. Бир куни ана шундай онамдан нажот истаган уйга борганимизда дарвозада бизларни чиройли бир аёл кутиб олди.

– Келинлар, айланайлар, – дея олдга тушиб йўл бошлади. Мен онамнинг ортидан эргашдим. Деворларига гиламлар осилган хонага кириб борга-

нимизда, уйнинг тўрида оппоқ чойшабга ўралган, оппоқ юзли, ёши ўн саккиз-ўн тўққизлар атрофидаги гўзал бир пари ётарди. Тим қора сочлари пешонасида тўзгиган, узун-узун киприклари ўзига жуда-жуда ярашган, оппоқ бармоқлари чойшабни фижимлаган, пешонасидаги реза-реза терлари энг гўзал гул япроғига тушган тонгги шудрингдай дона-дона эди.

Бундай синчиклаб қарасанг, бу қизбола эмас, фаришта эди. Касаллигига ишонмайсан. Ҳа-ҳа, ишонмайсан. Аммо у касал эди. Онамнинг саломига кўзларини юмиб очди. Ана шу ҳолатини кўрган ҳар қандай одам ҳушидан кетарди.

Шунда онам қизнинг билагидан ушлади. Қиз нимадир демоқчи бўлди. Қошлари чимирилди. Бир оз ҳаракатланди. Онам уни бармоқларини силади. Секин хиргойи қилди:

*Ул мени жони-жаҳонимга салом,
Жондан ортиқ меҳрибонимга салом.
Бир замон холи эмасмен ёдидан,
Муниси жони равонимга салом...*

Онамнинг хиргойисидан қизнинг юзи титради. Кўзларининг икки четида ёш томчилари кўриниш берди. Онам бирдан сергак тортди. Қўлига доирасини олди. Секин чертди. Доира оҳангида қўшиқ бошлади.

Фаришта қиз сархушланди. Гапирмоқчи бўлди. Онам унга ёрдамга келди!

– Ҳай, она қизим, билдим-а, топдим-а, му-род-мақсадга етамиз, – дея қўшиғининг давомини куйлади:

Қиз безовталанди. Шунда онам:

– Жоним қизим, бу гўзалликни кўрганлар иш-қингда Мажнунга айланиб юрибди-ю, сени ётишин-

гни қара, – дея доирасини янада шўх куйга солиб муҳаббат ҳақидаги лапарларидан бошлаб юборди.

Раҳматли онам, доирага жон киритарди-да. Овозини эшитганлар ёнидан кета олмай қоларди. Бир ҳаволандими, тўхтатиб бўлмасди. Майин, ширали, оҳангдор овоз ичингизга кириб галаён қиларди. Онам ўшандай ҳаволанди. Мен эса пари қизга тикилиб ўтирибман. Шунда, билмайман, кўзимга кўриндими, доира ва онам овози пари қизнинг жисмига сингиб кетаётганлигини кўргандай бўлдим. Айтадиларки, «муסיқа ҳавонинг йўли» деб. Ўшанда ҳавода саробга ўхшаш нимадир пайдо бўлиб, қизнинг атрофини ўради ва бир оз уни қуршаб олиб, кўкси устида йўқолди. Пари қиз эса тинч, осуда уйқуга кетгандай балқиб ётарди.

Онам қизнинг тинч ухлашидан хотиржам тортиб, доирасининг овозини сусайтириб, тўхтади. Ёнида ўтирган онасининг бир нажот истаб мўлтираб турган кўзларига тикилиб:

– Муҳаббат, қутлайман сизни, – деди. Кейин аёлнинг елкасига қўлини ташлаб хонадан бошлаб чиқди. Мен қиз ёнида қолдим, – дея Зухро ҳаяжонланганидан пиёладаги чойдан ҳўплади.

Мен унга тикилиб, одам гўзаллик ҳақида гапирганда қанчалик хунук бўлмасин, ўзи ҳам гўзал бўлиб кетишини сездим. Бундан олдин мен билан ўтирган Зухро орамизда йўқ эди. Олдимизда Зухро юдузи нур таратиб ўлтирарди. Ҳай, биз билмаган сирли-сеҳрли дунёда бундай ҳолатни қандай хулосалаш мумкин?

Яна руҳланиб, тўлқинланиб, нур таратиб сўзлай бошлади Зухро қиз:

– Онам билан аёл кириб келди. Икковининг лабида табассум, иккови ҳам хурсанд. Мени ухлаётган фариштага тикилиб ўтирганимни кўрган онам: «Ҳа, мунча тикилиб қолдинг опангга», деди-

лар. Уялиб ўрнимдан турдим. «Эртага келамиз. Эртага опанг бизни қарши олади, қизим», деди ухлаётган малакка ишора қилиб.

Аёл билан хайрлашдик. Йўлда кетяпмиз. Онам шахримизда машҳур хонанда эмасми, дуч келган одам салом беради. Аммо онамдан садо йўқ. У ўз ўйлари, хаёллари билан банд эди. Қачон уйимиз остонасидан ҳатлаганда:

– Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин. Албатта бизни эртага қарши олади, – деди ўзига ўзи гапиргандай. Мен туни билан ухлай олмадим. Хаёлимда ухлаётган соҳибжамол эди. Уни осмондаги юлдузларга тикилиб, турли юлдузларга қиёс қиламан. Аммо ўхшашини топа олмайман. Ана шу хаёллар оғушида қачон ухлаганимни билмайман. Кимнингдир илкис турткисидан ўрнимдан сапчиб турдим. Кўларимни очганимда, қаршимда Зухро юлдузи порлаб нур сочарди. Юлдузга тикилиб беихтиёр фариштани эсладим ва беҳос шу юлдуз ухлаётган малак билан тенглашади, деб ўйладим. Кейин ухлай олмадим. Тонгни Зухро юлдузини сўниши билан кутиб олдим. Ичкаридан онам овози эшитилди. Онам қўшиқ айтарди:

*Нигорина мен ул бечорадурмен,
Ки ҳажринг жавридан оворадурмен,
Ёнар ўт ичра ўртаб хонлигимни,
Қулинг бўлдим, қўюб султонлигимни,
Агарчи шоҳ эдим, энди гадомен,
Ғариблик дарди ила мубталомен.
Ғарибу бекасу мискинман, эй жон!
Ғарибу ошиқу ғамгинман, эй жон!
Тарахҳум вақтидур, эй ёр, эй ёр!
Ғарибга раҳм қил, зинҳор, зинҳор...*

Секин хонасига мўраладим. Онам ёстиғи устида бир китоб турарди. Халақит бермаслик ниятида

уйнинг бир бурчагига бориб ўтирдим. Ҳазални бир неча бор такрорлагандан сўнг қўлига ёнидаги тамбурни олди. Секин чертди. Ҳазал оҳангини илғади. Аста-аста тамбур оҳанги билан овоз туташди. Онам куй ва қўшиқни бир неча марта такрорлади ва сўнгида ҳақиқий ижрога ўтди. Эркаклар номидан ёзилган Ҳазални онам ўз номидан куйлади. Нақадар гўзал қўшиқ дунёга келди. Хурсанд бўлиб кетдим. Қўшиқ тугаганда беихтиёр қарсак чалиб юбордим. Онам ортига бурилди. Аммо мени танимади. Чунки онам ҳали янги яратган қўшиғи оғушидан чиқа олгани йўқ эди. Ҳар куни бирга бўлганлигимиз учун онамнинг барча ҳаракатларининг ортида нималар турганлигини яхши билардим.

Бугун онам билан гаплашишнинг фойдаси йўқ. Чунки бу тонг яратилган янги қўшиғининг асирига айланиб юради. Худди шундай бўлди. Онам тамбурини филофига солди. Эшик томон йўналди. Ортидан эргашдим. Бу тонг Зухро юлдузига айланган соҳибжамолникига йўл олдик. Дарвозада шўх-шодон аёл бизни кутиб олди. Улкан ўрик дарахти тагидаги сўрида пари қиз ўтирарди. Бизни кўриб ўрнидан турмоқ истади. Шунда онам:

– Турмангиз, қизим! Турмангиз! – дея тезда унга яқинлашди. Бағрига босиб, пешонасидан ўпди. Қизнинг кўзи менга тушиб:

– Кел, синглим, мен ҳам сени бағримга босай. Кеча тун сени тушимда кўрдим. Мени узоқ-узоқларга қўлимдан ушлаб етаклаб юрдинг. Югуриб кетдим. Гуллар ифорида бунёд бўлган насимдан сармаст бўлдим. Кейин қаёқларга югурдим. Қанча югурдим, билмайман. Уйғониб кетиб, хафа бўлдим. Икковимизнинг бўстонимизни йўқотиб қўйганимдан хафа бўлдим. Аммо руҳим тетик эди. Исминг нима, халоскорим? – деди бағрига босиб.

– Зухро, – дедим.

– И-и, адаш эканмиз-ку. Мен ҳам Зухроман, – деди бир титроқ билан. Шунда онам:

– Келинлик, куёвлик оталардан, оналардан меросдир. Бугун сизга атаб бир қўшиқ ижод қилдим, – дея танбурини ғилофидан олиб, танбур пардаларида бармоқлари ҳаракатланди. Танбур оҳангидан дарахт шохлари кўтарилди. Барглар шивирлади. Ортидан овоз, оҳангдан қолишмасликка интилди. Оҳанг ва овоз дарахт шохларида туташди.

Низорина мен ул бечорадурман...

Зухро опамга қарайман. Боши ҳам, бармоқлари бир-бирига чирмашган, силлиқ таралган соч зулфлари қулоқларини қучган, камон қошлари бир-бирига саломга ошиққан, лабларида бир титроқ. Овоз келади:

*... Тарахҳум вақтидур, эй ёр, эй ёр!
Ғарибга раҳм қил, зинҳор, зинҳор...*

Зухро бир оз тин олди. Кейин:

– Менинг наздимда, ҳеч ким онамдай қўшиқ айтолмайди. Онамдай қўшиғи, куйи билан одамларни беҳуш қилиб тузатолмайди.

Ўшанда Зухро опам тузалиб кетди. Севганига турмушга чиқди. Болали бўлди. Боласининг исмини онам қўйди. Шу билан ҳамма мурод-мақсадларига етди-и, – деди Зухро худди эртак айтган боладай ҳаракатлар билан. Унинг кейинги сўзларидан ҳамма роҳатланиб кулди. Улар қатори мен ҳам.

– Ҳа, Зухро айтганларидай, оналари Ойзода опани санъат йўлида қилган эзгу ишлари ҳали-ҳамон одамларнинг хотирасидан ўчгани йўқ.

Опа созандаликда ҳам, хонандаликда ҳам тенги йўқ эди. Ҳозир қизлари эътироф этгандай, опа-

нинг қўшиқлари, мусиқалари ортидан қанча-қанча беморлар шифо топишди. Опани кўрганлар қучоқларини очишиб, худди жони жигаридай бағрига босишарди. Бир лаҳза бўлса-да суҳбатларини олишга иштиёқманд бўлишарди. Ўша опа жамоасининг ворислари бизлармиз. У киши билан бирга фаолият кўрсатганлардан фақат мен қолдим. Қолган қизларимиз опани кўришган, аммо биргаликда қўшиқлар айтиб, куйлар чалишмаган, – дея суҳбатни Жумагул давом эттирди.

– Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Унда мен опа жамоасида бор-йўғи икки ҳафталар хизмат қилган дамларим эди. Жамоа икки кун кўчага чиқмай, ҳеч кимни қабул қилмай, муҳим бир тadbирга тайёргарлик кўришди. Опа қандай тadbирлиги ҳақида бир сўз айтмади.

Сўнгги тонг давра қуриб ўтиришиб, «Қуръон» тиловат қилишди. Кейин бир косадан атала ичишди. Атала ичмаганлари икки донадан тухумни симиришди. Тўй-ҳашамларга аталган уст-бошларининг энг сарасини кийишиб, йўлга тушишди. Шунда уларни мендан пинҳон тутишиб қилаётган ишларидан бир оз хафа бўлиб:

– Опа, нима бу, разведкага кетяпсизларми?! Жуда сирли бўлиб қолдингизлар, – дедим киноя билан. Шунда улар:

– Сен бутун томошабин бўлиб хатоларимизни кузатасан. Яна кузатмасдан, бизнинг даврамизга қўшилиб кетиб юрма, – деди мени бағрига босиб.

Соат етиларда чор атрофи улкан девор билан ўралган, ҳовлисида турли хил дарахtlари бор хушманзара бир жойда эдик. У ерда эллик чоғли аёл бизни кутиб туришган экан. Опа улар билан бир-бир кўришиб, олдга тушиб йўл бошлади. У ерга кириб борганда чор атрофга қарадим. Сокинлик, қуюқ сукунат. Шивирлаган шарпа, сайраган қуш овози

эшитилмайди. Эркак зотидан дарак йўқ. Ҳайратландим. Ҳайратим адоғида опа олдга ўтди. Ортдагилар сафга тизилишди. Шунда опа тиловат бошлади.

Исрофил фаришта куйлаганда ҳамма фаришталар ўз ишларини ташлашиб, уни тинглаганидек ва шу овози учун бу фариштага «Қуръон»ни тиловат қилиш нозил бўлганидек, опа ҳам Яратган Эгамнинг фариштасидай тиловат бошладик, бу овозда оҳанг, шира, одам юрагига муҳрланувчи малҳам бор эди.

Тиловат якунини топди. Опа ва шогирдлари доираларини қўлига олди. Доираларнинг овози ҳавога ўрлади. Опани кутган аёллар тебранишди. Доира авжига чиқиб, бир лаҳза тинди. Опа куйлай бошлади. Нақаротига қизлар қўшилди. Ана шу нақаротда доиранинг яккам-дуккам овози эшитилди.

Мен ҳеч кимга эътибор қилмасдан, опани кузатардим. Овоз ва доира ёлғиз қолди. Хонанданинг қўлидаги доиранинг овози сусайди. Ёнидаги жўр овозчиларнинг боши эгилди. Томошабинлар ҳам шундай ҳолатда эди.

Овоз келарди:

*Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели гамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат...
Ваҳки қон бўлди юрагим гавҳари ашк ўрнига,
Қатра-қатра кўзларимдан томди маржон
оқибат...*

Нодиранинг армон ила битган ғазали хонанданинг юрагида ўт бўлиб ёниб, ўнлаб аёлларнинг ўтли юраги билан туташарди. Доира зарбидан тебранган аёлларнинг кўзларида ёш кўрдим. Бу йиғиларда Нодиранинг қисматига туташ нималардир бор эди. Бу йиғиларда одамнинг кўнглини ўртовчи ти-

рик жон, бу оҳангда қалбимни чок-чокидан сита-
ётган бир меҳрибон куч бор эди.

Ана шу қўшиқ ва оҳанг барча тингловчилар-
ни бир-бири билан боғлаган, ҳар бири ўз ҳаёти,
қисматини қўшиқ ва оҳангга солиб куйларди.

Ойзода опа тебранаётган аёлларга бир-бир ни-
гоҳ ташлаб эрлар ҳасратини бошлади.

Доира зарб билан урилди. Эгилган бошлар ҳуш-
ёр тортди. Хонандага юзландилар. Юзларига қон
югурди. Кўзлари равшан тортиб нурланди.

Қўшиқ келарди:

*Ошиқу бечораю афкандаман,
Ошиқу бедину беёр андаман.
Еб ичиш ошиқлара эрмаст дуруст,
Емагу ичмакни қилдим канда ман.*

Аёл учун эр киши буюк зот-да! Нодири ғазали-
дан тушкун кайфиятга тушган аёлларга жон кир-
ди. Худди эрларининг қучоғида тўлғанаётгандай
ҳолатда эдилар. Ана шу лаҳзаларда Ойзода опа
улардан-да кўпроқ тўлғаниб, кўзларини юмиб қил-
ган ҳаракатлари ила аёлларни талвасага солди.
Бир-бирини қучоқлаган, бир-бирига меҳрибонлик
қилаётган аёлларни кўриб томошабин бўлсам-да,
уларнинг бағрига ўзимни отгим келди. Аммо опа-
нинг сўзлари ёдимга тушиб, минг бир азоб билан
ўша чегарадан ўтолмай титрардим.

Опа яна жунбишга келди:

*Кўзларим йўлда, вужудимдир қулоқ –
Мақдалингга интизор ўлғонда ман.
Сен чиқиб кетдинг қўлимдан косадек,
Қонли дил – май косаси, афканда ман.*

Сўнгги сатрлардан сўнг хонанданинг қўлидаги
доира йиглаб юборди.

Опа сўзларни қайта такрорлади. Шунда аёллар, нафақат аёллар мен ҳам уларнинг ҳолига тушиб қолдим. Чегаралар бузилди. Бир гўзал жувонни бағримга босдим. У ҳам менга талпинди. Қолганлар ҳам бир-бирини қучоқлаб, эрларини ёд этишиб, бўшаша бошладилар. Кимдир оҳ-воҳ қилди. Қай бири ёрини исмини айтиб чақирди. Яна бири кўзлари қотиб қолган ҳолда ҳеч нарсани идрок қилмас, ўзгаси эшилиб кетган, бирлари ерда чалқанча ётиб жон талваса қилар, опа эса давом этарди:

*Юз ўғирмишмен руҳнигор қаддига,
Қоматингни шавқидин гулшанда ман.
Жамият мендан кутма тоат саждасин,
«Бутга бошимни эгиб турганда ман».²*

Опанинг сўнгги сатрлари якун топмасданоқ ҳали бўшашга улгурмаган бир неча аёл қаршимдаги дарахтларни қучоқлаб фарёд солишди ва бир оз вақт ўтиб, бармоқлари дарахт танасида сирпаниб тиззалаб қолишди. Бошлари елкасига қийшайди.

Опанинг жон олувчи овози нақаротга ўтганда эллик чоғли аёл ерда чўзилиб ётарди. Четда бўлганлигим учун секин улар орасидан ситилиб чиқдим. Опанинг кўзи менга тушди. Аммо кўрмади. Кўрмаганлигидан хотиржам тортиб, томошабинга айландим. Лекин ичим титрарди. Бу дунёнинг ташвишлари мендан чекиниб, енгил тортиб, қушдай учишга шай эдим.

Бехос улкан дарвоза очилди. Ташқаридан эркакларнинг ёпирилиб келишларига тушунолмай саросималандим. Улар ер билан битта бўлиб ётганлар оралаб, ўзларига тааллуқли аёлни топиб, кўтариб чиқиб кета бошлашди.

² Абдурахмон Жомий бу мисрани Жалолиддин Румийнинг «Маснавий-маънавий» достонидан келтирган.

Сочлари ер супуриб кетаётган беҳуш аёллар эр-
лари қўлида барча ғам-ғуссалардан холи бўлиб ке-
тиб борарди.

Ойзода опа эса танбур билан сўнгги қўшиғини
қизлар олиб келган курсига ўтириб айтарди:

*Жоним у лабдин ҳикоят айлагай,
Тўти шаккардин ривоят айлагай.
Сансабил сўзин ким тилга олур,
У ширин лабдин киноят айлагай.*

Эрлар эса ожизаларини уйларига олиб кетиш
билан овора эди. Бири ҳушига келган ёрини бе-
лидан маҳкам ушлаб дарвозадан чиқмоқда. Бири
беҳуш, қай бири йигитни бўйнидан қучган. Да-
рахтларни қучоқлаб ҳушсизланганларнинг бирини
норғул йигит кўтармоқчи бўлганида, аёл дарахт
танасига интилди. Шунда йигит:

– Ойжамол, – деди ялингандай овозда. Ойжамол
исмини эшитиб, аёл илкис ҳаракат қилиб ҳуши-
га келди ва қаршисида турган завжасини кўриб,
йиғлаб бағрига отилди.

– Жоним, йиғлама! Ҳаммаси яхши бўлади. Юр,
кетайлик бу ердан, – дея йигит енгил ҳаракатлар
билан аёлини бағрига олиб, дарвоза томон йўл
олди. Опа эса, қўшиғида давом этарди.

*Айру ул лабдин бу жон нолон най:
Тингла най нечук ҳикоят айлагай,
Ул шакар лабдин қолиб мунда жудо,
Бу жудоликдин шикоят айлагай, –*

Жуда-жуда ёқимли овоз эди-да, – дея Жумагул
бир лаҳза тин олди. Кўзим қаршимда ўтирган Аҳ-
мадга тушди. Қўлида бир бўлак нон, уни беихтиёр
айлантирар, оғзи очилиб нигоҳи Жумагулга михла-

ниб қолган. Лабининг қуйи гўштаи қисми шалви-
раган, қошлари қулоқ томонга ёйилган, катта-кат-
та қўй кўзларининг соққалари қимирламайди.

Аёл гап бошлаши билан бошини олдга чўзди.

– Муסיқа – илоҳий куч. Овоз, ёқимли овоз ун-
дан-да кучлироқ. Бежизга кўплаб пайғамбар-
ларимизнинг номи билан мақомларни боғлашмаган.
Мана орадан минг-минг йиллар ўтиб кетган бўл-
са-да, мақомлар ҳамон одамларнинг маънавий
мулкига айланиб, чалиниб келади. Мақом оҳангида
қўшиқлар айтилади.

Ўша кунги аёлларнинг беҳушлиги ҳам ана шу
куй-қўшиқ таъсирида бўлган эди.

Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин Ойзо-
да опа билан ёлғиз қолганда, ўша кунги воқеага
аниқлик киритиш учун сўраб-суриштирдим. Шун-
да опа:

– Сездедингми? – деди мийиғида кулиб.

– Сездегандай бўлдим. Аммо сабабини билмадим,
– дедим.

– Сабаби оддий. У аёлларнинг айби йўқ. Ҳамма
айб эркакларда. Чунки улар тўй кунининг тунида-
ёқ бечораларни қўрқитиб қўйганлар. Бу жисмоний
амал бўлмагандан кейин ораларида жарлик ҳосил
бўлиб, гулдай оила барбод бўлади-да. Ана шу са-
баб ила бири бир ойдан бери, бошқаси бир йилдан
буён эрлари билан қўшила олмасдан юрган тилу
забонсиз жувонлар.

Худо хоҳласа, албатта, турмушлари изга тушиб
кетади, – деди бир ихлос билан. Айтганларидай
Худо хоҳлаб, ҳаётлари изга тушганлари опа осто-
насидан бош суқишди. Бир куни опани истарали
бир жувон сўроқлаб келди. Ойзода опани кўрган-
да, худди халоскорини топиб олгандай бағрига
ўзини ташлаб, аёлнинг юзларидан ўпар, кўзлари-
дан қувонч ёшлари оқарди.

Жувонни ичкарига бошладик. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг аёл мени бегона билгандай қараб-қараб қўйди. Шунда опа:

– Жумагул опангдан тортинма. Келажакда мени ишимни шу опанг давом эттиради, – деди.

– Опажон, йўлим очилди. Куёвингиз ҳам хурсанд, – деди кўзларида қувонч балқиб. Ана шу бир-икки оғиз гап ила опа аёлни тушунди.

– Табриклайман! Қиз бўлсин, ўғил бўлсин, наби-раларимни кўриш менга насиб қилсин, – дея дуо қилди.

– Опажон, сиз мени тутинган онам бўлинг. Остонангиздан қадамим узилмасин, – деди аёлнинг кўзлари ёшланиб. Кейин қўллари титраб, – Куёвингиз бериб юборди. – дея қўлидаги тугунни опага узатди. Опа тугунни бир четга қўйиб, узундан узоқ тиловат қилиб, жувонни дарвозадан кузатди. Оптимизга қайтганда:

– Сен шу ҳунаримни ҳам ўзинг билан олиб қолишинг керак, синглим, – деди бир илтижо билан. Анча вақт опадан сабоқ олдим, – деди Жумагул ўтган кунлари кўз олдида намоён бўлгандай майин жилмайиб. Кейин хижолат аралаш, – «Тентак тўрини бермайди», деганларидай, кўп гапириб қўймадимми? – дея менга юзланди.

– Йўқ, йўқ, сиз бу соҳада билимдонсиз. Ҳозирги сўзлаганларингиз мен учун мутлақо янгилик, – дедим сидқидилдан.

Аёл хурсанд бўлди. Шунда давранинг бир четида ўтирган синглимиз худди биринчи синф бола-сидай қўлини кўтариб:

– Мен гапирсам бўладими? – деди бир оз тортиниб.

– Албатта, синглим, – дедим давранинг сардорлигини қўлга олиб.

– Унда мен ёш эдим. Қўшнимиз бўларди, Назокат янга. Янгамиз кўп касалга чалиниб, эрининг кўрсатмаган шифокори, бахшиси қолмаганди.

Бир куни эри уйга бир аёлни бошлаб келди. Қадди-қомати келишган, бўйлари узун. Бўйнида шода-шода мунчоқ, гаплари мулойим бир аёл эдики, шу вақтгача бизнинг қишлоққа бундай ғайритабиий аёл оёқ босмаганди. Шунинг учун қишлоқ аёллари, жувонлари, қизлари бегона аёлни кўриш учун Назокат опаникига йиғилишди. У тўрда ўтириб, тасбеҳини бир-бирига уриштириб, ўтирганларга турли хил воқеаларни ҳикоя қилиб, аёлларимизни ўзига мафтун қилиб қўйганди.

Қуёш ботишга чоғланганда Назокат янга «Қишлоғимиздаги жони бор эркакларнинг барчасини йиғиб келинглар», – деди. Шунда янгамизнинг катта ўғли Зокир ака қишлоқ одамларини айтиб келишга шошилди. Биз қизлар эса оппоққина аёлни мунчоқларига, билакларида ялтираб турган билагузукларига ҳавасланиб қараймиз. Аёл ҳеч кимга гап бермайди.

Қуёш ботди. Ташқарида эркаклар йиғилишди. Бахши аёл ҳушёр тортди. Эркаклар олдига чиқди. Уларга бир-бир разм солди. Кейин янгамизнинг атрофида улар қандай айланиши кераклигини тусунтирди. Ўшанда эркакларимиз ҳам аёлни гапини тинглашдан кўра, уни томоша қилишга мойил эдилар.

Қишлоғимиздаги хотинларнинг оёғида тош кавуш бўлса, бахшининг оёғида амиркон кавуши ялтирайди. Бизнинг хотинларда чит кўйлак бўлса, унинг елкасида мовий рангли ипак кўйлак. Бизникиларда мисдан қилинган сирғаю билагузуклар бўлса, унинг мунчоқлари дурдан, сирғалари тиллодан эди.

Хуллас, солиштира ер билан осмонча. Сўлқиллаб турган оппоқ билакларини айтмайсизми. Унинг кўлларини кўрган эркакларимизнинг ҳуши учди.

Бахши аёл эркакларимизни менсимади. Ичида менсийдигани ҳам йўқ эди-да. Аммо узоқдан кўринган Маҳмудбой акани кўрганда ҳушёр тортди. Қадди-қомати келишган, мўйловлари шопдай, бўй ҳам осмонни устундай, қип-қизил юзли, катта-катта кўзлари ўйноқлаб у тўдага яқинлашди. Ортидан бургадай хотини пилдираб келмоқда. Оппоқ аёлни кўрган Маҳмудбой ака орқадаги янгани ёддан чиқарди. Қадамини тезлатди. Аёлга яқинлашди. Қўлини чўзди. Оппоқ аёл ҳам қўл берди. Аёлнинг Маҳмудбой акага бир лаҳза тикилиб ҳуши учгандай бўлди. Кейин тезда қўлини бўшатиб олиб:

– Сиз, ортдагиларни бошлаб борасиз, – дея тугунидаги белбоғини олиб, аканинг белидан ўзи ўтқазди. Оппоқ қўллар белда сирпанганда, ортдагиларнинг юзлари тундлашди. Тарашадай қотиб кетган Жўрақул ака ёнига чирс этиб туфлаб, қўлини сонига урди. Белда белбоғ билан Маҳмудбой ака ортдагиларга қаради. Бу қарашда ғурур ҳам, қувонч ҳам, «сенлар ҳам юрибсанлар-да» дегандай киноя ҳам бор эди.

Бахши аёл қолган эркакларга:

– Барчангиз белбоғларингизни боғланглар, – дея буйруқ оҳангида гапирди. Кейин аёл ичкарига кириб, бемор ётган хонага разм солиб: – Бу жой торлик қилади. Беморга ташқаридан жой қилинглар, – деди. Тез фурсатда катта супадан жой қилиниб, электр лампочкалари ўрнатилди. Ҳали тун қоронғиси қуюқлашмаганлиги учун аёл ичкарига кириб кетди. Эркаклар, хотин-халажлар ташқарида қолди. Маҳмудбой аканинг бургадай хотини эрини белбоғини ушлаб-ушлаб кўриб меҳрибончилик қилди. Ака қаддини ғоз тутиб, атрофида ғимирлаётган хотинига эътибор ҳам бермади.

Ўзи бу қишлоқда, одам ҳавасланадиган эркак Маҳмудбой ака эди. Онам раҳматли ўқитувчи бўлганлиги учун анча мулоҳазакор аёл эди. Бир куни онам:

– Қишлоғимиз одамлари майдалашиб кетган. Ҳеч бўлмаганда бир қишлоқда беш-олти нафар одам кўрса хавасланадиган эркак, аёл бўлиши керак. Чунки гўзал одамни кўрсанг, кўнглинг равшан тортади. Ҳомиладор аёлларнинг нигоҳи тушса, болалари чиройли туғилади. Ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатга қишлоғимиз одамлари тушунмасдан ундайларнинг ортидан ғийбат қилгани-қилган. Мана Маҳмудбой акани олайлик. Бу одам қишлоғимизнинг кўрки-ку. Уни нимаси эркакларимизга ёқмайди? Келишган қадди-қоматими?.. Хотинини аёлларимиз ҳар кўрганда ортидан ғийбатини қилади. Ҳеч ўйлашмайдикки, бир бахтсизнинг бахтли, бир кўрксизнинг кўркли томони бўлишини. Ўзи кўрксиз бўлса-да, Яратган Эгам унга кўркли эр ато қилди, – дегандилар.

Тортинибгина, қимтинибгина турган бу қизнинг образли қилиб, сўзларни жой-жойига қўйиб гапиришидан ҳайратландим. Ҳайратим адоғида «бу қизларнинг ҳар бир ишда истеъдодли бўлишида ёнимда ўтирган «санам»нинг роли беқиёсдир», деб ўйладим. Қизни эшитишга тутиндим.

– Беморни олиб чиқишди. Супага тўшалган гилам устидаги қалин кўрпалар устига ётқизишди. Эркаклар Маҳмудбой аканинг ортидан тизилишди. Бахши аёл қўлида доираси ва қамчиси билан беморнинг олдига ўтиб, эркаклар қуршовида қолди.

Хотин-халаж томошабинга айланди. Бахши аёл доирасини чалди. Тунда доира овози бошқача эшитилар экан. Қишлоғимиз тоғлар билан ўралганлиги учун доира овози акс-садо берарди. Эркаклар бемор атрофида бир-бирининг белбоғидан тутиб айланишар, аёл қўшиққа яқин тилда оҳангдор қилиб

сўзлар, аҳён-аҳён қамчиси билан бошда кетаётган Маҳмудбой акани савалаб қоларди.

Аёлнинг тушуниб бўлмас даражада сўзлаши, до-ирасини тез чалиши ва Маҳмудбой акани узлуксиз қамчилаши оқибатида аканинг қадамлари тезлашиб, қолганлар унинг ортидан лўкиллаб югура бошлашди.

Маросим ярим соатлар давом этди. Эркаклар чарчаганлигидан судралишиб қолишди. Аммо Маҳмудбой ака ҳаракатини сусайтормади. Ортадагилар бирин-кетин тиззалаб қолишди. Аёлнинг юзларини маржон-маржон тер босди. Аммо Маҳмудбой ака югуришда давом этиб, тиззалаб қолган эркакларнинг яна ҳасадини келтирди. Шунда аканинг хотини югуриб бориб:

– Бўлди! Тўхтанг энди. Ҳамма гумрон бўлди! – дея эрининг сонига ёпишди. Аммо таёқ зарбидан шишган Маҳмудбой ака пишқириб хотинини судраб кетди. Орага бахши аёл аралашиб:

– Тўхтанг энди, – деди майин овозда. Ака тўхтади. Аёлга ўтли нигоҳ ташлади. Аёл бу нигоҳдан силкинди. Аммо ўзини тезда ўнглаб олиб, бемор олдига тиз чўкди. Беморни даволаш маросимини бошлади. Узоқ ўқиди. Кейин ғалати ҳолда ўрнидан туриб: – Ичкарига олиб киринглар, – дея ҳолсизланиб ўтириб қолди. Беморни ичкарига олиб киришди. Шунда бир оз ҳушига келган аёл ўрнидан туриб, янганинг эрига: – Мени марказга ташлаб қўйинглар, – деди. Бахшини марказга олиб бориш ҳам Маҳмудбой аканинг чекига тушди. Ака отини миниб келди. От устида бир зарб билан аёлни ортига олди ва от бошини марказ томон бурди. Дулдулдай от дулдулдай эгасига бўйсуниб ҳаракатланди. Аёл уни маҳкам кучоқлаб олганди. Яна эркакларнинг ҳасади келди. Тарашадай қотиб кетган Жўрақул ака яна сонига чарсиллатиб урди.

Одамлар тарқалишди. Маҳмудбой аканинг хотини биз билан бирга кетди. Йўл-йўлакай:

– Акангиз омон-эсон келсин-да. Кўп таёқ еди, бечора, – деб қайта-қайта сўзлаб борди.

Тонг отди. Бемор янганинг уйи томондан йиғи товуши эшитилди. Одамлар йиғи овози келаётган томонга шошилди. Етиб борганимизда Назокат янгамизнинг вафот этганлигини билдик, – дея қиз бир оз тин олди, хўрсинди, кўзларига ёш келди. Аммо тезда ўзини ўнглаб олди, – Қишлоғимизнинг кўрки бўлган Маҳмудбой акамиз қишлоққа қайтмади. Ўша бахши аёл билан бирга кетди, шекилли. Қишлоғимиз эса «кўрксиз эркаклари» билан янада кўримсиз бўлиб қолди, – деди афсус билан.

* * *

Суҳбат қурган жойимизда ёлғиз қолдим. Аҳмадбой йиғма каравот олиб келиб берди. Кўзга уйқу бир илиниб, бир қочади. Самода ғуж-ғуж юлдузлар. Худди тўкилиб тушмоққа чоғлангандай, бири қўйиб бири учади. Қизларнинг ҳикояларидан таъсирланиб ётибман. Хаёлимга мусиқа билан боғлиқ бир воқеа келади. Мен воқеа қаҳрамонининг ўғлини кўрганман. Юзидан нур ёғиларди. Ҳар қандай одам бир кўрса, чехрасини бир умр ёдида сақлаб қоладиган фариштадай нуроний эди.

– Чет элдан бир меҳмон келган, сизни сўроқлаяпти, – деди ишхонадагилардан бири. Мени чет элда таниш-билишларим йўқ эди. Ким бўлди экан, деган ўйда кўчага чиқдим.

Ташқарида бир неча йигитлар билан бир чол суҳбатлашиб ўтирарди. Ҳойнаҳой шулар бўлса керак, деган ўйда яқинлашдим. Салом бердим. Шунда қария:

– Дониёрмисиз, болам? – деди ҳаяжонланиб.

– Ҳа, – дедим безовталаниб. Жавобимдан чол қучоғини очди. Менинг юз-кўзларимдан ўпиб, бағрига босди.

– Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин! Сизни кўрар кун ҳам бор экан, – дея йиғлади. Мен ҳеч нарсасага тушунмай қотиб турардим. Шунда ёнидаги йигитлардан бири:

– Бобом сизни кўп ахтарди. Бугун топиб олганлигидан хурсанд, – деди. Шунда бобонинг елкасини силаб:

– Йиғламанг, бобо. Мана, учрашиб турибмиз-ку, – дедим самимий. Чол гапларимдан ўзига келиб:

– Айланай, болам! Овозинг ўша овоз. «Қуръон» тиловат қиладиган овоз, – деди. Кейин чол юзимга тикилди-да: – Фаришталигинг бор, болам, фаришталигинг, – дея қўлтиғимдан олиб, – кетдик, – деди.

Қаерга, нимага, деган саволлар кўнгилда муаллақ қолди. Савлатли машинага миндик. Кўп юмрадик. Бир хонадонга кириб бордик. Хонадонда тўй бўлаётгандай ҳолат эди. Бизни ҳурмат-иззат билан кутиб олишди. Мени чол ёнига ўтқазишди. Меҳмондўстлик қуюқ бўлди. Чолнинг номига кўп яхши гаплар айтилди. Сўнгида у:

– Иниларим, мен сизларни мана шу ўғлим орқали топдим. Бўлмаса бир-биримиздан айро тушиб яшаган бўлардик. Бизни учраштирган ўғлимга қуллуқ, – деди ва менга ўгирилиб гапини давом эттирди: – Дониёржонни бизнинг юртимизда танимаган юртдошларимизнинг ўзи йўқ. Уларнинг барчаси номидан саломимни қабул эт, – дея елкамга қўлини ташлади.

– Раҳмат, раҳмат, – дедим ҳаяжонланиб.

– Сен яратган кинолар ҳар биримизнинг хонадонимиз тўрида турибди. Болам, жуда катта савоб иш қилгансан. Бу юртдан кетганларнинг барча-

си дуога қўл очиб, жонингга омонликни Яратган Эгамдан сўрашади. Марҳумлари эса кўриб туришибди, – дея чолнинг кўнгли юмшади. Ўзгалар ҳам унинг ҳолига тушган эди.

Меҳмондўстлик якунига етганда чол билан мени бошқа бир хонага бошлашди.

Икковимиз юзма-юз ўтирибмиз.

– Агар сен менинг юртимда бўлганингда, миллатимизнинг энг улуғ одами бўлардинг. «Қуръон» тиловат қилганингда, сенинг чехрангда Исрофил фариштанинг жамолини кўришарди. Чунки сендаги дардли овоз бошқа овоз... Ўзинг бу хислатларингни унчалик билмасанг ҳам керак, – деди бир меҳр билан тикилиб. Мен сукут сақладим. Чолнинг ўзи гапини давом эттирди. – Болам, менинг отам бир замонлар шу юртни ташлаб кетган. Мен унда ёш бола эдим. Эсимни таниганимдан буён отамнинг энг катта армони юртига қайтиш бўлди. Тушидаю ўнгида шу замин ҳақида хотираларини сўзлар, кўзларига ёш олиб, қариндош-уруғларини ёдлар эди. Ўлими олдидан мени ёнига чақириб: «Ўғлим, шу йиллар ичида тўплаган жамғармаларимни қачон юртим озод бўлса, ўша юрт корига ишлат. Агар сенга ҳам у кунларни кўриш насиб қилмаса, болаларингга васият қилиб қолдир. Билгил, ишонгил, ўша кунлар келади», дея васият қоғозини берганди. Ўшанда отамнинг жамғармаси ўн саккиз миллион доллар эди. Яратганга беҳисоб ҳамду санолар бўлсин, менга ўша кунни кўриш насиб қилди. Отамнинг васиятини амалга ошириш вақти келди. Ана шу ишда ўзинг бош-қош бўлиб, отамнинг бир умр ватаним учун деб йиққан жамғармасини юртимизга ишлатайлик. Мактаблар, боғчалар, қўшма корхоналар қурайлик. Токи, мен ҳам унинг ёнига ёруғ юз билан борайин, – деди. Менга шу вақтгача ҳеч ким бундай пул ҳақида гапирмаган эди. Бу чол юз минг,

юз мингмас, ўн саккиз миллион чет эл валютасини ихтиёримга топшириши ишониб бўлмас ҳодиса эди. Суҳбатдошим сушт кетганимдан хавотирланиб:

– Болам, бу ерда ишонганим сенсан. Сен қанча-қанча ватангадоларни оқладинг, қанча-қанчасини қалбида умид, ишонч пайдо қилдинг. Отамнинг сўнгги васияти амалга ошишида ўзинг бош бўл. Шу савобнинг ҳам бошида ўзинг тур, – деди жиддий оҳангда. Чолга тикилиб ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай каловландим.

Беихтиёр миямга бир савол келди:

– Менинг киноларим у юртларга қандай бориб қолган?

– Эллик беш қисмдан иборат киноингни олиб борганлардан ҳар қисмига фалон пул бериб сотиб олганмиз, – деди.

Ўзимга маъқул гап очилганлигидан отаси ҳақида сўзлаб беришини сўрадим. Отасига қизиққанганимни сезган суҳбатдошимнинг баҳридили очилиб:

– Раҳматли, юртдан кетмасдан олдин ҳам ватанида машҳур ҳофиз бўлган. Кўпроқ диний йўлда қўшиқлар айтганлиги учун қатағонга учраган. Биласан, болам, ҳофиз зотининг номи эл ичида тез ёйилади. Ўзи бу юртда яшаса-да, қочиб борган юртида ҳам овозаси кетган экан. Отамнинг келганлигини эшитган шаҳар беги қабулига чақириб, зиёфатлар қилиб, ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, тирикчилиги учун бир-икки танга бериб, уй-жой билан таъминлаган.

Кунлар, ойлар ўтиб, отам у юртда ҳам ҳурмат-иззатга эга бўлиб, мамлакатнинг эътиборли одамлари билан танишиб, уларнинг тўй-базмларида хизмати-ни қилиб юраверган. Кунларнинг бирида хонадонига бир йигит кириб келиб: «Устоз, сизнинг овозингиз Хуросондан Ҳиндистонгача машҳур. Сиз байрам кунлари ўз юртингизда ҳофизлар билан кўчаларда

юриб қўшиқлар айтгансиз. Ана шу қўшиқларингиз маъқул бўлиб, одамлар сизни тилло тангалари, аёллар зирак, сирға, билагузукларини беришиб, сизга ҳурматини билдиришган. Бугун сиз бизга бош бўлиб, ана шу жамоа қўшиқ маросимини бизнинг юртда ҳам ташкил қилсангиз», – деб илтимос қилади. Отам гўзал одам, овози ундан-да ширин эди. Ўзини кўрганлар кўз узолмай қолар, қўшиқ айтса, яна бир бор эшитишга орзуманд бўлиб юарди.

Ўша замонлар отам йигирма беш ёшли йигит бўлиб, айна элнинг эътиборини ўзига қаратиши мумкин бўлган даврлар эмасми, йигитнинг таклифи маъқул келиб, ўттиз чоғли келишган, ширали овозли йигитларни тўплаб, ижодини бошлайди.

Бир ойлик сабоқдан сўнг қайсидир байрамда оппоқ либосларини кийишиб отам бошчилигида ўттиз йигит шаҳарнинг байрам бўлаётган катта кўчасида қўшиқларини айтишади. Бундай сараланган, келишган, овозлари оҳангдор ўттиз йигит қўшиғини эшитмаган шаҳар халқи уларга ёпирилиб келиб, бири танга, бири зирак, қай бири олтин, марваридларини инъом қилишади. Шаҳар халқи байрам қилган кўчанинг охирига боришганда топган бойликларини ҳисоб-китоб қилиб кўришиб, ақллари шошган. Чунки йиғилган бойлик беҳисоб бўлган. Бир кунда бой бўлиб қолишганларидан шошиб қолишиб, бу маросимни байрамсиз кунлари ҳам бошлаб юборишаверган. Шунда халқ ўз ҳофизларини тан олмай қўйиб, топганларини йигитлар оғи остига сочаверган.

Ўттиз йигитнинг бойиб кетаётганлиги ҳақидаги хабар тез тарқалиб, санъаткорлар назорат остида қолган кунларнинг бир тунда шаҳарни ташлаб, ҳозир мен яшаётган юрт сари йўл солади ва ўттиз жон бу ерда шубҳа уйғотмаслик мақсадида касбни тадбиркорликка алмаштиришади.

Отам жамғармасының илк тангалары ўша ҳо-
физлик кунларига бориб тақалади, – деди чол иф-
тихор билан. Янада қизиқишим ортиб:

– Кейинчалик отангиз ўша юртда ҳам ана шу
қўшиқларини айтдимиз? «Ўрганган кўнгил – ўртан-
са қўймас», деган гап бор. Қолаверса, Хуросонга
машхур ҳофиз қайси юртга бормасин, бирдай ар-
доқли бўлган, – дедим. Шунда чол мийиғида кулиб:

– Улар борганда, юрт подшоси чақириб, ўша ма-
росим қўшиқларини такрорлашни сўраган. Отам
подшога: «Сизнинг рухсатингиз билан қўшиқ ай-
тамиз. Аммо маросимдан сўнг сиз бизга дахл қил-
масангиз», – деган шартини қўйган. Подшо рози
бўлган ва ўзи ҳам ўша қўшиқларни эшитиш учун
борган. Яна улар катта маблағ йиғиб, бир тангаси-
га хиёнат қилмай подшонинг оёғи остига тўккан.

Адолатли подшо эса:

«Сизлар санъатингиз билан халқимни хонавай-
рон қиласизлар-ку», – дея тўпланган бойликни
халқига қайтарган экан. Агар подшо адолатли бўл-
маганда мана шу йўл билан ҳам хазинасини тўл-
дирган бўларди, – дея чол тин олди.

Гап яна отасининг жамғармасига келиб тақал-
ди. Чолга ваъда бермадиму, аммо ҳаракат қилиш-
ни бўйнимга олдим.

Уйга келиб ундай ўйладим, бундай ўйладим,
фойдаси бўлмади. Қандайдир куч олдимдаги бой-
ликдан итарар, ўзим ҳам бу ташвишдан чарчаб,
ахийри «чол билан гаплашмай қўяқоламан», деган
қарорга келдим. Шундай ҳам бўлди.

Кўп кўнғироқлар бўлди. Гўшакни кўтармадим.
Кейин чолнинг пуллари тақдири қандай якун топ-
ди, билмайман. Билганим шуки, ортимдан чол-
нинг илиқ гапларини эшитдим.

* * *

Тоғ томондан салқин шабада эсди. Кўзга уйқу илинмади. Осмондаги юлдузларга тикилиб ётавердим. Чегарасиз осмондан чегара изладим. Хаёлларим излаган чегарам сувратини чизиб бера олмади. Зарб билан урилган тўлқин инжулари юзимга сачради. Бу тунда сувнинг кўпайишидан далолат эди.

Шитирлаган овоздан ҳушёр тортиб бошимни кўтараман. Қаршимда улкан оқ ит. У менга қараб турибди. Бир оз безовталандим, аммо уни тек туришидан қопарган бўлмаса керак деган ўйда, ёнимдаги дастурхондан нон олиб олдига ташладим.

Луқмадан шубҳаланмай чаққонлик билан оғзига олди ва икки оёғини олдга чўзиб бамайлихотир нонни еди. Яна бердим. Яна еди. Тўйганича есин деб дастурхондаги барча нонни олдига қўйдим. Олдидаги нон гарамини кўриб кўзи тўйдими, хотиржам емоққа тутинди. Итни томоша қилиб ўтирибман. Бу ойдин тунга ярашган дўст топганлигимдан хурсанд бўлиб:

– Оқбой, – деб чақирдим. Қаради. Кесилган кулоқлари қимирлади. Нима дейсан, дегандай тумшуғи билан имо-ишора қилди.

– Кел, бу ёққа, – дедим. Жонивор ўргатилган шекилли, ўрнидан турмасдан мен томон силжиди. Ёнимга келиб чўзилган қўлимдан ҳидлади. Бир меҳрибончилик билан овоз берди. Унинг уй ити эканлигини англаб, пешонасини силадим. Силаларимдан эриб кетди. Тумшуғини ерга босиб жим ётди. Кейин бир ҳидни олдими ёки бирор шарпани сездими, ўрнидан туриб атрофга сергак нигоҳ ташлади. Қоронғида қочиб бораётган шарпа нималигини англай олмадим. Шунда ит зудлик билан олдга ташланди. Бир оздан кейин ҳансираб, тилларини осилтириб қайтиб келди.

– Менинг вафодорим, – дея бўйнидан қучоқладим. Мулойимлик билан менга қаради. Кулоқларини ушлаб эркалатдим. Оёғини кўтарди. Саломлашдик ва бир-биримизга яқин эканлигимизни кашф қилдик.

Ёстиққа ёнбошладим, ит ҳам олд оёқларига бошини қўйди. Майин, салқин шабададан жунжикиб устимга кўрпа тортдим. Туннинг мудроқ овчиси кўзларимга тўрини солганда ухлаб қолдим. Кимнингдир овозидан хушёр тортиб уйғонаман. Биздан бир оз нарида Жумагул турарди.

– «Ит вафо, хотин жафо» деб шунга айтадиларда. Бу тоққа ярашиб турган Оқбойни қаердан топдингиз? – деди итга ҳавасланиб қараб.

Кўзларимни ишқалай-ишқалай:

– Ярашиқли одамларнинг содиқ дўстлари ҳам ярашиқли бўлади. Хотинлар жафо қилиб ташлаб кетгандан кейин вафоли дўстлар ҳолингдан хабар олади-да, – дедим хуш кайфиятда тонг ила аёлни кўрганимдан хурсанд бўлиб.

– Вафодорингиз «дўстимга жафо қилдинг», дея оёғимиздан олиб қолмайдими? – деди аёл тилимни қичитиб.

– Дўстимиз дўстининг ожизасига кўз олайтирмайди, – дедим кўнгилдагини ошкор айлаб. Гапимдан аёл очилиб кулди. Менинг аҳволимдан хабардор бўлган содиқ дўстим: «Булар бир ишни бошлайди-ёв», деган хаёлда менга бир қараб, пастдаги тоlining ёнидаги бўз устига тўшини босди.

Бошлаган гапининг давомли эканлигини англаган аёл:

– Ювиниб олинг. Мен Оқбой билан гаплашиб ўтираман, – дея ит ёнига борди. Шоша-пиша ўрнимдан туриб, анҳорнинг текис оқаётган жойида юз-қўлимни чайдим. Совуқ сув ҳовурумни босди. Аммо кўнгил қурғур ўзга томонларда эди.

Улар олдига чиқиб келганимда, ити тушмагур эркаланиб, Жумагулнинг тиззасига бошини қўйиб ўтирарди. Бу ҳолатдан яна тилим бийрон бўлиб:

– Ҳозирги замоннинг содиқ дўстларига ҳам ишониб бўлмайди, – дедим Жумагулнинг жигига теккандек бўлиб.

– Ҳеч хавотир олманг. Дўстингиз сиз билан қандай танишганлигини ҳикоя қилмоқда, – дейиши билан ит инграниб ўрнидан турди. Мен томон юрди. Оёқларимни, кўйлақларимни ҳидлаб-ҳидлаб ёнимга ётиб олди. Итнинг бу ҳаракатидан ҳайратланиб, ҳаяжонландим. Томоғимга нимадир тиқилгандай бўлди. Аёлнинг гапини бир эшитиб, бир чалғидим. Бу ҳолат бир лаҳза бўлиб, тезда ўзимни ўнглаб олиб, аёл томон юзландим.

Ҳали қуёш чиқиб улгурмаган, тонг эди. Мириқиб ухлаганидан бўлса керак, Жумагул янада чирой очиб кўз қорачиқлари тиниқлашиб, одамни ўзига оҳанрабодай чорларди. Гап-сўз қилмадим. Гап-сўзга у ҳам, мен ҳам муҳтож эмасдик. Келсанг-чи, келгин энди. Шунчалар ҳам интиқ куттирасанми, дегандай бағрига сингиб кетдим. Ҳушимга келганимда тундаги ётган жойимда эдик. У йиғларди, мен эса кулардим. Ўзига келганда бир-галашиб кулишдик. Меҳр билан сочларимни, юзларимни силади.

– Энди ўлиб кетсам ҳам армоним йўқ, – деди хўрсиниб. Бу хўрсинишда ўтган кунларнинг орзулари, армонлари жамулжам эди.

– Йўқ, ундай деманг. Ҳали сиз узоқ яшашингиз керак. Мана бу қизларингизни тожли-тахтли қиласиз, уларнинг номини дунёларга танитасиз. Ўлим ҳеч қачон қочмайди. Унинг дарвозаларидан минглаб, миллионлаб одамлар сифишиб ўта олади. Уни кутмоқ сизу бизнинг ишимиз эмас. У бизни кутсин, – дедим юрагим титраб.

– Ҳа-ҳа, тўғри айтасиз. Энди аёллигимни кашф қилганимда, – деб кўзларини юмди. Жумагулни ухлаганда янада гўзаллашиб кетишини кўриб турардим. «Фаришталар бўлса Жумагулдай бўларда», деган ширин хаёлда, юз-кўзларидан ўпа бошладим. У яна бағримга сингиб кетди. Мен ундан-да кўпроқ. Ҳушимизга келганимизда икки жон бир жонга айланган эди. Ўрнимиздан турганимизда Оқбой биздан анча олислаб кетиб, қизларимиз келиши мумкин бўлган томонга қараб ўтирарди.

Жумагулнинг кўзи унга тушиб:

– Унинг ақллигини қаранг. Оқбой итми ёки...
– деб кўрсаткич бармоғини осмонга санчди.

Жумагулнинг гапидан хаёлимга бир ривоят тушиб сўзлай бошладим.

– Донишманд, авлиё одамлардан бири кўчада кетаётса, қаршисидан хунуккина, жунлари тўкилиб кетган ит чиқибди. Шунда у киши: «Вой-ей, мана бу итга қаранглар. Шунчалар ҳам хунук бўладими», дебди шерикларига. Шунда ит донишманднинг йўлига туриб олиб: «Аслида икковимизни бир хил қилиб яратган. Сени одам, мени эса ит қиёфасида. Шу сабаб мени устимдан кулма. Мени устимдан кулишинг ўзингни мазах қилганингдир», – деган экан. Аёл гапларимдан таъсирланиб:

– Сизни чин дилдан ҳурмат қиламан. Мана шу кунлар ичида яшаяпман. Шу кунлар ичида бахт аталмиш маъбуднинг борлигига ишондим. Аллақачонлар мени ташлаб кетган қувончларим қайтди. Аллазамонлар юрагимдан сирпаниб тушиб қолган муҳаббатим ҳамроҳимга айланди.

Эй-й-й Худо, мен бахтлиман, бахтиёрман, ўзга орзулар керакмас менга. Менинг хаёлим, бахтим, муҳаббатим ёнимда, – дея бошини кўксимга қўйди. Елкасидан кучдим.

Иккимиз ҳам жим қолдик. Тасаввуримда у бо-
шини кўксимга қўйиб, бахтли кунига шукроналар
айтиб ибодат қиларди...

* * *

Сўрида Жумагул, Робия, Аҳмад ўтирибди. Гапни
нимадан бошлашни билмай каловланаман. Жума-
гулнинг нигоҳидаги далладан ўзимни қўлга олиб:

– Аҳмаджон, Робияхон, турмуш қуриш дегани
– ҳаётнинг машаққатли йўлида ҳамроҳ бўлишдир.
Ана шу ҳамроҳликда турли хил қийинчиликларни
енгиш, елкадошлик, ҳамдардлик, ҳамнафаслик
бўлса, нурли манзилларга етасизлар. Агар ўткинчи
ҳою ҳавасларга берилиб, йўлда айро тушсаларинг,
йўлларинг хатарга, ҳаётларинг зимистонга айла-
нади. Бу ҳаётий ҳақиқатни асло унутманглар!

Мана, бир неча кун ичида Аҳмаджон укамга,
Робияхон синглимга айланди, – дея Жумагулга қа-
райман.

– Ҳа, ака, – дея гапимни давом эттирди аёл. –
Аёл – эркак зотининг буюк мураббийсидир. Агар
шу мураббийликка дарз кетдими, эрни бир кун
ҳам бағрингда ушлаб туролмайсан.

Синглим Робия! Сен менга туғишган синглимдай
яқин, жони жигаримсан. Сени бағримдан йўқотиш
жуда-жуда оғир. Аммо йигит уйланади, қиз тур-
мушга чиқади. Бу табиатнинг қонуни. Бу қонун-
га ҳеч ким қарши боролмайди. Эсингда тут, агар
Аҳмаджон ёнингда бўлишини истасанг, шундай
иш қилгинки, токи у ҳеч бир кулбада сенинг ҳузу-
рингдаги роҳат-фароғат ва меҳрибонликка дуч кел-
масин. Ана шу олийликка эришсанг, синглим, эринг
қиёфасидаги бахт сени ҳеч қачон тарк этмайди.
Ана шу бахтнинг яна бир ёрқин томони борки – у
фарзанддир. Чунки эр-хотин орасидаги муҳаббат
фарзандлар туфайли мустаҳкам бўлиб боради.

Ҳаммамиз ҳам кимнингдир боласимиз. Эр хотинга, хотин эрига суюмли боласидай муносабатда бўлмоғи керак. Бир-биридан кўнгил қолмасликнинг энг мақбул йўли, шу йўлдир.

Бугун иккинчисиз ҳам шу мураккаб йўлнинг оstonасида турибсизлар. Яратган Эгам ёр бўлсин, сизларга, – деди лаблари титраб.

Жумагулнинг сўзларидан таъсирланган Робия:

– Опажоним, айланай сиздан, – дея аёлнинг кўксига бошини қўйиб йиғлаб юборди. Унинг дард билан айтган гапидан менинг ҳам кўзларимга ёш келди.

Жумагул уни овутиш билан овора эди. Аҳмаджон эса ер билан битта бўлиб ўтирарди. Ҳажжонли лаҳзалар эди. Бугун улар бир одамга айланишади. Жумагулнинг эса бағри бўшаб қолади. Бу матонатли аёлга жуда-жуда раҳмим келди.

* * *

Жумагул, Робия, Аҳмаджон, Иқболойлар тўй тадоригини кўриш учун шаҳарга кетишди. Эркаклардан мен, Аҳмаджоннинг куёв жўраси ва никоҳ ўқиш учун ташриф буюрган мулла қолган. Аҳмаджоннинг ўртоғи қизлар билан дастурхон тайёрламоқда. Яхши йигит экан, туни билан дўсти иккови қўй сўйиб, уни тозалашиб, қозонларга ташлаб қўйишди.

Мен Аҳмаднинг дўсти билан суҳбатлашмоқчи бўлиб, унинг ёнига бордим.

– Келинг, ака, – деди.

– Қандай ёрдам керак? – деб сўрадим.

– Ҳеч қандай. Ака, шўрвани ташлаб қўйдим. Бир оздан кейин димламани мана бу қозонга бостираман, – деди.

Биқирлаб қайнаётган самовар томон ўтдим. У ерда бир оз турдим, қизлар жой ҳозирлаётган те-

паликдаги супа томон юзландим. Супага яқинлашганим сари қизларнинг овози аниқ-тиниқ эшитила бошлади.

Улар хурсандчилик билан тўй дастурхонини безар эдилар. Чаққон ҳаракатларини кўриб хурсанд бўлиб кетдим. Санъаткор қизлар-да. Шу сабаб уларни дастурхон тузашда ҳам тажрибалари бор.

Қизлар мени кўрганларидан хурсанд бўлишди. Худди ўз жигарларини учратгандай. «Келинг, ака, келинг, ака», деб ўтиришга таклиф қилишди. Бири чой, бири нон олиб келиб безалган дастурхонга қўйди.

Уларни кузатаман. Худди рақсга тушишаётгандай чаққон ҳаракатланишарди. Чорпоялар устидаги меваларни ликопчаларга санъат асаридай теришган, помидор, бодрингларни мусаввирнинг сувратидай безашган, турпларга ғалати нақшлар беришиб, чиройини очган.

Ҳаммаси оддий. Аммо гўзал. Супанинг четидаги чорпоядаги дастурхонни безаётган Насима қизга нигоҳим тушади ва беихтиёр ўтган кунларини эслайман. Ўшанда у бир энтикиш билан:

– Бувимнинг айтишига қараганда, онам жуда чиройли қиз бўлган эканлар. Шу сабаб эрта тонгдан совчилар остонамиздан ҳатлашиб, бувим ва бобомни ҳоли-жонига қўйишмаган. Бувим куёвларнинг ичидан танлаб-танлаб охири дадамнинг ота-оналарига розилик берганлиги ҳақида сўзлаганда кўзларидан оқаётган ёшини менга билдирмасликка ҳаракат қилиб, кўйлагининг ўнгири билан артиб-артиб қўярди. Шунда бувимнинг пинжига кириб: «Бувижон, йиғламанг», дея ўзимнинг ҳам кўзларимга ёш келарди. У киши сочларимни силаб:

*Кундузим – тун, кўкрагим – хун,
қоматим – нун, дўстлар,
Меҳнату гам бирла чун
дашти гарибон ман бу кун, –*

дея ўзи тушунадиган ғамгин қўшиғини хиргойи қилганди.

Билмадим, балки бувим бўлганлиги учунми, бувимнинг овозидай ғамгин, ширали, ипакдек мулойим, маҳзун овозни эшитганим йўқ. Ҳазалларни жуда чиройли қўшиқ қилиб айтарди. Ўзи кекса бўлса-да, фариштадай аёл эди-да. Кексайганда ҳам чехрасини гўзаллик излари ташлаб кетмаганди.

Дутор чертиб қўшиқ айтганда юзидан нур ёғиларди. Қўни-қўшнилари ҳар ҳафтада бир кун бувимнинг қўшиқларини тинглашга йиғилар, улар қуруқ келишмай, қанд-қурс, тухум, нон, туршаклар кўтаришиб остона ҳатлашарди.

Бувим эса Нодирадан, Увайсийдан, Анбар Отиндан қўшиқлар айтар, тингловчилар бувимнинг дардли овозидан сел бўлиб оқишар, бири йиғлар, бошқаси хўрсинар, яна бири эса бошини кўтармай сукутга кетар, хуллас, барчаси ана шу қўшиқлардан дилларига яқин нималарнидир оларди. Чунки бувим билан хайрлашаётиб, бири: «Раҳмат, чеча, қушдай енгил тортдим», деса, бошқаси: «Опажоним, сиз борсиз яшаб юргандайман. Овозингизни эшитганда сел бўлиб оқаман», дерди.

Муסיқа билан ҳаётим боғланиб кетганлиги учунми бу санъатнинг куч-қудратини яхши ҳис қиламан. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бувим қишлоғимиз аёлларининг қувончи, суянчи, мададкори бўлган эканлар.

Бир кун бувим икковимиз ёлғиз ўтирибмиз. Шунда менга: «Дуторимни олиб чиқ», – дедилар. Бундай вақтда бувим дутор чалмасди. Асосан куй, қўшиқларини пешиндан кейин айтарди. Бугун

нимагадир эрта бошлади. Дуторни олиб чиқдим. Торларини чертиб-чертиб тўғрилади. Кейин секин бир куй чалди. У куй ҳамон юрагимга муҳрланиб қолган. Куй ортидан қўшиқ бошлади:

*Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели гамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат...
Ваҳки қон бўлди юрагим гавҳари ашк ўрнига,
Қатра қатра кўзларимдин томди
маржон оқибат...
Нодира, булбул киби то нола инишо айладим,
Навбаҳор ўтди, хазон ўлди гулистон оқибат.*

Бувим нечундир Нодира қисматига кўп қайтарди. Унинг ғазалларини ёддан билар, Нодира руҳига талпинар, қўшиқларини куйлаганда ўзи ҳам Нодирага айланиб қолгандай бўларди. Ўшанда Нодирадан яна бир неча ғазаларни қўшиқ қилиб айтиб, сўнгида кўзларида қатра-қатра ёш билан:

*Ёрдин айру мен бедилни зор этти фалак,
Ё шурун дарди дилимни ошкор этди фалак.
Нодира, кўз тутма гардундин
муруват ким баче,
Эътибори даҳрни безътибор этди фалак.*

дея қўшиғини тугатди. Кейин бир оз ўзига келолмай кўз ёш тўкди ва мени ёнига имлаб чақириб, онам қисматини сўзлаб берди. Чунки мен тўққан онамнинг эмас, бувимнинг парвариши ила улғайган қиз эдим.

Аммо онам эсимга тушганда: «Онамникига бораман», деган илтижоларимга жавобан бувим: «Кейин борасан», деб йўлимни тўсарди.

– Болам, – деди ўшанда кўз ёшларини яширмай бувим. – Отанг онангни ташлаб кетиб, бошқасига

уйланиб кетган. Кейин онанг ҳам бошқасига турмушга чиқди. Турмушга чиққан куёвининг ҳам олдинги хотинидан бир нечта боласи бор. Ўзлари учма-уч яшаб юришибди. У ерга борсанг, сен ҳам дардисар бўласан. Ўз отангникига эса сиғмайсан. Сени мендан бошқа суйиб, ардоқлайдиган одамнинг ўзи йўқ. Шунинг учун бу икки хонадонни ёддан чиқар. Онангникига бормасанг-да, ўзи келиб-кешиб юрибди. Онангни ҳам дарди ичида. У дардларни улғайганингда билиб оласан. Мени ҳам ёшим бир жойга борди. Менга сен қарамасанг, ким қарайди? Ўзинг юшиб-тараб, кўмасан. Уйимнинг чироғини ҳам ёқиб турувчи сенсан, – деди яна кўзларида ёш қалқиб.

Ўша куни сўрида икковимиз узоқ гаплашиб ўтирдик. Кейин мен уйдаги юмушларни тугатиб, дугоналаримникига чиқдим. Аллавақтгача улар билан мактабни битирсак, қайси ўқишга киришимиз ҳақида суҳбатлашиб, бир-биримизга мактаб дарсликларидан савол-жавоблар қилдик. Уйга қайтиб келганимда, бувим сандиғини очиб, нима-лардир қилмоқда эди.

– Овқат қилайми? – деб сўрадим бувимдан.

– Овқат қилиб қўйганман. Ўзинг тамадди қилавер, – дедилар. Ошхонага кириб овқатландим.

Мен бувимнинг қўшиқларини эшитиб катта бўлганман. Бувим дутор чалса ўйнардим. Қўшилиб қўшиқ айтардим. Овозим ҳам яхши бўлганлиги учун: «Сен менинг изимни ўчирмаслигинг керак. Шогирдларим кўп. Бирига сени топшириб кетаман», дердилар.

Бувижонимни ғамгин кўзлари кулганда, жуда чиройли бўлиб кетарди-да, – деди Насима энтикиб. Кейин юзида ғамгин кўлага сирпаниб:

– Икковимиз ўша тун сўрида ухладик. Мен бувимдан олдин жойимга ётдим. Ҳар куни қуёш чиққанда ўрнимдан турардим. Бугун саҳармар-

дондан уйғониб кетдим. Ёнимда бошини кўрпа остига олган бувим ётарди. Нафаси қайтиб қолмасин, деган умидда кўрпани сидирдим. Юзи совуқ эди. Шунда кимдир мени илкис ортга итарди. Яна юзига қўлимни олиб бордим. Нима содир бўлганлигини ҳис қилдим. Бувимнинг ҳаёт шами сўнганди. Дод солиб йиғлаб юбордим. Юзига юзимни қўйиб йиғладим. Кимлардир мени бувимдан ажратди. Аммо мен бувим томон талпинардим.

Онам келди. Онажоним келди. Йиғлаб келди. Бўзлаб келди. Тақдирига лаънатлар ўқиб келди. Мени кўрди. Бағрига босиб, бир бурда бўлиб йиғлади. Пешонаси шўрлигини айтиб йиғлади. Оналик меҳрини менга, фарзандлик меҳрини онасига беролмаганлигини айтиб йиғлади.

«Шунчалар шўрпешонаманми, қизим!» дея худди ёш боладай мендан сўради. Мен эса онамнинг фарёдларидан, ночорлигини айтиб йиғлашидан бирдан улғайиб қолгандай, онамни юпатдим. Унга меҳрибончилик қилдим.

«Сиз яхши яшайсиз! Мен сизни бундай аҳволда ташлаб қўймайман!» дедим. Бу сўзларни Худо кўнглимга солган экан, онам мени давримда яхши яшаяпти, – деди бир қувонч билан.

«Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин», дедим ичимда. Насиманинг яхши кунлари борлигидан хурсанд бўлиб.

– Бувижоним ўлими олдидан ҳам мени ёдидан чиқармаган экан. Ўша тунги ёстиғининг остидан бир мактуб чиқди. Унда шундай сатрлар муҳрланган эди.

«Ассалому алайкум, Маҳбубахон!

Ишларингизнинг яхшилигини ортдан эшитиб хурсанд бўлиб юрибман. Сизни Яратган Эгам ҳар доим қўллаб-қувватласин!

Маҳбубахон!

Биласиз, опангизнинг ҳаёти яхши бўлмади. Қизи Насима мен билан қолган. Бу йил саккизинчи синфни тугаллайди. Санъатдан хабардор. Яхши қўшиқ айтади, дуторни қойиллатиб чалади, ўйинни ҳам қиёмига келтиради.

Ана шу набирамни қанотингиз остига оласиз, деган умиддаман.

Фарзандларингизга менинг дуои саломимни етказинг.

Салом билан опангиз Иззатхон».

Мен бувимнинг ана шу бир энлик мактуби билан ўқишга кирдим. Ўқишни битириб, мактабда ишладим. Аммо мактабга киришиб кета олмадим. Жумагул опанинг жамоаси туманимизга концерт қўйишга борганда, қўшилишиб келаверганман. Опанинг қаноти остига кириб ёмон бўлмадим. Онамларга уй олиб бердим. Ўгай укаларимни ўқитдим, – дея гапини хулосалади.

Ҳар қандай эртақнинг охири яхшилик билан тугаса, хурсанд бўлиб кетасан. Тирик жоннинг қисмати яхшиликка боғланса, ундан-да хурсанд, шод бўласан-да.

Ҳа, Жумагулларнинг фаолияти фақат тўй-ҳашам билан чегараланмаган эди. Бу жамоа ўз музофотида обрў-эътиборга сазовор бўлган профессионал труппага айланганлиги сезилиб турарди.

* * *

– Келин келди, – деган қизлар овозидан ҳушёр тортаман. Қуйидан эса ғала-ғовур, одамлар овози эшитилади. Яқинлашиб борганимда йигирма чоғли эркак-аёл боғ ўртасида тўпланиб туришарди. Уларнинг кўзи менга тушиб истиқболимга юрдилар.

Бир умр ҳурматим йўқолган жойда қари ит мисол ким суяк ташларкин, деган ниятда ялтоқлан-

мадим. Шу сабаб бўлса керакки, қайга борсам, яхши кўришса, ҳурмат қилганидан яхши кўришди. Ёмон кўрганларни ҳам яхши кўришга ундаб, шафқат қўлимни чўздим. Улар ёмон кўравердилар, мен яхши кўришдан чарчамадим. Жуда-жуда чегарадан чиқа бошласа, жавоб қайтардим. Ўзим хоҳлагандай яшадим. Аммо эркимни ҳеч кимнинг қўлига тутқазиб қўймадим. Шу сабаб мен шу ерданман. Шу сабаб бугун бахтлиман. Менинг бутун ҳаётим ижодкорнинг ёзишга иштиёқи пайдо бўлган дамларига ўхшайди. Чунки унда сен хон, хоқонсан. Ўйинингни ҳеч ким тўсолмайди. Хаёлингда кечаётган воқеаларни ҳеч ким тортиб ололмайди.

Келган меҳмонлар билан бир-бир кўришаман. Уларни сўриларга таклиф қиламан. Чунки мен бугун келиннинг ҳам, куёвнинг ҳам отасиман.

Биз ўтирган сўридаги мулла тиловат қилади. Юзда бармоқлар сирпанади. Меҳмонларни дастурхонга таклиф қиламан. Бир пиёла чой устида менга жуда-жуда таниш санъаткорлар:

– Ака, тўйни келин-куёв келгунча қиздириб турайлик. Бугун биз хизматдамиз, – дея ўрнидан туриб, ён-атрофидагиларга у-бу ишларни буюриб, филофидан торини олиб созлайди. Ёрдамчилари микрофонларни ўрнатади. Тор овози микрофон орқали салобатли эшитилади.

Муסיқага алоқадор одамлар ўзга оламда. Уларда ҳамма нарса ошкора айтилади, ошкора бўлади.

Бир лаҳзада ҳофизнинг ёнида бир аёл пайдо бўлди. Қўшиқ бошланди. Жуфтлик қўшиғи. Эркакнинг овози худди баҳорий жаладан сўнг қирғоқлардан тошиб чиққан сел мисол гулдираб чиқди. Ўйин-кулги бошланди. Боққа яна қўшиқлар қайтди, ўйинлар қайтди. Тўйнинг ҳиди келди. Келин-куёвнинг шивирлари акс садо берди.

Тўйга Жумагулнинг қизлари билан қирқ чоғли одам йиғилди. Сўрида мулла икковимиз қолдик. Жумагул, Робия, Иқболой, Аҳмаджонлар кўринмади. Безовталаниб у ёқ-бу ёққа қарадим. Аҳмаднинг дўстини ишораси билан ўрнимдан турдим. Ортидан эргашидим. Ўчоқнинг ортидаги хонага бошлади. Ичкарига кирдим. Барча томони жиҳозланган кўркли хона. Мен излаганлар шу ерда экан. Хурсанд бўлиб кетдим. Улар ҳам. Ҳаммасини бир-бир бағримга босиб табрикладим. Шунда Иқболой:

– Куёвга қаранг, куёвга, – деди. Куёвга қарадим. Аҳмадбой ҳам келишган йигит экан, Робияга ярашиб, ерга қараб турарди. Синчков нигоҳимдан илҳомланган Иқболой:

– Ҳа, бўйидан аканг, – деди. Ана шу ҳазилнамо сўз ҳаммамизнинг баҳри-дилимизни очиб юборди.

Кўп ўтмай никоҳ ўқилиб, тўйга келганларнинг барчаси юқоридаги супага таклиф қилинди. Тўйнинг тўридаги жойга мен ва бир неча кексароқ санъаткорлар ўтиришди.

Қуйидан мусиқа садолари эшитилди. Қизларнинг «ёр-ёр» овозлари келди.

– «Келин-куёв келишяпти», – деган овозлар дарага оралади. Ёр-ёр айтганлар яқинлашди. Супа устида кўринди. Олдда келин-куёв, ортда қўшиқ айтаётган қизлар. Сўнгида Жумагул ва Иқболой. Келин-куёвга қарайман. Бир-биридан андоза олишгандай, бир-бирини тўлдиришгандай, бир-бирига суянишгандай ҳаракатлар билан юриб келишарди. Меҳмонлар ўрнидан туриб, қарсак чалиб олқишлади. Улар жойларига ана шу қарсаклар овози, ёр-ёр садоси ила келиб ўтиришди. Улар ўтириши билан Иқболой кўлига микрофонни олиб, меҳмонларни ўзига қаратиб, бир қўшиқ бошлади. Унинг қўшиғидан хурсанд бўлиб кетган меҳмонлар шодлигини ҳаяжонли олқишлари билан тасдиқлашди.

учун сўзни халқимизнинг фахрига айланган ёзувчи Дониёр акамизга бераман, – деди.

Қўлимга микрофон текканда, микрофонни ўзини гапиришга мажбурлаган ёш, навқирон даврларимга қайтиб сўзлай бошладим:

– Аҳмаджон укам, Робияхон синглимдир. Ҳар иккиси ҳам жони жигаримдир. Уларга кирган тикандан менинг жоним оғрийди. Уларнинг лабидаги табассумдан бағрим қувончга тўлади. Мен бугун улардай бахтлиман, – дея шеърлар ўқидим. Яна гапирдим. Сўнгида меҳмонларнинг олқиши ила Жумагулни кутдим. У сўзлай бошлади. Ёнида турдим. Қанча-қанча маросимларда одамларнинг ҳушини олиб сўзлаган аёлни бугун ҳаяжон босган эди. Тутилиб-тутилиб, тўхтаб-тўхтаб гапирар, меҳмонлар сукутга кетган, ёнимдаги Иқболой, қаршимдаги Робияларнинг кўзидан ёш қуйилар эди. Бу ёшлар қувонч ёшлари эканлигини Жумагулу қизлар биларди.

Жумагул сўзини бир шеър сатри билан тутатди. Шеърда ҳам армон излари бор эди. Ўзини тезда ўнглаб олган Иқболой қўлига торини олди. Ёнида ўзга қизлар созлари билан пайдо бўлиб, шўх куйни чалишди. Ўтирганлар жонланди. Лаҳзалар ичидаги сукунат бир ён сурилиб, ўрнидан қувонч садолари униб чиқди. Тажрибали санъаткорлар эмасми, даврани янада қизитишиб, ўйинга тушиб кетишди.

Жумагулнинг ёнига келиб, чой узатиб меҳрибончилик қилдим. Одамларнинг ўйин-кулгиси, шогирдларининг нозланиб қўшиқ айтишларидан чехраси ёришиб жилмайди. Менга қаради. Унинг нигоҳида ёлғиз қолган одам қиёфасини кўрдим. Унга ҳам, ўзимга ҳам раҳмим келди. Хаёлимдан кечган бу ғариб ўйни билдирмаслик ниятида жилмайиб:

– Тўй бўлса шундай бўлсин-да. Қаранг, одамларга. Қанчалар бахтли, бахтиёр. Ана шу лаҳза-

лик қувонч йилларга татийди, – дея қўлини сиқиб қўйдим.

– Борингизга шукр, – деди кўнгли кўтарилиб.

– Ҳали икковимиз кўп ишлар қиламиз. Бу қизларингизни биргаликда дунёга танитамиз, – дедим завқ билан. Аёлнинг чеҳраси ёришди. Дастурхондаги ноз-неъматлардан емоққа тутинди. Ўйин-кулги эса давом этарди.

* * *

Тун. Сўриларда ётган қизлар чарчаганларидан эрта ухлаб қолишди. Жумагул билан ёлғиз қолганмиз. Икки қалбни қовуштириб, кўнгиллар хотиржам тортган. Сафаримиз ҳам қариган. Аҳмаджон дўстига боғни топшириб, Жумагуллар билан кетмоқчи. Шу сабаб келин-куёвларнинг қаерда туришини аёлдан сўрайман.

– Укамнинг уйи алақачонлардан бери ҳувиллаб ётибди. Ўша уйни бермоқчиман. Раҳматлининг чироғини ҳам ёқиб туришади, – деди хотиржам овозда. Жумагулнинг бу гапларни хотиржам сўзлашидан юрагим эзилиб кетди. Бир сўз айта олмадим. Берган саволимдан нафратланиб кетдим.

Шунча йил яшабману, одам боласи қалбида шунчалар кенглик бўлишини кўрмаганлигим сабаб унга аёл, аёл сифатидамас, инсон сифатида меҳрим товланиб кетди. Беихтиёр ёнига силжиб бориб, қўлидан ушладим.

– Айланай сиздан, – дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

– Ака, мен жуда-жуда бахтлиман, ҳечдан кўра кеч бўлса-да, сизни топдим. Сизнинг келишингиз шарофати ила синглимни узатдим. Сезиб турибман, Аҳмаджон яхши йигит, синглим у билан бахтли бўлади, – деди бир титроқ билан.

– Айтганингиздай бўлади. Улар бахтли, бахтиёр яшашади. Ҳали уларнинг ўзларига эналик, болаларига бувилик қилиб юрасиз, – дедим ихлос билан.

– Ҳа, айтганингиз келсин, Дониёр ака! Бояги гапимизга келсак, иккиланмасдан шу улуғ ишнинг бошида турунг. Қизларимизнинг истеъдодини бутун дунёга танитаман, деган сўзингизнинг ўзи биз учун шараф. Ҳазрат Навоий, Жомийлар ҳам хонандаю созандаларга мурувват кўрсатиб, уларни шоҳликка, шоҳ саройига яқинлаштириб, бутун Хуросонга машҳур қилган-ку. Кавкабий, Шоҳқули Ғиҷжакий, Дарвеш Али Чангий каби ўнлаб созандаю хонандаларнинг номи ҳозиргача эсланади. Сиз бу қизларнинг номини эл орасига ёйсангиз, улар улуғ номингизни янада улуғлаштиради, – деди меҳр билан менга тикилиб.

Жумагул мен учун ноёб топилма эди. Шунча билим, шунча истеъдод, ақли, мулоҳазали бўлиши билан бирга ҳеч бир санамдан қолишмайдиган фаришта ҳам эди. Сўзларидан эҳтирос ёғилиб турган бундай аёлни унутиш, ёддан чиқариш мумкин эмасди.

– Эртага кетасизми? Ҳечам кетишингизни хоҳламайман. Аммо кетишингиз керак, – деди шивирлагандай овозда. Яна: – Ойга қаранг, ойга! Тўлин ой. Сокин оқшом. Ёнингда жону жаҳонингга айланган одам билан бирга бўлиш. Аёл зотига бундан ортиқ нима керак! Ҳеч нарс! Аҳён-аҳёнда бўлса ҳам ёнимда бўлинг. Ёнимда бўлсангиз, бу сизни менга қилган шафқатингиз бўлади, – деди хўрсиниб.

Бир неча кунлардан бери ўзининг ўтмиши ҳақида сўрашга чоғландим. Аммо сўрай олмадим. Бугун эса уни ўтмишидан кўра бундан кейинги ҳаёти муҳимлигини ҳис қилдим ва уни узоқ йиллар олдин тўйда кўриб ошиқ бўлганлигимни айтмоқ истадим. Аммо айта олмадим. Вақти келиб айтарман, деган хулосага келдим.

Жумагул уйқуга кетди. Устига кўрпани ёпиб қўйдим. Тўлин ой нурида балқиб ётарди аёл...

Уйғонганимда Жумагул ёнимда йўқ эди. Аммо қуйидан унинг овози келарди. Ёнимдаги ариқ сувида юзимни чайиб, овоз келаётган томонга юзландим. Чехрасидан нур ёғилаётган Робиянинг кўзлари менга тушди. Югуриб олдимга келди. Ўзини қучоғимга ташлаб:

– Айланай, акажон! Сизга мингдан-минг раҳмат! Ҳаммаси Сизнинг шарофатингиз билан, – дея лаблари титраб йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшларини артдим.

– Йиғлама синглим, сингилжоним, ҳали олдинда шундай бахтли кунлар борки, у кунларни биргаликда баҳам кўрамиз, – дедим пешонасидан ўпиб.

Куёв кўринди. Аҳмадбой хурсандлигидан тиржайиб, дўрсиллаб юриб келарди. Уни ҳам бағримга босиб:

– Бахтли бўлинглар, жигарларим! – дедим бир меҳр билан икковининг елкасига қўлимни ташлаб.

...Мен ҳам катта йўлгача Жумагулларнинг автобусида кетмоқчи бўлдим. Қизлар автобусга чиққанлигимдан хурсанд. Келин-куёв автобуснинг олдинги ўриндиғида. Машина ҳаракатланди. Қизлар қўшиқ бошлади. Нақаротига ҳаммамиз қўшилдик. Жумагул қўлимни маҳкам ушлаб олган. Аҳён-аҳён бир меҳр билан менга қараб қўяди. Қизлар қўшиғи давом этарди.

*Шундай одам олдиға боргинки,
Унга эли талабгор бўлсин,
Шундай кишиға ноз қилки,
У сенга харидор бўлсин...*

Қўшиқ келин ва куёвнинг ҳаётига мослигини сезганимдан Жумагулга:

– Бало қизлар, – дедим қўлини қисиб.
– Ҳа, – деди у ҳам титроқ овозда. Унинг овози-
дан сергакландим.

– Ҳали икковимиз ўзингиз айтгандай кўп ижо-
дий ишларни амалга оширамиз. Тез кунда китоб-
ни ёзиб тамомлайман. Ҳадемай китоб билан ор-
тимга қайтаман.

У ортимга қайтаман деган сўзимдан энтикди.
Жилмайиб менга қаради. Елкасидан қучиб қўй-
дим. Қизлар қўшиғи эса давом этарди:

*Ҳаяжон тўлқини, ҳасрат, табассум,
Ширин хаёллару жон олар маъсум,
Нозик иболару сенгадир исён –
Муҳаббат соҳиби бахтиёр инсон...*

Худди қизлар қўшиқларини менга, Жумагулга,
Робияга, Аҳмаджонга бағишлаб куйлаётгандай эди.

Катта йўлга чиқдик. Автобус тўхтади. Автобус
ортидан Жумагулнинг машинаси мени шаҳарга
ташлаб келиш учун келарди.

Қизлар билан хайрлашаман.

– Энди бизни сиздан бошқа яқинимиз йўқ, –
дейди Робия қучоғини очиб.

– Ака, сизга суяниб қолдик, – дея қўл узатади
Мария.

Ҳамма қизлар билан бир-бир хайрлашдим. Ке-
лин-куёвнинг пешонасидан ўпиб:

– Барчангизга Аҳмадбойдай куёв ато қилсин.
Ўша тўйларингиз бошида опаларингиз билан бир-
га турайлик, – дея Жумагулга юзланаман. Аёл га-
пимни тасдиқлаб бош эгади.

Қизлар автобусга чиқишди. Жумагул иккови-
миз ёлғиз қолдик. У қўлимни ушлаб:

– Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Ҳеч кимга керак
бўлмасангиз-да, менга жуда-жуда кераксиз, – деди

киприкларига ёш илиниб. Унинг гапидан, ҳолатидан ғалати бўлиб кетдим. Ўзим, ўзлим ёдимдан кўтарилади. Уни бағримга босдим. Бир сўз айта олмадим. Иссиқ нафаси вужудимни илитарди.

Автобус юрди. Қизларнинг шўх-шодон қўшиғи эшитилди:

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки жон бўлмасун...*

Жумагулнинг машинасида шаҳарга юзландим. Ортимга қарайман. Автобус биздан узоқлашиб борарди. Мен эса улардан...

Кўларимни юмаман. Лаҳзалар олдин мен билан бирга-бирга, ёнма-ён кетаётган гуллар, чаманлар энди йўқ. Ич-ичимдан хўрсинаман. Мен ҳам улар билан кетишим мумкин эди-ку. Аммо кетолмадим. Журъатсизлигимдан эзилиб кетаман. Бахтимни ўз қўлим билан йўқотганлигимни ҳис қиламан.

Келишдаги фалокатга йўлиққан йўлга етганимизда ҳайдовчига:

– Мана бу йўлдан кетамиз, – дедим. У машинани айтган томонимга бурди. Ўша жойга яқинлашиб қолганимизда кўзим Муниралар ҳалокатга учраган жойга тушди. Машинани тўхтатиб, тиловат қилиб бирпас турдим.

– Раҳмат сенга, синглим. Мен сени танийман. Ҳаётингдан хабардорман. Дугоналаринг қатори сен ҳам синглимсан, синглим, – дея шивирлаб машинага ўтираман.

Уйларида меҳмон қилган қуёнлар уясига етиб келганимизда, узоқдан уларни кўрдим. Кўнглим равшан тортиб:

– Шу ерда тўхтат, ука! – дедим.

Машинадан тушиб, қуёнлар томон юрдим. Улар мени кўришди. Қочиб кетмасин деган умидда:

– Қандайсизлар, қадрдонларим. Омонмисизлар, – дедим худди ёш боладай қувониб. Улар бир-бирини ҳидлашди. Тасаввуримда ўз тилларида мен ҳақимда гаплашгандай бўлдилар. Секин яқинлашдим. Шунда мўъжиза юз берди. Иккалови ҳам мен томон югурди. Эгилдим. Сакраб бағримга ёпишди. Хурсанд бўлиб кетдим.

– Менинг халоскорларим. Сенларни кўриш на-сиб қилармикин, йўқмикин, деган умидда келаёт-гандим. Хайрият, учратдим, – дея жониворларни суйдим. Кимнингдир шарпасидан ортимга ўги-рилдим.

– Кимга гапиряпсиз? – деган саволидан ҳай-ратландим. Кимга гапирганлигимни англай олмай ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Бағримда ҳеч зоғ йўқ. Қуйида эса иккита оппоқ қуён териси бужмайиб ётарди...

Териларга тикилиб бағримга отилганлар улар-нинг руҳлари деб ўйладим. Ҳа-ҳа, ерда бужмайиб ётган оқ терилар менинг халоскорларим, бағримда-гилари уларнинг руҳлари эди... Ҳа-а-а, одам бола-си шунчалар шафқатсизмисан?

Сукутни бағримга жойлаб шаҳарга келдим. Ҳайдовчи уйимга кирмади.

– Бугун опани касалхонада концерти бор. Ўшан-гача улгуришим керак, – дея машина багажидан бир тугун олиб узатди. Ҳайратланганлигимни кўриб: – Робия опаларнинг тўйидан. Ширинлик-лар, – деди самимият билан. Робия сўзини эшитиб тугунни олдим.

Яна қайта икки девор орасига кирдим. Тугунни ошхонадаги стол устига қўйиб, диванга ёнбошла-дим. Уйқуга кетдим. Уйғонганимда қорним жуда оч қолганлигини сезиб, юзимни ювдим-да, чой қўйдим. Қайнагунча тўйнинг ширинликларидан

емоққа тутиндим. Тутунни очишим билан устида-
ги оқ пакетга кўзим тушди.

Ҳайратланиб очдим. Пакетдаги нарсани кўриб
ҳайрон бўлдим. Жуда кўп пул ва бир мактуб эди.

Мактубда эса шундай сатрлар бор эди:

Акажон!

*Буларни қўлингизга беришга тортиндим. Узр!
Китобни ёзиш, чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Хара-
жатларингизга ишлатасиз. Яна бир бор узр!*

Жумагул!

Хат сўнгида ҳалиги пулни олиб санадим. Са-
ноқдан адашдим. Яна санадим. Жуда кўп. Бу пул
билан битта китобмас, ўнта китобни нашр қилиш
мумкин эди.

«Берган Худога ёқибди» деганларидай, аҳволим-
ни олдиндан билган аёлга яна бир бор қойил қо-
либ, «Раҳмат сенга, азизим», дея шивирладим.

Қуёш ботди. Хонада сиқилдим. Уларни соғин-
дим. Ёзув столимга ўтирдим. Оқ қоғозни олдим.
Яна улар қошимга келишди. Сўзлай бошлашди.
Хурсанд бўлиб кетдим. Кейинги кунларимни қан-
дай ўтганлигини эслай олмайман...

Асарни тугатиб, тонг отиш олдидан хонадан
чиқдим. Уйим қаршисидаги йўлнинг икки чети-
га экилган тераклар ажиб манзара ҳосил қилган.
Уларга ҳайратланиб қарадим ва беихтиёр қизлар
овозини эшитгандай бўлдим. Қўшиқ қуёш чиқиш
томондан келарди. Қаршимда эса оппоқ нурга ай-
ланган сингилжонларим кетиб борар, самода улар-
ни Зухро юлдузи кузатарди. Ортларидан қувиб ет-
моқ истадим. Аммо ета олмадим...

2015 йил, 25 август

Адабий-бадний нашр

АБДУРАШИД НУРМУРОДОВ

ОҚ ҚИЗЛАР

Роман

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Мусахҳиҳ
Феруза ҚУВОНОВА

Бадий муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 01.06.2020 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 9,0. Шартли босма табағи 15,12.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 10000 (I завод 2000) нусха. Буюртма № 82.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММ да тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖ да чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72;

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43;

факс – (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

30000

84(54)6
H-84Янги
АСР
Авлоди
Адабиёти

Оқ қизлар

АБДУРАШИД НУРМУРОДОВ

“Одамлардай яшашга интилдим. Интилган йўлларимда сароблар унди. Ҳеч қачон дилимдагини сиртимга чиқариб озорланмаганман. Аммо бугун қалб косамдаги шаробга бир тўлқин келиб урилди”, – дея Жумагул илкис қадамлар билан лолазор томон юрди.

Мен уни не сўз билан юпатишни билмай ортидан қараб қолдим. У лолалар қаршисида тиз чўкди. Ортидан бордим. Яқинлашганимда қўлларига кўзим тушиб, ҳайратдан қотиб қолдим. Унинг мушт бўлиб тугилган бармоқлари орасидан алвон рангли лолалар қони чакиллаб майсаларга томарди...

www.book.uz

ISBN 978-9943-27-886-8

